

УСМОНЖОН ҚОСИМОВ

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ВА  
ТАНҚИДЧИЛИГИ  
ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

Тошкент  
“IQTISOD-MOLIYA”  
2006



ДУАДАРДАЙ  
ИМПЕРИЯГА ВА ЙІЛДІЗДЕ МОНДА ДОМОДАУ  
**УСМОНЖОН ҚОСИМОВ**

**ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ВА ТАНҚИДЧИЛИГИ  
ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР**  
(Монография ва адабий-танқидий мақолалар)

80/3.

JIZZAX DPI
INV № 125438
AXBOROT RESURS MARKAZI



Тошкент  
“IQTISOD-MOLIYA”  
2006

У.Қосимов. Ўзбек адабиёти ва танқидчилиги тарихидан лавҳалар. Монография ва адабий-танқидий мақолалар. Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2006. 156 бет.

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг адабий-эстетик карашлари ҳам бадиий ижод ва адабиётшунослик таракқиётида бекиёс аҳамиятга эга. Кўлингиздаги китобда улуғ шоирнинг эстетик таълимоти ҳақида фикр юритилади; Навоий ва Саъдий ижодидаги ғоявий-бадиий муштаракликка эътибор қаратилади.

Китобда Истиқлол фидоийлари бўлган Абдулла Қодирий, Чўлпон,Faфур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳхор ва Озод Шарафиддинов каби забардаст адибларимизнинг бетакрор ижоди ва ёрқин шахсиятининг муҳим қирралари ёритилади. Абдулла Қаҳхорнинг адабий-танқидий карашлари бевосита бадиий ижод ва адабиётшуносликнинг долзарб муаммолари билан узвий боғлиқликда ўрганилади.

Китобнинг алоҳида бир боби ҳозирги ўзбек адабиётимизнинг порлок сиймоларидан бири Тоғай Муроднинг Истиқлол ғоялари билан йўғрилган етук киссалари ва «Отамдан қолган далалар» романни таҳлилига бағишлиланган. Шунингдек, китобда Истиқлол даврида яратилган Адабиёт дарслкларининг афзалликлари кўрсатилиб, айрим танқидий мулоҳаза ва таклифлар ҳам ўртага ташланади. Ўйлаймизки, булар ҳам китобхонларни бефарқ қолдирмайди.

Китоб адабиётшунослар ва филолог-талабаларга ҳамда мактаб, академик лицей ва коллежларнинг ўқитувчи ва ўкувчиларига мўлжалланган.

**Такризчилар: филология фанлари номзодлари, доцентлар  
ОРТИҚБОЙ АБДУЛЛАЕВ, ҚОДИР ПИРМАТОВ**

**Масъул муҳаррирлар: ЎзМУ профессори, педагогика фанлари доктори  
ҚОЗОҚБОЙ ЙЎЛДОШЕВ,  
филология фанлари номзоди ТОҲИР ҚАҲХОР**

Абдулла Қодирий номли Жиззах давлат педагогика институти Илмий кенгаши ва Республика Таълим маркази томонидан нашрга тасвия этилган.

## МУАЛЛИФДАН

Истиклол шарофати билан бадий ижод ва адабиётшунослигимиз соҳасида ҳам жиддий янгиланиш ва тараққиёт тамойиллари кўзга якқол ташланмокда. Бадий асарларга энг аввало санъат намунаси сифатида ёндашиш ва уларга бадииятнинг юксак мезонларидан келиб чиқиб баҳо бериш устувор йўналишга айланиб бораётганлиги танқид ва адабиётшунослигимиз ривожининг муҳим бир омили бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бугунги адабиётшунослигимиздаги умидбахш тамойиллардан яна бири шундаки, кўп асрлик мумтоз адабиётимизга яхлит бир жараён сифатида қараш ва унинг барча муҳим факт-ҳодисаларини ҳолисона таҳлил этиш устувор жиҳатга айланайтири. Собиқ шўро даврида «реакцион дунёкараш», «диний-мистик асар» каби тамғалар билан қораланиб келинган кўплаб адабий-бадий ижод намуналари эндиликда ўзининг ҳаққоний баҳосини олаётганлиги ҳам мустакиллигимизнинг илм-фанимиз ривожига янги ва истиқболли уфқларни очиб берадиганлигига ёркин бир далилдир.

XX аср ўзбек адабиёти тарихини чукур ва илмий асосда ўрганиш борасида ҳам салмоқли натижалар кўлга киритилаётганлигини мамнуният билан эътироф этиш мумкин. Хусусан, қатагон йиллар қурбони бўлган Фитрат, Чўлпон, Бехбудий, Сўфизода, Элбек сингари буюк адиларимиз ҳаёти ва ижоди, ниҳоят, ҳалқимизнинг маънавий мулки сифатида қадрланаётганлиги ҳам танқид ва адабиётшунослигимизнинг муҳим бир ютуғидир.

Бугунги истиқлолимизни орзикиб кутган ва шу йўлда ҳалқимизга фидойлик билан хизмат килган адабиётимизнинг атоқли намояндлари – Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Faфур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Озод Шарафиддинов ва Тогай Мурод ижоди ва адабий-танқидий мероси ҳам ана шу юксак маънавиятимизнинг узвий бир қисмидир. Бинобарин, уни сидқидилдан ўрганиш маънавий-эстетик тафаккуримизни бойитибгина колмай, балки она тилимиз ва адабиётимизга бўлган меҳримизни ҳам бениҳоя оширади.

Кўлингиздаги китоб бир неча йиллар давомидаги кузатишлар натижасида юзага келган, унинг айрим боблари вақтли матбуотда эълон қилинган.

Унутилмас устозим ОЗОД  
ШАРАФИДДИНОВнинг  
ёрқин хотирасига  
багишлайман

# I. ИСТИКЛОЛ ВА АДАБИЙ ЭСТЕТИК ТАФАККУР

## Буюк эстетик таълимот

Буюк сўз санъаткори, улуғ мутасаввуф шоир ва мутафаккир Алишер Навоий энг аввало ўзининг беназир шахсияти ва ижодининг фавқулодда бой ва ранг-баранглиги билан илму фазл аҳдини ҳамиша ҳайратга солиши табиий. Кўп асрлик тараққиёт йўлини босиб ўтган сўз санъати ва жаҳон эстетик тафаккури нодир талантларга, илмий-бадиий мўъжиза ва қашфиётларга бой олам; бинобарин, Алишер Навоийга кадар ва Навоийдан сўнг ҳам бадиий ижод ва эстетик тафаккурнинг у ёки бу соҳаларида ноёб асарлар яратиб, оламшумул шуҳрат козонган кўплаб улуғ адиб ва алломалар ўтишган. Чунончи, ўзининг ёрқин истеъоди ва юксак ижодкорлик салоҳияти билан жаҳон адабиёти ва нафосат илми ривожига улкан хисса кўшган Аристотель, Абдураҳмон Жомий, Буало, Гёте, Пушкин, Лев Толстой, Максим Горький ва Абдурауф Фитрат сингари машхур адиб ва мутафаккирларнинг бадиий ижод ва эстетиканинг муайян соҳаларидаги нодир асарлари илмий ва адабий жамоатчилик томонидан ҳанузгача хурмат билан тилга олиниши бежиз эмас.

Лекин ҳам бадиий ижодда, ҳам адабий-эстетик тафаккур оламида Алишер Навоий каби тенгсиз қашфиётлар яратса олиш баҳти ҳамма улуғ адиб ва олимларга ҳам насиб этавермайди. Зоро, Алишер Навоий бадиий ижод каҳкашонида нечоғлик юксак даражага кўтарилиган бўлса, жаҳон адабий-эстетик тафаккур оламида ҳам шу қадар юксак бир мавқени эгалтайди десак, ҳакиқатга хилоф бўлмайди. Бу муҳим ҳакикат энг аввало шунда намоён бўладики, бадиий адабиётнинг ижтимоий-эстетик моҳияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида Навоийчалик кўп, чуқур ва изчил фикр-мушоҳада юритган мутафаккир санъаткор жаҳон адабиёти ва маданияти тарихида ҳам камдан-кам топилади. Навоийнинг жаҳон цивилизацияси олдидаги буюк хизматларидан бири ҳам шундаки, у ўз даври адабиёти, танқид ва адабиётшунослигининг энг долзарб ва энг муҳим муаммоларини ғоят ҳозиржавоблик ва ўзига хос нуктадонлик билан ҳал этиб бера олди. Улуғ мутафаккирнинг бадиият, танқид ва адабиётшунослик борасидаги кўп йиллик илмий-ижодий изланишлари ва салмокли асарларининг самараси ўларок XV асрда бадиий ижод ва эстетика соҳасида яхлит бир таълимот вужудга келди ва бу илҳомбахш таълимот сўз санъати ва нафосат илмининг кейинги асрлардаги таракқиёти учун ҳам бамисоли бир йўлчи юлдуз бўлиб хизмат килиб келаётганлигини фахр билан таъкидлаш лозим.

Хўш, жаҳон эстетик тафаккурининг юксак бир чўккиси саналган Алишер Навоий адабий-эстетик қарашлари силсиласида асосий ўрин тутувчи муҳим муаммолар нималардан иборат ва улар бугунги адабий-танқидий жараён ҳамда маънавий-эстетик тафаккур ривожида қандай

аҳамият касб этади? Албатта, мавзуни кенг ёритиш учун кўплаб жиддий тадқиқотлар талаб этилади. Кези келганда, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, улуғ шоир ҳаёти ва ижодини ўрганиш борасида адабиётшунослигимизда эришилган ютуклар озмунча эмас. Хусусан, навоийшунослигимизнинг таъмал тошларини қўйиб кетган Ойбек ва Шайхзода, Садриддин Айний ва Faфур Fуломлардан бошлаб, йирик адабиётшуносларимиздан Олим Шарафиддинов ва Иzzат Султон, Ҳамид Сулаймон ва Воҳид Абдуллаев, Порсо Шамсиев ва Воҳид Зоҳидов, Натан Маллаев, Абдукодир Ҳайитметов, Азиз Қаюмов, Ботирхон Валихужаев, Алибек Рустамов, Фозила Сулаймонова ва Суйима Фаниева каби таникли алломаларимизнинг бу кутлуг мавзуни ёритишдаги фидоийлик ва жонбозликлари таҳсинга лойикдир. Навоийшуносликдаги изланишлар сўнгги пайтда, айниқса, истиклол йилларида янада самарали кечмокда. Эндиликда навоийшунослигимизнинг турли кирраларини ёритишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Нажмиддин Комилов, Сайдбек Ҳасанов, Муслиҳиддин Муҳиддинов, Султонмурод Олимов, Нусратулла Жумаев, Иброҳим Ҳаккулов, Олимжон Жўраев, Ваҳоб Раҳмонов ва Дилором Салоҳий каби янги бир авлод етишиб чиққанлиги ҳам Навоийни англаш борасидаги адабий-эстетик тафаккуримизнинг бойиб ва чуқурлашиб бораётганлигидан ёркин гувоҳлик бериб туради. Бу тадқиқотчиларимизнинг турли йўналишдаги салмоқли ишларини эътироф этган ҳолда, биз бу муҳтасар мақолада навоий адабий-эстетик қарашларининг айrim жиҳатларинигина кўрсатиб ўтишга ҳаракат қиласиз.

Энг аввало, шуни таъкидлаш жоизки, Алишер Навоий адабий-эстетик қарашлари ўзининг теранлиги, мавзу- муаммоларининг ранг-баранглиги, қамров-кўламининг бениҳоя кенглиги ҳамда, бевосита бадий ижод жараёни ва амалиёти билан чамбарчас боғлик эканлиги билан дикқатга моликдир. Шубҳасиз, бадий адабиётнинг ижодий-эстетик роли ва санъаткор бурч-масъулияти ҳакидаги қарашлар Навоий эстетикасининг марказий нуқтаси, яъни бир сўз билан айтганда, улуғ шоир сабокларининг жавҳари бўлиб ҳисобланади.

Барча замонларда ҳам адабиёт ва санъатнинг мангу муаммоси бўлиб келаётган бу масалалар хусусидаги Навоий қарашларини кенгрок тасаввур этиш ва уларни имкон кадар умумлаштириш мақсадида дастлаб Навоийнинг назм ҳакидаги, хусусан, сўз тўғрисидаги фикр-мушоҳадаларига тўхталиш лозим. Чунки, Навоийнинг ҳажман энг кичик шеърларидан тортиб, «Ҳамса» сигача, турли мавзулардаги анжуман, баҳс-мунозараларда билдирган фикр-мулоҳазалардан тортиб, танкид ва адабиётшунослик соҳасидаги йирик асарларига қадар- барчасида сўз таърифи асосий ўрин тутадики, бу тасодифий эмас. Шу ўринда ҳакли бир

савол туғилади: нега Навоий сўзга бу қадар кўп ва жиддий аҳамият беради ва нега сўзни бу қадар юксак қадрлайди?

Одатда, биз, моддиюнчилар, кўпинча сўз ҳакида, тилнинг ижтимоий роли ҳакида фикр юритганда, унинг муҳим алоқа қуроли эканлигини яклиллик билан эътироф этамиз. Албатта, бундай қарашни ҳам хато деб булмайди. Бироқ Навоийнинг сўзга муносабати ва сўзга нисбатан талабмасъулияти биз кўниккан меъёр ва қарашлардан кескин фарқ килади: у сўзда илохий бир кудрат, мўъжизакор сеҳр кўради. Навоий нуқтаи назарида, сўзда муқаддас ҳадислар каби бекиёс улуғворлик, ҳаётий ҳикмат ва теранлик мужассам:

Сўз гуҳарига эрур онча шараф,  
Ким бўла олмас анга гавҳар садаф.  
Сўздин улукнинг танида руҳи пок,  
Рух доги тан аро сўздин халок...

Навоийнинг сўз ҳақидаги бундай ғайри оддий қарашларини бадий адабиётга, шеъриятга нисбатан берган таърифлари сифатида ҳам талқин этилса, хато бўлмас. Зоро, Навоий сўз хусусида фикр юритганда, энг аввало, бадий адабиёт, назмнинг юксак ижтимоий-эстетик функциясини, фавқулодда жозибадор ва таъсиричанлик қудратини назарда тутган бўлиши ҳакикатга якинdir. (Сўз-форсча сўхтан, яъни куйдирмоқ, ёндиришмоқ маъноларини англатишини ҳам ёдга олайлик.) Бу тахминимизнинг далили тариқасида яна Навоийга мурожаат қиласи. «Фарҳод ва Ширин» достонини бошлар экан, улуғ шоир ўз асарларига нисбатан турли миллат ва элатларнинг чуқур эҳтиром билан муносабатда бўлишларини орзу ва тахаййўл этиб, шундай ёзади:

Кунгул бермиш сўзимга турк жон ҳам,  
Не ёлғиз турк, балким туркмон ҳам...

Навоий наздида сўзнинг ва сўз орқали ифодаланаётган шеъриятнинг таъсири кучи энг аввало шоир қалби қанчалар уйғоқлигига ва унинг оддий инсонларга нечоғлик ҳамдард эканлигига ўзвий боғлик. Шу муносабат Алишер Навоийнинг қуидаги машҳур сатрлари ҳам ҳар бир виждонли санъаткорнинг, ҳар бир миллатпарвар зиёлининг юксак аъмоли, ҳаётий бир дастурига айланса қани эди, деган ўй кечади ҳаёлимиздан:

Юз жафо килса менга, бир қатла фарёд айламон,  
Элга килса бир жафо, юз қатла фарёд айларам.

Алишер Навоий эстетикасининг таъмал тошларидан бири бўлган бундай фикр ва қарашлар чинакам санъаткор шахси, унинг феъл-атвори, аҳвол-сажияси ва эътиқоди қандай бўлиши керак деган саволларга ҳам энг тўғри бир жавоб бўла олади.

Шоир эстетик таълимотидаги ўзак масалалардан бири, шубҳасиз, бадиият муаммоларидир. Навоий фикрича, юксак бадиият мезонлари

хилма-хил. Ҳақиқий санъат асарининг энг зарурий шартларидан бири эса - бу шакл ва мазмун мутаносиблигидир. Шу ўринда қисқа бир чекиниш қилишга тўғри келади. Афсуслар бўлсинки, собиқ шўро даврида илм-фан ва адабиётнинг барча ютуқ ва муаммолари бирёқлама, яъни марксизм-ленинизм таълимоти асосида талкин этилди ва ноҳолис баҳоланди. Оқибатда, адабиёт ва санъатнинг ҳам барча муҳим қонуниятлари гўё «марксизм-ленинизм даҳолари томонидан кашф этилган ва жамики муаммолари уларнинг акли-закоси билан чуқур ёритиб берилган» деган мутлақо уйдирма «ҳақиқат» лар тўкиб чиқарилди. Ҳолбуки, на Маркс, на Энгельс адабиёт ва санъат масалаларига бағишлиланган лоқал бирорта мақола у ёқда турсин, хатто бирорта такриз ҳам ёзмаган бўлса, қандай қилиб бадиий ижод ва эстетика соҳасида бутун бошли таълимот яратди экан, деган өдлий саволни ҳаёлимизга ҳам келтирмасдик. Иккинчидан эса, маҳдудлик ва мутелигимиз шу даражада эдики, кўнглигимиз сезиб, аклимиз етиб турган ҳақиқатни ҳам айтишга журъат қила олмасдик. Яъни жаҳон адабиёти хазинасини не-не бадиий дурдоналар билан бойитган Алишер Навоийдек даҳо санъаткор ва мутафаккирлар наҳот адабий асар тақдирини ҳал этувчи бундай муаммолар хусусида фикр юритмаган бўлса, деган ўй-андишага ҳам бориб ўтирумасдик.

Аслида эса, бадиий ижодда шакл ва мазмун уйғунлиги муаммоси ҳам марксизм-ленинизмнинг адабиёт ва санъатнинг кушандасига айланган «таълимоти» вужудга келмасдан бир неча асрлар илгари ҳам Навоий каби улуғ шоир ва алломалар томонидан ғоят тўғри ва чуқур англашган ва энг муҳими, уларниг бундай теран фикр-қарашлари бевосита бадиий ижодга тадбиқ этилган. Фикримизнинг далили сифатида Навоийнинг куйидаги машҳур сатрларида шакл ва мазмуннинг бир-бирига мутаносиб бўлиши зарурлиги ва мазмуннинг устувор аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланганлигини эслайлик:

Назмда ҳам асл анга маъни дуур,  
Бўлсин аниң сурати ҳар не дуур.  
Назмки маъни анга марғуб эмас,  
Аҳли маъоний олдида хуб эмас.  
Назмки ҳам сурат эрур хуш анга,  
Зимнида маъни даги дилкаш анга...

Навоий даври адабий-эстетик тафаккурининг ўзига хос квинтэссенцияси, соддароқ қилиб айтганда, қаймоғини ташкил этувчи бундай қарашлар бугун ҳам чинакам бадиий ижоднинг “олтин” қонуниятларидан бири сифатида эъзозланмокда. Навоий эстетикасининг аҳамияти яна шундаки, унда тарихийлик ва бадиий ҳақиқат, анъана ва новаторлик каби кўплаб муҳим муаммолар кенг ёритилган ва улар бугун ҳам ўзининг долзарблигини йўқотгани йўқ.

## Теран илдизлар

(Саъдий ва Навоий ижодига бир назар)

Шеърият мулкининг султони Алишер Навоийнинг табаррук номи  
хакни равишда жаҳон адабиётининг энг буюк сиймолари қаторида фахр  
 билан тилга олинади. Албатта, не-не улуғ ижодкорлар қаҳкашонида  
 бундай юксак мавқеъ Алишер Навоийга ўз-ўзидан ёхуд бирданига насиб  
 этани йўқ. Аксинча, аввало, Навоийнинг фавқулодда нодир истеъоди ва  
 бой ижодиёти, Бобур сўзлари билан айтганда, кўп ва хўб ёзганлиги  
 шонрии бекиёс улуғлик даражасига кўтарди. Шу билан бирга, ёш  
 Алишернинг тенгсиз истеъодига бамисоли бир қанот бағишилаган ва уни  
 бутун салоҳияти ва жилолари билан эрта намоён бўлишига имкон берган  
 яна бир муҳим маънавий омил борлигини унутмаслик лозим. Зоро,  
 шонринг ўзи миннатдорлик билан кайта-қайта эътироф этганидек,  
 устозлар ёди ва сабоғи ана шундай қудратли бир омил бўлиб хизмат  
 килди. Яъни Навоий чинакам истеъодларга хос йўл тутди: илк  
 қадамлариданоқ ўзидан олдин яшаб, ижод этган форс-тожик ва туркий  
 ҳаликлар адабиётининг буюк намояндаларига астойдил шогирд тутинди,  
 уларга сидқидилдан ихлос қўйди, эргашди ва улардан ҳамиша руҳий  
 мадад ва илҳом олди. Ижодий балоғат сари кўтарилаётган ёш шоир учун  
 бундай мутолаа ва унутилмас сабоклар унинг поэтик тафаккурини хам  
 иччоглиқ бойитганлигини самимият илиа шундай эътироф этган эди:

“Йигитлиғим замони ва шабоб айёми овонида кўпрак шеърда  
 сеҳрсоз ва назмда фусунпардоз шуаронинг ширин ашъори ва рангин  
 абётидин 50 мингдан ортиқ ёд тутибмен ва алар завқ ва хушҳоллиғидин  
 ўзумни овутибмен ва салоҳ ва фасодларига фикр этибмен ва маҳфий  
 дақоқиқига тааммул ва тафаккурлар била этибмен”.

Шуни ҳам комил ишонч билан айтиш жоизки, Алишер Навоийнинг  
 Мавлоно Лутфийдек туркийгўй салафлари ва Низомий Ганжавий, Хисрав  
 Дехлавий ва Жомийдек улуғ ҳамсанавислар ёхуд Фаридиддин Аттор,  
 Саъдий, Хоғиз каби форс адабиётининг улкан намояндалари ўртасида  
 кечган устоз ва шогирдлик том маънода ижодий йўналишда бўлган;  
 бинобарин, Навоий буюк сўз санъаткорлари ижодиётидан ибратли  
 сабоклар олиш ва уларнинг кутлуғ анъаналарини муваффақиятли давом  
 эттириш билан чекланиб қолмасдан, ҳакиқий новатор санъаткор сифатида  
 устозлари билан кўп жихатдан ижодий мусоҳаба ва мусобақага киришиб,  
 бу борада улкан бадиий қашфиётлар яратади.

Ани назм этки, тархинг тоза бўлғай.

Улуска, майли беандоза бўлғай.

Йўқ эрса, назм қилғонни ҳалойик

Мукаррар айламак сендин не лойик...

Бу Алишер Навоийнинг юксак аъмоли, ижодий дастури эди, дейши мумкин. Дарҳакиқат, Навоий ҳаёт сингари рангин ва бой бўлган сўз мулки ичра сайр этиб, бу бўстон сахнида гул ва чаман кўп эканлигини тўла исбот этди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун форс-тожик адабиётининг машхур намояндадаридан бири – Муслиҳиддин Саъдий Шерозий билан Навоий ижодининг ҳаётий заминига, бемисл тафаккури ва дунёқарашининг ўзвий алокадорлиги ва муштараклигига бир назар солиш кифоя.

Маълумки, форс-тожик адабиётининг мумтоз вакилларидан бири Муслиҳиддин Саъдий 1203-1210 йиллар орасида Эроннинг Шероз шаҳрида рухоний хонадонида таваллуд топади. Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларига бир неча бор саёҳат қилган ва ҳаётнинг кўпдан-кўп машакқатлари ва рутубатли кунларини бошдан кечирган шоир 1292 йилда вафот этади.

Саъдий серқирра ижодкор бўлиб, жумладан, тўртта шеърий девон яратган. Айниқса, Саъдийнинг бой ҳаётий тажрибаси ва теран тафаккури самараси сифатида майдонга келган "Бўстон" (1257) ва "Гулистон" (1258) номли дидактик, яъни панднома асарлари нафакат Шарқда, балки Гарбда ҳам кенг таркалган бўлиб, шоирга катта шуҳрат келтирган. Жаҳон адабиётининг Гёте, А.С.Пушкин, Л.Толстой, А.Қодирий ва С.Есенин каби машхур намояндадари ҳам Саъдий асарларига қайта-қайта мурожаат қилганлиги ва улардан ижодий таъсирланганлиги бежиз эмас.

Саъдий асарлари ўзбек тилига ҳам бир неча бор моҳирона таржима этилган. Улардан айниқса, Оғаҳий, Fafur Fулом, Чустий ва Ш.Шомуҳамедовлар томонидан ўгирилган "Гулистон" ва "Бўстон" каби асарлар ва улардаги ибратомуз ҳикоятлар кенг китобхонлар оммасига манзурдир. Кези келганда, шуни ҳам мамнуният билан таъкидлаб ўтиш лозимки, Истиклол шарофати билан Аҳмад Яссавий ва шайх Саъдий сингари буюк мутафаккирларнинг бетакрор асарлари адабиёт дарсликларимиздан муносиб ўрин ола бошлади; эндиликда ўкувчи ва талабаларимиз кўплаб улуғ алломалар ҳаёти ва ижодини кенгрок ўрганиш имконига эга бўлмоқда.

Шайх Саъдий ижоди Алишер Навоийни энг аввало, юксак бадиийлиги ва ҳаётийлиги билан ўзига мафтун этади. Шунинг учун ҳам у Саъдий ижоди ва шахсини ғоят эъзозлаб, уни "Маоний ахлининг нукта пардози" деб таърифлаган эди.

Саъдий ва Навоий ижоди ва шахси билан яқиндан танишган ўкувчи шундай бир холосага келиши табиийдир: бу икки даҳо санъаткорнинг нафакат кенг тафаккури ва дунёқараши билан маънавий-рухий эътиқодида, балки уларнинг бутун шеърияти ва ижодиётида ҳам ажиб бир муштараклик ва ғоявий ҳамоҳанглик яққол кўзга ташланади. Чунончи, Навоий ўзининг "Ҳайратул-аброр" каби йирик асарларидаги катор

неколот ва ҳикоятларни яратишда Саъдийнинг машхур асарларидан ҳам тасаввубланганилиги ва руҳий баҳраманд бўлганига шубҳа йўқ. Дарҳақиқат, унор икки ҳалқ вакили ва турли даврда яшаган бўлсаларда, бирок унорнинг оламшумул тафаккури ва тасаввуф руҳи билан сугорилган нунёкарашида, шеърияти ва бадиий ҳамда мажозий образларида ҳам бирорини тўлдириб, бойитиб турувчи маънавимй-руҳий жиҳатлар кўплиги кинини ҳайратга солади. Аслида бунинг таажжубланарли жойи ҳам йўқ. Зероки, улар иккаласи ҳам кўплаб миллат ва ҳалқларнинг эъзоз-таҳсинига саловор бўлган ва юзлаб пурхикмат сатрлари ва ҳайратингиз тамсиллари билан миллионлаб китобхонлар қалбидан жой олган улуғ файласуф-мутафаккир шоирлар эди.

Бу икки даҳо санъаткорнинг буюклиги яна шунда кўринадики, орадан неча асрлар ўтишига ва ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам неча-неча янги авлодлар етишиб, дунё ва тафаккуримиз қанчалар ўзгариб туришига карамасдан, уларнинг бебаҳо адабий мероси бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Чунончи, Саъдийнинг қўйидаги машхур байти бугун ҳам инсонийликнинг юксак бир мезони бўлиб жаранглайди:

Ту гар меҳнати дигарон бегами,  
Нашоядки номат ниҳанд одами.

(Яъни, агар сен ўзгалар меҳнати, дард-ташвишига бегамлик қилсанг, сенинг номингни одам деб атаб бўлмайди).

Шу ўринда беихтиёр ҳазрат Навоийнинг ўз ҳаётий дастури мужассам бўлган доно ўгити ёдимиизга келади:

Одами эрсанг, демагил одами,  
Оники, йўқ ҳалқ ғамидин гами.

Афоризм даражасига кўтарилган бу мисралар (уларнинг шакли, вазни ва ҳатто ҳижолари ҳам бир-бирига монанд) Саъдий ва Навоийнинг юксак ҳалқпарварлиги ва инсонпарварлигидан ёрқин далолат бериб туриши билан бирга, айни вақтда, мазкур шоҳ байтлар чинакам инсонийлик ва унинг моҳиятини ёритишда бу икки мутафаккир шоирнинг яқдил ва ҳамфир эканлигини кўрсатиб туриши билан ҳам қимматлидир. Бинобарин, бутун ижоди ва руҳиятида тасаввуф ақидалари устувор бўлган Саъдий ҳам, Навоий ҳам кишиларни ҳамиша одамийликка, комилликка чорлаб, бир-бирига ҳамдард ва мададкор бўлишни эзгуликнинг олий бир намунаси сифатида улуғлаганлар ва шу тариқа асрлар давомида эскирмайдиган умуминсоний гояларни илгари сурганлар.

Шубҳасиз, юкорида келтирилган мисраларда тажассум топган мавзуу бирлиги ва гоявий-руҳий яқинлик асло тасодифий ёхуд қанакадир таклид натижасида юзага келиб колган эмас. Балки бу ҳол, аввало, икки улуг сўз санъаткорининг юксак гоявий-диний эътиқоди ва гуманистик дунёкарашидаги теранлик билан, улар ижодида Инсондек зоти шарифнинг асл моҳияти ғоят чукур ва атрофлича талқин этилганлиги билан

изохланади. Бу ўринда яна шуни ҳам эътироф этиш зарурки, Саъдий ва Навоий каби буюк санъаткорлар ижодида ўзининг ёркин ифодасини топган ҳаётни севиш ва инсонни ардоқлаш сингари эзгу ғоялар бизнин кунларимизда ҳам машҳур адилар ижодида теранлик билан давом эттирилаётир. Бинобарин, бу Саъдий ва Навоий каби улуғ санъаткорлар қадрлаган ва улар эътиқод қўйган ғоявий ақидаларининг ҳаётйлиги ва муқаддаслигига ёркин далолат эмасми?

Масалан, асримизнинг забардаст шоирларидан бири, қабарда-болкор халқининг виждонига айланган улуғ мутафаккир Қайсин Қулиев ўзгаларга ғамдошлиқ, бошқалар ҳаёти ва тақдирига масъул бўлишни чинакам инсонийликнинг зарурий бир шарти ва кишилар ўртасидаги меҳроқибатининг юксак кўриниши деб таъкидлаган:

Сен менга инисан, аъло ундан ҳам,  
Бағрингни эзолса бир ҳасрат, бир ун.  
Кетганлар учун гар чека олсанг ғам,  
Масъул яшай олсанг қолганлар учун.

(Абдулла Орипов таржимаси)

Инсон умриниг мазмуни ва олий мақсади ҳақида бундай чукур мулоҳазалар машҳур белорус ёзувчisi Васил Биковнинг “Ёдгорлик” қиссасида ҳам унтилмас бир ҳаётй сабоқ тарзида ифодаланган: “Бандаси нимадир эзгулик кўрсатиши орқалигина инсон каторига кўшилиши керак. Факат шахсий манфаатдан нарини кўролмай, бошқалар ташвишига ҳамдард бўлолмас экансан, турмушинг умрбод тузсиз, маъносиз кечаверади. Бугун бўлмаса кейинроқ яшаш тарзингда нимадир жилдий эзгулик рўй берганини сезсанг, шуни билгинки, бу аввало, оқилона инсоний олижаноблик, якин, ҳатто етти ёт бегона, кўмагингга муҳтож одамларга кўрсатган ғамхўрлигинг натижасидир, холос...”

Ҳар бир соғлом тафаккури кишини чукур ўйга толдирувчи бундай мисолларни ўтмишдан ва ҳозирда ижод этаётган таникли адилар ижодидан кўплаб келтириш мумкин. Улар бадиий ижод ва маънавиятнинг муҳим бир конунияти бўлган давомийлик ва анъанавийликни кўрсатиши билан бирга, Саъдий ва Навоий сингари улуғ алломаларнинг асарларида куйланган умуминсоний ғоя ва ақидаларнинг ҳаётй илдизлари асрлар давомида яшаб келаётган муборак Ҳадислар каби жуда теран ва кадимий эканлигидан гувоҳлик беради.

Ёки Саъдийнинг инсон ва унинг табиий хусусиятлари билан боғлик бўлган бошқа бир ҳаётй сабогини кўздан кечиралиқ: шоир айрим кимсалар табиатида чукур илдиз отиб кетган иллатларни коралар экан, жумладан, шундай ёzádi:

Ноқас бо тарбият нашавад, эй ҳаким, кас,  
Дар боғ лола руяд ва дар шура хору хас.

(Яни, эй оқил киши, нокас-инсон зотига ёт махлукдан инсон чиқараман деб, бехуда уриниб, азият чекма, чунки боғда гул-лола яшнаганидек, интогу шўразорда фақат тиканак билан хас-ҳашаклар ўсади).

Бундай муҳим ғоя Навоийнинг ҳам кўплаб асарларида учрайди. Биргина мисол:

Нокасу ножинс авлодин киши бўлсин дебон,  
Чекма меҳнат, яхши бўлмас касофат олами.  
Ким кучук бирла хутукка қанча қилсанг тарбият,  
Ит бўлур, эшак бўлур, бўлмаслар асло одами.

Юкоридаги мисралардаги ғоявий яқинлик ва фикрлар ифодасидаги миллий ва мантиқий асоснинг муштараклигини пайқаш кийин эмас ва бу ҳол шунчаки ташқи бир ўхшашлиқ ҳам эмас. Балки бундай ҳамфирлилик инг аввало, Саъдий ва Навоийнинг ҳаёт ҳамда табиат ҳақидаги Шарқона рух билан йўғрилган карашларининг ҳамда улар ўртасидаги ягона улуғвор маслак ва маънавий ришталарнинг ўзига хос бир ифодаси бўлса, иккинчидан эса, бу ғоявий ҳамоҳанглик икки буюк мутафаккир синъаткорнинг қатъий бир хукми-хулосаси, яъни разил ва тубан кимсалар хусусидаги фалсафий мушоҳадаси сифатида ҳам баҳоланиши мумкин.

Бу ўринда яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, адолат ва маърифат, эзгулик ва саховат каби фазилатларни бекиёс улуғлаш ва аксинча, ноҳаклик ва таъмагирлик, жаҳолат ва нобакорлик сингари иллатларни бевосита ҳаётий мисоллар асосида фош этиш Саъдий ва Навоий ижодида кенг ўрин тутади. Зотан,

Юз жафо қилса менга, бир қатра фарёд айламон,

Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам,

деган ҳаётий дастурига изчил амал қилган Навоий халққа ситам етказган золим ва разил кимсаларга қарши ўзининг бутун ижоди ва ижтимоий фаолияти билан аёвсиз курашганлиги ўзига хос бир жасорат тимсоли бўла олади. Навоийнинг замондоши машҳур тарихчи Хондамирнинг “Макоримул-ахлок” асарида баён қилинишича, Навоий подшоҳ Абдусаиднинг мазлум халқ арз-додига бепарво қараши ва золимлигини фош этувчи бир воқеанинг шоҳиди бўлар экан, ўзининг кескин мулоҳазаларини Саъдийнинг қуйидаги байти билан якунлайди:

Гадоеки нон аз дари шоҳ жуст,

Боядки зи оби худаш даст шуст.

(Подшоҳ эшигидан нон умидвор бўлган гадо қўлини ювиб, кўлтиғига суртиши, яъни жонидан умидини узиши керак).

Таникли адабиётшунос олим А.Хайтметов тўғри таъкидлаганидек, Шайх Саъдий ижодиётидан катта маънавий озиқ олган ва айникса, унинг бундай пурмъно шеърларига алоҳида хурмат ва назокат билан муносабатда бўлган Навоий, айтиш мумкин бўлса, уларнинг ғоявий мазмунини яна-да кенгайтиради ва таъсирчанлигини оширади; натижада,

Саъдий сатрларига ҳамоҳанг тарзда қуидаги залворли мисралар вужудга келади. Энг муҳими, улар золим подшохларнинг олчоқ табиати ва аждаҳо мисоли Ёвузлигини яна ҳам кескинроқ фош этиши билан даврнинг чуқур бир ижтимоий ҳақиқатини фавқулодда шижаат билан ифода этади:

Жаҳон ганжига шоҳ эрур аждаҳо,  
Ки ўтлар сочар қаҳр ҳангомида,  
Анинг коми бирла тирилмок эрур,  
Маош айламак аждаҳо комида.

Кўринадики, Саъдий ва Навоий асарларидаги бундай ғоявий анъанавийлик ва ҳамоҳанглик улар ижодиёти ва тафаккур оламининг муҳим бир йўналиши бўлиб ҳисобланади ва булар асло улуғ шоирлар истеъдодини камситишга ёхуд улар ижодининг бетакрор ва беназир эканлигига заррача шубҳа билан қарашга асос бермайди. Бинобарин, Саъдий ва Навоий улкан санъаткорлар сифатида ҳамиша юксак умуминсоний ғояларни олға сургалар ва нафақат ўз даврини, балки бутун башариятнинг дардли ҳақиқатларини теран идрок ва ифода этганларки, мана шу фазилатлар уларни маънавий-рухий жиҳатдан бир-бирига яқинлаштиради ва биродарлаштиради. Бу яқинлик ва муштараклик эса ўз навбатида кейинги авлод намояндалари билан руҳоний алоқадорлик ва адабий ворисликни вужудга келтиради. Турли миллат ва турли авлод вакиллари ўртасида улкан ҳаётий сабоклар ва юксак умуминсоний тафаккур ва ўлмас ғоялар заминида вужудга келган бундай маънавий ришталарнинг ғоят мустаҳкам олтин бир ҳалқасини, шубҳасиз, Саъдий ва Навоий ижоди ташкил этади.

## Тарихий ҳақиқат ва бадиий талқин

Истиқлол туфайли юртимиз тарихини ҳаққоний ўрганиш ва ёритиш имкони туғилди. Собиқ шўро даврида ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда бўлгани сингари мафкура, тарих, адабиёт ва санъат соҳаларида ҳам кўплаб жиддий хато ва чалкашликларга йўл қўйилганлиги ва улар нақадар мудхиш оқибатларга олиб келганлиги эндиликда бутун мураккаблиги ва фожиаси билан аён бўлмокда. Бинобарин, ҳалқимизнинг яқин ўтмиши ва маданияти тарихини ҳолисона ўрганиш, хусусан, Ўрта Осиё ва чор Россияси муносабатлари тарихи ва унинг адабиёт ва санъатда акс этиши мавзусини илмий асосда ёритиш ва унга ижтимоий адолат нуқтаи назаридан баҳо бериш ҳамда тарихийлик ва бадиий талқин муаммоларини кенг ўрганиш маънавиятимизнинг, айникса, Истиқлол мафкурасининг ҳам энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Таассуф билан айтиш лозимки, ўтган аср иккинчи ярми ва асримиз бошларида юз берган тарихий воқеа-ходисалар то мустақиллик йилларига кадар асосан бирёклама, яъни тарихийлик ва бадиийлик мезонларига

бутунлай амал килинмаган ҳолда ёритиб келинди. Гап шундаки, Ўрта Осиё ва Қозогистон халклари ўтмишидаги фожеаларга тўла бўлган бутун бир лавр ва бу даврда энг фаол ва миллатпарвар куч сифатида майдонга юнин жадидчилик ҳаракати ва адабиётининг асл мақсади ва улкан ижтимоий-сиёсий аҳамияти неча ўн йиллардан бўён кўплаб тарихий ва адабий манбаларда бутунлай бирёзлама талкин этиб келинди. Яъни Ғуркистон Ўлкасининг чор Россияси томонидан қонли тўкнашувлар ва ёшнинг жанглар остида шафқатсизларча босиб олинганлиги ва окибатда бу ўлка мутахассисларнинг ибораси билан айтганда, «мустамлакачиликнинг йўркни бир намунасига» айлантирилганлиги, бир гурух соҳта байналмилалчи олиму сиёсатдонлар томонидан ҳаспушланиб келинди. Бунинг устига худди ана шундай маддоҳ тарихнавис ва сиёсатдонлар томонидан гўё «Ўрта Осиё ўз ихтиёри билан русияга қўшилган», «Россия Ўрта Осиёга маданият ва маърифат олиб келди» қабилидаги уйдирмалар тўкиб чиқарилди. Ачинарлиси яна шундаки, бундай «кашфиёт» ва уйдирмалар юкоридан берилган кўрсатмалар асосида ҳукмрон мафкура тазйики остида ёзилган ва илмий мантиқдан ва ҳақиқатдан йирок бўлган кўнлаб тарих ва адабиёт дарсликлари ва қўлланмалари орқали бир неча ёш ивлоднинг соглом онги-тафаккурига зўрлаб сингдирилди.

Ҳолбуки, чор Россиясининг гораткор сиёсатини амалга оширишда Ўларининг кабихона режалари ва вахшиёна Ёвузликлари билан довруғ таратиб, халкнинг тавки лаънати ва чексиз ғазабига дучор бўлган ок подшонинг арзандалари бўлмиш Черняев, Куропаткин, Скобелев, Мочалов ва Кауфман каби қаттол рус генералларининг қундалик ва ёздаликларида ҳам ёхуд ўтган асрнинг сўнгига яратилган айrim мухим тарихий ва адабий асарларда ҳам Ўрта Осиёнинг чор Россияси томонидан тенгсиз қуролли тўкнашувлар ва даҳшатли хунрезликлар билан забт этилганлиги бутун тафсилотлари билан баён этилганлигидан атайин кўз юмиб келинди.

Нихоят, Истиклол шарофати билан қалбимизда кечганидек, ижтимоий-сиёсий карашларимизда, миллий онг-тафаккуримизда ҳам уйгониш ва ўзгариш юз берди-ҳар бир нарсани ўз номи билан аташ илм ва ижод ахлининг, айникса, тарих ва адабиёт намояндларининг юксак эъмоли бўлиши кераклигини равшанроқ англай бошладик ва бунинг натижаси ўлароқ, халкимиз бошидан кечирган қонли ва шонли даврларни ҳолисона ўрганишга ўзимизда журъат пайдо қила бошладик.

- Гўзал юлдуз ...

Сўзла, англат ўтгандаги турмушнинг

Бутун қонли, шонли, жонли ерларин.

Кўз олдимда жилваланур юрт учун

Жонлар бериб, қонлар тўккан эрларинг<sup>1</sup>.

деб ёзган эди беназир шоиришимиз Чўлпон. Бу сатрларни ҳар бир вижданли муаррих ва ҳар бир истеъодли адиб қатъий амал қилиш керак бўлган ва тарихнависликда ҳам, бадиий ижодда ҳам муқаддас ақидалардан бири саналмиш тарихий ҳақиқат принципининг ўзига хос бир шеърий ифодаси тарзида ҳам тушуниш мумкин. Шу жиҳатдан қаралгандা, Истиклол шарофати билан нашр этилган Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшохий», Фозилбекнинг «Дукчи эшон воқеаси», Ибратнинг «Таърихи Фаргона», профессор Ҳамид Зиёевнинг «Туркистонда Россия тажовузи ва хукмронлигига қарши кураш», адабиётшунос Ортиқбой Абдуллаевнинг «Туркистоннинг ўткан кунлари», Мажид Хасанийнинг «Турон боскини» сингари кўплаб асарларни ана шундай хайрли мақсад йўлидаги дастлабки дадил қадамлар сифатида баҳолаш мумкин.

Чор Россиясининг боскинчилик сиёсати тўғрисида ушбу асарларда ҳолисона билдирилаётган асосий фикр ва қарашларнинг қардош адиб ва олимларимизнинг шу мавзудаги етуқ асарлари билан ҳамоҳанглик касб этаётганилиги ҳам тасодифий эмас. Бу ўринда биз бир гуруҳ қардош адибларининг мазкур муаммо бўйича чиқишлигини, айниқса, таникли ёзувчи Абдужамил Нурпейсовнинг туркий ҳалқларимизнинг туб жойлари бўлган қадимий ерларимизни ҳам «казалдан Россияники эди», деб асосиз даъво қилаётган баъзи «улуг оғаларимиз» га қаратади ёзилган «Танаси бошқа дард билмас» («Чужая боль»- «Известия», 1990, 1 ноябрь) номли чукур мантиқли раддиясини алоҳида таъкидлашни истар эдик.

Илмий-тарихий фактлар ва рад этиб бўлмас ҳаётий далиллар асосида битилган бундай салмоқли асарларни ўқир эканмиз, беихтиёр ёдимизга доно бир нақл тушади: «Афлотун дўстим, лекин ҳақиқат ундан азизроқ». Дарҳақиқат, рус ёки бошқа қардош ҳалқлар билан биродарларча муносабатларимиз ва турли соҳадаги ҳамкорлигимиз туфайли ижтимоий-иктисодий турмушимиз ва адабий-эстетик тафаккуримизда содир бўлган ижобий ўзгаришлардан кўз юммаганимиз ҳолда, тарихий ҳақиқатга ва ўтган аждодларимизнинг муқаддас хотираларига нисбатан хиёнат қилмаслигимиз лозим. Чор Россиясининг «тош берса ютгувчи нафси ёрик» (Абдулла Орипов) малъун генераллари раҳнамолигида Туркистон ўлкаси томон ўтган аср ўрталарида бошланган боскинчилик юришлари ҳалқларимиз бошига не кулфатлар солганлиги ва зулм исканжасида ҳам ўзлигини йўқотмай, эрк ва озодлик учун адолатли курашга отланган минг-минглаб ватанпарвар юртдошларимизнинг чоризм истилочилар томонидан беаёв кириб ташланганлиги ўтмишнинг шунчаки бир хунук воқеалари ёхуд тарих лавҳаларигина эмас, балки улар ўша асрнинг унутилмас, мудхиш бир фожеаси сифатида қораланиши лозим.

<sup>1</sup> Чўлпон. «Яна олдим созимни». Тошкент. Г.Гулом номли Ал. ва санъат нашриёти, 1991 йил, 396-бет.

шардик деб қораланган миллий озодлик харакатининг асосий  
шаридан бири ҳам ана шундалиги энди аён бўлди.

Улкамизда чоризм сиёсати қанчалик даҳшатли оқибатларга сабаб  
шардигини кўплаб тарихий хужжатлар ва адабий манбалар тўла исбот  
шардидан. Чунончи, асримиз бошида бор-йқғи ўн йил ичидаги-1909-1920  
шардига Туркистон аҳолисининг I миллиондан ортиқ кишиси нобуд  
шардиган! Чоризм зулми остида рўй берган бундай хунрезликлар нафақат  
шардиган ҳамюртларимизнинг ёстигини куритиб қолмасдан, балки  
шардигисол бутун ўлкамизни вайрон қилган, обод шаҳар ва  
шардиган ҳам ҳаробага айлантирган. Миллатимиз ва адабиётимиз  
акри бўлган Фитрат ва Чўлпонларнинг 20-йилларда чукур дард билан  
шардиган «Юрт қайғуси», «Темур сағанаси», «Миррих юлдузига»,  
«Кунинга ўлкага», «Ёнгин», «Ўзбегим», «Бас энди» каби ўнлаб шеърлари  
ва «Найроналар орасидан», «Кутурғон мустамлакачилар» каби аччиқ алам  
ва фарёл тўла асарлари халқимиз бошига тушган ана шу фожеаларни  
законий акс эттирувчи адолатли бир айбномадек жаранглайди:

Эй, тоглари кўкларга салом берган зўр ўлка,

Нега сенинг бошинг узра куюк булат кўланка?

Ужмоҳларнинг кавсаридек покиза,

Садафларнинг донасидек топ-тоза

Салқин сувлар тоғдан куйи тушаркан,

Томчилари ёмғир каби учаркан,

Нима учун йиглар каби инграйлар?

Ёв борми, деб тўрт тарафни тинглайлар?..

Кўм-кўк гўзал ўтлоқларинг босилган,

Устларида на пода бор, на йилки.

Подачилар қайси дорга осилган?

От кишинаши, кўй маъраши ўрнига

Ох, йиги. Бу нега?

- Сенинг эркин тупроғингда хеч ҳакки йўқ хўжалар,

Нега сени бир қул каби кизғанмасдан янчалар?

Нега тағин танларингда қамчиларнинг кулиши?

Нега сенинг турмушингда умидларнинг ўлиши?

JIZZAX DPI

INV № 128438

AXBOROT RESURS MARKAZI

Шоирнинг 1921 йили ёзилган «Ёнгин» номли шеъри ҳам юқоридаги  
дардли сатрларда ифодаланган ҳаётий ҳақикатни янада тўлдиради ва уни  
чукурлаштиради. Бу шеърда акс эттирилган давр фожеалари кўлами ва  
даҳшатини унга эпиграф қилиб олинган куйидаги хабар орқали ҳам кўз  
олдимишга келтиришимиз мумкин: «Таланмаган, йиқилмаган ер йўқ,  
Гўдаклар найза бошида» (Хабар). Шеърдаги ҳар бир мисра бу оғир

<sup>1</sup> Карапт. Мажид Ҳасаний. Ватан юрагидаги дард. «Ёшлик» №7, 1991 й. 75-йет.

JIZZAX DPI

INV № 99887

AXBOROT RESURS

фожеани таъкидлаш билангина чекланиб қолмасдан, балки улар мудрок уйкудаги халкни уйғонишга даъват этади. Бинобарин, шоир қалбидан бамисоли қон каби сизиб чиқкан қуидаги сатрлар нафақат оғрикли саволлар, балки улар ўша йиллар халқимиз бошидан кечирган аянчы ҳаётнинг изтироб билан ифодаланган ҳаққоний манзаралари ҳамдир:

-Кўнглим каби йикик ўйлар, қишлоқлар,  
Бойқушларга бузук кўксин очганми?  
Ота-она, таниш-билиш, ўртоқлар  
Юртни ташлаб тоғ ва тошга қочганми?

Шундай катта бир ўлкада ёнмаган,  
Йиқилмаган, таланмаган ўй йўқми?  
Бир кўз йўқми қонли ёши томмаган,  
Бутун кўнгли умидсизми, синикми?..

Гарчанд, бундай шеърлар ўша йиллари хукмрон синфий мафкура ҳомийлари томонидан, асосан, миллатчилик руҳида ёзилган ва социалистик ҳаётни бузиб тасвирловчи ғоявий заарли асарлар сифатида кескин қораланганд бўлса-да, аслида эса, улар чинакам маънода халқпарвар ва миллатпарвар шоир бўлган Чўлпоннинг шафқатсиз реализмидан, ҳақгўйлигидан ёркин далолат берар эди. Зеро, Чўлпоннинг «Қип-қизил қон бўлиб кунлар ботадир, Ёмон хидга тўлиб тонглар отадир» сатрлари Туркистон ўлкасидаги мусибатли ҳаётнинг аччик, лекин ҳаққоний бадиий ифодаси сифатида миллий онг- тафаккуримизда ўчмас из колдирди. Чўлпон шеъриятининг ана шундай чукур ҳаётйлиги ва ҳаққонийлигини таъкидлаган таникли адабиётшунос Озод Шарафиддинов шоир шеъриятини «замоннинг нуфузли бадиий ҳужжати»<sup>1</sup> дея таърифлаган эди.

Дарҳақиқат, асримиз бошларида бекиёс ривож топган жадид адабиёти ва адабий-эстетик тафаккуримизнинг устувор йўналишлари ва энг порлок кирралари Чўлпон шеъриятида ўзининг ёркин ифодасини топган эди. Чўлпон шеъриятининг миллатпарварлик руҳи нақадар кучли эканлигини унинг Фарғонадек гўзал ва покиза ўлкамизни вайроналарга айлантирган ёвуз душманларга карата битган ўтли сатрларида ҳам кўриш мумкин. Ёхуд рус генераллари бошчилигига юртимизда олиб борилган қирғинбарот жанглар канчалар даҳшатли бўлганлигини биргина Жиззахга қилинган ҳужум мисолида ҳам тасаввур этиш мумкин. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, 1866 йил январь охирида генерал Черняев кўшини Жиззахга ҳужум бошлади. Бироқ у маҳаллий халқ ҳимоячиларининг қаҳрамонона курашига бардош беролмай, оркага чекинишга мажбур бўлади. Чор кўшинлари билан хонлик ўртасидаги

<sup>1</sup> О.Шарафиддинов. Чўлпон. Тошкент, 1991 й, 38-бет.

иивбагдаги тўқнашув Сирдарёning чап кирғоғида жойлашган «ағсанкүл» деган жойда бўлади. Бу жангда 100 минг кишилик хон кўшинни ва халқ қасоскорлари тор-мор этилади. 1866 йилнинг 2 октябрида чор кўшинилари генерал Кржижановский бошчилигида Жиззахни қуршаб оғали. Бу жанглар шу даражада даҳшатли бўлганки, тўқилган одам қони башносли сувдек оқкан... Жиззах ҳимояси учун мардона курашган шашчиларимизнинг жасоратини ҳатто душманлар ҳам тан олишган. Ана шундай хуризмиклардан сўнг Жиззах чор кўшинлари томонидан эгаллаб ошинали.<sup>1</sup>

Рус генераллари кўл остига ўтган Жиззах ахолиси ўлкамиздаги башка вилоят фуқаролари сингари босқинчилар зулми остида ҳақ-кукуниз яшашга мажбур бўлишган. Оташнафас шоиримиз Ҳамид Олимжоннинг

Мен бир қаро кунда туғилдим  
Туғилдиму шу он буғилдим.

Мен туғилиб кўз очган дунё,  
Ҳароб эди, бузғун, бенаво.  
Вайронада изилларди ел,  
Менга кондош, жондош бўлган эл,-

деган сатрларида ифодаланган дард-алам айни ҳакиқат эканлигини бутун тарих тасдиқлайди.

Дарҳакиқат, 1916 йилдаги кўзғолон ҳам оддий бир ғалаён эмас, балки иккиёклама зулм ва ҳаксизлик жонидан ўтиб, пичоқ суюкка бориб етган меҳнаткаш халқнинг эрк ва озодлик йўлидаги онгли ва ҳакли бир исёни эди. Чоризмнинг маъшум сиёсатига карши бундай адолатли кураш асримиз бошида ўлкамизнинг деярли барча шаҳарларида рўй берганлиги ҳам миллий онг ва инсоний ғурурнинг жунбўшга келганлигидан, халқимизнинг ўз эрки ва хуқуки учун хаёт-мамот курашига бел боғлаганидан ёрқин далолат берарди.

Халқимиз бошидан кечирган бу фожеа бадиий адабиётимизда, хусусан, бир қатор реалистик асарларимизда ҳам ўз аксини топғанлигини таъкидлаш зарур. Чунончи, буюк адабимиз Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи хотимасида асар қаҳрамони ҳаёти хусусида шундай дейилади: «1277 йилнинг кўз кезларида бўлса керак, Юсуфбек хожи Қаноатшоҳдан бир хат олди. Қаноатшоҳ Авлиётадан ёзар эди: «Ўғлингиз Отабек яна бир киши билан бизнинг қўшинда эди. Авлиёта устидаги чор аскарлари билан тўқнашувимизда биринчи сафимизни шу икки йигит

<sup>1</sup> Х.Зиёев. Туркистанда Россия тажовузи ва хукмронлигига карши кураш. Т

олди ва урушда қаҳрамонона шаҳид бўлишди. Мен ўз қўлим билан иккисини ҳам дафн этдим...»<sup>1</sup>

Асар бошида Россиядаги баъзи ижобий тартиб ва ўзгаришларга хайриҳоҳлик билан қараган Отабекдек илғор дунёқарашли ва комил бир инсоннинг тақдирни бундай якунланиши бежиз эмас эди. Яъни ўз асарларида ортиқча тафсилотларга ўрин бермайдиган А.Қодирий аслида, мана шу қисқа эпизод орқали ҳам чуқур бир ҳақиқатни ифодалашга муваффақ бўлган: ҳижрий 1277 сана милодий 1861 йилга тўғри келади. Бас, маълум бўладики, Отабек ва унга ўхшаган минглаб мард йигитларимиз Ватанимиз ҳимояси йўлида рус кўшинлари билан Тошкент яқинида бўлган муқаддас жанглардан бирида ҳалок бўлганлиги ҳам Россия империясининг Туркистонда амалга оширган ваҳшийларча хунрезлигининг рад этиб бўлмас далилидир. Ниҳоят, Отабекнинг ёлғиз фарзанди Ёдгорбек қисмати ва ундан қолган икки ўғилнинг биттаси бу кунда (яъни совет даврида) Марғилоннинг масъул ишчиларидан бўлиб, «иккинчиси Фаргона босмачилари орасида экан» лиги ҳақидаги муҳтасар баён ҳам ўқувчини чуқур ўйга толдиради. Балки бу ўлкамизда Октябрь инқилобидан кейин ҳам давом этган тало-тўплар, босқинчилик ва зўравонлик сиёсатига қарши ҳалқ қалбида уйғонган ҳақли норозилик ва мунгли дардга ишора эканлигини сезгир ўқувчи қалбан ҳис этади. Романинг бу жихатлари ҳам Истиклол даврида кенг ўрганилмокда.<sup>2</sup>

Чоризм истилосидан кейин барча меҳнаткаш ҳалқ рус генерал-губернатори, яъни шаҳар ҳокими ва тўраларга кулларча итоат этиб, ўз юртида бегоналардек яшаганлиги ва акс ҳолда, турли жазоларга дучор қилинганлиги Абдулла Қаҳҳор асарларида ҳам ҳақконий акс эттирилган. Жумладан, ёзувчининг ҳанузгача адабиётшуносларимиз диккат-эътиборидан четда қолиб келаётган «Томошабоғ» ҳикояси ана шу аччик ҳақиқатни моҳирона тасвирлагани билан алоҳида ажралиб туради.

1935 йилда ёзилган бу ҳикояга куйидаги машҳур мисралар эпиграф қилиб олинган:

Эй бус-бутун аёлати вайрон ўлон ватан,  
Ҳар гўшаси замонада зиндан ўлон ватан.

(«Рамузот»)

Бу дардли сатрлар ҳикояда тасвирланган воқеа замиридаги катта фожеанинг моҳиятини очишга ёрдам беради. Асада ҳикоя қилинишича, қадоқчи Ҳамроқул чолнинг тоби кочиб, уйига боришга ҳам мажоли келмай қолади. Шунда Уста Кулол, яъни Стокголов номли кекса бир таниши кўриб қолиб, уни ўзи коровуллик қиласидиган «Романовский» боғига олиб киради. Қайрағоч соясига ўтказиб, унга сув келтиради. Ҳамроқул сувни ичиб, бир оз ўзига келади. (Дарвоке, Тошкентнинг кок

<sup>1</sup> Абдулла Қодирий. Ўткан кулар. Т. 1994 й. 376-бет

<sup>2</sup> У.Норматов. Истиклол қайгуси. Шарқ юлдузи. 1993, №2. 183-184 бетлар.

даги Инқилоб ҳиёбони ёнида ТошДУ эски биноси жойлашган  
дан бири яқингача ҳам Романовский номи билан аталар эди).  
Бу пайт қаердан дир келиб қолган офицер бу икки муйсафидни  
кантаклай кетади. Бу ҳам етмагандай, миршабни чақиради. Икки  
б Уста кулол билан Ҳамракул чолни бутхонанинг нариги  
шаги миршабхонага қамаб қўяди. Кутимаган бу воқеанинг  
жотини ҳеч ким аниқ билмайди. Ниҳоят, бир ҳафтадан сўнг  
«Хикояни ӯлкаси» газетасида бу икки бечора чолнинг «гунохи» маълум  
ниади: «Ўтган 23 сентябрда мазкур шаҳарда русия даҳасидаги  
Романовский богида ҳам шу қабилда беадаблик содир бўлган. Чунончи,  
нишардан бири ўзларига соҳиблик қилиб турган русия тураларининг  
прохиттохларига кирган, яъни ниҳоятда беадаблик қилган...»<sup>1</sup>

Хикояни ўқиб чиққан ҳар бир если-хушли одам ҳайратга  
шамолиги мумкин эмас: во ажаб, кекса, бетоб бир чол ўз шахридаги  
юна кириб, озгина салкинласа, бир қултум сув ичса-бунинг нимаси  
ниҳоятда беадаблик» экан? Киши ўз юртида бегона бўлиб, ўз шаҳрининг  
хомошибогига киролмаса, бундан ортиқ ноҳақлик, бундан оғирроқ фожеа  
бўнармикни?

Эҳтимол, бу оғир манзарани бир муболага деб билувчи ёхуд ҳикоя  
сарлавҳаси остидаги «Ўтмишдан» деган сўзга асосланиб, «Ҳа энди, бу  
бурунги замонларда бўлган экан-да», -деб қўя қоладиган китобхон ҳам  
топилиар. Аслида эса, ҳикоянинг ўзок ўтмишга ҳам, эртакка ҳам ҳеч қандай  
шавқаси йўқ. Балки, бу ёзувчининг болалик хотиралари асосида ёзилган ва  
1915-16 йиллардаги ҳалқ хаётидан реалистик бир лавҳа. Дилни эзгувчи бу  
нижа «маданий» истилочиларнинг ўлкамизда юргизган хукмронлик  
сиёсатидан, ҳалқка ўтказган зулми ва зуғумидан бир нишона.

Ҳикоядаги воқеанинг ҳаётий ҳақиқат эканлигини Уста кулолнинг  
сўзлари ҳам тасдиқлагандек бўлади. Офицер билан миршаблар ҳам одам-  
ку, зора раҳми келиб қўйворишса, деган умидда уларга ялиниб, эргашиб  
бораётган кампирига Уста кулол шундай дейди: «Йиғлама! Мен бир  
турмадан иккинчи турмага ўтаётиман, нега йиғлайсан». Жабрдийда  
чолнинг бу сўзлари Россия империясининг арзандалари бўлмиш рус  
ҳарбийларининг ўлкамизда ўрнатган ғораткор сиёсатига берилган одилона  
тавриф, ҳалқ дилидаги адолатли хукм эди. Ўша мустамлака даврида  
чиндан ҳам бутун Россия ва унинг таркибидаги Туркистон ҳам, ҳалқлар  
турмасига айланганди. (Герцен)

Фитрат ва Чўлпон, Бехбудий ва Қодирийлар асос солган жадид  
адабиётининг улкан аҳамияти ҳам шундаки, бу тарихий ҳақиқатни  
фавқулодда катта жасорат ва маҳорат билан ва энг муҳими ҳалқ ва миллат  
манфаатлари нуктаи назаридан ҳаққоний акс эттиради. Бирок афсуски,

<sup>1</sup> А.Каххор. Асарлар. I том. Тошкент, F.Гулом нашр. 279-бет.

ижтимоий-сиёсий ва адабий-эстетик тафаккуримизнинг юксак боскичи сифатида намоён бўлган жадид адабиётининг бу каби ёрқин қирралари мутлақо ҳолисона баҳоланмади. Аксинча, то мустақиллик йилларни кадар асосан бирёклама баҳоланди ва қораланиб келинди.

Истиқлол туфайли бундай адолатсизликлар барҳам топмоқда. Эндиликда бадиий ижод ва адабий-эстетик тафаккур ривожи учун кен имконият яратилди ва тарихий ҳакиқат ўзининг ҳаққоний ифодасини топмоқда. Бу жиҳатдан Шавкат Рахмон каби шоирларимизнинг қатор шеърлари, Тогай Муроднинг «Отамдан колган далалар» романи каби етук асарлар алоҳида ўрин тутади.

## Абдулла Қодирийнинг бадиий кашфиёти

Абдулла Қодирий нафақат ўзбек адабиёти тарихида, балки бутун туркӣ халқлар адабиёти тарихида ҳам ёрқин бир сахифа очган улкан сўз санъаткори эди. Унинг ижодий фаолияти бор-йўғи йигирма йил давом этди. Шу қиска фурсат ҳам ғоят кескин ва мураккаб бир даврда, доимий таъқиб ва таҳдидлар остида, ҳакиқат ва эзгулик учун бўлган тенгсиз курашларда ўтди. «Мен тўғрилик орқасида бош кетса ҳам, «их» дейдирган йигит эмасман,-» деб ёзган эди у мустабид тузум томонидан 1926 йили илк бор қамалган кунларида. Томчида куёш акс этгандек, мардона ва самимий айтилган бу сўзларда Қодирийнинг буюк ШАҲС ва АДИБ сифатидаги қаҳрамонона сиймоси мужассам, дейиш мумкин.

Дарҳақиқат, Абдулла Қодирий кайси мавзуда, кандай жанрда асар ёзмасин ва уларда қанақа воқеа-ҳодисаларни акс эттирмасин- у ҳамиша ҳаёт ҳакиқатига содик қолади ва ўзининг ижодкор сифатидаги муқаддас принципларига қатъий амал қиласи. Юксак бадиийлик ва ҳаққонийлик, чинакам ҳаётйлик ва инсонпарварлик каби фазилатлар Абдулла Қодирий асарларига жозиба бағишлайди ва улар миллионлаб китобхонларнинг қалбидан жой олади. Ёзувчининг илк ҳикояси 1916 йили ёзилган ва «Улокда» деб номланган эди. Шу биринчи ҳикоядаётк Абдулла Қодирийнинг реалист санъаткорлиги, халқчил ва миллий тафаккури яққол намоён бўлади. Ҳикоянинг тили ҳам халқона жонли, рангдор ва ихчамлиги билан ҳамда ҳаётий воқеаларни аник-тиник тасвирлай олганлиги билан адабиётимизга ўзига хос ёрқин бир истеъод кираётганлигидан гувоҳлик бериб турарди.

Қодирийнинг 20-йиллардаги кўплаб публицистик мақола ва тақризлари, етук ҳажвий асарлари унинг ижодий фаоллигидан далолат бериб туриши билан бирга, айни пайтда, адабнинг бутун таланти ва ҳаётини халқка хизмат қилишга бағишлиланганлигини кўрсатиб туриши билан ҳам зътиборга лойикдир. Зоро, ёзувчининг 1927 йили ёзилган ва биринчи ўзбек киноси «Равот қашқирлари» га бағишлиланган тақризи ҳам, «Муштум» журналининг таъмал тошлари бўлиб хисобланган «Тошпўлат тажанг нима дейди? «Калвак Махзумнинг хотира дафтаридан» ҳажвиялари-ю «Ўқиши-урганиш кийнчиликлари» каби теран

нари ҳам-барчаси чинакам миллатпарварлик ва инсонпарварлик руҳи йўғилганини билан ажралиб туради.

Миллат ва халқ дарди, миллат ва халқнинг орзу-эҳтиёжи Қодирий учун ишлардан устун эди. Табиатан туғма эпик ёзувчи (Ойбек) бўлган Абдулла Қодирийнинг кўп асрлик ўзбек адабиёти учун мутлақо янги жанр бўлган роман мурожаат қилиши ҳам энг аввало ана шу маънавий-руҳий эҳтиёжини изоҳланиса тўғри бўлади. «Модомики,-деб ёзган эди адиб роман замонимизда,- биз янги даврга оёқ кўйдик, бас, биз ҳар бир йўсинда ҳам шу таъсирни янгиликлари кетидан эргашамиз ва шунга ўхшаш достончилик, манчалик ва ҳикоячиликларда ҳам янгиланишга, халқимизни шу замоннинг «Сир-Зуҳра» лари, «Фарход-Ширин» лари билан таниширишга ўзимизда изабуринг ҳис этамиз...» Бу сўзлар айтилганига 80 йиллар бўлди, лекин улар унинг Истиқлол давримизда ҳам ҳар бир талантли ва диёнатли санъаткор унун муҳим бир дастуриламал бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Қодирийнинг «Ўткан кунлар» ва «Мехробдан чаён» романлари жаҳон адабиёти тарихида ҳам қанчалар буюк воқеа-ўзига хос бир бадиий кашфиёт бўлиб майдонга келганлигини кўплаб йирик адиблар ва машхур адабиётшунос мутафаккирлар фахр ва қувонч билан эътироф этишганлиги ҳам ўзбек язбонимизга оламшумул шухрат келтириш билан бирга халқимиз ва миллатимиз савиясини, шаъни ва қадрини ҳам бир погона юксакликка кўтарди. Бу романлар, гарчанд, адабнинг камтарона сўзлари билан айтганда, илк таъриба бўлса-да, лекин улар ўзининг ғоявий-бадиий мукаммаллиги, чукур қанчаликлиги ва ёркин миллийлиги билан санъатнинг энг юксак мезонлари ва талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган асарлар бўлганлиги билан ўқувчиларни ҳанузгача ҳайратга солади. «Абдулла Қодирийнинг 20-йилларда яратган романлари гўё теп-текис сахрова тўсатдан Помир тоғлари каби вужудга келгандай пайдо бўлди» (Мухтор Аvezov) Бу Қодирийнинг чинакам новатор ижодкор эканлигининг юксак бир эътирофи.

Қодирийнинг буюк сўз санъаткорлиги энг аввало шундаки, бу романлар ўзбек халқининг асл табиати, теран тафаккури, руҳий олами, миллий ўзига хосликларини накадар ёркин ва ҳаққоний тасвириланганлиги жиҳатидан ҳанузгача тенгсиз дурдоналар бўлиб саналади. Бошқача айтганда, Абдулла Қодирий ўз романлари билан халқ хаёти, дарди, орзу-аъмолларини қандай тасвирилаш, миллий характерларни қандай яратиш, уларнинг ўй-кечинмаларини қандай ифодалаш ва ўзбек тилимизнинг бойликларидан қандай мохирона фойдаланишининг ажойиб ва бетакрор бир намунасини яратиб берди. Эндиликда бу романлар нафакат ўзбек адиблари учун, балки кўплаб миллий адабиётларнинг намояндалари учун ҳам юксак бадиий маҳорат мактаби бўлиб хизмат килмоқда.

Қодирий ижодиёти ва бадиий маҳоратини ўрганиш борасида танқидчи ва адабиётшуносларимиз салмоқли ишларни амалга оширидилар. Айниса, Истиқлолдан сўнгги киска фурсатда адиб асарлари янгича нуктаи назар ва янгича илмий-эстетик талкинлар асосида ўрганилаётганлиги кувонарли хол, албаттга. Бирор адиб ижодиётининг ўзига хослиги, бадиий маҳорати, романлари поэтикасини ўрганиш борасида ҳали кўпгина муаммолар мавжуд. Чунончи,

машъум 30-40- йилларда эмас, балки 70-80- йилларда ҳам Қодирийни «гояништуксиз» ликда, «кижодий методи чекланганлик» да айблашда давом этди. Бундай бир ёқламаликларнинг сабаб ва оқибатларини ҳолисона ёритиш ҳам Қодирийшунослигимизга жиддий бир хисса бўлиб қўшилиши мумкин. Ўнайрим адабиётшунослар Қодирийнинг деярли барча асарлари ва улардаги дуч келган эпизодлардан рус ёки бошқа миллат ёзувчиларининг таъсири изларини топишга бехуда уриниш ҳоллари учрайди, улар ўкувчида ҳақли эътироф уйғотади. Масалан, бир адабиётшунос Н.В.Гоголнинг Тарас Бульбаси билан Обид Кетмон образларининг ташки кўринишларидаги полvonсифатлигига ҳам ёки Гоголнинг 17 яшар қаҳрамони Оксананинг қўзгуга қараб ўзига оро бериши ва «роджество» байрамига тайёргарлик кўриши тасвири билан Кумушнинг түн кечаси олдидан ясантирилиши ўртасида ҳам Гоголнинг таъсирини кўргандек бўлади. Таассуфки, гоҳида мана шундай ёзувчи асарларининг ҳаётини манбаларига кўпроқ аҳамият бериш ўрнига ўзимиз истамаган ҳолда Қодирий истеъоддининг қудрати, унинг ижодкор сифатидаги миллий ўзига хослиги ва новаторлигини камситишга йўл очувчи асоссиз изохларни тақдим этаверамиз.

Таникли ёзувчимиз Тохир Маликнинг якинда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасида билдирган қуйидаги фикри ҳам, назаримизда, шундай бирёқламаликнинг бир кўриниши бўлиб туюлди бизга. Яъни эмишки, Абдулла Қодирий ўз асарларида долзарб ҳаётий муаммоларни, муҳим ижтимоий масалаларни кўтариб чиқишини рус адабиётидан ўрганибди. Ҳолбуки, бутун мумтоз адабиётимиз, жумладан, улуғ Навоийнинг йирик достонлари у ёқда турсин, ҳатто тўрт ёки икки мисрадангина иборат кичик шеърий асарларида ҳам қанчалар чукур ва инсоний фикрлар теран ифодаланмаган, инсон ҳаётининг мақсад-моҳияти тўғрисида жиддий мушоҳада юритилмаган!? Ёхуд Муқимий ва Фурқатларнинг соф ишкий манзумаларида муҳим ижтимоий ғоя-фикрлар ифодаланмаганми ва улардан Қодирийдек аллома санъаткор бехабар бўлганми?..

Ёхуд Абдулла Қодирийнинг бадиий тили, сўз санъаткорлиги кўплаб йирик ва нозик таҳлилларга бой тадқиқотларни кутиб турганлиги ҳам адабиётшунослигимизнинг жиддий муаммоларидан бўлиб хисобланади. Бинобарин, таникли ёзувчимиз Пирим Қодир тўғри таъкидлаганидек, Абдулла Қодирий каби улкан сўз санъаткорлари хозир орамизда йўқ. Аммо улар эришган ижодий ютукларни, бадиий тил бобидаги юксак санъатларини, ҳалқ тилидан фойдаланишдаги ибратли тажрибаларини давом эттириш кейинги авлодларнинг зиммасида.

Шу ўринда Абдулла Қодирий бадиий оламининг нурли бир қирраси бўлган ва бошқа адибларимиз учун ҳам ўзига хос бир маҳорат мактаби бўлиб хизмат қила оладиган бетакрор сўз санъаткорлигини биргина ибора мисолида кўриб ўтайлик. «Ўткан кунлар» романидаги энг таъсирчан воқеалардан бири, шубҳасиз, Отабекнинг ота-она қистови билан иккинчи бор уйланишга мажбур бўлиши билан боғлик ички кечинмаларини акс эттирувчи «Унутмайсизми» деб номланган фаслидир.

Ўкувчиларнинг ҳам хотирасидан сира ўчмайдиган ва қаҳрамонлар тақдирида рўй беражак фожеаларнинг бош сабаблари ҳам муҳтасар тарзда

бунданга бу жаяконли лавҳада Отабек билан Кумушнинг руҳий тасвириларини тасвирилаш асносида Фузулий девони ҳам тилга олинган. Романнинг гоявий-бадиий нияти, романнинг умумий мазмун-руҳи ва ҳамда характерлар мантиғидан келиб чикиб ёндошилса, шу биргина яшни алибининг ноёб бир бадиий қашфиёти эканлигига ва унинг асарда ғана котта аҳамият касб этишига ишонч ҳосил қиласиз.

Ноёнбор берилса, романда Отабек ва Кумушларнинг бирор мактаб ё таҳсил кўрганлиги ёки уни тугатганлиги тўғрисида ҳеч қандай ҳабар учрамайди. Лекин Кумуш ҳам, Отабек ҳам Фузулийдек ҳассос дарсли шеърларини бирдек берилиб мутолаа қилишар экан, демак, неконлари ҳам ўқимишли ва зиёли бўлганлигини тасаввур қилиш учун ўзи юзни бўлиш талаб этилмайди, албатта. Иккинчидан эса, шу биргина ҳам («Фузулий яхши китоб, мен ҳам ёлғиз колган кезларимда бу бошимни ололмас эдим, сизам-ми?».) чукур бир ҳакиқатдан, яъни ва Кумушнинг худди ўзукка кўз қўйгандек бир-бирларига муносиблиги, қалби ҳам, ҳис-туйғулари ҳам, маънавий-руҳий олами ҳам бир-бирига муштарак эканлигидан далолат бериб туради. Қаҳрамонларнинг тафсилотини ва хатарнок вазиятда қийин бир ҳолатда қолганликларини ҳаққоний тағирланган бу бадиий тафсилотнинг аҳамияти шулардангина иборат эмас. Бу бир мухим хулоса чиқаришга асос бўлади: собик шўро даврида бот-такрорланиб келинган ва эндиликда миси чикиб колган эски бир индириянинг, яъни эмишки, «Октябрь инқилобидан илгари бутун ўзбек ҳалқи саводсиз бўлган» деган сўзларнинг қип-кизил сафсата эканлигини ҳам сунғиз тасдиқлай олади. Бинобарин, романда тўғри ёритилганидек, ҳалқимиз ҳам бамисоли офтобга талпингандек, ҳамиша маърифат-зиёга ошно пулуб яшаган ва илм -маърифатни юксак қадрлаган ҳам. Шу боисдан ҳам нафакат олий мадраса ва мактабларда, балки кўплаб хонадонларда, масжид ва мечмоҳоналарда ҳам Бедилхонлик ва Навоийхонлик, Машрабхонлик ва Фузулийхонликлар бўлиши урф-одат тусини олган, ибратли бир анъанага куннингини файзиёб айлагани-рад этиб бўлмас тарихий ҳакиқатдир. Ниҳоят, касрят Навоийдан сўнг «Лайли ва Мажнун» дек гўзал достон яратиш баҳтига мушарраф бўлган озар шоири Фўзулийнинг инсон қалbidаги энг юксак ва мукаллас туйгу аталмиш ишқ-муҳаббатни куйловчи мумтоз шеърлари Кумуш ва Отабеклар қалбини бирдек сеҳрлаб кўйиши қанчалар табиий ва ишонарли. Колаверса, бу деталь ўзининг ёрқин миллийлиги ва ҳаётийлиги билан асар мазмунига ажиб бир теранлик ва жозиба бағишлиши билан бирга, айни вақтда, у Қодирийнинг ҳам бу улуғ шоир ижодига меҳрли муносабатини, яъни севимли шоиримиз Эркин Воҳидов сўзлари билан айтганда, Фузулий шеъриятига ошиклигини кўрсатиб турувчи ўзига хос бадиий-эстетик бир эътироф сифатида ҳам ўтиборга лойик. Бундай ибратли мисолларни осонлик билан қўпайтириш мумкин.

Абдулла Қодирий каби улкан сўз санъаткорларининг бадиий қашфиётларини қадрлаш ва уларнинг асарларида ифодаланган чукур ҳаётий

ҳақиқат ва тарих сабокларини тўла англаб етиш учун эса энг аввало ижодий фикрлаш талаб этилади.

## Халқчиллик ва бадиият намунаси

Ғафур Гулом янги давр ўзбек адабиётини жаҳон миқёсига олиб чиқишидек улкан шарафга мұяссар бўлган тунғич адибларимиздан бири эди. Халқ ҳаётини чукур билиш ва халқ билан доимий бирга бўлиш, унинг дарди ва шодлигини акс эттиришга интилиш Ғафур Гулом ижодига кучли бир қанот баҳш этди ва натижада унинг ижоди ҳам ҳаётйлик, ҳам чукур халқчиллик касб этди. Ғафур Гулом ижоди шундай бир маҳорат мактаби бўлдики, унда бир томондан, поэзиямизнинг мураккаб ва зиддиятли тараққиёт босқичларини кўришимиз мумкин. Иккинчи томондан эса, бу мактабда «оддий бир қишлоқ мухбиридан академик шоир даражасига кўтарилилган» улкан халқ санъаткорининг ёрқин ва мазмунли ҳаёт йўлини кўзатиш мумкин.

Ғафур Гулом ижоди ва шеъриятининг манбалари нималардан иборат ва унинг етук ижодкор бўлиб шакланишида ҳамда бу даражада улуғ адиб бўлиб етишишида қандай омиллар асосий роль ўйнади – шулар хусусида фикр юритишидан олдин Ғафур Гулом адабиёт майдонига кириб келган дастлабки йилларни ва ўша даврдаги адабий ҳаётни кўз олдимизга келтирайлик. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ғафур Гулом ва бошка адибларимиз адабиёт майдонига кириб келган давр – 20-йиллар бутун халқимиз ва маданиятимиз тарихида энг мураккаб ва зиддиятли бўлган бир давр эди.

Бу мураккаб даврнинг ҳакконий манзаалари, халқимиз ва миллатимиз бошига тушган оғир фожеалар энг аввало Фитрат, Абдулла Қодирий ва Чўлпон сингари оташнафас адибларимизнинг асарларида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган эди. Афсуски, бу адибларимизнинг ўша давр ҳақиқатини бутун фожеалари билан акс эттирган ўлмас асарлари қадрланиши ёки тўғри тушунилиши ўрнига сўнгги йилларгача бутунлай кораланиб келинди.

Ғафур Гулом худди мана шундай мустабид шўро тузумининг мафкуравий ҳукмронлик ва зўравонлик сиёсати авж олган бир пайтда тенгқурлари - Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаххор ва Уйғунлар сингари жушқин таланти ва ўз овози билан адабиёт майдонига кириб келди. Ўша йилларда Ғафур Гулом каби тунғич адибларимиз чекига тушган бу қисмат ҳам ижобий, ҳам салбий мазмунга эга эди. Ижобий томони шундаки, Ғафур Гулом бевосита ана шу жушқин ва мураккаб ҳаёт ичида яшади, обдон пишиди ва халқ билан ҳамнафасу ҳамдард бўлиб, етук бир ижодкор сифатида шаклланди.

Бу даврнинг Fafur Fулом ва унга тенгкур бўлган авлод вакиллари ижодига кўрсатган даҳшатли салбий таъсири деганда, биринчи навбатда, ҳукмрон коммунистик мафкура ва унинг ижодкорлар олдига қўядиган иссосиз талабларини назарда тутамиз. «Биз адабиёт майдонига кириб келганимиздан буён юзлаб шоири ёзувчилар ўтди, - деган эди Абдулла Қаххор. Лекин мен шулар орасида Чўлпон билан Fafur Fулом даражасидаги истеъдодни кўрган эмасман. Минг афсуски, буларнинг иккенини ҳам замон жувонмарг қилди.»

Абдулла Қаххорнинг бу сўзларида жуда катта тарихий ҳақиқат ва фожеа акс этиб турибди. Fafur Fуломнинг улкан истеъдод эгаси эканлигини унинг ҳаётбахш анъаналарини давом эттираётган Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари талантли шоирларимиз ҳам ёхуд уни якиндан билган Саид Аҳмад, Асқад Мухтор ва Озод Шарафиддонов каби алиб ва олимларимиз ҳам яқдиллик билан эътироф этишади. Масалан, давримизнинг машҳур шоирларидан бири Э.Воҳидов Fafur Fулом ҳакидаги хотираларида унинг Шарқ ва Farb адабиётини чуқур билиши ва бадиий маҳорати ғоят юксак эканлигини таъкидлаб, жумладан, қуйидаги фикрларни билдиради: «Fafur Fулом шунчалик истеъдод эгаси эдики, у силкинса шеър тўкилар эди. Fafur Fулом кўнглидаги гапларнинг ҳаммасини қоғозга туширмай кетган шоирлардан».

Fafur Fулом каби улкан адибларимиз туғма талант соҳиби бўлиш билан бирга, улар ҳам Шарқ, ҳам рус ва жаҳон илғор адабиётларидан, ҳам ҳалқнинг битмас – туганмас оғзаки ижодидан бениҳоя кўп ўргангандиги ва бу ўрганиш жараёнида истеъдоди янада камол топганлиги ибратлидир.

Ўз ижодининг дастлабки қадамлариданок, Fafur Fулом адабиёт орқали ҳалқка ва жамиятга хизмат қилишни ўзининг шарафли бурчи деб билди ва умрининг охирига қадар ана шу юксак эътиқодидан чекинмади.

Умримда бир минут ҳам бўш пайт кўрмадим,

Ўтган бўлсин дардсиз, ўтсиз, севгисиз,  
деганда Fafur Fулом тўла ҳақ эди. Дарҳакикат, Fafur Fулом бутун умри давомида сўнмас иштиёқ, дард ва муҳаббат билан яшади ва ижод қилди. Шоирдаги сўнмас севги энг аввало Ватан, инсон ва гўзаллик туфайли бўлса, унинг бетакор ижоди ана шу жўшкин эҳтирос ва оташин муҳаббати ҳамда миллий ғуур туйғуларининг акс-садолари эди, дейиш мумкин. Беназир истеъдод эгаси бўлган Fafur Fулом улкан санъаткорларга хос ғоят юксак, айни вактда, чуқур ҳаётий мақсадга эга эди ва бу эзгу маслак шоирнинг бутун ижодига нурли бир йўналиш ва сўнмас илҳом бағишлиб туради:

Халқнинг манфаатини кўзлай олмасанг,

Ватан саодатин ўзлай олмасанг.

Таржимон тилингнинг лол ўлгани хуш,

Хуррият мазмунин англай олмасанг.

Бу шеърий парчани шартли равишидаFaфур Гуломнинг асосий бир ижодий дастурини ифодаловчи муҳтасар ва мазмундор мисралар деб тушуниш мумкин. Энг муҳими яна шундаки, бу мисрлар замирида Faфур Гуломнинг юксак эътиқод ва эстетик ақидалари ҳам акс этган.

Яъни Faфур Гуломнинг бирорта шеъри ёки ҳикояси йўқки, унда ҳалқ иродаси, ҳалқ орзу-тилаги ва хис-туйғулари ифодаланмаган бўлсин.

Faфур Гулом ижодининг ilk босқичлариданоқ бадиий адабиётнинг ҳаётдаги ва жамиятдаги юксак мавқенини ва унинг инсонлар қалбини мусаффо қилувчи курратли бир кучга эга бўлган алоҳида бир санъат эканлигини англаб етади ва умрининг охирига қадар ана шу ғояси ва эътиқодида мустаҳкам туради. Бу жиҳатдан шоирнинг қуидаги шеъри алоҳида аҳамиятга эга:

Шоир юракларга ҳукм этади,  
Ул – рентген нуридай тез қурувчан.  
Юрак пучмоғида қолган қирларни,  
Қалам билан тозалов – шоирнинг иши.

Faфур Гуломнинг бу сатрлари бундан етмиш йиллар илгари айтилган, лекин улар бугун, яъни Ўзбекистонимиз мустақил бўлган ҳозирги кунларда ҳам ўз кимматини йўқотган эмас.

Faфур Гулом ижодини ва бутун шеъриятининг асосий йўналишини белгилаган бош мавзу – бу энг аввало инсон ва унинг ғоят ранг-баранг ва сехрли дунёсиdir. Куидаги сатрларда ана шу ҳаётий ҳақиқат чукур ифодаланган:

Бутун китобларимни варак-варак ахтаринг,  
Ҳамиша улуғ инсон Faфурнинг темасида.  
Инсоннинг қатра кони менга оламча мазмун,  
Факат ўзинг буюксан қуёш системасида.

Бундай теран мазмунли шеърларни ўқир эканмиз, беихтиёр яна бир ҳақиқатни кашф этиш мумкин. Бу ҳақиқат шундаки, Faфур Гулом табиатан инсонпарвар санъаткор эди ва айниқса, унинг чукур гуманист шоир бўлиб этишишида жўшқин ҳаёт дорилфунуни билан бирга Навоий каби даҳо санъаткорлар ҳам маънан ва руҳан устозлик қилган десак, хато қилмаган бўламиз.

Faфур Гулом, албатта, том маънодаги янги ва новатор шоир эди. Лекин унинг ижодида ва айниқса, бой ва ранг-баранг шеъриятида улуғ Навоий, Саъдий, Бедил сингари даҳолар куйлаган сўфиёна ғоялар ва фалсафий ақидалар ҳам янгича талқинларда муфаққиятли давом эттирилганлигини куатиш мумкин. Шу муносабат билан таникли адабиётшунос, академик Бахтиёр Назаровнинг яқинда нашр этилган «Faфур Гулом олами» (2004 й.) асарида таъкидланган муҳим бир фикр эътиборга лойик: «Инсоннинг атом заррасига, атомга ўхшатилишини XX аср ўрталаридағи адабиётига олиб кирган шоирлардан бири, эҳтимол,

Faafur Fулом бўлса, ажабмас». Дарҳакиқат, бундай ташбехларни Faafur Fуломнинг, Асқад Мухтор сўзлари билан айтганда, қомусий билим ва тафаккурининг, сарҳад билмас бадиий эстетик оламининг ўзига хос эътирофи, дейиш мумкин.

Faafur Fулом асарларига баҳо беришда, албатта, уларнинг қандай мавзуга бағишлиланганлиги ёки бирор бир сиёсий раҳбарни улуғлагани ёхуд мадҳ этганилигига қараб эмас, балки энг аввало мазкур шеърларда Faafur Fуломдек бетакрор бир шоирнинг таланти қай даражада намоён бўлганлиги ва шоирнинг ҳаёт ва инсон тўғрисидаги фалсафий-эстетик қарашлари қанчалар теран акс этганилигига қараб баҳо берилса, санъатнинг муҳим талабларига риоя қилинган бўлади.

Масалан, Faafur Fуломнинг 30-йилларда яратилган ва ўша давр ўзбек шеъриятида катта бир воқеа бўлган асарларидан бири «Турксиб йўлларида» деган машҳур шеърини эслайлик. Агар собиқ шўро тузумива мағкурасидан келиб чиқилса, бу шеър ҳам социализмни улуғловчи ва партия билан инқилобни шарафловчи, яъни янги даврни мадҳ этувчи шунчаки анъанавий бир асар сифатида баҳоланиши керак. Лекин шеърдаги энг муҳим жиҳат, бизнингча, шоирнинг юксак поэтик маҳорати ва айниқса, олис ўтмишнинг теран ҳақиқатларини ҳайратомиз образлар орқали очиб бера олганлигига десак, янглишмаган бўламиз. Яъни Faafur Fуломнинг дастлабки асарларидан бўлишига қарамасдан, бу шеърда чинакам классикларга хос санъаткорлик ва мазмундорлик ҳамда таъсирчан оҳангдорлик мавжудки, булар бугун ҳам кўплаб шоирларимизга юксак поэтик маҳорат бобида намуна бўлиб хизмат килиши мумкин:

... Бу йўллар  
кўп қадим йўллар,  
Беш миллион,  
Ўн миллион,  
юз миллион нафар  
куллар ва туллар,  
Гарданда чўяндан қуйилган занжир,  
Ерларда ҳашарот каби,  
очликдан,  
зорликдан гезариб лаби,  
ожиз, маҳкум, хор ва бетадбир  
Нон дея, Нон дея, суруниб кечмишдир...

Faafur Fуломнинг аллакачон адабиётимизнинг олтин хазинасидан ўрин олган бундай шеърларида намоён бўлган юксак сўз санъати ва поэтик маҳорати ҳақида ҳайрат билан ўйлаганда, беихтиёр машҳур рус ўзвучиси Лев Толстойнинг бир фикри ёдимизга келади. «Санъаткор – деган эди Лев Толстой, - ўз фикрини чукур ва гўзал килиб ифодалаш учун

ёзувчилик маҳоратини шу даражада мукаммал эгаллаши керакки, у асар ёзаётганида худди юриб кетаётган киши қадам ташлашнинг оддий коидалари ҳакида ўйламагандек, ёзиш коидалари ҳакида жуда оз ўйласин». Faafur Fуломнинг кўплаб шеърлари ва кисса-хикоялари мана шундай фавкулодда юксак маҳорат билан яратилгандир.

Faafur Fулом шеъриятининг ҳаётийлиги ва уларнинг таъсирчанлигини бениҳоя оширган муҳим омиллардар бири, шубҳасиз, миллийлик эканлигини шоирнинг кўплаб асарлари мисолида яққол кузатиш мумкин. Биргина мисолга тўхталаийлик; ҳалқимизнинг фашизм билан бўлган ҳаёт-мамот жангларда 1945 йили ғалаба қозонгандан сўнгги хуш қайфияти ва бутун мамлакатимиз бўйлаб тараган шодлик туйғуларини ифода этиш учун бошқа шоир-ёзувчига камида бир неча сахифалар керак бўларди. Faafur Fулом эса мана шу чексиз шодлик туйғуларимизни кисқа сатрларда катта маҳорат билан акс эттиришга ва муҳими, чукур ўзбекона тафаккур ва сержило буёкларда миллий тил ва деталлар орқали ўкувчининг эсида коладиган жонли манзараларда бадий ифода этади:

Шодлик қўшини босди саодат кўчасини,  
Гўдаклар жаранглатар ҳайитлик тангасини.  
Келинчаклар ахтарар пардоз қутиласини,  
Қирқ кокил бўлсин, дейди, кистайди янгасини,  
Бугун чин арафадир...

Эътибор берайлик, шеърий парча бор-йўғи беш сатрдан иборат. Лекин шу кисқа сатрларда Faafur Fуломнинг тенгсиз бадий маҳорати ҳам, чукур миллий тафаккури ва ҳалқчиллиги ҳам ёркин мужассам. Чунки фақат ўз ҳалқи ва миллати руҳиятини худди она ўз фарзандининг кўнглини яхши билганидай, чукур билган ва ўша ҳалқчиллик ва миллийлик кон-қонига сингиб кетган шоиргина бундай мазмундор ва рангдор образлар ва унутилмас манзаралар яратишга қодир бўлади. Улуғ аллома Faafur Fуломнинг «Дарёдил шоир» лиги (Озод Шарафиддинов ҳам, унинг абадиятга даҳлдорлиги ҳам энг аввало мана шунда бўлса керак

## Адабиётимизнинг ёркин юлдузи

XX аср ўзбек адабиёти тарихини Ҳамид Олимжон ижодисиз тўлтасавур этиб бўлмайди. Ҳамид Олимжон, гарчанд кисқа умр кўрга бўлса-да, ўзининг улкан истеъоди ва ёркин шахсияти билан адабиётими ва маданиятимиз тарихида ўчмас из колдириб кетди. У чинакам ижодкорлар каби ғоят серкирра истеъодод сохиби эди. Ҳамид Олимжон нафақат ҳассос шоир ва драматург, балки айни вактда, йирик жамоа

арбоби, моҳир таржимон, истеъдодли адабиётшунос сифатида ҳам ибратли фаолият кўрсатди.

Ҳамид Олимжон ижод майдонига адабиётимизнинг тўнғич авлоди саналмиш –Faфур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаххор, Миртемир ва Шайхзодалар билан деярли бир вактда, ўтган асрнинг 20 – йиллари ўрталарида ўз овози ва бетакрор шеърий илҳоми билан кириб келди. Адабиётимизнинг улкан намояндалари истеъдодини ҳеч камситмаган ҳолда бир муҳим ҳақиқатни эътироф этиш ўринли бўларди. Яъни, Ҳамид Олимжоннинг шоирлик таланти ҳам, нодир шахсияти, қолаверса, раҳбарлик салоҳияти ҳам жуда эрта етилганлиги ва ижодкорлик масъулиятини ҳам кўпгина тенгқурларига нисбатан жуда чукур хис этиши билан эътиборни жалб этади. Бинобарин, шоирнинг чукур рамзий маънога эга бўлган «Кўклам» номли илк шеърий тўплами 1929 йили нашр этилиб, адабий жамоатчиликнинг эътиборини қозонган пайтда Ҳамид Олимжон ҳали 20 ёшга кирмаган бир ўспирин бўлган. Ёхуд Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилишдек масъул вазифани бажаришга киришганда у ҳали ўттиз ёшга тўлмаган навқирон йигит эди. Беихтиёр ёдимиизга замондошларининг яқдил эътирофи келади: «Ҳамид Олимжон туғма ва нодир талант эди. Унинг қонида, ўзлигига, кўз корачигига, тўксон икки томирида туғма бир зукколик, шоирона бир сенжия, билгичлик, бурролик, нурбахшлик, ёрқин қалб, одоб аён, пешонасида ва йирик кўзларида улуғлик очик-ойдин намоён эди.», - деб хотирлайди Миртемир.

Дарҳақиқат, Ҳамид Олимжон энг аввало ана шундай ёрқин таланти билан ҳалқимиз меҳрини қозонди ва ўзининг кўплаб етук асарлари билан адабиётимизнинг олтин хазинасини бойитишга муносиб ҳисса кўшди. Шоир ижоди, хусусан, шеърияти тематик йўналиши ва ғоявий-бадиий мазмуни билан бошқа кўплаб адиларимизнинг асарлари билан ҳамоҳанглик касб этса-да, бирок унинг шеърлари ўзининг табиий соддалиги, равонлиги ва чукур ҳалқона руҳи билан ажралиб туради. Бошқача айтганда, Ҳамид Олимжон шеърлари ҳалқ достонлари, кўшик ва термалари сингари ғоят содда, равон, уларда ўкувчининг нафасини қайтарадиган ва тушуниши оғир бўлган жумлалар ёки ноўрин кўлланган сўз-иборалар деярли учрамайди. Шундан бўлса керак, унинг шеърлари бир ўқишидаёқ китобхон онги ва қалбига кўчади ва хотирамизда бир умр нақшланиб қолади. Фикримизнинг далили сифатида бир-икки мисол келтирайлик:

Деразамнинг олдида бир туп,  
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади.  
Новдаларни безаб ғунчалар  
Тонгда айтди ҳаёт отини,  
Ва шаббода курғур илк сахар

Олиб кетди гулнинг тотини...

Ёки:

Тоғлардаги қип-қизил лола,  
Бўлиб гўё ёқут пиёла  
Булоқлардан узатади сув,  
Эл кўзидан қочади уйқу...

Булар бадий ижоднинг энг юксак мезони бўлган гўзал соддаликнинг ёркин намуналари бўла оладики, бундай мисолларни шоирнинг деярли барча шеърларидан ва достон ёки балладаларидан ҳеч қийналмай келтириш мумкин. Албатта, бундай гўзал соддалик ва бадий мукаммаликка эришиш ўз-ўзидан бирданига юзага келмайди. Зеро, ёш шоирнинг табиат инъом этган ёркин истеъодига гўё бир канот бағишлиб, бамисоли «ер бағридаги куч ва ҳароратни уйғотган сахий қуёш нурлари» дек унинг бутун салоҳияти ва имконияти билан барвакт намоён бўлишига имкон берган қатор маънавий омиллар борлигини унутмаслигимиз лозим. Ҳамид Олимжон адабиёт оламига кириб келган илк қадамлариданоқ ўзбек мумтоз адабиётидан ҳамда рус ва жаҳон адабиётининг буюк намояндлари ижодидан сабок олди. Ёш шоирнинг ўзи самимий эътироф этганидек, «ўқимагани, билмагани кам колди».

Ҳамид Олимжон истеъодига руҳий мадад ва туганмас илҳом бағишилаган яна бир қудратли манба – бу ҳалқ оғзаки бадий ижоди бўлди. Ёшлигиданоқ жаҳон адабиёти ва мумтоз шеъриятнинг бетакрор гўзалликларини чуқур ҳис эта олган Ҳамид Олимжон бу адабиётдаги фалсафий теранлик ҳамда умуминсоний ғоя ва мазмунни, ҳаётбахш анъаналарни ижодий давом эттириди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ҳамид Олимжон чинакам новатор санъаткор ва мутафаккир сифатида улуғ устозларнинг бой адабий мероси ҳамда ҳалқ достонлари ва эртакларини чуқур меҳр билан ўрганиб, уларнинг бадий маҳорат сирларини ижодий ўзлаштирибина колмасдан, балки бу бебаҳо меросни кўз корачигидек асраш ва уни тўплаб, нашр эттириш борасида бекиёс фидоийлик, жонбозлик кўрсатди. Бу жиҳатдан айниқса Ҳамид Олимжоннинг буюк Алишер Навоий адабий меросини тарғиб этиш борасидаги фаолияти таҳсинга сазовордир.

Тўғри, ўзбек адабиётшунослигининг узвий биркисми бўлган навоийшунослик ва фольклоршунослигимиз эндиликда, хусусан, Истиклол шарофати билан юксак бир босқичга кўтарилди. Лекин навоийшунослигимизнинг тамал тошларини қўйиб, унинг истиқболли тамойилларини кўрсатиб берганлардан бири Ҳамид Олимжон эканлигини биламиزمи ва уни ҳамма вакт ҳам тан оламиزمи? 30 - йилларда – шўро мафкураси хукмрон бўлиб, тарихимиздан ва миллий қадриятларимиздан гуурланиш у ёқда турсин, улар ҳакида жиндак илик сўз айтиш ҳам хатарли бўлган қатағон йилларида Алишер Навоийнинг тенгсиз санъаткор

эканлиги, унинг ижоди жаҳон адабиёти ва маданияти тараққиётида юксак бир чўкки эканлигини асослаб бериш учун нечоғлик заковат ва тафаккур бўлиши лозимлиги ўз-ўзидан аён. Ёхуд «Алломиши» нинг буюк халқ достони эканлигини ва унинг ғоявий-бадиий фазилатларини баралла улуғлаш учун канчалик чуқур мантиқий далил ва ижодий жасорат талаб қилинар эди? Ҳамид Олимжон ана шундай улкан донишманд ва ижодий шижаот соҳиби эканлигини кўрсатди.

Ҳамид Олимжоннинг иккинчи жаҳон уруши йилларидағи фаолияти ҳам ғоят жўшқинлиги ва кўламишинг кенглиги билан кишини ҳайратга солади. Бў даврда Ҳамид Олимжон ижоди янада чуқурроқ халқчиллик ва оташин жанговарлик касб этади. Чинакам ватанпарвар ва халқлар дўстлигининг оташин кўйчиси бўлган шоир урушнинг дастлабки кунлариданок халқни фашизмга қарши оёққа турғазувчи ва унинг қалбida Ёвуз душманга нисбатан нафрат оловини алангала тузви ўлмас асарларини яратди. Урушнинг иккинчи куни эълон қилинган ва адабиётимизда ҳарбий-ватанпарварлик лирикасини бошлаб берган «Ғалаба кўшиғи» шеъри канчалик ғалабага ишонч руҳи билан суғорилган бўлса, «Кўлингга курол ол», «Йигитларни фронтга жўнатиш» каби шеърларида ва «Жангчи Турсун», «Роксананинг кўз ёшлари» балладаларида ҳам халқ хошиш-иродаси, халқ руҳи шу қадар теран ифодаланган.

Ҳамид Олимжоннинг уруш йиллари яратган «Муқанна» драмаси ҳам энг аввало ўзининг чуқур ватанпарварлик ғояси ва юксак бадиияти билан ажралиб туради. Ҳамид Олимжоннинг бошқа кўплаб шеърий ва публицистик асарлари каби бу драма ҳам бутун халқимиз қалбидаги туйғуларни, айниқса Ёвуз душманга қарши курашаётган минглаб жангчилар қалбидаги эрк ва озодлик туйғуларини жўш урдиради, матонат ва жасоратга ундейди. Эрк ва озодлик, мустақиллик ғоялари билан йўғрилган бундай асарлар бизнинг кунларимизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Зероки, она диёрни севиш, унинг учун керак бўлса, жонини фило қилиш руҳи бугунги миллый истиқбол ғояларига ҳамоҳангдир.

Ҳамид Олимжоннинг ижодий фаолияти ана шундай серқирра ва ибратли. Унинг адабиётимиз ва халқимиз олдидаги фидокорона меҳнати, бетакрор ижоди айниқса бизнинг кунларимизда янада кўпроқ кадр топмокда. Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги арафасида бир гурӯҳ таникли санъаткорлар қаторида Ҳамид Олимжонга ҳам «Буюк хизматлари учун» ордени берилдиши миллионлаб юртдошларимизнинг қалбларида мамнуният ва фахр ҳисларини уйғотди. Негаки, Ҳамид Олимжоннинг гўзал соддалик тажассуми бўлган кўплаб дурдана асарлари, адабиётимиз ва маънавиятимиз равнакига қўшган улкан ҳиссаси унинг таланти ҳам, шахси ҳам буюклигидан ёркин далолат бериб туради. Бинобарин, шоиримизнинг ўзи башорат қилганидек, «У ҳамиша элизимзинг юрагида яшайди, эрк деганиннинг тилагида яшайди».

## ОЛМОС ЯНГЛИФ ИСТЕДОД

ХХ аср ўзбек адабиёти тарихида Ойбек ижодиёти бутун бир давни ташкил этади десак, асло муболага бўлмайди. Адаб ижодининг нақадар сермаҳсул ва ранг-баранг эканлигини кўплаб замондошлари ҳавас ва ҳайрат билан эътироф этишади. Жумладан, Абдулла Қаххор бу ҳақиқатни ўзига хос тарзда шундай таъкидлаган эди: «Ёзувчининг умри йил билан ўлчанмайди, ижодий фаолиятининг самараси билан ўлчанади. Ойбек 400 йилга тенг келадиган 40 йиллик ижодий фаолиятининг бир лаҳзасини ҳам самарасиз ўтказгани йўқ. Ойбек бу жиҳатдан ҳозирги ва келажак адабий авлод қаршисида устод бўлиб гавдаланади». Дарҳақиқат, ўзбек реалистик прозаси таракқиётида ҳам, янги давр ўзбек шеърияти ва достоннавислиги такомилида ҳам Ойбек ижодининг мавқеи ғоят сарбаланддир.

Забардаст адабимиз Ойбек тенгдошлари каби кўпкиррали истеъдод сохиби эди. У нафақат улкан прозаик ва ҳассос шоир, моҳир таржимон ва публицист, айни вактда, талантли адабиётшунос сифатида ҳам ўзига хос матонат ва фидоийлик билан самарали ижод қилди. Бошқа жанрлардаги каби ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослиги ривожида ҳам Ойбекнинг хизматлари бекиёсдир.

Маълумки, Ойбекнинг «Туйғулар» номли ilk шеърий тўплами 1926 йили, яъни 21 ёшида нашр этилган. Унинг улуғ аллома Абдурауф Фитратнинг «Адабиёт қоидалари» кўлланмасига ёзган салмоқли такризи ҳам худди шу йили олам юзини кўради. Ёхуд беназир шоир Чўлпонга бағишлиланган ва жиддий баҳс-мунозараларга сабаб бўлган мақолалари ҳам шу даврда яратилганлиги тасодифий эмас. Йирик санъаткорларнинг ижодий биографиясида ҳам камдан-кам ҳолларда учрайдиган бундай мувофиқлик муҳим бир хулоса чиқаришга асос беради. Яъни бу мутаносиблик Ойбекнинг танқидчи ва адабиётшунос сифатидаги фаолияти ҳам унинг олмос янглиг нодир истеъдодининг ёрқин бир қирраси сифатида жуда эрта намоён бўлганлигидан гувоҳлик бериб туриши билан ҳам эътиборлидир.

Ойбекнинг танқид ва адабиётшунослик соҳасидаги фаолияти ўзининг қамров қўлами билан, мавзу-муаммоларининг долзарблиги ва ички яхлитлиги, шунингдек, жанр ранг-баранглиги билан ҳам эътиборга лойиқ. Чунончи, алломанинг Алишер Навоий ва Бобур сингари буюк сиймоларимизга бағишлиланган илмий-тадқиқотлари савияси қанчалик юксак бўлса, унинг ҳозирги замон ўзбек адабиёти масалаларига бағишлиланган адабий-танқидий маколалари ҳам ўзининг чукур мазмуни ва таҳлилларининг теранлиги билан алоҳида ажralиб туради. Худди шунингдек, Ойбекнинг рус ва бошқа халқлар адабиётининг кўплаб буюк намояндлари (Пушкин, Чехов, Шевченко, Горкий кабилар) ижодини тадқиқ этган муҳим асарлари ҳам унинг адабий-эстетик тафаккур

оламининг бениҳоя кенг ва юксаклигидан далолат бериб туради. Булардан ташқари Ойбекнинг қатор шеърий ва насрый асарларида ҳам бадий ижоднинг муҳим муаммолари ажиб бир нуктадонлик билан ёритилганки, улар ҳам адабий-эстетик тафаккур ривожига муносиб бир хисса бўлиб кўшилади.

Ойбекнинг илмий ва адабий-танқидий меросининг катта бир кисмини, шубҳасиз, унинг буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ижодига бағишлиланган ва бутун умри мобайнида изчил давом этган тадқиқотлари ташкил этади. Бинобарин, Ойбекнинг Навоий ижоди ва шахсини ўрганишдаги илмий-адабий фаолияти шу қадар изчил ва муфассал, шу қадар кўламли ва аҳамиятлики, уни ҳакли равишда навоийшуносликнинг таъмал тошини кўйғанлардан бири деб ҳам фахр билан тилга оламиз. Ойбекнинг 1943 йили ташкил этилган Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланиши ҳам ана шу улкан хизматларининг юксак бир эътирофи эди. Мамнуният билан таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда, айниқса, Истиқлол шарофати билан Алишер Навоий каби буюк тарихий сиймоларимиз ҳаёти ва ижодий фаолияти илмий асосда атрофлича ўрганилмокда. Лекин собиқ шўро даврида, хусусан 30-40-йилларда ҳам ҳукмрон мафкуранинг тайзики улароқ, мумтоз адабиётимиз тарихига, ҳатто Навоийдек даҳо санъаткорлар ижоди ва дунёқарашига нисбатан ҳам ноҳолис ва зиддиятли фикрлар устуворлик килар эди.

Чунончи, шўро даврининг маккор мафкураси талаблари ва вульгар социологик карашлар асосида ёндошиш оқибатида шонли тарихимиз ва миллий кадриятларимиз каби классик адабий меросимиз ҳам ўзок йиллар бирёклама баҳоланиб, камситиб келинди. «Инқиlobгача бўлган даврда ўзбек адабиёти хон ва беклар учун ёзилган сарой шеъриятидан ёки диний характердаги асарлардангина иборат бўлган», дея кораланиб ва ҳатто уни инкор этишгача бориб этилган эди.

Ойбекнинг 30-йилларда яратилган, Навоий адабий меросини ўрганишга бағишлиланган кўплаб тадқиқотлари ёхуд Бобур ва Муқимий ижодини кенг ёритган адабий-танқидий мақолалари ана шу жиҳатдан алоҳида аҳамият касб этади. Улар бамисоли тафаккур ёғдулари каби энг аввало улкан бир тарихий ҳақиқатни илмий асосда ёритганлиги билан дикқатга молик. Яъни Ойбек классик маданий меросимизга нисбатан бундай бирёклама баҳо ва карашлар мутлақо асоссиз эканлигини, аксинча, кўп асрлик тарихга эга бўлган ўзбек мумтоз адабиётимиз энг аввало ўзининг чукур инсонпарварлиги ва поэтик маҳоратнинг юксаклиги билан ажралиб туришини ибратли таҳлил орқали ва мантикий изчиллик билан кўрсатиб бера олди.

Бинобарин, Ойбекона донишмандлик, илмий теранлик ва ижодий жасорат ёлқини билан йўғрилган бундай тадқиқотлар асrimизнинг энг

оғир ва мураккаб бир даври бўлган 30-40 йилларда вужудга келганини эсласак, улар таникли ойбекшуносларимиз тўғри таъкидлаганидек, ҳозирги ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослигининг шакланиши ва ривожида ҳам принципиал аҳамият касб этганини тасаввур этиш қийин эмас.

Ойбекнинг танқидчи ва адабиётшунос сифатидаги ибратли жихатларидан яна бири шундаки, у адабий асар таҳлилида энг аввало бевосита матнга суюниш ва асосий эътиборни санъаткорнинг тўлақонли характер яратиш ва тасвирлай олиш маҳоратини ўрганишга қаратиш тадқиқотчи изланишларининг самарали бўлишини таъминлашини яққол кўрсатиб бериши билан ҳам қимматлидир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Ойбекнинг Чўлпон ва Абдулла Қодирий ҳакидаги асарларини ёки Шайхзоданинг «Жалолиддин» драмаси ва Ҳамид Олимжон шеъриятига бағишланган «Танқидчилик соҳасида саводсизлик ва ур-ийқитчиликка карши ўт очайлик» (1933) каби адабий-танқидий мақолаларини кўздан кечириш кифоя. Бу каби асарларнинг мухим бир ижтимоий-эстетик аҳамияти шундаки, улар, баъзилар ўйлагандек, танқидчиликнинг бош мақсад-вазифаси «фош қилиш» эмас, балки энг аввало бадиийлик ва гўзалликни «кашф этиш» дан иборат бўлишини яна бир карра тасдиклайди. Ойбекнинг бутун ижоди ва адабий-танқидий фаолиятининг ззгу-мақсад йўналишини белгиловчи бундай фазилатлар унинг асарларига улуғворлик ва умрбокийлик бағишлайди. Ҳолбуки, Ойбекнинг мазкур асарлари яратилган 20-30 йилларда аксарият мақола ва тақризларда адибнинг асл ғоявий-бадиий ниятини тушунмаслик, адабий асардан ўзиб-юлқиб олинган сатрлар маъносини бузуб талкин қилиш ва деярли ҳар бир эпизод ва ҳатто сўздан ҳам сиёсий айб-хато ахтариш урф бўлган эди. Таассуфлар бўлсинки, бу каби иллатлар энг аввало, мустабид тузум мағкурасининг салбий таъсири, адабиёт ва санъатга синфиийлик нуқтаи назаридан ёндашишнинг мудхиш оқибатлари бўлса, иккинчи томондан эса, улар профессионал танқидчиликнинг бадиий-эстетик савияси пастлиги билан ҳам изоҳланади. Бинобарин, Ойбекнинг адабий-танқидий асарлари бундай бирёкламалик билан ёзилган ғаразли ва саёз мақола-тақризлардан бутунлай фарқ қилароқ, ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослигимизнинг тараккиёт йўллари ва ижобий тамойилларини белгилаб беришда ўзига хос ижодий бир намуна бўлиб хизмат қиласди.

## МЕҲР ВА САМИМИЯТГА ЙЎҒРИЛГАН ИЖОД

Озод Шарафиддиновдек бетакрор инсон ва машхур ижодкорлар ҳакида ёзиш қанчалар марокли бўлса, шунчалар маъсулиятли ҳам. Сабаби-Озод Шарафиддиновнинг номи нафакат юртимизда машхур, балки кўшни ва хорижий мамлакатлардаги илмий-адабий жамоатчиликка ҳам яхши

маълум. Маъсулияти энг аввало шундаки, Озод ака қизилсўзликни мутлақо ёқтирмас, мақтову ҳамд-у санолардан энсаси қотарди. Чунки Шайх Саъдий айтганидек, чинакам истеъдодлар тоза мушк мисоли авторнинг таърифу таҳсиларига муҳтоҷ бўлмайди. Яна бир ҳижолатли томони шуки, машхур сиймолар ҳақида ёзаётганингда, гўё уларнинг шуҳратига жиндек бўлса-да шерик бўлаётгандек нокулай сезасан ўзингни одам. Ана шундай андишали жиҳатларни унутмаган ҳолда Озод ака ҳакидаги баъзи хотира ва таассуротларимни баён этишни жоиз деб биламан.

Илм ва ижод аҳли орасида ҳам, адабиёт ва санъат оламида ҳам шундай бир таомил бор: йирик олим ва санъаткорларнинг ижодий фаолиятини баҳолаш ёки шахсини таърифлашда кўпинча уларга ўтмишда ишаб-ижод этган машхур адиблар ёки мутафаккирлардан қиёс изланади. Негаки ҳақиқат таққослашда кўпроқ ойдинлашади. Озод Шарафиддиновни ҳам баъзан адабиётшунослар XIX аср адабий-эстетик тафаккури тарихида янги бир саҳифа очган улуг рус мутафаккири Белинскийга ўхшатишади. Албатта, бу ўринли муқояса билан улар Озод аканинг нодир истеъоди, бадиий ижод ва эстетик тафаккур ривожидаги иш айниқса танқидчилик соҳасидаги бекиёс хизматларини таъкидламоқчи бўлишади. Ҳақиқатан ҳам, бундай таққослашларга эътиroz билдириб бўлмайди -улар ўртасида муайян муштараклик мавжуд эканлигини пътироф этиш лозим. Бироқ шундай бўлса-да, мен Озод акани энг аввало бетакрор бир сиймо дегим келади. Зоро, Озод ака адабиётшунос олим ва мунаккид сифатида нечоғлик ёркин ва ўзига хос ижодкор бўлса, устоз-мураббий сифатида ҳам шу кадар беназир эканлиги билан кўплаб шмондошлири ва ижод ахлидан ажралиб туради, деб ўйлайман. Ўнобарин, «Буюклика қолип йўқ». Бу ибора Озод аканинг ўзига ишбатан ҳам муносиб бир таъриф бўла олади.

Жаҳон адабиёти ва эстетик тафаккур тарихига назар ташласак, шундай бир ҳақиқатнинг гувоҳи бўламиз: деярли барча улкан адиб ва олим мутафаккирлар етук ижодкор бўлиб танилгунга қадар илм ва ижоднинг муайян тадрижий йўлларини босиб ўтишади. Шу боис уларнинг олмий-адабий фаолиятида аксарият ҳолларда бўшроқ асарлар билан ажралиб турадиган «дастлабки давр» ёхуд «камолот даври» каби маълум ижодий босқичларни кўзатиш мумкин.

Озод аканинг адабий танқидчилик фаолиятида, назаримда, бундай ишнавий илк ёки дастлабки давр бўлмагандек туюлади менга. Ўнкrimning бир далили сифатида Озод аканинг адабий танқидчилик шархинига энди кириб келган пайтларида ёзган ва шеъриятимизнинг илдий муаммоларига бағишинган «Лирика ҳақида мулоҳазалар» каби илк мақолаларини ва нихоят, сўнгги йилларда нашр этилган «Чинорлардан бири», «Миллатни уйғотган адиб», ёки «Истибодод

курбони» каби мақолаларини кўз олдимизга келтирайлик. Буларнинг дастлабкилари бундан 50 йиллар муқаддам ёзилган. Лекин бу мақолалардаги лирик асарлар таҳлилиниң чукурлиги, фикр ва умумлашмаларнинг мантиқан теранлиги, тили ва услубининг пухталигини туйган ўкувчи уларни ҳали тажрибаси ҳам, маҳорати ҳам етарли бўлмаган бошловчи ёш бир мунаққид эмас, балки дид-савияси жуда баланд, етук бир олим ва мутафаккир яратган деган хulosага келиши табиий. Нафақат танқидчилигимизда ўзига хос бир воқеа бўлган, балки ўша давр шеъриятининг такомилига ҳам янги бир рух бағишлаган ва адабиётимизнинг Faфур Ғулом, Абдулла Қаххор, Миртемир ва Иззат Султон сингари улуғ дарғалари таҳсинига ҳам сазовор бўлган бу мақолалар чоп этилган 50-йилларнинг ўрталарида Озод ака эндиғина 25 ёшга кирган навқирон бир йигит бўлган. Озод Шарафиддинов феноменининг ҳайратли бир жиҳати ҳам шундаки, унинг илк чиқишлирида ёрқин намоён бўлган туғма танқидчилик таланти ҳеч қачон хира тортмади, шоирона қалб эҳтироси ва жўшкин илҳоми умрининг сўнгигига қадар сусаймади. Бу жиҳатдан ҳам Озод ака камдан-кам ижодкорларга насиб этадиган баҳт соҳиби эди, дея оламиз.

Озод аканинг улкан ижодкор ва комил бир устоз бўлиб танилишининг сабаб ва омиллари кўп. Лекин улар орасида кудратли бир омил борки, уни мен Озод аканинг ёрқин истеъдодида ва уммон қадар бекиёс заковатида кўраман. Энг аввало, ана шу бетакрор истеъдод ва салоҳият туфайли Озод ака бадий ижод ва танқидчиликнинг кўплаб долзарб муаммоларини ўзига хос ўткир нигоҳ ва ҳозиржавоблик, шижаот ва нуктадонлик билан ҳал этиб бера олди; бинобарин, ана шу улкан хизматлари билан ҳам ҳақли равишда мумтоз адиб ва олимлар каторидан фахрли ўрин эгаллабгина қолмасдан, давримизнинг чинакам қаҳрамонига айланди.

Озод аканинг адабий-танқидий мероси бағоят серкирра ва кўламдор, айни вактда, мавзу йўналиши хилма-хил, қолаверса, жанр жиҳатидан ҳам ранг-баранг. Бироқ уларнинг барчасига хос бўлган муштарак бир фазилат ҳам бор-уларнинг барчаси адабиётга, ижодга нисбатан ёник меҳр ва самимиятга йўғрилганлиги билан ажralиб туради. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, адабиётга, китобга сўнмас меҳр Озод аканинг ўзига хос табиий хислати, Бобур сўзлари билан айтганда, жибилий бир фазилати, улкан истеъдоднинг таркибий бир хусусияти эди дейиш мумкин. Танқидчи истеъдоди ва шахси адабий жараёнда ва бадий ижод оламини бойитишда қанчалар муҳим аҳамият ва кудрат касб этиши мумкинлигини Озод ака сиймосида яққол кўрса бўлади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун дастлаб бир киёс келтирайлик. Атоқли шоиримиз Эркин Воҳидов машҳур адибимиз Абдулла Қаххорнинг адабий ҳаётимизда нечоғлик салмоқли мавқега эга бўлганлигини эътироф этиб,

жумладан, шундай ёзади: «Абдулла Қаххор биз энди адабиётга қадам кўйган давр мұхитининг марказида турған шахс эди... ёшларга алоҳида ўтиборли, истеъодни илғаш қобилияти бениҳоя кучли устоз эди». Муболағасиз айтиш мүмкінки, адабий жараён ва танқидчилигимиз ривожида Озод аканинг ҳам ана шундай бекиёс ўрни борлигини ва кўплаб истеъодли ёш ижодкорларнинг ғамхўр устози бўла олганлигини фахр билан кайд этишadolатдан бўлур эди. Дарҳақиқат, адабиётимиз ва танқидчилигимизнинг сўнгги ярим асрлик таракқиёт йўли ва тарихини Озод Шарафиддиновнинг ғоят кўламдор ва жўшқин фаолиятисиз тўлиқ тасаввур этиб бўлмайди.

Озод Шарафиддиновнинг танқидчилик таланти ва ижодий салоҳияти нечоғлик серқирра ва самарали эканлигини тасаввур этиш учун лоакал у кишининг бадиий ижод ва адабиётшуносликнинг қандай мураккаб мавзу ва муаммоларини теран ёритиб берганлигини бир курса олишнинг ўзи кифоя қиласди.

Биргина XX аср ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш масаласини олайлик. Ғоят мураккаб ва зиддиятли кечган бу давр адабиётининг неча ўнлаб атоқли вакиллари ҳаёти ва ижодини муфассал ёритувчи кўплаб йирик тадқиқотлар, дарслик, монография ва салмоқли тўпламларнинг яратилганлиги танқид ва адабиётшуносликимизнинг жиддий ютуқларидан бири сифатида ҳақли равишда гурур билан эътироф этилади. Лекин ҳалқимиз маънавияти ва адабий-эстетик тафаккури ривожида ҳам бекиёс аҳамиятга молик бўлган мана шу хайрли ишларнинг ҳам аксарияти бевосита Озод Шарафиддинов раҳнамолиги ва мутасаддилигида юзага келганлигини ва буларнинг эвазига шўро даврида кескин тазијиқ ва таъна-дашномларга ҳам дучор бўлганлигини, афсуски, бугунги ёшларимиз яхши билмаслиги мумкин.

Чунончи, Истиқлол ғояларининг яловбардори бўлган жадид адабиёти ва унинг Чўлпон ва Фитратдек алломалари ёхуд Отажон Ҳошим сингари талантли намояндалари ҳаёти ва ижодини кенг ўрганиш ва уларни ҳалқка қайтаришлек эзгу ишларда Озод Шарафиддинов даражасида матонат ва фидоийлик кўрсатган ижодкорлар, эҳтимолки, бутун жумхуриятимизда ҳам бармок билан санаарли бўлса керак. Зотан, Истиқлол туфайли бугун Чўлпоннинг номини кўркув ёки ҳадик билан эмас, балки ҳақли равишда фахр билан тилга олишимизда ва уни адабиётимизнинг энг порлок сиймоларидан бири сифатида ардоклашимизда Озод Шарафиддиновнинг хизматлари бекиёс эканлигини эндиликда ҳар бир диёнатли олим ҳам, маърифатли китобхон ҳам тан олади.

Ёхуд иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллар ҳукм сурган яна бир машъум катағон даврининг даҳшатли азоб-уқубатларини тортиб келган Максуд Шайхзода, Миртемир каби улкан адибларимизни янгидан «кашф»

этиш ва уларнинг ҳар хил шубха-айблар билан ноҳақ камситилган асарларини одилона баҳолаб, уларни элга танитишда жонбозлик кўрсатган танқидчи ва адабиётшуносаримизнинг карvonбошиларидан бири ҳам Озод Шарафиддинов бўлганлиги эндиликда исбот талаб қилмайдиган ҳакиқатdir. Худди шундайин, Асқад Мухтор, Зулфия, Мамарасул Бобоев, Одил Ёқубов ва Пиримкул Қодиров, Саид Аҳмад (бу рўйхатни узок давом эттириш мумкин) каби неча ўнлаб йирик сўз санъаткорларимиз истеъдодининг ўзига хос жихатлари ва салмокли ижодиёти ҳамда уларнинг адабиётимиз ривожидаги ўрни ҳам Озод Шарафиддинов асарларида ўзининг ҳаққоний баҳосини олди десак, бошка адабиётшуносаримизнинг хизматларини асло камситган бўлмаймиз.

Бунга ишонч ҳосил қилиш мақсадида Озод Шарафиддинов қаламига мансуб бўлган бир-икки асарни имкон қадар кўздан кечиралил.

Мунаккиднинг 1976 йили нашр этилган «Истеъдод жилолари» номли китоби ҳам унинг «Замон Қалб.Поэзия» (1962) асари сингари адабий-танқидий тафаккур ривожида қувончли бир воқеа бўлганлигини адабий жамоатчилик яхши эслайди. Ушбу асарни вараклар эканмиз, даставвал ундаги эссе-портретларнинг номлари дикқатимизни ўзига жалб этади: «Чўкки», «Дарёдил шоир», «Сўз санъатига фидойи садоқат», «Улкан ҳаётнинг илк саҳифалари» ... Дарҳақиқат, машхур шоир, буюк қалб эгаси бўлган Faфур Fуломга нисбатан «Дарёдил шоир» деган иборадан кўра ҳам муносиброк таъриф бормикин? Faфур Fулом ижоди адабиётимизнинг энг юксак ва порлок «чўққи» сига қиёс қилингани-чи? Ёки шуҳрати олислисларга етган забардаст ёзувчимиз Ойбекнинг муқаддас сўз санъатига бўлган севги ва садоқатини «фидоий» деб атамаслик мумкинми? Ёки «Саркор» деган сўзни олинг. Бу сарлавҳа ўзининг бутун мазмуни ва аниқлиги билан бамисоли «мен адабий ҳаётимизда кўп йиллардан бери карvonбошилик килиб келган улкан адиб, йирик давлат ва жамоат арбоби Комил Яшин ҳақидаман» деб тургандай.

Тўпламдаги мақолалар ҳажман катта эмас, лекин танқидчи ана шу ихчам маколаларда адабиётимизнинг энг йирик вакилларининг ҳаёт йўлини ёритишга ва улар ижоди ва шахсиятининг асосий кирраларини муфассал очиб беришга муваффак бўлган.

Китобнинг ўзига хос томонларидан бири шунда кўринадики, танқидчи муайян ёзувчининг адабий портретини чизар экан, айрим адабиётшуносарлардан фарқли улароқ, ижодкор биографиясига хос барча муҳим ва номуҳим фактларни тасбех ўтиргандек санаб ўтирумайди, шунингдек, ёзувчи асарларининг сюжетини бошдан оёқ «ижодий баён» килиб беришга ҳам уринмайди. Балки ҳакиқий танқидчиларга хос маҳорат билан у ёки бу сўз санъаткорининг ижодий йўли қандай шаклланганлигини, унинг ўзига хос ва муштарак томонларини,

адабиётимиз равнақига кўшган ҳиссасини ва шу тариқа ўша ёзувчининг адабиёт тарихида тутган ўрнини аниқлашни асосий мақсад қилиб кўяди.

Шуниси характерлики, танқидчи маълум бир ёзувчи ижоди ёки конкрет бирор адабий асарнинг ижтимоий-эстетик кимматини белгиламоқчи бўлар экан, у ҳеч қачон ўзининг тор, субъектив қарашлари куршовида ўралашиб қолмайди, балки ҳамиша давр талаби ва замон руҳидан ва бадиий ижоднинг азалий қонуниятларидан келиб чиқиб фикр юритади. Шу билан бирга ҳар бир ёзувчининг талант йўналишини, унинг наил ва иктидорини, ижодкор сифатидаги индивидуал хусусиятларини ҳам ҳисобга олади. Фикримизнинг далили тариқасида тадқикотчининг машҳур ёзувчимиз Абдулла Қаххорнинг «Сароб» романи таҳлилига кискача тўхталиб ўтайлик.

Китобхонларга маълумки, «Сароб» романи танқидчиликда кўпгина мунозараларга сабаб бўлди. Айрим адабиётшунослар асарни тўла ва тўғри баҳолай олмадилар-улар романнинг ўзига хослигини, унинг ғоявий-бадиий жиҳатларини қандайдир «қўйма қолип» лар билан ўлчаб кўришди ва бунинг оқибатида ёзувчи олдига нотўғри талаблар кўйишгacha ҳам етиб боришиди.

Мунаккид А.Қаххорнинг сатирик истеъоди ва унинг эволюциясини атрофлича тадқик этар экан, у Қаххор асарларини баҳолашда ҳам, ҳар доимгидек жаҳон адабий-эстетик тафаккур мезонларини ўзига асосий дастуруламал килиб олади. «Ёзувчи ижодига баҳо берганда факат нимани яке эттираётганини асос қилиб олсагу, бошқа томонларини ҳисобга олмасак, нообъектив, бир томонлама йўлга кириб кетиш осон. Ёзувчи ижоднинг кимматини белгилайдиган энг муҳим нарса унинг акс эттираётган ҳодисаларга муносабатидир», - деб ёзади у.

«Истеъод жилолари» нинг «Сароб» романига нисбатан яна бир кимматли моменти бор. Гап шундаки, «Сароб» – кўп қиррали роман. У йўни пайтда эгоистик талант ва унинг фожиали тақдирни ҳакидаги асар ҳам бўлиб, А.Қаххорнинг муҳим адабий-эстетик қарашларини ҳам ўзида мужассамлаштиргандир. Афсуски, романнинг бу жиҳати шу вактга қадар ҳам деярли барча адабиётшунослар эътиборидан четда колиб келар эди.

Асарни кўздан кечирсак, ҳақиқатан ҳам унда ижодкор таланти, унинг моҳияти ва тақдирни каби масалаларга ҳам кенг ўрин берилганлигига амин бўламиз. Бу тасодифий эмас эди. А.Қаххор Саидийдаги дурустгина талантнинг курбон бўлишини реалистик давҳаларда акс эттирас экан, у орқали гўё «Гап факат талантда эмас, балки талантнинг мақсад йўналишидадир. Талант ҳалқка бағишиланиши, энг юксак ва олижаноб ғояларнинг тантанаси учун хизмат килиши керак», деган эзгу бир ҳақиқатдан бизни огоҳ қилгандай бўлади. Шу ўринда яна бир ҳақиқатни таъкидлаш ортиқча бўлмас. Абдулла Қаххор ижоди ҳакида кўплаб йирик тадқикотлар, юзлаб мақолалар ёзилган ва бундан кейин ҳам

яратилишига шубҳа йўқ. Адибнинг етук асарлари ҳақида турли савиядаги баҳс-мунозаралар ҳам ҳамон давом этади. Лекин ҳозирдан шуни қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, Қаххор ҳақида жиддийроқ бирор нарса ёзмоқчи бўлган ҳеч бир тадқиқотчи-адабиётшунос Озод аканинг бу ноёб истеъдод ҳақидаги асарлари ва хотираларини четлаб ўтолмайди. Зоро Қаххор ҳақида бирор салмоқли фикр билдириш учун энг аввало Озод ака эришган эстетик тафаккур юксаклигидан андоза олмоғи лозим.

«Истеъдод жилолари» тўплами яна бир жихати билан эътиборга молик- ундаги мақолалар танқидчининг ҳаёт ва ижод ҳақидаги чукур ўй ва мушоҳадалари билан ҳам бойитилганки, улардан айрим намуналар келтириш мумкин. Чунончи, мунакқид ўзининг бир мақоласида ёзади «Ижод қилмоқ кўнгилдаги энг ардокли фикрларини, энг ноёб ҳистуйғуларини, энг эзгу орзу-умидларини одамлар билан баҳам кўрмоқдир. Ёзувчининг ҳар бир асари инсон ҳаётининг маъноси ҳақида китобхон билан чин кўнгилдан килинадиган сухбатдир...

Ёзувчи меҳнати - доимий изланишdir...

Куш учишдан чарчамаганидек, чинакам ёзувчи ҳам ҳеч қачон изланишдан тўхтамайди...»

Бу сўзлар гарчанд Аскад Мухтор ижоди муносабати билан айтилаётган бўлса-да, улар тўлалигича F.Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳхордек устозлар ва О.Ёкубов каби талантли ёзувчиларимизнинг барчасига, жумладан, муаллифнинг ўзига ҳам тааллуклидир. Танқидчининг бундай хulosалари ўзининг мазмундорлиги ва умумлаштирувчи характери билан ҳам алоҳида ажралиб турадики, мен уларни фикрлар синтези деб аташдан ҳайикмасдим.

Нихоят, тўпламдаги маколаларнинг барчаси учун муштарак бўлган яна бир хусусиятни қайд этиш жоиздир. Бу танқидчининг фикр тиниқлигидан сайқалланган ўзига хос услуби, унинг бой ва ширали тилидир. Шу туфайли биз китобни ҳаяжон ва қизиқиш билан ўқиб чиқамиз, ундаги кўпгина жонли ҳикоялар, ҳатто бутун-бутун саҳифалар хотирамизда мустаҳкам ўрнашиб қолади.

Кўрамизки, «Истеъдод жилолари» муаллифнинг чукур билими, юксак тадқиқотчилик маҳорати ва ҳолисона илмий позицияси туфайли эришган катта бир ютуғи. Унда бутун ижоди бир-бирига ҳамоҳанг бўлган атоқли ва етук адибларимизнинг сермазмун ҳаёт йўли, унуптилмас шахси ва маънавий киёфаси, ўзига хос овози самимий ва илиқ сатрларда ҳаққоний акс эттирилганки, биз уларни ҳеч иккиланмай адабиётшунослигимизнинг ёрқин саҳифалари дея оламиз.

Халқимизда шундай накл бор: «Зар қадрини заргар билади», дейишади. Бу пурмаъно сўзларни Озод Шарафиддиновнинг танқидчилик талантига ва устозлик салоҳиятига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Хусусан, эндиликда адабиётимизнинг фахри саналмиш улкан шоир ва адибларга

айланган ва халқимизнинг меҳрини қозонган Ўзбекистон Қаҳрамонлари-Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповлар ёхуд Ўтқир Ҳошимов ва Ҳусниндин Шарипов сингари кўплаб таниқли санъаткорларимизнинг ижодий камолотида ҳам Озод Шарафиддиновнинг устозлик ўрни бор эквалигини нафакат уларнинг ўзлари, балки кенг адабий жамоатчилик ҳам намнуният билан эслайди. Энг муҳими яна шундаки, Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповларнинг дастлабки шеърларидаёқ кўзга ташланган ва илк бор Озод Шарафиддинов каби ҳассос устозлар томонидан юксак калрланган чукур ҳаётйлик ва драматик рух, поэтик мукаммаллик, мусикийлик ва халқчил юмор сингари ҳислатлар улар истеъоди ва ижодининг етакчи фазилатлари сифатида яна ҳам камол топди. Таъбир юзи бўлса, Озод Шарафиддинов сингари зукко адиб ва адабиётшунослар башорати вакт синовидан ўтиб, ҳаёт томонидан ҳам тасдикланди; бу ёркин истеъододларимизнинг ўзига хос ва оригинал ижодиёти тез орада бутун шеъриятимиз тараққиётини таъминлаган умидбахш тамойилларни белгилаб берди, адабиётимизни ҳам мазмунан, ҳам шаклан янги ва юкори бир погонага кўтарди. Бундай ибраторумуз мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Хўш, Озод аканинг улкан истеъодини озиқлантириб, илқомлантириб турган ҳаётий куч-манбалар каерда, танқидчи тафаккури ва маҳоратини юксалтирган омиллар-чи? Қолаверса, Озод аканинг адабий-танқидий асарларининг жозибаси, таъсирчанлиги ва умрбокийлиги сирлари нималарда? Эҳтимол, буларга Озод аканинг адабиётга чексиз меҳри ва садокатидан тортиб, у кишининг кўп ўкиши, укиши, билим доираси ва тафаккур оламининг бениҳоя кенглиги ҳам сабабдир. Балки Озод аканинг улкан адиблар каби энг аввало инсон ҳаёти ва руҳиятини чукур билиши, ўй-мушоҳадаларининг теранлиги ва нозиктаъб доинишмандлиги ҳам асосий бир сабаб бўлгандир. Буларнинг барчаси муҳим. Лекин Озод аканинг ёркин истеъоди ва танқидчилик маҳорати ҳакида сўз кетганда, барчамизнинг кўнглимиздан кечадиган яқдил бир фикр бўлади: яъни Озод аканинг нодир истеъоди ва юксак маҳоратининг ҳаётбахш кучи ҳам, шахсиятининг улуғлиги ҳам энг аввало, у кишининг ҳақгўйлиги ва самимиятида, ижодни теран англаш баҳтида.

Шу муносабат билан, у кишининг танқидчилик касби ҳакида айтган куйидаги фикрларини четлаб ўтиб бўлмайди: «Танқид соҳасига қадам кўйган одам биринчи қадамиданоқ шуни билсинки, у ўзини умрбод машакқатли, тинимсиз, ором билмайдиган меҳнатга маҳкум этади... Танқидчи учун зарур бўлган яна бир сифат борки, уни мен ҳалоллик деб атар эдим. Танқидни обрўсизлантирадиган, уни ёзувчи олдида ҳам, китобхон олдида ҳам бебурд қиласиган таъмагирликдан ортиқ нарса йўк...» Бу сўзларда катта ҳаётий тажриба ва кўп йиллик ижодий изланишлар натижасида туғилган ва Озод ака бутун умри давомида изчил

амал қилган мұқаддас бир әзтиқод ифодаланған. Менимча, энді уларни Озод академ буюк алломанинг барча ижод ахлига қолдирған әзгу бир васияти деб ҳам қадрлаш ўринли бўлади.

Озод аканинг забардаст адабиётшунос ва мохир таржимон сифатидаги ранг-баранг ижодиёти қанчалар әзтиборга лойик бўлса, у кишининг муҳаррирлик ва устоз-мураббийлик фаолияти ҳам шу қадар әззоз-эҳтиромга муносиб деб ўйлайман. Озод ака энг аввало ғоят багрикенг, инсонпарвар ва талабчан бир устоз сифатида адабиёт ва илм ахлининг чексиз меҳр-хурматига сазовор бўлган эди.

Кўплар атори мен ҳам 35 йиллар давомида у кишининг доимий меҳр-шафоатидан ва бебаҳо ўгитларидан баҳраманд бўлиб келгандардан бириман. Хусусан, 70-йилларда Абдулла Қаҳҳорнинг адабий-танқидий меросини номзодлик диссертациямга мавзу килиб олишим, кейинрок Қаҳҳор ва Тоғай Мурод ҳакида баҳоли кудрат ёзган рисолаларим, қолаверса, ўнлаб мақолаларим ҳам энг аввало Озод аканинг маслаҳати ва рағбати билан юзага келгандигини ҳамиша миннатдорлик билан эслайман. Ҳар гал Озод ака ва Шарофат опаларнинг покиза дастурхонларидан нонутузларини тотиб, иззат-икром билан қайтар эканман, ўзимни ҳамиша бағри бутун, дasti узун ва орзулари юксак баҳтли бир одамдек сезардим ва буларнинг барчаси учун ҳаётга беадад шукроналар айтардим. Мана шу хушнудлик ва бурчдорлик ҳислари бизни умрбод тарк этмаслигини орзу қиласдим.

Водаригки, неча йиллардан бүён оғир дард билан мардона олишиб келаётган ва ҳатто тўшакка михланган ҳолатида ҳам ижоддан тўхтамаган Озод аканинг ҳам жони темирдан эмаслигини, бир кунмас-бир кун ҳаммамизни доғда қолдириб, оламдан кўз юмиб кетишларини ҳаёлимизга ҳам келтирмасдик. Начора, бу ҳам ҳаётнинг шафқатсиз бир ҳақиқати, буюк ҳикмати. Яна бир тасалли шуки. Озод аканинг меҳридарёлигини, у кишининг улуғворлигию, соғинч-қадрини янада кўпроқ, янада чуқуррок англай бошлияпмиз, назаримда. Бугина эмас, вакт ўтган сари Озод аканинг вафоти адабиётимиз учун ҳам, маънавиятимиз учун ҳам ўрнини тўлдириб бўлмас даражада оғир йўқотиш эканлигини қайта-қайта ҳис этгандек бўляпмиз. Нихоят, ҳар гал ҳаёлимни бир ўй чулғаб олади: Озод аканинг шогирди деган номга муносибимизми? Озод академ улуғ инсон ва устоз-мураббийнинг меҳр ва ишончини оклай оляпмизми? Адабиётга, маънавиятимизга ва у орқали ҳалқимизга сидқидилдан фидоийлик билан хизмат қиляпмизми? Адабиётнинг «биринчи мўъжиза» эканлигини қалбдан ҳис эта оламизми ва уни устозимиз ўргатганидек, талабаларимизга, ўкувчиларимизнинг онг-шуурига етказа оляпмизми? Яқин кишиларимиздан, ҳамкасларимиздан, дўсту-шогирларимиздан, атрофимиздаги муҳтоҷ кишилардан инсоний оқибат ва ҳиммату-саҳоватимизни дариг тутмаяпмизми?...

Бу саволларга қандай жавоб бериш ҳар биримизнинг виждонлиёнатимизга ҳавола. Лекин шу каби оғрикли саволлар барчамизни ҳамиша безовта килиб туришини истардим. Зотан, Озод аканинг биз, шогирдларга қўйган ҳаётий бир талаби ҳам, унутилмас сабоқларидан бири ҳам шу эмасмиди?

## Адабий таъсир масалалари

Адабий таъсир, анъана ва новаторлик ҳамиша бадий ижод ва адабий-истетик тафаккур ривожининг энг муҳим ва зарурий бир шарти ва қурдатли омили бўлиб хизмат қилишини кўп асрлик жаҳон адабиётининг бой тажрибаси ва тарихий тараққиёти тўла тасдиклайди. Бу муҳим ҳакиқатни рус классик адабиётининг ҳозирги замон ўзбек адабиёти намояндлари ижодига кўрсатган ижодий таъсири мисолида ҳам кўриш мумкин. Бинобарин, рус ва жаҳон мумтоз адабиётининг ўзбек адиллари ижодига кўрсатган ва кўрсатаётган таъсири муаммоси кўпчилик олимларимиз ва ёзувчиларимизнинг диккатини жалб килиб келаётганлиги илдий жараён учун ҳам, адабиётшунослик фани учун ҳам табиий бир қолдир. Бу эътибор ва қизиқишнинг самараси ўлароқ, кейинги йилларда илабиётшунослигимизда мазкур проблемага бағишиланган бир қатор илмий-назарий тадқиқотлар, маҳсус тўпламлар, ўнлаб салмоқли маколалар юзага келди. Бироқ турли муносабат билан турли савияда ёзилган бу асарларнинг кўпчилиги ҳалигача ҳам атрофлича ўрганилгани ўюк. Жумладан, бир гурӯҳ адіб ва олимларимиз ҳамкорлигига яратилган “Устоз”<sup>1</sup>, “Асримизнинг буюк адаби”<sup>2</sup>, “Лев Толстой ва ўзбек адабиёти”<sup>3</sup> леб аталган тўпламлар ҳамда “Гоголь ва Абдулла Қодирий”<sup>4</sup> каби рисолалар ҳам бевосита ана шу муҳим мавзуга бағишиланганки, қуйида биз ана шу асарлар юзасидан мавзумиз доирасида баъзи мулоҳазаларимизни баён этмоқчимиз.

Тўпламлар бир қатор муштарак ва ўзига хос хусусиятларга эга. М.Горький ва М.Шолохов ҳақидаги тўпламлар асосан адабий-танқидий ва публицистик мақола ҳамда хотираларни ўз ичига олган бўлса, “Лев Толстой ва ўзбек адабиёти” мажмуасидаги кўпчилик мақолаларда гениал санъаткорнинг ўзбек адиллари ижодига таъсири масалалари кўпроқ илмий нуқтаи назардан ўрганилади. Тўпламларнинг жиддий бир аҳамияти шундаки, улар чукур бир ҳакиқатни, яъни жаҳон мумтоз адабиётининг Л.Толстой, Н.В.Гоголь, М.Горький ва М.Шолохов каби улкан намояндлари ижоди ҳозирги замон ўзбек адабиётининг шаклланиши ва

<sup>1</sup> Устоз (Горький ҳақида). Ф.Фулом номли бадий адабий нашриёти. Тош. 1968 й.

<sup>2</sup> Асримизнинг буюк адаби. Ф.Фулом номли нашриёт, Тош. 1975 й.

<sup>3</sup> Лев Толстой ва ўзбек адабиёти. «Фан», Т., 1979. Бундан кейинги ўринларда ушбу асарлар сахифаси матннинг ўзида кўрсатилади

<sup>4</sup> Бегжонова М. «Гоголь и Кадири», Т. 1983.

ривожида муҳим роль ўйнаганлигини ва бугун ҳам уларнинг асарлари ёзувчиларимиз учун илҳомбахш бир ижодий манба бўлиб хизмат қилаётганлигини ўзига хос тарзда тасдиқлаб туради. Муҳими шундаки, биз учун қимматли бўлган, лекин муайян сабабларга кўра ҳанузгача ҳолис ўрганилмаган бу объектив ҳақиқат адабиётимизнинг С.Айний, Ф.Гулом, Ойбек, К.Яшин, П.Турсун ва В.Зоҳидов каби йирик намояндадарининг қалб хотираларида ҳам, шунингдек, Э.Воҳидов, Ў.Хошимов ва Р.Фарҳодий каби кейинги авлод вакилларининг самимий эътирофларида ҳам ўзининг равshan ифодасини топган.

“Алексей Максимович Горькийни, -деб ёзган атоқли адабимиз С.Айний ўз хотираларида, - улуғ ёзувчи деб аташ етарли эмас. У адабиётимизнинг ҳам том маънодаги отаси, устози ва тарбиячиси эди. У адабиётимизнинг гуллаб-яшнашига, қардош ҳалклар ёзувчиларининг ижодий шаклланишига улкан таъсир кўрсатди” (64-бет). Бу сўзлар остига кўпмиллатли қардош ҳалклар адабиётининг, жумладан, ўзбек адабиётимизнинг аксарият намояндадари имзо кўя олади. Негаки, М.Горький ижодидан бевосита ёки билвосита баҳраманд бўлмаган, ундан ўз истеъдод майли ва иқтидорига яраша сабоқ олмаган адиб жуда кам десак, муболага бўлмас. Бинобарин, М.Горький ҳаёти ва ижоди бошқа миллий адабиётларнинг вакиллари сингари ўзбек адаблари учун ҳам буюк бир намуна, улкан мактаб бўлиб хизмат қилганлигини эътироф этиш кўпчилик мақола ва хотираларнинг умумий мазмунини белгиловчи марказий ғоя бўлиб ҳисобланади. Бундай фикрни Л.Толстой ва М.Шолоховга бағишланган тўпламлардаги мақолаларга нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Тўпламлар ва улардаги мақолалар турли йилларда юзага келган, лекин улар ягона эзгу мақсад билан битилган. Уларнинг замирида улуғ адабларга нисбатан ўзбек китобхонлари қалбида чексиз меҳр ва хурмат туйгуларини уйғотишдек олийжаноб ният мужассам: “Адабиётимизнинг ўлмас виждони, ижодимизнинг донишманд отаси бўлган Горький буюк романчи, буюк хикоячи ва буюк муаллимдай ўзбек китобхонларига танилиши керак” (М.Шайхзода). Даъваткор бу сўзларни М. Горький ҳақида ўзбек адаблари ва олимлари томонидан ёзилган барча мақолаларга нисбатан эпиграф қилиб қўйиш мумкин. Хусусан, атоқли ўзбек адаблари қаламига мансуб бўлган қатор мақолаларда М.Горькийнинг “гениал” ёзувчи ва “гениал инсон”лиги (П.Павленко) ва унинг ижоди кўплаб адабий насллар учун бебаҳо бир маънавий ҳазина эканлиги характерли мисоллар орқали кўрсатиб берилганки, булар ўзбек ўкувчиларининг машхур адабни янада яқиндан билишига, унинг буюклиги “сир”лари ва маъноларини чукурроқ идрок қилишига ҳам кўмаклашади. Масалан, Ҳ.Олимжоннинг чукур эҳтирос билан ёзган “Ёвузларнинг омонсиз ёви” ва “Буюк сиймо” (1938 й.) номли мақолаларида М.Горький ижодининг ёрқин

пафоси ва курашчанлик рухи яхши очиб берилган. “Эксплуататор синифларга, халқ душманларига, фашистларга қарши М.Горькийда бўлган газаб чексиз ва чегарасиз эди, -деб ёзади Ҳ.Олимжон. А.М.Горький уларни тўғридан-тўғри икки оёкли ҳайвонлар деб атар эди. Фашистлар қисида ёзар экан, А.М.Горькийнинг сўз хазинаси буюк бир газаб билан тўлқинланар эди. А.М.Горький халқ душманлари, фашистлар, Ёвуздарга қарши “бутун жаҳон трибуни эди” (81-82-бетлар. Таъкид бизники. У.Қ.). Бу сўзларнинг инкор этиб бўлмас даражадаги ҳакиқат эканлигига бугунги кунда барча китобхонлар ва миллионлаб прогрессив чет эл ўқувчилари ҳам кафолат бериши мумкин. Лекин М.Горький тафаккурининг қудрати ва ёзувчи ижодининг оламшумул ижтимоий моҳияти ҳакида бундай чукур ва одилона мулоҳазаларнинг 30-йилларда-ҳали XX аср ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги гоявий-эстетик жиҳатдан ҳам, методологик жиҳатдан ҳам тўла шаклланиб улгурмаган, балки энди ривожланиб келаётган бир даврда айтилганлиги эътиборга олинса, николанинг қиммати янада ошади. Мавзу ҳакида аниқ ва кўламли таассурот қолдирувчи бундай мақолалар бугун ҳам М.Горькийни кенг ўқувчилар оммасига яқиндан таништиришдек олийжаноб мақсад йўлида хизмат қилаёттир, зеро, М.Горький асарлари инсониятнинг порлоқ турмуши учун курашида бугун ҳам ҳамкор ва ҳамнафасдир.

М.Шайхзоданинг тўпламга киритилган “Инсон” (1937й.) номли мақоласи ҳам М.Горький вафоти муносабати билан ёзилган, лекин чукур онтимистик рух билан сугорилган етук асарлар сирасига киради. Унда М.Горький адабий фаолиятининг деярли ўрганилмаган бир соҳасига алоҳида дикқат қилинган. М.Горькийнинг ёш қаламкашлар ва турли касб ҳалари билан олиб борган ёзишмаларининг акл бовар килмас даражада кенг кўлами, некбин мақсади ва уларнинг асосий мазмуни ихчам бир тарзда очиб берилган. М.Шайхзода, М.Горький билан хат орқали мулокотда бўлиб турган кишилар доирасини таърифлар экан, шундай ёзади: “Горький ёзиб юборган 100 та хатдан 70 ёки 80 таси унга таниш бўлмаган ёхуд камроқ танилган кишиларга қаратилган эди. Бу хатларнинг адресларини қарасангиз; янги ёза бошлаган авторга, тажрибали адабиётчига, ёш ихтирочига, кишлоқ муаллиммасига, лагерларда ўз жазосини тортиб турган ўтрига ва яна шунга ўхшаш кишиларга ёзилган бўлур эди. Шу хатлар бир вактлар тўпланиб, таҳлил қилинса, улуғ ёзувчининг ва инсоннинг қандай бир бепоён чидам билан боғланиб турганини кўрсатажаклар. Горький ўз зехнининг ва талантининг ҳажмига кўра албатта, шахсий ёхуд оилавий турмушга бекиниб кола олмас эди” (105-бет)

Шу тариқа М.Горькийнинг “Жиддий ва принципиал хат” ва ёзишмалари унинг серкирра фаолияти, бой маънавиятининг ўзвий бир кисми тарзидагина эмас, балки ёзувчининг омма билан доимий

алоқасининг жонли бир формаси, замондоши Е.Зозуля ибораси билан айтганда, унинг “кундалик мажбурий иши” сифатида баҳоланади. Бу жиҳати билан ҳам М.Горький ижодий фаолияти, М.Шайхзода тўғри таъкидлаганидек, кўплаб ёзувчилар учун ибрат намунаси бўла олади. Булар янги давр санъаткорининг бекиёс тимсоли бўлган улуғ адабнинг ижодий оламини, ёрқин сиймосини янада мукаммалроқ гавдалантиришда муайян роль ўйнайди. Бундай мақолалар далил ва таҳлилга бойлиги билан келгусида ҳам М.Горький ҳақида йирик тадқиқотлар яратишда муҳим бир асос бўлиб хизмат килиши шубҳасизdir. Шу нуктаи назардан қаралганда “Асримизнинг буюк адаби” ва “Лев Толстой ва ўзбек адабиёти” тўпламларидағи қатор мақолаларнинг ҳам алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлаш керак.

Адабиётимизнинг кекса авлоди вакилларининг катта бир хизмати ҳам, ижодий балогатининг ёрқин бир жиҳати ҳам шунда қўринадики, улар қисқа бир вакт ичида жаҳон адабиёти тараккиётида ҳам энг олдинги ўринда турган машхур классикларнинг ижодини чинакам истеъододларга хос ихлос ва салоҳият билан ўрганиб, уларнинг бой тажрибаларини ва юксак маҳоратини “ўзлариники” килиб олдилар. Бу ҳақда адабларимизнинг ўзлари шундай эътироф этишади: “Горький асарларини мукаммал ўрганиб, ҳазм этдим, сингдирдим ва Горькийнинг асарлари хазинасидан олган сабоқларим ёрдами ила ўзим проза соҳасида йўл топдим”... (Ойбек, 71-бет). Ушбу самимий эътирофнинг қанчалик ҳакконийлигини бу икки улуғ адаб ижодини кенг ўргангандан таникли адабиётшуносларимиздан бири Озод Шарафиддиновнинг куйидаги кузатишлари билан ҳам далиллаш мумкин: “Ойбек Горькийдан ҳаётни кенг эпик планда тасвирлашни, ҳаётдаги илғор тенденцияларни кучайтириб кўрсатишни, чукур психологик анализ килишни ўрганди...”<sup>1</sup> Бу фикрларга, асосан, қўшилган ҳолда, яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, Ойбек нафакат Горький сингари рус адабиёти намояндлари ижодидан, балки кўплаб туркий ва бошқа ҳалқлар адабиётининг улуғ намояндлари ижодидан, айниқса, буюк шоир ва матафаккир Алишер Навоий каби даҳо сўз санъаткорларининг бой ижодиётидан ҳам бекиёс баҳраманд бўлганлиги, уларнинг чукур инсонпарварлик ғоялари ва юксак бадиий маҳоратларини ўрганиш орқали ўзи ҳам устоз адаб даражасига етганлиги шубҳасизdir.

Худди шунингдек, Аскад Мухторнинг куйидаги фикри ҳам адабий таъсир масалаларининг моҳиятини ва унинг кўп киррали ва ижодий бир жараён сифатида ҳамда бадиий ижод тараккиёти ва адабий-эстетик тафаккур ривожининг муҳим бир омили эканлигини тўғри ёритиб беришда муҳим аҳамият касб этади: “Ўзбек прозаси ўзининг ёшлигига ёк

<sup>1</sup> О.Шарафиддинов. Дўстлик конуни. –Биринчи мўъжиза. Т., 1979 84-бет

Лев Толстойнинг мураккаб ва ҳаққоний, аслан соғлом ва улуғ мероси билан учрашиш баҳтига мұяссар бўлдики, бу уни санъатнинг кўпгина носоғлом “ўйинлари”дан асраб қолди... (Асқад Мухтор, 48-бет).

Тўпламлардаги маколалардан бундай эътирофларни кўплаб келтириш мумкин. Умуман, бу хил маколаларнинг аҳамияти Л.Толстой, М.Горький ва М.Шолохов сингари буюк санъаткорлар ижодидан ўрганишнинг мураккаблиги ва тадрижийлигини ўзига хос тарзда акс эттириб турганлигидагина эмас. Улар классик адиллардан маънавий мерос бўлиб колган ижтимоий фаоллик, изчил курашchan позиция ва юксак фуқаролик бурчига садоқат каби, фазилатлар ўша йиллардаёқ талантли ўзбек ёзувчилари томонидан мұхим дастурламал сифатида онгли суратда қабул қилингандигидан ҳам гувоҳлик беради. Ўз навбатида бу хусусиятлар ёш адабиётимизнинг мазмуни ва ғоявий-эстетик йўналишига ҳам катта таъсир кўрсатган мұхим факторлардан бири бўлиб хизмат қилганлиги маколаларда тўғри ёритилган.

Дарҳақиқат, том маънодаги адабий таъсирни шунчasi ғоявий ёки шунча қисми бадиий техникага доир деб сунъий равишда таркибларга ажратиш бамисоли йўлимизни ёритаётган нўрни заррама-зарра бўлиб ўрганишга уринишдек ортиқча бир иш бўлур эди. (Албатта, бундан классик ёзувчилар дунёкарашидаги мураккабликларни, улар яшаган давр муфкураси ва мұхити билан изоҳланадиган чекланганликлар ёки зиғфликларни ҳам ҳеч кандай танқидий муносабатсиз тўла-тўқис қабул қилиш керак деган хулоса келиб чиқмаслиги керак). Бинобарин, В.Шекспир, Л.Толстой сингари даҳоларнинг юксак санъаткорлигини уларнинг бутун ҳаёти ва ижодининг мақсад йўналишини белгилаган гуманистик идеалларидан, ҳақиқат ва эзгулик учун курашидан ёхуд улар учун муқаддас бўлган ғоявий-эстетик ақидаларидан ажратиб олиб таҳлил қилиш ва баҳолаш мумкинми? Аксинча, биз бу улқан ёзувчиларнинг бадиий маҳоратига, жумладан, ўз қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатлари, ўй-кечинмаларини теран тасвирлашини ёки уларнинг асарларидаги ҳар бир эпизод ва деталларнинг ҳам нақадар ҳаётий ва маънодор эканлигини кўриб, ҳайратга тушар эканмиз, бир нарсани унутмаслигимиз лозим: яъни ана шу санъаткорликнинг ҳаммаси ёзувчининг ижодий ниятига буйсундирилгани учун, асарнинг етакчи ғоявий мазмунини янада чуқурроқ ва тўлароқ ифолашга қаратилганлиги учун ҳам диқкатимизни жалб этади. Масалан, Инсон ва уни улуғлаш ғояси Л.Толстой, М.Горькийларнинг бутун ижоди бўйлаб қизил бир ип бўлиб ўтади. Улуғ адиллар ижоди билан яқиндан ошно бўлган ва уларга муносиб шогирд бўлган ҳеч бир ёзувчи уларнинг ана шундай юксак ғоялари ва инъаналаридан таъсирланмаслиги, озиқланмаслиги мумкин эмас. Ёхуд Л.Толстой ижодидан сабоқ олишга мойил ва шунга лаёкатли бўлган ёзувчи улуғ адабнинг санъат назариясига катта хисса бўлиб кўшилган

адабий асарнинг юкумлилиги ва таъсирчанлиги (“заразительность”), оригиналлиги ва оммавийлиги ҳақидаги эстетик қарашларига нисбатан бефарқ қолмаслиги аёндир. Акс ҳолда, ҳақиқий маънодаги ижодий таъсир юз бермаган бўлади. Бу билан биз бадиий ижод ва эстетиканинг мазмун ва форманинг диалектик бирлиги ҳақидаги концепциясининг адабий таъсир жараёнининг моҳиятини белгилашда ҳам асосий бир мезон бўлиши лозимлигини таъкидламоқчимиз.

Тўпламлардаги кўпчилик мақолалар учун характерли бўлган яна бир хусусиятни кўрсатиб ўтиш ўринли. Мақолаларда чинакам истеъдод учун ўқиши ва ўрганишнинг ўзига хос қийинчиликлари ва самаралари ҳақида ҳам ибратомуз фикрлар баён қилинади. Масалан, А.Мухтор ҳамкасларининг рус классикларидан, хусусан Л.Толстойдан ўрганиши чукур ижодий характерда бўлганлигини таъкидлаб шундай дейди: “Ўрганиш – бу тайёр шакллар ва эстетик компонентларни олиб, миллий шароитга шунчаки мослаштиришдан иборат эмас. Катта ҳисоб билан қараганда, биз тақлид қилганимиз йўқ, таъсирни ҳарфхўрларча қабул қилган эмасмиз, балки Толстой образлари ва фикрлари оламида худди ҳақиқий ҳаётдаги каби яшаганмиз” (48-бет).

Ҳақиқатан ҳам, адабиёт ва санъатда устод ва шогирликнинг асл моҳияти мутлақо тақлидчилик ва ўхшашликдан иборат эмаслигини ҳар бир истеъдодли ёзувчининг ижодий йўли тўла тасдиқлай олади. Бундан бир неча йиллар олдин “Литературная газета”да атоқли ёзувчи Л.Леонов юбилейи муносабати билан катор ёзувчиларнинг, жумладан, К.Лордкипанидзенинг ҳам “Устод мактаби” номли мақоласи эълон килинди. Муаллиф ўз мақоласида ижодий таъсир ҳақида ҳам тўхталиб, рус ва бошқа миллий адабиётларнинг кўплаб таникли намояндлари Л.Леонов яратган улкан мактабдан сабок олганини мамнуният билан қайд этади. Айни вактда, улар орасидан устозга ўхшаб колган ёки уни айнан такрорловчи биронта ҳам “иккинчи Леонов” етишиб чиқмаганлигини ҳақли равишда таъкидлаб ўтадики, бу хуносага тўла қўшилиш керак. Яна бир мисол. Талантли шоиримиз Абдулла Орипов устозлар ҳақида гап борганда, ҳамиша атоқли адабимиз F.Фулом, Ойбек, А.Қаҳхор, Миртемир, ёки Қайсин Кулиевларнинг номини алоҳида хурмат ва миннатдорлик билан тилга олади. Дарҳақиқат, юкорида Саъдий ва Навоий мисолида кўрганимиздек, улар ўртасидаги устод ва шогирдлик чукур ижодий характерда бўлиб, санъаткор истеъдодининг камол топиши учун ёт ва заарли бўлган кўр-кўrona эргашиш ёки тақлидгўйлик каби тўсиклардан бутунлай ҳоли эди. Акс ҳолда, А.Ориповнинг истеъдод йўналишига зўрлик ёки эҳтиётсизлик билан “раҳбарлик” қилганда ёхуд у ўзи ихлос кўйган устозларининг ижод сирларини “бир умр таҳлил этиш, ўзи учун кашф этиш” йўлидан бормай, балки уларга ўхшашга бехуда уринганда, шоир талантининг ҳозиргидек ёрқин намоён бўлиши амри маҳол эди.

Аслида, В.Белинский ва И.Бехерларнинг адабий таъсир ҳақида айтган машхур сўзларининг маъноси ҳам, ижодда устоз ва шогирдликнинг самараси ҳам энг аввало ана шунда – ўрганиш ва таъсирланиш орқали ўз йўлини тезроқ топа олишда, ўз иқтидорини кўпроқ юзага чиқара олишда намоён бўлади.

Улуғ мутафаккир В.Г.Белинский рус ва жаҳон адабиётининг нодир ҳодисаларини чукур тадқик ва таҳлил этар экан, у ёки бу ёркин истеъдоднинг тезроқ камол топиши ва унинг тўла намоён бўлишида устоз адиллар ижодининг баракали таъсири нечоғлиқ муҳим аҳамият касб этиши мумкинлигини, лекин шу билан бирга чинакам истеъдодлар ўртасидаги ижодий таъсир мутлақо ташки ўхшашликдан иборат бўлмаслигини алоҳида таъкидлаб, шундай ёзади: “Буюк шоирнинг ўзга адилларга таъсири шундаки, бамисоли қуёш сингари ерга ўз куч-куватини бермайди, балки ернинг ўзидағи, бағридаги кучни уйғотади. Ҳудди шундайин, устоз шоир ҳам ёш шоирнинг ўзидағи кучни, истеъдодни уйғотади...”<sup>1</sup>

Дарҳақиқат, адабий таъсир ёш истеъдоднинг тезроқ балоғатга етиши ва ўзининг таланти ва маслагига яраша ижод қилиш жараёнини тезлаштириш ва шу тариқа бадий ижод ва адабий-эстетик тафаккур ривожига ҳам самарали таъсир кўрсатиш мумкинлигини адабиёт тараққиётининг ҳар бир боскичида кўриш қийин эмас. Тўпламлардаги кўпчилик маколалар ана шундай хулоса чиқаришга асос бўла олади. Шу билан бирга кўпгина ёзувчиларимизнинг ижодий эволюцияси ва айрим асрларининг яратилиши жараёни билан боғлиқ бир қатор муҳим адабий-тариҳий фактлар тўғрисида ҳам муайян тасаввур бера олади. Бу жиҳатдан айниқса С.Айнийнинг “Горький ижодиётини сақлаймиз ва ўрганамиз”, Н.Турсуннинг “Ёшларнинг дўсти, меҳрибон устози”, П.Қодировнинг “Бадијат қуёши”, Ҳ.Назирнинг “Шолохов сабоқлари”, Ш.Холмирзаевнинг “Шолоховни ўкиб” ва Э.Каримовнинг “Лев Толстой ва Абдулла Қодирий” каби маколалари ўқувчида алоҳида қизиқиш уйғотади. Чунончи, Ш.Холмирзаев ўз маколасида бадий ижод ва ёзувчи талантининг моҳиятини тушуниб олишида ва ижодкор сифатида шаклланишида унга чет эллик машхур санъаткорлардан фарқли ўлароқ М.Шолохов асарлари юнчалик кучли таъсир кўрсатганлигини шундай ифодалайди: “Тинч Дон”дан бошлаганман ўкишни. Бу қалин китобни очиб, биринчи саҳифасини ўқидим-у: “Нега бундай?” – деб шивирладим атрофимга аланглаб. – Нега бунча оддий, содда ёзилган? Ҳудди ҳаётнинг ўзи-ку?.. муҳим бир фикрга кела олмай, ўкишда давом этдим. Ўқиганим сари асар ичига кириб бора бошладим... ва амин бўлдимки, бу бошқа адабиёт, бу мен ўкиб кўрмаган, кўзим ўрганмаган адабиёт ҳамда... нимаси биландир

<sup>1</sup> Белинский В.Г. Поли.собр.соч. III, 117

хәётга бенихоя яқин, ҳатто кишини ҳәётнинг ўзи-ку бу” дейишга мажбур этадиган адабиёт бу!” (84-85-бет).

Булардан шундай холоса чиқариш түғри бўлар: М.Шолохов ижоди, айникса унинг тасвирилаш маҳорати Ш.Холмирзаев каби ёш ёзувчиларни “ҳәёт воқеаларидан маъно чиқариш, аникроғи, шу маънони китобхоннинг ўзига чикартира олиш”дек юксак санъат сирлари билан ошно қилган ва уларнинг ижодда ўз йўлларини топишига ҳам катта ёрдам кўрсатган. Кўплаб ёзувчиларимизнинг ижодий биографиясида учровчи бундай мисоллар адабий таъсирнинг ёрқин бир кўриниши сифатида қаралиши зарур. Тўпламлардаги бу хил мақолаларнинг аҳамияти яна шундаки, улар ўзбек адиларимизнинг ижодий йўли ва маҳорат сирларини янада кенгроқ тадқиқ этишда ҳам ишончли бир манба бўлиб хизмат кила олади.

Шу ўринда қисқа бир изоҳ бериб ўтиш зарурати туғилади. Агар адабиётимизнинг Ш.Холмирзаев ва Ў.Хошимов каби ёш авлоди вакилларининг рус ва бошқа қардош халқлар адабиёти классиклари ҳақидаги миннатдорлик ҳисларига тўла бўлган зътирофларини йирик ёзувчиларимизнинг мулоҳазалари билан таккосланса, улар ўртасидаги чукур гоявий ҳамоҳанглик, фикрий яқинлик кўзга яққол ташланади. Албатта, булар шунчаки тасодиф натижаси ёки ёзувчиларнинг классик адилар ижодидан олган таассуротларидаги ташки бир ўхшашлиқ эмас. Бу муштараклик ва яқдиллик шундан далолат берадики, ўзбек адиларимизнинг рус ва жаҳон адабиётидан ижодий ўрганиши даврий бир компанияя бўлган эмас, балки у бамисоли гоявий бир эстафета сингари авлоддан-авлодга ўтиб, бойиб келган. Бу борада адабиётимизнинг тўнгич авлоди тўплаган тажриба ва улар яратган ижодий-эстетик олам кейинги авлод вакиллари учун ўзига хос бир маънавий кўприк ролини ўтамоқда Ижодий таъсир жараёнидаги бундай зарурий тадрижийлик ва муқаррар давомийликни ҳар бир истеъодли санъаткор у ёки бу тарзда босиб ўтиши мумкин бўлган анъанавий бир босқич деб таърифласа ҳам бўлади. Машхур қозок оқини Абай Кўнонбоев бир шеърида адабиёт майдонига ёш кучларнинг кириб келишини рамзий маънода дengiz тўлкинларининг бир-бирига кўшилишидан янги ва мавжли тўлкинларнинг пайдо бўлаверишига киёслаган эди. Бу ташбеҳни классиклар меросидан ўрганиш ва ижодий таъсир жараёнининг ўзига хос эволюцион ва изчил бир тарзда кечишига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Адабиётимизнинг турли авлоди вакилларининг жаҳон мумтоз адабиёти намояндларига бўлган муносабатидаги бундай гоявий муштараклик ва фикрий яқинлик классик меросга мұносабатнинг ёрқин бир кўриниши сифатида ҳам зътиборга лойик бўлиб, бу ҳол методологик жиҳатдан ҳам аҳамиятли эканлигини таъкидлаш лозим.

Тўпламларга киритилган мақолаларнинг киммати факат юкорида кўрсатилган жиҳатлар билангина чекланмайди. Маколаларнинг ижодий

тасирнинг кўпқиррали жонли бир жараён эканлигини ва унинг бир қатор ўзига хос хусусиятларини тўғри ёритиб берганлиги, шунингдек, уларга рус ва бошқа қардош халқлар адабиёти классикларининг адабий-эстетик ва танқидий тафаккур тараққиётига кўшган баракали ҳиссаси ҳақида ҳам чукур илмий-мантиқий муҳокамалар юритилганлиги каби қатор ижобий томонлари бор. Булар зийрак китобхонларимизнинг диккат-эътиборидан четда қолмаслигига умид боғлаб, мазкур тўпламларга хос бўлган айрим нуқсонларни кўрсатиб ўтишни лозим топамиз.

Дастлаб шуни айтиш керакки, тўпламларнинг мазмунида, шартли равишда бўлса-да, ички бир боғланиш, яхлитлик етарли даражада деб бўлмайди. Улардаги мақолаларнинг баъзилари фикр аниқлиги ва оригиналлиги жихатидан оқсайди. Яъни айрим авторларимизнинг мақолаларида аксарият ўринларда умумий мазмундаги ёки аввалдан кўнчиликка маълум ҳақиқатлар баён этилади. Масалан, “Севимли адиб” (Ўйгун), “Гигант талант” (И.Рахим), “Умри бокий чинор” (Б.Бойқобилов), “Олимос чўққи” (Н.Нарзуллаев) ва “Лев Толстой ижодининг ўзбек адабиётига таъсири” (М.Расулий) каби асарларини тўпламлардаги бакувват мақолалар даражасида ёзилган дейиш кийин. Тўғри, бу мақолаларда ҳам қизиқарли мисоллар, шоирона чиройли ўхшатишлар ва ўринли кайдлар бор, лекин улар кўпроқ умумий таъриф ва тавсифларга бўйснидирилганлиги учун, ўкувчига айтарли янгилик беролмайди. Умуман, бир қатор мақолаларда Л.Толстой ҳам, М.Горький ва М.Шолохов ҳам буюк адиблар сифатида ҳақли равишда улуғланади-ю, бироқ бу санъаткорларнинг шундай буюклик даражасига етиб келгунча босиб ўтган машаккатли, айни пайтда, ёрқин ва ибратли ижод йўлларига ёки уларнинг адабий-эстетик сабоқларга тўла бўлган сехрли ижодхоналарига теранроқ назар ташланмайди. (Тўпламлардаги барча мақолаларнинг муаллифларидан классик ёзувчиларнинг ижодий лабораториясига албатта, чукур кириб боришлигини бир хил даражада талаб қилиш ва ҳар бир маколага шу нуқтай назардангина ёндашиш ноўрин бўлур эди. Зотан, бизда бундай мақсад ҳам йўқ. Биз фақат мақолаларда далилланган илмий-мнтиқий фикр ва умумлашмаларнинг кўпроқ бўлиши, хотира ва таассуротларнинг янада таъсирчан бўлиши тарафдоримиз).

Албатта, биз бундай эътиroz ва истак билдирап эканмиз, тўпламларнинг ва улардаги мақолаларнинг ҳажман чегараланганигини, қолаверса, уларнинг аксарият муайян илмий мақсадни кўзда тутиб чилмаганлигини ҳам эътибордан сокит қилаётганимиз йўқ. Бироқ кискалик чукур ва оригинал фикрлар айтишга халакит бермаслиги ҳам мумкин. Бунга адабиётшунослик ва танқидчиликдан кўплаб мисоллар топилади. Чунончи, Л.Леоновнинг Н.В.Гоголь ёки А.П.Чехов ҳақидаги, С.Цвейгнинг М.Горький юбилейи муносабати билан ёзган нутки, Қ.Кулиевнинг М.Шолохов ва А.Твардовский тўғрисидаги, ёхуд

Ю.Бондаревнинг рус классикларига бағишенгандын бир қатор мақола на эсселари фикримизга далил бўла олади. Бундай асарлар ўзбек адабиётшунослигимизда ҳам анчагина топилади. Масалан, бу ўринда А.Қодирийнинг А.П.Чеховнинг ҳикоячилик маҳорати ҳакидаги “Майда ҳикоялар ёзганда сўзни қандай тежаш керак”, номли ёки А.Мухтор қаламига мансуб бўлган “Устоз ва шогирд”, О Шарафиддиновнинг “Дарёдил шоир”, А.Ориповнинг “Юксак ҳаёл” ва И.Фафуровнинг “Мунаввар қалб” каби ўнлаб мақолалари ва хотираларни тилга олишимиз мумкин. Ҳажман у қадар катта бўлмаган бу мақолалар ҳам энг аввало мазмунан теранлги билан, “Эски” мавзу ҳакида янги фикрлар айтилганлиги билан меҳримизни қозонади. Устоз санъаткорларнинг эн ёркин жиҳатлари равшан кўрсатилиб берилганлиги бу мақолаларнинг бош фазилатидир. Бинобари, китобхонларнинг адаб ва олимларимизнинг мазкур тўпламларга киритилган мақолаларига нисбатан ҳам юксак талаблар билан ёндашишга тўла асос бор, деб ўйлаймиз.

Таассуфки, тўпламлардаги баъзи мақолаларда асосан биографик ҳамда адабий факт ва ракамларнинг хронологик баёни ёки уларнинг шунчаки оддий изоҳидан иборат бўлиб қолган ўринлар ҳам кўп учрайди. Шунингдек, тўпламларнинг мундарижаси билан боғлик бўлган яна бир мулоҳазани айтиб ўтишга, яъни улардаги айрим мақола ва парчаларнинг мақсадага номувофик тарзда киритилганлигини қайд этишга тўғри келади. Битта мисол. “Устоз” номли тўпламга - қатордан қолмасин деган мулоҳазада бўлса керак – А.Қаҳҳорнинг автобиографиясидан ҳам бир парча киритилган. Лекин ажабланарли жойи шундаки, “Ҳаётномадан” деган сарлавҳа остида берилган бу парчада М.Горький ҳаёти ёки ижоди тўғрисида на бирор муҳим маълумот, на бир мантикли хулоса у ёкда турсин, умуман бу ҳакда сўз йўқ. Ваҳоланки, А.Қаҳҳорнинг М.Горький ҳакида 1936 йилдаёк чукур билим ва эҳтиром билан ёзилган ва китобхонларни улуғ санъаткорнинг қаҳрамонона ҳаёти ва бетакрор ижоди билан яқиндан таништира олган “Асримизнинг буюк сиймоси” номли салмоқли маколаси бўлиб, нимагадир у тўплам мутассаддиларининг назаридан четда колиб кетган. Бундай нуқсонларнинг асосий сабаби бизнингча, шундаки ҳар бир тўплам маълум бир принцип ва талаблар асосида танланган мақолалардан таркиб топиши лозим эди. Шундай килинса, юкоридаги баъзи зарур асарлар ҳам қамраб олиниб, улар эвазига тўплам янада мазмунлирок бўлиши ва унда улуғ рус ёзувчилари ва уларнинг ўзбек адабларига кўрсатган ижобий таъсири нималардан иборат эканлиги тўғрисида айтилаётган фикрларнинг ҳозиргидан кўра аникрок ва асослирок бўлишига эришиш мумкин эди.

Тўпламлардаги мақолаларда учрайдиган жиддий камчиликлардан яна бири айрим муаллифларнинг ижодий таъсири масаласи билан боғлик бўлган адабий ҳодиса ва фактларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш

иахоратининг етишмаслигида, ўрганилаётган проблема юзасидан фикрлар даражасининг нисбатан саёз эканлигидан кўринади. Даил тарикасида адабиётшунос олим М.Расулий қаламига мансуб бўлган “Лев Толстой ижодининг ўзбек адабиётига таъсири” номли мақолани кўздан бечирайлик.

Мақоланинг сарлавҳаси кўп ва жиддий нарсалар ваъда қилади. Бироқ афсуски, уни ўқиб чиқиб таажжубга тушиб қоласан киши: мақола ҳажми ўн бетдан ортикроқ, аммо унинг қарийиб ярми Л.Толстой асарлари қачон, ён томонидан ва қандай таржима қилинганлиги тўғрисидаги фактларни шархлаб беришга сарфланган. (Холбуки, ўша тўпламда Ж.Шарипов ва А.Орифжоноваларнинг бу мавзуга бағишлиган “Л.Н.Толстой ўзбек тилида” ва “Уруш ва тинчлик” эпопеясининг таржимаси ҳақида” деган иккита маҳсус мақоласи ҳам берилган) Оқибатда Л.Толстой ижодининг ўзбек адабиётига таъсири масаласи деярли тадқик этилмай, бу ҳакда бир неча фикрларгина йўл-йўлақай қайд килинади. Жумладан, бир ўринда шундай дейилади: “Рус адабиёти кўрсатган таъсирни Абдулла Қаххор кўнидагича ифодалайди: “рус адабиёти уммонига шўнғиб кетдим... Чеховдан сўнг Толстой билан машғул бўлдим” (15-бет). Ҳар бир нарсани ўз номи билан атаган маъқул: кўриб турганимиздек, бу ўринда рус адабиёти кўрсатган таъсир ҳақида бирор аник фикр юритилаётгани йўқ, балки А.Қаххорнинг рус классиклари асарини берилиб мутолаа қилинганлиги эътироф этилаёттир. Ёки мазкур мақоланинг бошқа бир жойида Л.Толстойнинг бир қатор ўзбек адиблари ижодига баракали таъсир кўрсатганлиги шубҳасиз деб таъкидланади-ю, лекин бу тўғри хулоса ҳам меъёрига етказиб асосланмайди.

Тўпламлардаги мақолалар муайян бир принцип асосида тартиб топмаганлиги ва улар етарли даражада таҳрир этилмаганлиги оқибатида юна бир нуксонга йўл кўйилган. Ҳар учала мажмууда ҳам баъзи факт ва мисоллар, маълум фикр ва хулосаларнинг ўринли-ўринсиз равишда бир неча марталаб такрорланганлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, С.Айний ва Ҳ.Олимжонларнинг М.Горький асарини ilk бора ўқиб, қандай таъсирланганлиги ҳақидаги ўкувчиларга мактаб дарсликлари орқали ҳам жуда яхши таниш бўлган фикрларни мақоладан мақолага қайта-қайта кўчирилади. (78,101,177,68,186,200-бетлар) Беихтиёр ўйлаб қоласан: нахотки улар рус ва бошқа қардош халклар адабиёти классиклар ижодининг аҳамияти ҳақида эътиборга арзигулик шундан бошқа фикр билдиришмаган бўлса?.. Шунингдек, баъзи стилистик ғализликлар ва ноаникликлар билан бирга айрим факт ва ракамларнинг ҳам тор библиографик ва ноилмий мақсадда бир неча мақоладан ўрин олганлиги ўкувчиларнинг вақтини ўғирлашидан ташқари, мазкур мақолаларнинг савияси пасайиб кетишига ҳам маълум даражада сабаб бўлган. Чунончи, Л.Н.Толстойнинг “Одамлар нима билан тирик” каби хикоялари ўзбек

тилига биринчи бор Октябрь тўнташидан анча олдин таржима қилинганилиги тўғрисидаги оддий ахборот деярли бир мақсадда тўпламда беш марта келтирилади (8, 10, 26, 28-29, 100-бетлар). Ҳолбуки, бу хил жузъий нуқсонларни осонлик билан бартараф қилиш мумкин эди.

Таассуфки, рус ва кардош халклар адабиёти намояндалари ижодига бағишлиган йирик тадқиқот ва мақолаларни кўздан кечирганимизда, кўплаб жиддий хато ва чалкашликлар мавжудлигини сезиш кийин эмас. Чунончи, баъзи танқидчи ва адабиётшуносларимиз классик ижоди ва адабий-эстетик тафаккурининг моҳиятини, уларнинг, атоқли шоиримиз Эркин Воҳидов таъбири билан айтганда, “жаҳон эътироф этган” ёркин жиҳатларини кўрсатиб беришни асосий мақсад қилиб олмасдан, балки кўпинча ахборот тарзидаги мулоҳазалар ва баҳсли фикрларни баён этадиларки, буларнинг айримларига тўхталиб ўтишни лозим топамиз. Масалан, танқидчилик ва адабиётшунослигимиз ривожига ўзининг салмоқли асалари билан муносиб ҳисса кўшиб келаётган таникли олимларимиздан бири Ҳафиз Абдусаматовнинг “сарапланган мақолаларидан таркиб топган “Ҳаёт, адабиёт, театр” номли китобида жаҳон адабиёти, жумладан, рус классик адабиёти ҳакида ва унинг йирик сиймоларидан бири бўлган А.П.Чехов тўғрисида ёзишга жазм этар экан, бир ўринда шундай фикр билдиради: “Ёзувчи қамоқдаги битта палата мисолида мамалакатга хос бўлган мудхиш манзараларни бирин-кетин кўз олдимиздан ўтказади. Асалдаги (яъни “6-палата” ҳикояси ҳакида сўз бормокда. –У.К.) одамларнинг қамоқда ҳайвонлардай сакланиши, ёруғ дунёдан маҳрум қилиниши, норозилик садолари янграши, уларнинг омонизз калтакланиши китобхонларни қаттиқ ҳаяжонга солади”<sup>1</sup>.

Шу тариқа Чехов атрофлича тасвиirlаган касалхона ва ундаги 6-палата негадир “қамоқдаги палата” деб ўзгартирилиб, ҳикоядаги айрим воқеалар санаб ўтилади, асалнинг ғоявий мазмуни, унинг бадиий-эстетик аҳамияти етарли даражада ечилмай қолади. Ёки яна куйидаги фикрга ҳам эътибор қиласлик: “Рус классик адабиёти Чеховгача Пушкин, Лермонтов каби улуғ лирик шоирларга эга эди” Табиий савол туғилади: Чеховдан олдин яшаб, ижод этган Гоголь ва Герцен, Гончаров ва Тургенев, Салтиков-Шчедрин ва Достоевский каби ёзувчилар рус адабиёти вакиллари эмасми? Пушкин ва Лермонтов фақат лирик шоирлар бўлганми? Улар прозаик асаллар яратмаганларми? У холда Чехов ўспирин Лермонтовнинг биргина “Тамань” киссасини бутун бир ёзувчилик умрига арзийдиган асан, дея баҳолаганлигини қандай изоҳлаш керак?..

Афсуски, бундай чукур ўйланмаган фикрлар кўп учрамоқда. Сабаби нимада? Бизнингча, айрим муаллифлар қаламга олмокчи бўлган мавзу материалини кенг ўзлаштирмай туриб, масъулиятсизлик билан фикр

<sup>1</sup> Х.Абдусаматов. Ҳаёт, адабиёт, театр. Т., Гўлом номидиги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1978й. 235-бет

юритадилар. Окибатда, ўрганилаётган ёзувчи ижоди ҳакида тўғри ёки инги маълумот бериш ўрнига юкоридагидек, китобхонни чалғитадиган шалкашликлар, ноаниқликлар келиб чиқади. Классиклар ҳаёти ва ижодини ўрганишда тез-тез учраб турувчи бундай фактлар, аввало, “юқумлилиги” билан ташвиш тұғдирди. Ахир А.П.Чехов ёки Л.Н.Толстой каби классик адиллар ҳакида нисбатан жуда оз маълумотга эга бўлган оддий китобхонлар юкоридагидек хато хulosаларни тўғри мулоҳазалар сифатида кабул қиласлигига, ана шу хатоларни ўз навбатида бошқалар ҳам тикорламаслигига ким кафолат бера олади?..

Баъзи адабиётшунослар ижодий таъсир жараёнини юзаки түшунадилар, уларнинг хulosалари ҳам аксарият ҳолларда адабий ҳодисаларнинг ташки жиҳатларигагина таяниб чиқарилган бўлади. Мисалан, адабиётшунос М.А.Бегжонованинг рус тилида нашр этилган “Н.В.Гоголь ва Абдулла Қодирий”номли рисоласида бу икки ёзувчи ижоди хусусида кўпгина кимматли мулоҳазалар баён этиш билан бирга, Абдулла Қодирийнинг деярли ҳар бир асари ёки ундаги дуч келган эпизодлардан ижодий таъсирнинг изларини топишга беҳуда уриниш ва аларни ҳаётий воеа-ҳодисалар тасвирини ҳам адабий таъсирланиш натижаси сифатида талқин этиш ҳоллари кўплаб учрайдик, булар ўкувчида ҳакли эътиroz тұғдирди. Жумладан, тадқиқотчи Гоголнинг Гарас Бульбаси билан Қодирий яратган Обид Кетмон образининг полвонсифат ташки кўринишидаги ўхшашликда ҳам ёки Гоголнинг қаҳрамонларидан бири – ўн етти яшар қиз Оксананинг кўзгуга қараб ўзига оро бериши ва “рождество” байрамига тайёргарлик кўриши тасвири билан “Ўтқан кунлар”даги Кумушнинг тўй кечаси олдидан ясаниб-тусаниши каби ҳаракатлари ўртасида ҳам Гоголь таъсирини кўргандек бўлади. Ҳолбуки, Кумуш ва Оксананинггина эмас, балки ҳар қандай қиз ёки келиннинг, у қайси миллатга мансуб бўлмасин, тўй ёки байрам арафасида юниб-безаниши, ойнага караши каби ҳаракатлари табиий ҳол эмасми? Бошқача айтганда, бу эпизодлар Н.Гоголь ва А.Қодирийнинг ҳеч кимга тақлид кимаганлари ҳолда, чинакам ёзувчилар сифатида реалистик санъатнинг асосий бир талабидан келиб чиқиб, ўз қаҳрамонларининг ҳатти-ҳаракатлари ва ички кечинмаларининг ҳаётий ва ишонарли бўлишига эришганини кўрсатиб туриши билан диққатга лойик эмасми? Тансуфки, М.Бегжонова ёзувчи асарларининг ҳаётий манбаларига кўпроқ нытибор бериш ўрнига, ўзи истамагани ҳолда, А.Қодирий истеъдодининг курратини, унинг ижодкор сифатидаги новаторлигини камситишига йўл очувчи асоссиз изоҳларни тақдим килади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, адабий таъсир адабиёт ва санъат ривожининг мухим бир омили ва бу жараён энг аввало ижодий характерда бўлиши билан ажралиб туради. Ижодда анъанавийлик ва новаторликнинг асосий моҳияти ҳам мана шунда. Бу жиҳатдан Абдулла Қаххорнинг рус ва

жаҳон адабиётидан ижодий ўрганиши алоҳида эътиборга лойик. Ушкитобда бу мавзуга ҳам кенгроқ тўхтalamиз.

# **П. ИЖОД САБОҚЛАРИ. АБДУЛЛА ҚАҲҲОРНИНГ АДАБИЙ-ТАНҚИДИЙ ҚАРАШЛАРИ**

**(Монография. Тўлдирилган иккинчи нашри)**

## Серқирра истеъдод

ХХ аср ўзбек адабиётини Абдулла Қаҳхор ижодисиз тасаввур этиб бўлмайди. Янги давр ўзбек насли ва айниқса, хикоячилигининг шаклланишида унинг улкан ҳиссаси бор.

Унинг «Сароб» романи – романчилигимизда олдинга ташланган бир кадам бўлса, «Синчалак» қиссаси маҳорат жиҳатидан энг мукаммаларидан биридир.

«Ўтмишдан эртак»лари эса адабиётмизда – янги бир саҳифа.

Абдулла Қаҳхор ўзининг «Шоҳи сўзана» (Янги ер), «Оғриқ тишлар», «Тобутдан товуш», («Сўнгги нусхалар») ва «Аяжонларим» каби комедиялари билан ўзбек санъатида улкан драматург бўлиб қолади. Шу маънода жумҳуриятимиздаги ягона сатира театрининг А. Қаҳхор номи билан аталиши ҳам бежиз эмас.

Хуллас, Абдулла Қаҳхор адабиётимизнинг чўнг чинорлари – Ойбек,Faфур Ғулом, Ҳамид Олимжон ва Максуд Шайхзодалар сингари кўп киррали истеъдод соҳиби эди.

Ёзувчи истеъдодининг яна бир ёркин кирраси борки, бу унинг адабий-танқидий фаолиятида намоён бўлади.

Абдулла Қаҳхор ижодида адабий танқидчилик қанчалик муҳим ўрин тутганини куйидаги ҳол ҳам кўрсатиб туради. Маълумки, ёзувчининг ижоди 1923-1924 йилларда бошланган. (Бирок у ўзининг дастлабки фальетонлари, ҳажвий ҳикоялари ичидан фақат биргина – «Бошсиз одам» номли ҳикоясини «жиддий» асар деб ҳисобларди.) Шуниси ажойибки, адабининг «Ҳозирги сатирамиз устида» ва «Кулгичилик баҳслари» номли илк маколалари ҳам худди ўша йилларда ёзилади. Ижодкорлар ҳаётида кам учрайдиган ноёб мувофиқликдир бу.

Хуллас, адабимиз умрининг охирига кадар «кўнгил иши» бўлган бадиий ижод билан бир қаторда адабий-танқидий фаолиятини ҳам сусайтиrmади.

Абдулла Қаҳхорнинг танқидчилик фаолияти ўзининг мазмундорлиги, кўламлилиги, шунингдек, ранг-баранг шакл-шамойили билан ҳам ибратлидир. Адабий тилимизнинг Абдулла Қаҳхор дикқат-эътиборидан четда колган бирорта жиддий муаммо, воеа-ходисаси йўқ десак, муболага бўлмайди.

«Ёзувчининг вазифаси, -деган эди у,-яхши асарлар ёзиш, ҳалқ дилининг таржимони бўлиш билангина чекланмайди, унинг вазифасига адабиётни ҳар қандай бало-қазодан кўриклаш, адабиётнинг сергак, жасур посбони бўлиш ҳам киради”<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Абдулла Қаҳхор. Асарлар. Олти жилдлик. Тошкент, Faфур Ғулом номли Адабиёт ва санъат нашриёти, VI ис, 426-бет. Бундан кейинги ўринларда ушбу маинбадан олинган кўчирилмалар жилди ва саҳифаси матн ичida кўрсатилади.

А.Қаххор танқидчиликнинг хилма-хил жанрларида муваффакият билан қалам тебратди. Унинг бу соҳадаги мероси юксак савияда ёзилган ўнлаб маколалар, ҳозиргача ҳам ўз қимматини йўқотмай келаётган қатор тақризлар, адабиётимизнинг долзарб муаммоларига бағишиланган нутқ ва сұхбатлар, шунингдек, хат ва ёзишмалар ҳамда мушоҳадалар хазинаси бўлган ён дафтарларини ҳам ўз ичига олади. Булар билан бир қаторда ғуучининг адабий-танқидий қарашларини ўрганишда унинг «Сароб», «Картина», «Нутқ» ва «Куюшқон» сингари асарлари ҳам қимматли манба бўлиб хизмат қиласди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, адабиётшунослигимизда Абулла Қаххор ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишиланган йирик талкотлар ҳам талайгинаки, уларда Қаххорнинг ҳаёт йўли, ижодидаги тадрижий такомил, бадиий маҳорати каби жаҳатлар кенг ёритиб берилган<sup>1</sup>.

Сўнгги йилларда, хусусан Абулла Қаххор таваллуддининг 80 йиллиги муносабати билан яна бир қатор жиддий асарлар юзага келди ва улар илмий-адабий жамоатчилик томонидан қизиқиш билан кутиб олинди. Жумладан, М.Кўшжонов ва О. Шарафиддинов каби етук адабиётшуносларимизнинг кўп йиллик ижодий изланишларининг санааси –«Абулла Қаххор маҳорати» ва «Абулла Қаххор асарлари» (1988) ва бир гурӯҳ муаллифлар томонидан битилган «Абулла Қаххор ва унинг бадиий олами» (1989) номли монография, Раҳмон Кўчкорнинг А.Қаххор романлари ижодий тарихига бағишиланган «Истеъдод қадри» (1989) номли китобларини тилга олиш мумкин. Булардан ташкари ёзувчи шмондошларининг қаламига мансуб бўлган «Абулла Қаххор шмондошлари хотирасида» (1987) тўплами, таникли таржимон Кибриё Қаххорованинг «Чорак аср ҳамнафас» (1987) рисоласи ҳам Абулла Қаххор ҳаёти ва ижодини, айниқса адебнинг шахси ва машҳур асирларининг ижодий тарихини ўрганиш бобида муҳим кўлланма вазифасини ўтайди.

Бирок Абулла Қаххор ижодининг муҳим бир соҳаси бўлган адабий-танқидий фаолияти ҳанузгача етарли даражада ўрганилмай келинаётир.

Холбуки, Абулла Қаххорнинг адабий-танқидий меросини ўрганиш-улкан ижодкор сиймоси ва унинг бадиий-эстетик оламини тўла тасаввур этишга ёрдам берибина қолмасдан, балки ўзбек адабиёти ва танқидчилиги тарихини, унинг тадрижий тараккиёт йўлларини ҳам кенгрок ўрганишга имкон беради.

<sup>1</sup> Йоролина И. Абулла Қаххар. (очерк творчества). Т., Госиздат, 1957. Смирнова В. Абулла Қаххар. История узбекской советской литературы, М., 1967. Кодиров П. Абулла Қаххор. Танланган асарлар, Т., 1957, 8. Абдулсаматов. Абулла Қаххор. Т., 1960. О.Шарафиддинов. Истеъдод жилолари, Т., 1976. М.Султонова. Абулла Қаххор услуби. Т., «Фан», 1967. М.Кўшжонов. Ижод сабоклари. Т., 1972. М.Кўшжонов, У.Норматов. Макорит сирлари. Т., 1968 ва бошталар.

Кўлингиздаги китоб ана шу хайрли мақсад йўлидаги дастлабки уринишdir. Шояд бу адабиётшунослигимиздаги мазкур «кемтик»ликни тўлдиришга муносиб хисса бўлиб кўшилса.

### Ғоявий-эстетик ақидалар

Абдулла Қаххорнинг адабий-эстетик қарашлари силсиласида унинг «Сароб» романи алоҳида ўрин тутади.

Шуни эътироф этиш зарурки, мазкур асар энг аввало муайян даврдаги адабий ҳаётни кенг камраб олганлиги ҳамда унда санъат ва адабиётнинг бир қатор муаммолари бадиий ижод ва эстетика нуктаи назаридан таҳлил этилган билан ҳам диккатни жалб этади.

Романинг алоҳида жиҳати ҳам шундаки, унда адабий мавзу-қаҳрамонлар киёфасини ёркинрок акс эттиришга хизмат қилувчи шунчаки бир фон – майдон ёки ёрдамчи восита эмас, балки асардаги вокеликнинг ўзвий қисми, каҳрамонлар яшаб, фаолият кўрсатаётган жонли ҳаётнинг ўзиdir. Ана шу жиҳати билан у Ж.Лондоннинг санъаткор такдирини акс эттирувчи «Мартин Иден» ва Теодор Драйзернинг «Гений» каби романларига яқин туради.

Афуски, асардаги бу жиҳат сўнгги даврга кадар қаҳхоршуносларимиз эътиборидан четда қолиб келди. Бунга сабаб-кўп йиллар давомида мазкур асарга бирёклама ёндашилиб, унинг асосий ғоявий-бадиий хусусиятларига етарли аҳамият берилмай келиниши ва «ноҳақ равиша унутилиши» дир<sup>1</sup>. Ниҳоят, 1967 йилга келибгина «Сароб»нинг ўзига хос бу кирраси адабиётшунос О.Шарафиддинов томонидан асарнинг етакчи-ғоявий бир йўналиши сифатида кайд этилди<sup>2</sup>.

Асарни кўздан кечирсак, унда адабиёт ва ҳаёт, ижодкор истеъоди, унинг моҳияти ва такдири каби масалаларга кенг ўрин берилганини кўрамиз. Хусусан, санъатда шакл ва мазмун бирлиги масаласи – «Сароб»нинг, умуман, асар сифатидаги курилмасида намоёнки, бу жиҳатлар жиддий мулоҳазаларга чорлайди...

Дарҳакиқат, шакл ва мундарижанинг яхлитлиги санъат ва адабиётда ҳамиша ҳал килувчи рол ўйнайди. Бу Қаххор учун ҳам, у «ўзак» масалалардан эди.

А.Қаххор «Ёшлар билан сухбат» мақолосида шундай ёзади: «Адабий асарнинг жони – унинг мазмуни, лекин бу жоннинг жон бўлиши учун жасад ҳам керак. Жонни жасадсиз тасаввур қилиш мумкин эмас»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг. Б.Назаров. Ўзбек адабий танқидчилиги, «ФАН», Т., 1979. 252-228-бетлар. Р.Кўчкоров. Истеъод кадри. Т., 1989. 3-31-бетлар.

<sup>2</sup> О.Шарафиддинов. Истеъод жилолари. Абдулла Қаххор. Асарлар, 1-жилд, 8-9-бетлар.

<sup>3</sup> Абдулла Қаххор. Ёшлар билан сухбат. Т. “Ёш гвардия”, 1968, 67-бет. Бундан кейинги ўринишарда ушибу манбадан олинган кўчирмалар сахифаси матн ичига кўрсатилади.

Дарвоке, танқид ва адабиётшунослик тарихига назар ташланса, «Жон ва жасад» иборасини А.Қахҳоргача ҳам айнан шу маънода кўлланилганини кўрамиз. Навоийнинг машхур сатрларини эслайлик.

Назмда ҳам асл анга маъни дурур,  
Бўлсун анинг сурати ҳар не дурур...<sup>1</sup>

Ёхуд «Бадиий асарда, -деб ёзган эди В.Белинский, - гоя (мазмун демокчи У.К.) ва форма чамбарчас ҳолда-худди жон билан жасад каби яхлит бўлиши керак, шунинг учун формани йўқотиш мазмунни ҳам йўқотиш демакдир ва аксинча...»<sup>2</sup>

Бирок, бу ҳол А.Қахҳор фикрининг кимматини заррача пасайтиромайди. Чунки сўз санъатининг мангу конуниятларидан бирини теран ифодаловчи бу назарий хулоса А.Қахҳор ижодида кимларгадир тақлид натижасида пайдо бўлиб қолган эмас, аксинча, бу кўхна ҳақиқатга А.Қахҳор ўз тажрибаси ва изланишлари туфайли етиб келган эди. «Назарий билим,-деган эди у,- ёзувчининг энг яхши фазилатидир, лекин назарий билимни кундалик ҳаёт бағрида, халқ ҳаётининг каърида бевосита акл, идрок ва меҳнат билан орттириш керак» (VI, 408).

Ёзувчининг бу сўзларини унинг бутун адабий-танкидий фаолиятига сўз боши килиб қўйиш мумкин.

А.Қахҳор шакл ва мундарижанинг ўзвий боғлиқлигини кайд этар экан, ҳамиша белгиловчи шарт сифатида асар мазмунини, унинг ғоявий йўналишини кўрсатади.

Яна «Сароб» романини эслайлик. Саидий билан бўлган сўнгги учрашувларидан бирида Эҳсон дўсти, ёш шоир Кенжанинг шеърий тўплами иккинчи марта нашр қилингандигидан кувониб, уни Саидийга кўрсатади. Саидий кўп ҳам хуш кўрмайдиган Кенжанинг бу тўпламини тилар-тиламас қўлига оларкан, ундаги «Ўтмишдан эртаклар» номли шеърнинг куйидаги икки мисраси остига чизиб қўйилганлигига дикқат килади:

*-Бешик ила тобут ораси даити адамди,  
Колган изи кўз ёши ва қон, оҳ-фигондан.*

Эҳсон бу сатрларнинг остига нега чизганлиги боисини изоҳлаб: «Мен чиздим. Оҳангни келиштираман деб, маънони коронғилатиб қўйибди», - дейди (II, 254). Албатта, бу парча Эҳсоннинг шеърият бобида диidi баланд эканлигини кўрсатиб қўйиш учунгина киритилган эмас, балки бу сухбат оркали (унинг давоми ҳам мумтоз адабиёт ва унинг мазмуни ҳакида боради) ҳам адабиёт ва санъатда маънонинг устувор эканлиги таъкидланади. Ва табиийки, Эҳсоннинг сўзлари оркали ифодаланаётган бу муҳим фикр Абдулла Қахҳорнинг адабий-эстетик қарашлари билан бевосита боғлиқдир.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Хамса, 34-бет

<sup>2</sup> В Белинский. Полн.собр. соч., т V, М., 1954, с.316

Ёхуд бошқа бир ўринда асар қахрамонларидан бири «адабиёт майдонида ўзининг танқидлари билан жавлон урган танқидчи» Аббосхон ёш шоир Кенжанинг асосли фикрларига қарши чиқиб, шундай дейди: «Биз санъаткорлар яланғоч хотиннинг суратига қарап эканмиз, хотиннинг яланғочлигидан эмас, унинг тасвир қилинишидан завқ оламиз. Ўзингиз икрор бўлдингиз: унинг шеърлари юқори санъатга эга дедингиз. Демак, «мафкурасига тегизмай» фойдаланиш мумкин. Сиз мафкуравий соғломми, бўлди!» (III, 27). Бу каби зиддиятли талқинлар ҳам 20-30-йиллардаги адабий жараённинг мураккаб кечганлигидан гувоҳлик бериб туради. Кўриниб турибдики, Аббосхон учун адабий асар форма жиҳатидан чиройли бўлса бас, унинг гоявий мазмуни ва мақсади эса аҳамиятсиз. Бу тасодифий ёки бир шоирнинг шеърини оқлаш учунгина айтилган шунчаки бир фикр эмас, балки бу тезис энг аввало «санъат-санъат учун» қабилидаги тор ва ғаразли карашларнинг типик бир кўриниши эдики, бундан Аббосхон янги давр адабиётини реал вокеликка карши йўналтириш учун ноёб бир никоб сифатида усталик билан фойдаланишга уринади.

А.Қаххор санъат ва адабиётга бўлган бу хил карашларнинг замиридаги кабих ниятларининг хавфли таъсирини асардаги Кенжа ва Эҳсон образлари оркали реалистик санъаткорларга хос маҳорат билан фош этар экан, ўзи мансуб бўлган янги давр адабиётининг инсонпарварлик мазмуни ва ҳаётбахш пафосини алоҳида тасдик этади.

Шу ўринда киска бир изоҳ бериб ўтиш зарурати туғилади. Ган шундаки, кейинги пайтларда айрим адабиётшунослар А.Қаххор ва у мансуб бўлган авлод вакилларининг ижодига «янгича» ёндашишга ортиқча берилиб кетиб, мазкур адиларимизнинг айрим етук асарлари ҳақида ҳам беписандлик билан мулоҳаза юритиш, уларга ноўрин таъна тошларини отишга майл қилишмокда.

Чунончи, Олим Отахоновнинг Абдулла Қаххор асарлари ҳақида «Ёш куч» журналида (1989, № II), масъулиятсизлик билан билдирган мулоҳазалари адабиёт ихлосмандларини ранжитиб, уларнинг ҳакли эътирозига сабаб бўлди.

Абдулла Қаххор ва бошқа устоз адиларимизнинг ижодига шу таҳлитда ёндашилса, «Сароб» романидаги «социалистик тузум» ва унинг мафкураси ҳақидаги кўплаб «қизил сўзлар» учун ёзувчини истаганча айблаш мумкин. Ҳолбуки, баҳтиёрмиз деб, «конлари билан шиорлар битиши» ва «ўзи йўқ кўрғонга фидоий жонлари билан қалкон»<sup>1</sup> бўлиш бу авлоднинг энг катта фожиаси бўлганлиги эндиликда аён бўлмокда: якин ўтмишимизнинг бу даҳшатли ҳақиқати биз ёшлар учун аччик, лекин ҳаётий сабок ҳамдир. Шу билан бирга улуғ адиларимизнинг юксак

<sup>1</sup> Абдулла Орипов. Устозларим. Ҳикмат садолари. Т., «Фан», 1993, 54-6.

бадний маҳорати ҳамда уларнинг ўз ҳалқи ва юргига бўлган чексиз алоқат-эътиқоди бугун ҳам ибрат намунаси бўла олишидан кўз иммаслигимиз керак. Аслида, Абдулла Қаххор чинакам ҳалқчил санъаткор ва мустаҳкам ҳаётий позицияда турган реалист ёзувчи сифатида «Сароб» романида ҳам (30-йиллардаёқ) ўзининг асосий эстетик ақидаларидан келиб чиқиб, ҳар бир ёзувчи ижодининг, ҳар бир адабий шарниңг энг аввало салмокли ижтимоий мазмунга эга бўлиши бераклигини таъкидлайди.

Бу ерда шуни ҳам айтиш лозимки, адабиётнинг жамият ва ҳалқ ҳаёти билан узвий алоқаси-у бирор санъаткор томонидан кашф этилган ва адабиёт олдига кўйиладиган эстетик талабгина эмас, балки бу адабиётнинг яшаш шаклидир. «Адабиётнинг онаси ҳаётдир, уни вужудга волтирадиган ҳам, озиклантириб, вояга етказадиган ҳам ҳаётдир<sup>1</sup>», -дейди геран фикрли шоирлардан бири Давид Кугултинов. Дарҳақиқат, адабиётнинг бош манбаи, ривожининг асосий омили ҳаёт эканлигини ижодининг дастлабки пайтлариданоқ чукур англаш Абдулла Қаххорнинг бутун адабий-танқидий фаолиятига ҳам муҳим бир асос бўлиб хизмат килиди. Ана шу ақидаларга асосланган мунаққид Абдулла Қаххорнинг низарида ҳаёт билан ҳамнафас бўлмаган, жамиятнинг маънавий эҳтиёжи ?  
унун хизмат қилмайдиган, яъни юксак мақсад ва эътиқодсиз ёзилган «бадий» асар бамисоли «бўрининг тишига сера кислотасининг таъсири» ёкуд «асаларилар йўталмайди» деган мавзуда «илмий» асар ёзишдек бемарни бир гап. Чунки олим кандоқ бўлмасин бирор илмий асар вратишга урингандай, ёзувчи кандоқ бўлмасин адабий асар ёзишга уринган. Олим қанча овора бўлиб, тажрибалар ўтказганидай, ёзувчи қанча ўйлаб, воқеалар яратган. Сиртдан караганда, олимники илмий, ёзувчиники адабий асарга ўхшайди, лекин китобхоннинг «бундан мақсад нима?» деган бир саволи билан ҳар иккаласининг ҳам чуви чикади» (VI, 242-243).

Бадий асарнинг китобхонни тўлкинлантирувчи чукур мазмунли бўлиши учун А. Қаххор фикрича, ёзувчи ҳамиша муҳим бир шартга амал килиши – «халқнинг кўнглидаги, тилининг учидаги» гапни топиб айтишга итилиши керак. А. Қаххорнинг адабий учрашувларда, сухбат ва мунозараларда такрор-такрор севиб айтадиган бу сўзларида адабиётнинг туб моҳиятига доир бир жиҳати яхши ифодаланган: яъни «халқнинг килидаги, тилининг учидаги гап» бевосита ўз ичига «ёзувчи ҳамиша ҳакиқатни топиб айтиши керак» деган қимматли фикрни ҳам қамраб оладики, бу реалистик санъатнинг энг асосий ва азалий бир принципи бўлиб хисобланади. Дарҳақиқат, қайси бир итъододли ёзувчи ижодини ўламайлик, у яратган барча асарлар (уларнинг мазмуни ва сийрати қанчалик ранг-баранг бўлмасин) ягона ҳакиқат нури билан

йўғрилганлигига амин бўлимиз. Чунончи, А.Қодирий факат «ҳакиқа олдида бўйин эгиш»ни бутун ҳаёти ва ижодий фаолиятининг бош мезон деб билади<sup>1</sup>. Ёхуд асримизнинг буюк адаби Чингиз Айтматов санъатинин асосий ва муқаддас конуни бўлган «ҳақгўйлик»ни ўзи учун энг муқадда ижодий принцип деб ҳисоблайди<sup>2</sup>. Зотан, адабиётнинг буюк кудрати ха ва у кўзлаган юксак муддао ҳам инсон ҳакидаги ҳакиқатни ифода эти эмасми?

Бирок ҳакиқат ҳакиқатдан фарқ қиласи. Улуғ А.Навоий айтганидек:

*Хирадманд чин сўздан ўзга демас,*

*Вале борча чин ҳам дегулик эмас.*

Яъни ҳар қандай ҳакиқат, ҳар қандай рост сўз ҳам бадий асар учун мавзу ва мазмун бўлавермайди. Масалан, «ем-ҳашакни ғамламасанни қишида молларнинг аҳволи чатоқ бўлади» дейиш ҳам ҳакиқат» ёки заёмларингга ютуқ чиқиш эҳтимоли бор, заёмларингни сотманглар» дегани гап ҳам фойдали фикр. Лекин бунаقا реклама-плакатбоп чақириклари бадий асар мазмунига айлантириш, А.Қаҳҳор сўзлари билан айтганда адабиётнинг атомдан кучли кувватини ўтин ёришга сарф килиш била баробар. Қаҳҳор бу юксак эстетик ақидаларига ҳамиша изчил амал қилияшади ва ижод килди.

### Бадий маҳорат сабоқлари

Абдулла Қаҳорнинг адабий-танқидий қарашлари силсиласидаги олтин халқалардан бири – шубҳасиз, унинг бадий маҳорат бобидаги фикр ва мулоҳазаларидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Абдулла Қаҳҳор наздида, бадий маҳорат – аввало, ёзувчи қалbidаги олийжаноб максадни, олами сочмокчи бўлган мухаббатни чукур ифодалай оловчи ёркин образлар яратишидир. Зоро, «бадий маҳорат, - деб ёзади Абдулла Қаҳҳор 1965 йил насри якунига бағишлиланган мақоласида, - чиройли ифодалар, антиковекалар, кулгили ёки қайғули ҳолатлар топиш эмас, халқка айтадиган зарур сўзимизни китобхоннинг қалбига олиб кирадиган образлар яратиш демакдир» (VI, 411).

Санъаткор ҳаётни образлар орқали тадқик этар экан, ўзининг барчи фикр ва туйғуларини, эзгу тилакларини, китобхонга айтмокчи бўлгани “дард”ини шу образларда мужассамлаштиради. Шунинг учун ҳам “ёзувчининг халқка айтадиган гапи нақадар муҳим, накадар зарур бўлса буни китобхонларнинг қалбига олиб кирадиган образ ҳам шу қадар кучли бўлиши керак”.

Образ тушунчаси Абдулла Қаҳҳор тасавvuрида, асосан, характер маъносида талқин килинади. Ёзувчининг куйидаги хотирасига диккат

<sup>1</sup> А.Қодирий. Суддаги нутқ. –«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 1989, 1 деқабр.

<sup>2</sup> Чингиз Айтматов. Коротко о себе. –Литература народов СССР. М., 1974, с 212.

ўйлайлик: “Ўттизинчи йилларнинг бошида “Сўнгги кеча” деган бир фильм кўрган эдим. Бу фильм ўттиз йилдан бери эсимдан чикмайди, бунга бирдан-бир сабаб – фильмдаги қари бир ишчининг аломат образидир... Бу инсоннинг қалбига чукур қўл солиб, заргарнинг сабри-ҳафсаласию нақошнинг ҳунари билан оро берилган образдирки, бунака образ асарнинг қаноти бўлиб, уни замондан-замонга, макондан-маконга парвоз килиради” (VI, 310-311).

Абдулла Қаххорнинг фикрига кўра, мукаммал тўлақонли инсон образини яратиш – бу ҳакикий санъат асари яратиш демакдир. Шунинг учун ҳам жонли инсон образи яратилмаган асарлар, гарчанд, улар ҳар қанча «муҳим» ва «йирик» мавзуни кўтариб чикмасин ва ҳар қанча «силлик» ва устароқ сўзлар билан ёзилган бўлмасин, улар – Абдулла Қаххор нуктаи назарида, ўлик нарсалардир.

Маълумки, ҳакикий санъат асарининг асосий фазилатларидан бири – унда «юкумлилик» (Михаил Светлов) хусусияти кучли бўлишида кўринади. Яъни чинакам истеъдод билан ёзилган адабий асарнинг вакхрамонлари китобхонга жонли одамлардек таъсир қиласи ва унинг онгию қалбидаги ёт «унсур»ларни йўқотишга ёрдам беради. Илло, китобхон «қалбига» таъсир этмайдиган нарсанинг адабиётга тегишлиги ўю.

Хулласи калом, «ёзувчининг ёзувчилигини у яратган образларга, «адабиёт домовойи»га ёздиран янги одамларига қараб баҳолаш керак».

Абдулла Қаххорнинг бадиий маҳорат ҳакидаги қарашлари классик адабиётдан ижодий ўрганиш, бадиий ижодда меросхўрлик ва новаторлик сингари масалаларни ҳам ўз ичига оладики, қуйида биз бу муаммоларнинг бавзи қирраларига тўхталиб ўтамиш.

Бошқа ўзбек адиллари ва адабиётшунос олимларимизнинг асарларини камситмаган ҳолда шуни ишонч билан айтиш мумкинки, Абдулла Қаххор ўз маколалари ва кайдларида улуғ сўз санъаткорларининг ижоди ва истеъдодига хос муҳим жиҳатларни ажиб бир нуктадонлик билан кўрсатиб беради.

Масалан, Абдулла Қаххор «Чеховдан ўрганайлик» (1939) ва «Муборак кўзойнак» номли маколаларида дунё адабиётига буюк ҳикоянавис бўлиб кирган А.П.Чехов ижоди ҳақида фикр юритаркан, унинг «Ёвуз ниятли киши» ҳикояси хусусида шундай ёзади:

«Бу ҳикоя – Николай Русиясининг кишлокларига қаратади Чеховнинг уста кўли билан очилган «Мужиклар», «Най», «Чол», «Чукурликда» сингари «дарча»ларнинг бири. Ўқувчи бу дарчадан кишлокқа қараб «Ёвуз» ниятли Денис орқали ундаги одамларни кўтаради экан, бетўхтов шу фикрига келади: одамларнинг хаётини таҳлика остидан чиқариш учун «Ёвуз» ниятли «жинояткор» Денисни эмас, одамларни Денис килган ва қилаётган ижтимоий тузумни суд килиш керак...» (У1, 233-239).

Қаххор бу мuloҳазаларни давом эттириб, ўзининг «Ўтмишдаги эртаклар» киссасидаги қаҳрамонлардан бири –Бабар билан Дениснин онг-тафаккурдаги муштаракликни шундай таърифлайди: «булар замона дарахтида етишган бир олманинг икки палласи эди».

Абдулла Қаххорнинг бу каби мuloҳазалари қанчалик асосли эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун Чехов даври адабиёти ва танқидчилигига мурожаат этишга тўғри келади. Маълумки, кейинчалик нафакат рус адабиёти тарихида, балки дунё адабиёти тарихида ҳам машхур сўз санъаткори деб тан олинган. А.П.Чеховнинг кўплаб етуқ ҳикоялари гоя-мазмунини негадир ўз даврида талай ўкувчиларию танқидчилари томонидан тўғри англаб етилмаган, демак, етарли даражада баҳоланмаган эди.

Табиийки, Николай Русиясини чеховона тасвиrlаган бошқа ҳар қандай ёзувчининг асарлари ҳам ростмана тушунилиши амри маҳол эди.

Шу боисдан бўлса керак Чеховни кўпинча «Мунгни куйловчи адиб» деб қўя колишарди. Албатта, булар юзаки тавсиф ва талқинлар эди.

Шунинг учун ҳам А.П.Чехов: «Мен йигирма беш йилдан буён танқидчиларнинг асарларини ўқийман, лекин шу пайтгача улардан бирор қимматли фикр ёки жўяли маслаҳат ололмадим»<sup>1</sup>-дэйиши бежиз эмас.

Абдулла Қаххорнинг А.П.Чехов, Л.Толстой, Н.В.Гоголь ва М.Горький сингари буюк рус адиблари ҳақидаги маколалари яна бир жиҳатдан эътиборга лойик: у рус ва жаҳон адабиёти классикларидан ўрганиш жараёнида ўзбек адибларининг тезроқ ижодий балоғатга етишиб, маънавий-маданий савияси юксалиб борганидан ҳам гувоҳлик берар эди. Нега биз бу нуктани алоҳида таъкидлаяпмиз? Шунинг учунки, адабиётимизнинг тўнгич авлоди вакилларининг етуқ санъаткор сифатида шаклланиши ва улар ижодининг тадрижий такомили бевосита рус ва жаҳон адабиёти мумтоз вакиллари ижодини чукур ўрганиш ва ижодий ўзлаштириш билан боғлиқ эканлиги айrim манбаларда эътироф этилгани ҳолда баъзан бу ҳақикат юзакироқ талқин этилмокда.

Шу муносабат билан Абдулла Қаххор ва бошқа атокли ўзбек адибларининг ижодий йўлидаги бу босқичнинг моҳиятини ва унинг адабиётимиз ривожидаги муҳим аҳамиятини аникрок тасаввур этиш учун, 20-30-йиллардаги маданий ҳаётнинг айrim жабҳаларини эсле олиш жоиздир.

Ўша даврда кўпчилик ёзувчиларимиз обьектив ва субъектив сабабларга кўра рус ҳамда жаҳон адабиёти классиклари ижоди билан яхши таниш эмас эдилар. Чунончи, С.Айний атокли рус адибларининг асарлари таржимаси бўлмаганлиги учун «1930 йилларгача уларнинг китобларини ўқиёлмай келган»<sup>2</sup>лигини ачиниш билан қайд этса, Абдулла

<sup>1</sup> М.Горький. О литературе. М., «Советский писатель», 1955. С. 32-39.

<sup>2</sup> Садриддин Айний. Буюк устознинг унуптилмас хотираси. –Устоз. Т., 1968, 58-68-бетлар

Қаҳхор рус классик адабиёти билан яқиндан танишиши факат 1925 йилардан кейинги (Н.В.Гоголнинг «Иван Иванович ва Иван Никифорович орасида бўлиб ўтган низолар» қиссасидан) бошланганини ва мазкур асарни луғат ёрдамида қарийиб бир ой мобайнида қийналиб ўқиганилигини эслайди.

Ҳа, бугунги ўқувчиларга ажабланарли бўлиб туюлувчи бундай ҳоллар, таассуфки, адабиётимизнинг тўнгич авлоди намояндадали учун муштарак бир муаммо эди.

Абдулла Қаҳхорнинг рус ва жаҳон адабиёти классиклари ҳакидаги мақолаларида, шунингдек, бир қатор бадиий асарларида бу санъаткорларнинг бой ижоди адабиётимиз вакиллари учун факат бадиий маҳорат бобидагина улкан мактаб бўлиб қолмасдан, балки уларнинг гонгий-эстетик карашлари такомилига ҳам чукур таъсир кўрсатганлиги равшан акс этиб туради.

Бирок, юкорида эслатганимиздек, рус ва жаҳон адабиётининг ижобий таъсири кўпгина тадқиқот ва мақолаларда бир томонлама тадқик этилади; кўпинча бирор ёзувчининг у ёки бу асари, ёхуд образни яратишда бошқа улкан санъаткорлардан ижодий фойдаланганлиги, илҳомланганлиги каби нуқталар тўғрисидагина сўз юритилади. Ҳолбуки, инсоф билан айтганда, ўша улкан ёзувчилар ёш ўзбек адабларининг реалистик адабиёт ва санъатнинг бош максадларини тўла англаб етишларида, гоявий-эстетик ўтиқодларининг ёркин намоён бўлишида «раҳнамолик килганларига» кам икрор бўлиш лозим. Зотан, сўнгги йилларда ижодий таъсир жараёнини барча ўзига хосликлари билан бир бутунликда олиб текшириш танид ва адабиётшунослигимизда етакчи бир тамойилга айланиб бораётиди.

Бу ҳолни таникли адаблар ҳам эътироф этишмоқда. Масалан, Пиримкул Қодиров: «Лев Толстой маҳоратини унинг инсонпарварлигидан, ҳалқпарварлигидан, ҳақгўйлигидан ва бошқа олийжаноб инсоний фазилатларидан ажратиб олиб бўлмайди. Аланганинг тилларини ёнаётган гулхандан узиб олиш мумкин эмас – гулхандан узиб одинган алана шу заҳоти сўнади. Толстойнинг бадиий маҳорати ҳам ўзининг ҳаётий асоси билан худди ёнаётган гулхан ва ундан кўтарилаётган алана тиллари каби доимий бирликда яшайди. Шунинг учун Толстойнинг бадиий маҳорат бобидаги энг яхши анъаналарига эргашган ҳар бир ёзувчи бу анъаналарни юксак инсонпарвалик, ҳакикатпарварлик, ҳалоллик, олийжаноблик билан биргаликдагина ўзлаштира олади»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, Лев Толстой ва А.П.Чехов, Н.В.Гоголь ва М.Шолоховларнинг юксак санъаткорлигини уларнинг ҳаёти ва ижодининг

<sup>1</sup> П.Кодиров. Бадиият күёши.-Лев Толстой ва ўзбек адабиёти, Т, 1979, 46-бет

йўналишини белгилаган – инсонпарварлик эътиқодидан, ҳақиқат ва эзгулик учун событқадамлик билан олиб борган курашидан ёхуд улар учун муқаддас бўлган чукур ғоявий-эстетик ақидалардан ажратиб олиб таҳлил килиш ва баҳолаш мумкинми?

Алқисса, Абдулла Қаххорнинг рус ва бошқа халқлар адабиёти намояндадарига бағишлиланган асарларининг аҳамияти бу улкан адилар ижодидаги етакчи хусусиятларни тўғри ёритиб берганлигидагина эмас. Бинобарин, улар минглаб ўзбек китобхонлари қалбida бу машхур санъаткорларга нисбатан миннатдорлик туйғуларини уйғотиш, айни пайтда ёш ёзувчиларимизнинг бу буюк сўз санъаткорларининг ҳаётбахш анъаналаридан илҳомланишга даъват этиш, уларнинг юксак бадиий маҳорат сирларини пухта эгаллашга ундаш борасида қимматли сабоклар ҳамдир.

Шу ўринда яна бир ҳолни қайд этиб ўтиш лозим. Абдулла Қаххор мумтоз ёзувчиларнинг машхур асарларини чукур ўрганиш ва улардан ижобий фойдаланишни тарғиб этиш билангина кифояланиб қолмади, у ўз ижоди билан ҳам бу улкан мактабдан сабоқ олишнинг ажойиб бир намунасини кўрсатди. Адилнинг бу ибратли хизматини кўпгина шогирдлари, таникли ёзувчилар ҳам таъкидлашади.

Масалан, Ҳаким Назирнинг эътирофи: «Абдулла Қаххор бизга улуг рус адабиётидан қандай килиб ижодий ўрганишнинг аъло ўrnагини берди».

Бу хусусда ёзувчининг ўзи шундай дейди: «Классиклардан фойдаланиш, уларни классик қилган гўзал асарларнинг гўзаллик сирларини эгаллашдан иборат бўлиши керак». Улуг адиб ўз фикрини давом эттириб, ушбу адабий меросга чукур эҳтиромини саклаган ҳолда ёзувчи ижодий балоғатининг асосий бир шарти—оригиналликка эришиш, янгилик яратишда, дея шундай фикр билдиради: «Бор илмни ўрганиш, уни бу кунга қадар ишлатилганича ишлатиш—ҳар бир эс—хушли одамнинг кўлидан келади. Илмга янги бир нарса қўшиш ёки унинг учун янги бир иш майдони очиш—ҳақиқий хизмат». (III, 238). «Сароб» романи қаҳрамонларидан бири Эҳсон тилидан айтилган бу сўзлар анъанавийлик ва новаторликнинг узвийлиги, уларнинг ўзаро диалектик бирликда, намоён бўлиши хусусидаги абадий ва адабий қонунни таъкидлаш ҳамдир.

Абдулла Қаххорнинг Лев Толстой, Н.В.Гоголь ва А.П.Чехов каби улкан адилардан қанчалик сабоқ олганлиги ёркин бир ижодий факт сифатида кўпгина адабиётишуносларимиз томонидан тўғри қайд этилган. Лекин бъязи тадқикотларда бу муҳим масалани ёритишда бирёкламаликка йўл қўйиш ҳоллари ҳам учраб туради. Масалан, профессор Х.Г.Кўрўғли ўзининг «Ўзбек адабиёти» номли китобида Абдулла Қаххорнинг рус классикларидан ижодий ўрганиши ҳакида сўз юритиб, Қаххор улардан,

жумладан, А.П.Чеховдан «Факат тасвир приёмлари»ни ўрганди»<sup>1</sup>, деган үзносага келади. Ҳолбуки, юқорида кўриб ўтганимиздек, Н.В.Гоголь ва А.П.Чехов ижодида чукур ифодаланган гуманистик ғоя ва илғор фикрлар кам Абдулла Қаххор ижоди ва кўпчилик ўзбек адилари учун илҳом багишлагани аник. Шу билан бирга бу улкан ёзувчилар ижоди Абдулла Қаххорнинг адабий-эстетик қарашлари шаклланишида ҳам муҳим ўрин туттанини унутмаслик керак.

Биз эътиroz билдиримоқчи бўлган бошқа бирёкламалик шуки, баъзи адабиётшунослар Абдулла Қаххорнинг воқеликни ҳолисона тасвирлаш усулини ҳам бутунлай Чеховга боғлаб қўйишади. Ваҳоланки, А.Қаххор А.П.Чехов ижоди билан чукур танишмасдан олдинроқ ёзган асарлари, ҷуноничи, «Сароб» романида ҳам ҳаётни ҳолис туриб тасвирлагани йирик адабиётшунос Матёкуб Кўшжоновнинг «Адашганлар фожиаси» ҳамда Оюд Шарафидинов ва Раҳмон Кўчкоровларнинг «Абдулла Қаххор» бадиаси ва «Истеъдод кадри» тадқиқотларида тўғри кўрсатиб берилган.

Бошқа тарафдан эса, агар ижодий таъсир хусусида гап борадиган бўлса, аввало, Гоголнинг таъсирини кўрсатиб ўтишadolатдан бўлади. Чунки Абдулла Қаххор реалистик тасвирлаш усулини даставал ана шу машҳур адидан ўргантанлигини шундай изоҳлайди.: «Гоголь асарлари билан танишиб, уларни бунчалик ўткир қилган «сир»ларни «кашф» кила бошлаганимдан сўнг олдин ёзган ҳажвий «асарларим» кўзимга шу қадар тариб кўринидики, манбаъд бундай асарлар ёзмасликка ўзимга-ўзим сўз бергандай, ўша вактдаги яширин имзом «Норин шилпик»дан воз кечиб, сўнгги фельетонларимга бошқа имзо («Мавлон куфур») кўядиган бўлдим...

Гоголь асарларини ўкий бошлаганимдан кейин ўзок вакт жиддий ҳикоя ёзолмай юрдим. Ниҳоят, «Бошсиз одам» деган ҳикоя ёздим. Биринчи ҳикоям («Ёш қизлар ўгай ота кўлида») бир воқеа ҳакида ўкувчига маълумот берган ва бу воқеага ўз муносабатим кандай эканини ҳар сатрда таъкидлаган бўлсан, «Бошсиз одам»да ўзим «ҳолис» туриб, ўша вактдаги ҳаёт лавҳаларидан бирини кўрсатишга ва бунда биринчи марта одамнинг характеристига кўл уришга ҳаракат килган эдим...»(VI, 57-58).

Ниҳоят, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ҳаётни ҳолисона тасвирлаш усули фактат Чехов ёки Гоголнинггина эмас, балки умуман, ҳакикий санъат ва адабиётнинг энг азалий ва асосий бир йўналишидир.

Абдулла Қаххорнинг мумтоз адабиёт вакиллари ижоди ҳакидаги адабий-танкидий асарлари чукур тарихийлик мезони асосида ёзилганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Адабиётимиз ва танкидчилигимиз тарихидан маълумки, ўтмиш маданий меросимиз ва

<sup>1</sup> Кор оғлы. X. Узбекская литература. М., Высшая школа». 1976. С.276

маънавий қадриятларимизга нисбатан яқин йилларгача асосан бирёклама, яъни ноҳолис муносабатда бўлиб келинди. Хусусан, Аҳмад Яссавий ёки Сўфи Оллоёр у ёқда турсин, ҳатто Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро, Захириддин Муҳаммад Бобур ва Машраб каби улуғ шоир ва мутафаккирларимиз хаёти ва ижоди ҳам совет даври мафкурасининг темир қолиплари асосида бир ёклама ўрганилиб, натижада, уларнинг ижодий мероси ва унтилмас сиймоси ҳақиқий баҳосини тополмаган эди.

Масалан, XIX аср маданий-сиёсий ҳаётида ғоят катта рол ўйнаган Хоразм шохи Феруз такдири ва унинг ижтимоий фаолияти ҳакида ҳам кўп йиллар мобайнида асосан салбий фикрлар билдирилиб келинди. Шукрлар бўлсинки, истиклол шарофати билан бу улуғ сиймолар ҳаёти ва ижодига муносабатимиз тубдан ўзгарди. Бунинг ёркин бир далили Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан Ферузнинг таваллудига 150 йил тўлишининг жумхуриятимизда кенг нишонланганидир. Ҳолбуки, бундан 20-30 йиллар муқаддам бу ҳақда ҳатто орзу қилиш ҳам кийин эди.

Бироқ, шуниси ажойибки, 60-йиллардаёқ ёзувчиларимиз ва олимларимиз орасида биринчилардан бўлиб, катта журъат ва салоҳият билан Феруз ҳакида одилона сўзларни Абдулла Қаҳҳор айтган эди. У ўзининг «Ашула тўғрисида» номли мақоласида Феруз ҳакида шундай ёзганди: «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилган уч авторнинг мақоласини олайлик. Маколада баъзи классиклар, бизга кўпгина ашулалар ёзиб берган бир қанча шоирларга кесак отадилар. Бу авторларга колса Ферузни кўп хотин олишда айблаб, совет қонуни билан суд қилиш, сандиққа қамаб, хидини ҳам чикармаслик керак. Феруз ким ўзи?

Феруз машҳур лирик шоир, мусиқашунос, композитор, яхши таржимон, Умархон сингари ўз замонасининг шоирларини ўрдасига йиққан, 1873 йилда босмахона сотиб олиб, Хоразмда биринчи китоб бостирган одам. Шу одамни юз йилдан кейин қора курсига ўтказиб, совет қонуни билан суд қилишдан нима мурод ҳосил бўлади...» (VI, 398-399).

Бу сўзларга изоҳ шарт бўлмаса керак-вакт Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаклигини кўрсатди.

### Бадиий асар тили муаммолари

Абдулла Қаҳҳорнинг адабий-танқидий асарларида катта ўрин тутувчи муаммолардан бири, шубҳасиз, бадиий асар тили масаласидир.

А.Қаҳҳор тасаввурига кўра, тил ёзувчининг асосий куроли, адабий форманинг муҳим бир элементи бўлиши билан бирга, асар мазмунининг муносиб бир шаклда намоён бўлиши ҳамдир. Бу ҳақда ёзувчи шундай дейди: «Адабиёт-бу тил! Мен шу вактга қадар бирор ёзувчининг тилсиз, имо-ишоралар билан бадиий асар яратганини эшитганим йўқ... Агар ҳозир мендан «Сиз учун тил бадиий ижоднинг бошқа муаммолари орасида

дай ўрин тутади?»-деб сўрашса, мен жавоб беришга қийналаман. асосий ўринни», -дейишдан бошқа сўзим йўқ»<sup>1</sup>.

Улкан адабимизнинг бу фикрини унинг тилга бўлган ғоят ғулиятли муносабатини ва бадий тил ҳақидаги қараашларининг тубдунитини белгиловчи негиз деб караш мумкин. Бинобарин, мана шу кетаи назар ёзувчининг тил хусусидаги бутун адабий-танқидий олиягининг самарали йўналишларини белгиловчи асосий таянчаларидан бири бўлиб хизмат қиласди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш мумки, А.Қахҳорнинг ҳақиқий бадий асар тили учун кураши ҳеч қачон прёклама, яъни фақат мукаммал форма учунгина бўлмай, балки у айни юйтда чуқур мазмун ва юксак ғоявийлик учун ҳам курашиш эди. Аслида, ундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Чунки тил шунчаки ташки бир инк ёки либос бўлиб эмас, балки асар мазмунининг, ёзувчи ғоявий-художник мақсадининг бадий ифодаси бўлиб яшайди.

А.Қахҳор санъат асарининг асосий шарти бўлган тил билан мазмуннинг бундай яхлитлигининг таъкидлаб, жумладан, шундай ёзган мис «Адабий асарнинг жони-унинг мазмуни, лекин бу жоннинг жон ғулиши учун жасад ҳам керак. Жонни жасадсиз тасаввур қилиш мумкин эмес». Бошқа бир ўринда бу фикри янада конкретлаштириб, «Китобнинг ўкишли бўлиши авторнинг китобхонга айтадиган тўла мағизини ва жуда ширур фикри бўлганини кўрсатади. (VI, 287-бет)

Адибнинг бу сўзларидан «яхши тил бўлмаган асарда чуқур мазмун ҳам йўқ» деб хулоса чиқариш тўғри бўлар. Негаки тил шундай бир ўнгуки, унда бадий адабиётнинг деярли барча фазилат ва қудрати акс ғиши мумкин. Шунинг учун ҳам бадийликнинг ҳақиқий қадрловчиси бўлган А.Қахҳор ҳар бир адабий асарнинг чинакам санъат намунаси ғанилигини энг аввало ўша асарнинг шавқ билан ўқилишида, тилнинг қозибадорлигига кўради. Ўзининг бу мезонини рад этиб бўлмас фактлар билан шундай асосслайди: «Рус ва жаҳон адабиёти классикларидан қайси бири ўқиб бўлмайдиган китоб ёзган? Буларнинг дунёни забт қилганларига бирдан-бир сабаб китобларининг ўкишли бўлганлиги эмасми?» (VI, 276).

Дарҳақиқат, мумтоз адабиёт вакилларининг мукаммал мазмун яратиш мақсадида асар тилидаги ҳар бир жумла, ҳар бир сўз ва хатто айрим товушларга ҳам жiddий эътибор бериши улар учун бадий ижоднинг «олтин қонун»ларидан бирига айланган эди. Классиклар анъаналарининг моҳир давомчиси бўлган А.Қахҳорнинг кўз олдида ҳамиша ана шу мукаддас ҳақиқат-олий мезон туради.

Хўш, ўкишли китоб деганда, А.Қахҳор нималарни кўзда тутган? Унингча, ҳақиқий бадий асар тили қандай бўлмоғи керак? Бу саволларга идиб ўзининг 1939 йили ёзилган бир маколосида лўнда ва аник жавоб

берган эди. Маколада А.Қаххор севимли устози А.П.Чеховнинг юксанъаткорлиги ҳакида мулоҳаза юритиб, жумладан, шундай дейди: «Ин сатр шеърда берилган фикрни минг хил қилиб айтса бўлади, лекин минг вариантининг ҳеч қайсиси шу икки сатрдай ҳам содда, ҳам кисқа, ҳа кучли, ҳам таъсирли бўлмайди... Икки йўл шеър сингари «Ёвуз нияти киши»ни ҳам минг хил қилиб ёзиш мумкин, лекин қаҳрамонни бундан равшан, бундан мукаммал тарзда гавдалантириш, бундан ўтадиган бир услугуб топиб, китобхонга манзур қилиш мумкин эмас» (VI, 238-239). Ман А.Қаххорнинг бадиий асар тилига нисбатан кўядиган асос талабларининг ўзига хос бир муҳтасар баёни.

А.Қаххор фикрича, асар тилининг соддалиги ва тиниклиги шу бил белгиланадики, у ёзувчи фикрини китобхонга тўла англатсин ва асар тасвиrlанаётган инсон қиёфасини, предмет ёки муайян ҳолатни ўқун кўз олдида яққол гавдалантира олсин. Бунга мисол тариқасида ёзувчини «Бемор» хикоясидан олинган мана бу парчани ўқийлик: «Сотибол эртадан кечгача офтобшувокда гавронлар ичига кўмилиб, сават тўқийл Тўрт яшар кизчаси кўлига рўмолча олиб, онасининг юзини караш нимжон, хира пашшалардан кўрийди: баъзан қўлида рўмолча, мук тушиб ухлаб колади. Ҳамма ёқ жим. Факат пашша ғингиллайди, бем инқиллайди; ҳар замон яқин-йироқдан гадой товуши эшитилади: «Ҳ дўст, шайдулло, баноми Олло, садақа радди бало, бақавли расули худо» (I, 57).

Бу парчада ўтмишдаги қашшоқ бир оиланинг забун ва нурсиз ҳаёаниқ ва жонли тасвир этилган, ўқувчи гўё Сотиболдининг ғарифо кулбасидаги аянчли аҳволни яққол кўриб тургандек, мажолсиз беморни оғир дардан чекаётган мунгли ноласини бутун қалби бил эшитаётгандек бўлади. Парчада акс этаётган совук сукунат, хи пашшаларнинг ғингиллаши, гадонинг тиланиш оҳанглари тасвирни я ҳам кучайтиради ва китобхон кўз олдида даҳшатли ўтмишнинг ҳаккони бир манзараси пайдо бўлади. Буларга, албатта, ёзувчининг ҳаёт ҳакконий тасвирлаш маҳорати ва сўз санъаткорлиги туфайли эришилади

Ҳикоянинг тилига эътибор берсак, унда ўқувчи диккатини чалғитув ёки сусайтирувчи жумлалар ёхуд ноўрин кўлланилган бирорта иборат то сўзни учратмаймиз. Асар тили бошдан оёқ оддий сўзлардан ибора лекин шу оддийлик ўқувчига кучли таъсир этади. «Китобхонга бир фикрни англатиш ёки бир нарсани тасаввур килдириш учун кишини бошини котирмайдиган, очиқ, равон ва содда тил керак, -деган эди А.Қаххор. Сурат олдираётган киши суратга чиройли ва келиши тушмокка бехуда зўр бериб, ўзининг табиий ҳолатини бўзганидай, ёзувч «чиройли» ва «қойил» қилиб ёзишга» бехуда зўр бўрса, адабий асар учун

нур бўлган тилдаги соддалик, табиийлик бузилади<sup>1</sup>. Юкорида биз ўриб ўтган мисол бу мулоҳазаларнинг тўғрилигига ёрқин далилдир.

А.Қаҳҳор тилда қискалик ва ихчамликка эришишни адабий асарнинг итофат белгиларидан бири деб билади. Унинг фикрича, қискалик –бу оз ёшимр воситасида кўп ва чукур маъноларни англатиш демакдир. Бошқачароқ қилиб айтганда, бу катта мазмунни ихчам шаклда ифода этишсанъатидир. А.Қаҳҳор асарлари учун хам характерли бўлган бу фазилат ёзувчининг бадиий асарларни баҳолашида хам муҳим мезон бўлиб хизмат килиди. Чунончи, у ёш бир ёзувчининг икки ҳикоясини таҳлил этар экан, унвардан бирида «каттакон ижтимоий иллатни тангадай ўринга гуллаганлиги»ни муаллифнинг жиддий муваффакияти сифатида кадрлаган бўлса, бошқа бирида эса «тарикча маъно бир пакир сувда сузуб юрганилиги», яъни асардаги мазмун саёзлиги ва ортиқча сўз-баён кўпайиб кетганлиги учун, унга салбий баҳо беради<sup>2</sup>. Ёки Маъруф Ҳакимнинг дастлабки ҳикояларини таҳлил қиласр экан, уларнинг тилидаги нуқсонларни, айниқса, кўпсўзлиликни кескин қоралаб, жумладан, шундай дейди: «Буюк Пушкин ҳозир бўлса, «Ҳаёт қўшиғи» деган ҳикоялар тўплами чиқарган Маъруф Ҳакимнинг кулоғидан чўзиб, юзига бир тарсаки урар ва «Пушти гуллаган ўриклар ўз гулларини тўкиб, довучча тугар эди», «Отнинг жиловини силтаб, тезлашини қистади» дема, «Ўрик гулини тўккан эди», «Отни жадаллатди» дегин дер эди»<sup>3</sup>.

Кўринадики, тилда қискаликка эришиш шунчаки бир фазилатгина ёмас, балки чинакам санъат асари яратишнинг, юксак бадиийликнинг муҳим бир шарти ва омилидир.

Кўпсўзликни А.Қаҳҳор «адабий лақмалик», «эзмалик» деб, доимо каттиқ танқид қиласрди. Чунки у ёзувчининг айтмоқчи бўлган фикри, мақсади ноаник эканлигини кўрсатади, ҳакикатни хиралаштиради. «Кўп сўз ёлғоннинг юзини пардозлаш учун керак. Ҳакикат шундай жононки, пардоз унинг хуснини бўзади». –деган эди у (VI, 280). Бу улкан ёзувчининг ижод жараёнида кашф этилган ва бутун ижоди билан тасдиқланган муҳим ҳакикатларнинг биридир. Шу ўринда А.Қаҳҳорнинг «Ёзувчининг бирпас ҳам китобхонни унутишга ҳаққи йўқ» деган фикрини бир оз ўзгартириб, «Ёзувчи бирорта ҳам сўзни ноўрин кўлламаслиги» керак» деб айтиш ҳам мумкин. Бинобарин, А.Қаҳҳорнинг куйидаги ўтироzi ҳам санъатнинг ана шу катъий бир талабини ифода этиши билан диккатни жалб этади. У «Поэзия юксак санъатдир» (1940) деган маколосида шундай ёзади: «Чустийнинг ҳамма шеърларида «нур» сўзи

<sup>1</sup> Абдулла Қаҳҳор. Ёшлар билан сухбат. 57-бет

<sup>2</sup> Айвар Мукимов. Устоз мактублари. –«Гулистон», 1972. №9, 13-бет.

<sup>3</sup> Абдулла Қаҳҳор. Ёшлар билан сухбат. 28-бет

учрайди. Чустий қаерда ифода тополмаса, (бунга кўпинча ҳаракат ҳам қилмайди) ишни «нур» билан осонгина битиради-кўяди» (VI, 253-263)<sup>1</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, Чустийнинг 1939 йили чиқарилган тўпламини кўзда кечирсак, унда «нур» сўзи шу қадар кўп ва ноўрин кўлланилганлигинин ва натижада бу сўзниң китобхонни бездирадиган чучмал бир калимаг айланиб қолганлигининг гувоҳи бўламиз. (Далил тариқасида тўпламдаги «Лочин билаклар», «Ўзбекистонга ютуқ», «Шеърий доклад», «Армуғон» «Юлдузим», «Зарли майдонларимиз» каби шеърларини кўрсатиб ўтиш мумкин).

Бундай формализмнинг бошқа бир кўринишини А.Қаҳҳор Саид Назарнинг «Яшил бойлик» номли романининг тили мисолида ҳам кўрсатиб ўтади. Чунончи, куйидаги парчалар мазкур роман тилинин бадиийлик мезонларига жавоб бера олмаслигидан гувоҳлик беради «Виговор китоб устида берилди». «Салқин ер тешаси зарбидан балдоғи чирт учиб кетган сариқ, кизғиш япроқлар ҳавода қанот кока-коқа ер бағирлаб оёқ чўзиб ётишишти». «Ит Нусратга қараб илжайди» ва х.к.<sup>2</sup>.

Оддий бир китобхонда ҳам норозилик уйғотувчи бундай хом-хатала жумлалар, шубҳасиз, тилга эътиборсизликнинг ва бадиий ижод масъулиятини чукур хис этмасликнинг нохуш бир оқибатидир.

Тўғри, А.Қаҳҳор Чустийнинг «нур» сўзини деярли ҳар бир шеърида ўринли-ўринсиз ишлатаверишга ҳакли эътиroz билдиргани ҳолда, унинг ўзи «бетўхтов» деган айни бир сўзни биргина «Ўғри» хикоясида бир неча марта қўллайди: «Элликбоши бетўхтов аминга хабар килмокчи бўлиб чикиб кетди». «Амин ҳам Мен бетўхтов приставга хабар бераман» дейди. «Тилмоч тортиқни олди ва бетўхтов приставга яхшилаб тушунтиришга ваъда килди... «Пристав Қобил бобонинг баҳтига, бетўхтов ҳокимга хабар бераман демасдан, аминга бор деб кўя колди»...

Қизик, ҳалқ тилининг бу қадар моҳир заргари бўлган А.Қаҳҳор нечук бир сўзни қайта-қайта ишлатди экан? Ҳолбуки, тилимизда бу сўзниң синоними бўладиган «тўхтовсиз», «дарров», «дарҳол» ва «тезда» каби қатор сўзлар ҳам бор эди-ку. Гап шундаки, А.Қаҳҳор бу сўзларнинг кўз илғамас фарқларигача, энг нозик маъно бўёкларигача эътибор беради ва ҳаракат-тезлик маъноси кучлироқ эканлиги (ҳамда нисбатан жарангли ва салмоқли бўлганлиги) учун, «бетўхтов» сўзини танлайди. Энг муҳими, бу сўз «ок ит-кора ит – барибир ит» бўлмиш амин ва элликбошиларнинг қаллоблиги, носамимийлиги, колаверса, уларнинг баландпарвоз оҳангда сўзлашга мойиллигини ҳам чукурроқ ифодалай олган.

Мазкур сўз ёзувчининг бошқа асарларида, жумладан, «Ўтмишдан эртаклар» киссасида ҳам учрайди: «Амин гапни кўпайтирмабди, одамларнинг гапига ҳам қулоқ солмабди, дадамга «Қишлоқдан бетўхтов

<sup>1</sup> А.Қаҳҳорнинг бу танқидий мулоҳазалари Чустийнинг ilk юқодига тааллукли.

<sup>2</sup> Абдулла Қаҳҳор. Ёшлар билан сухбат. 70-бет

кўчиб кетинг!»-дебди» (II, 75). Бу ўринда ҳам «бетўхтов» сўзи амин киёфасини аниқ чизиб беришда алоҳида салмокқа эга. Нихоят, бу сўз юмирида ёзувчининг амин ва элликбошиларнинг ўта мунофик ва мугомбирлигини масҳаралаш оҳанги ҳам сезилиб туради. Шундай экан, «бетўхтов» сўзининг бир неча марта қўлланиши ҳам асар тилининг қишишоқлиги ёхуд адибнинг тил бобидаги ҳафсаласизлигидан эмас, балки унинг сўз танлаш маҳоратидан ва тилнинг ҳақиқий заршуноси эканлигидан бир нишонадир.

Гап маълум бир сўзнинг қайта-қайта ишлатилиши ҳақида борар экан, бу ўринда А.Қаҳҳор ижодини анча кенг ўрганган адабиётшунос олим Ҳ.Абдусаматовнинг бир фикрига тўхталиб ўтишга тўғри келади. Тадқикотчи ўзининг «Абдулла Қаҳҳор» номли китобида ёзувчининг «Синчалак» повести ҳақида фикр юритиб, жумладан, унда автор ўз ижодида ишлатилган биронта иборани, мақолни қайта ишга солмайди...», дейди

Ҳақиқатдан ҳам, «Синчалак» повестининг тили накадар жозибали, бениҳоя бой ва ранг-баранг эканлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Эҳтимолки, асарнинг бутуниттифоқ ва ҳатто чет эл китобхонлари томонидан ҳам қизғин кутиб олингандигининг муҳим сабабларидан бири ҳам шу бўлса. Бироқ Ҳ.Абдусаматовнинг юқоридаги хулосаси, назаримда, маълум даражада эътиrozга лойик. Аввалам бор, шуки, санъат асарини, кусусан кўпмиллатли адабиёт тарихида ҳам катта бир воқеа деб тан олинган «Синчалак»дек асарнинг ютуқларини баҳолашда унда ёзувчи ижодида илгари қўлланилган бирор ибора ёки мақолнинг қайта ишга солинган-солинмаганлигини асосий меъёр қилиб олиш тўғри бўлмаса керак. Иккинчидан эса, повесть тилида айрим ўринлар борки, улар бевосита танқидчининг фикрини рад этади. Чунончи, А.Қаҳҳор асар персонажларидан бўлган Эшоннинг ташқи кўринишини тасвирлар экан, шундай ёзади: "... бир томонга силлиқ қилиб тараалган сочи оёғидаги ёмиркон туфлисидан ҳам қорароқ ва кўпроқ ялтирок эди". "Бу тасвир, ҳақиқатан ҳам, жуда аниқ ва моҳирона чизилган, лекин у ўқувчига аввалдан бир оз таниш. Мен ёзувчининг "Сароб" романидаги Муродхўжа домланинг портретини яратишда ишлатилган куйидаги сўзларни кўзда тутаяпман:" "... кичкина дўпписи қоплай олмаган тепакал боши ҳозиргина пардозланган сариқ этикнинг тумшуғидай ялтирок эди..." (III, 65).

Бошқа бир ўринда эса мазкур асар қаҳрамонларидан бири Эҳсон дўст Саидийга карата шундай дейди: «ёшлик тошқин сув, сугорадиган экинингизни сугориб колмасангиз, ўтиб кетади»... (III, 16). «Синчалак» повестида ҳам Қаландаровнинг райком секретари Носиров томонидан

тошқин сувга қиёс қилинганлигини хотирлайлик. Ҳолбуки, А.Қаххордек катта тажриба ва маҳорат эгаси бўлган адибимиздан китобхонлар оригинал, янги қиёс ва тасвиirlар кутишга ҳақли эди, деб ўйлаймиз. Шунингдек, асар тилида А.Қаххор услубига унчалик хос бўлмаган бир икки оғир жумлалар ҳам учрайдики, бу нуқсон таниқли адабиётшунос О.Шарафиддиновнинг «Келажакка чорловчи повесть» номли тақризида ўз вақтида тўғри қайд этилган эди<sup>1</sup>. Лекин улар жуда жузъий нуқсонлар бўлганлиги учун, асарнинг ғоявий-бадиий қимматига айтарли жиддий таъсир кўрсатмайди. Бундай факт яна шу билан изоҳланиши мумкини, ҳар бир ижодкорнинг севимли мавзуси, муҳим фикрлари ва шунингдек, унинг тил бойлигидан мустаҳкам ўрин олган характерли ибора ва сўзлари ҳам бўладики, ёзувчи аксарият ҳолларда у ёки бу тарзда шуларга мурожаат киласи.

Адабиёт тарихидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Чунончи, А.Навоий ва Лев Толстой ёхуд М.Ю.Лермонтов ва Чўлпондек даҳо санъаткорларнинг асарлари тилида ҳам муайян сўз ёки иборанинг бир неча бор тақрорланганлигининг гувоҳи бўламиз. Бироқ улар асло мазкур асар тилининг нуқси эмас, балки энг аввало бу улуғ санъаткорларнинг бекиёс тил маҳоратидан, яъни сўзнинг янги маъно товланишлари ва кирраларини кашф этганликларидан далолат беради. Шунинг учун ҳам тақрорлар мисраларга бамисоли бир зеб-зийнат бағишлайди ва бадиийликнинг ўзига хос бир нишонаси сифатида ўкувчи дикқатини жалб этади. Масалан, Навоий ёзади:

*Хуросон бадандур Ҳирий жон анга  
Ҳирий жон, бадандур Хуросон анга.  
(«Саддий Искандарий», 140-бет)*

Ёки Чўлпоннинг куйидаги сатрларини эслайлик:

*Куз чоги тупроқлар гезариб қолдилар,  
Гезариб қолдилар куз чоги тупроқлар...  
(Яна олдим созимни, 482-бет)*

Булардан яна бир карра аён бўладики, муайян санъат асарининг, хусусан, унинг тилини ўрганишда унда бирор сўз ёки иборанинг аввал қўлланилганлиги ёхуд қўлланилмаганлиги, шунингдек, неча бор тақрорланганлиги ҳам асосий мезон бўлолмайди. Аксинча, асосий гап ёзувчининг тил маҳоратида-чинакам санъат асари тилида кўп бор

<sup>1</sup> Каранг. Ўзбек адабиёти масалалари. Т., Ўздавлат, 1959, 73-бет

ишилатилган кўхна сўзлар ҳам жилоланади, уларга бамисоли янги бир канот, ҳаёт бағишлианди, уларнинг сеҳр-куввати ортади.

Модомики, Қаххорнинг «Синчалак» қиссаси тили ҳакида тўхталган жанмиз, истеъодли мунаққид Анвар Жабборнинг мазкур қиссага бағишлиланган «Ўз даврининг машхур асари»<sup>1</sup> номли мақоласи бизни гоят таажжублантирганини ҳам айтмасдан ўтолмаймиз. Мақола муаллифининг бадий асар таҳлилига янгича ёндашишга интилиши ва айрим мулоҳазалари ўкувчида маълум даражада қизиқиш уйғотишини инкор этмаган холда, унинг «Синчалак» қиссасидаги деярли барча хотин-қизларнинг тили индивидуаллашмаган ва улар ҳаётий эмас, деган ҳуносалари бутунлай асоссиз эканлигини қайд этишга мажбурмиз. Биз бу ўринда далил тариқасида оддий китобхонларга ҳам яхши таниш бўлган кўплаб характерли мисолларни такрорлаб ўтирумаймиз – бунинг учун қиссадан юзлаб саҳифаларни кўчиришга тўғри келар эди. Яххиси, асарни ҳолисона некбинлик билан мутолаа қилган ҳар бир ўкувчи ундаги нафакат бош қаҳрамонлар, балки ўнлаб персонажларнинг тили ва нутки ҳам уларнинг ўзига хос ва муносиб тарзда яратилганлигига ишонч ҳосил қилиши мумкинлигини таъкидлаш билан чекланамиз. (Куйироқда шу асардан бир мисол ҳам келтирамиз).

Иккинчидан эса, дастлабки бадий асарлари билан ёзувчиларимиз орасида «бой ва чиройли тил эгаси» сифатида тан олинган ва нафакат тенгдош адиб ва танқидчиларнинг, балки Абдулла Қодирий ва Чўлпон сингари устозларнинг ҳам эътирофига сазовор бўлган А. Қаххордек моҳир сўз санъаткорининг ижодий камолот палласида ёзилган «Синчалаю» қиссасининг миллионлаб китобхонларга манзур бўлган бекиёс жозибали тили А. Жабборга маъқул бўлмаган экан, начора? Балки мунаққид бадий асар тили ҳакидаги бирёклама қарашларини ва адиб ижодига муносабатини бир оз ўзгартириш зарурлигини ўйлаб кўрса, ёмон бўлмасди. А. Қаххорнинг тил ҳакидаги қарашларининг аҳамиятли томонларидан бири шундаки, улар ҳақиқий асар тили яратишнинг «сирлари»ни ҳам очиб беради. Ёзувчи мақолаларидан бирида айрим асарларнинг ўкишли бўлмаслигининг сабабини кўрсатиб, шундай бир ҳуносага келади: «Бизнингча, рангиз, нурсиз, ҳароратсиз ёзилган асарлар ҳаётни чукур ўрганмасдан, унинг аччиқ-чучугини тотмасдан, ўша ҳаёт одамларининг қалбига қалбни пайванд қилмасдан, дардсиз, эҳтиrossиз ёзилган асарлардир...» (VI, 285)

Бу фикрга кўшилмаслик мумкин эмас. Лекин яна шуни ҳам айтиш лозимки, ҳаётни чукур билиш ва илҳом билан ёзиш ёзувчининг асар тили устида ишлаш заруратини ҳеч қачон инкор этмайди. Зероки, «илҳом бадий асарни хато ва нуқсонларсиз ёзишга ёрдам бермайди». Шу сабабли

<sup>1</sup> Анвар Жаббор. Ўз даврининг машхур асари. «Ёшлиқ» 1990 й.

А.Қаххор асар қўлёзмаси устида кунт билан ишлашни чинакам бадий асар тили яратишнинг энг муҳим омилларидан бири деб билади. Бу жиҳатдан адабнинг бир адабиётшунос томонидан берилган «Сиз қандай ишлайсиз?» деган саволга жавобан айтган сўзлари ибратлидир: «Мен ёзилган жумлани, ҳатто саҳифани ҳам устидан тузатолмайман. Жумла, ҳатто бутун бир саҳифадаги бир сўзни ўчириб, ўрнига бошқасини ёзиш учун, бошқа қоғозга ўша жумла, ҳатто саҳифани кўчириб ёзаман. Бир саҳифани ўрта хисоб билан ўн беш-ўн олти марта кўчираман, шубҳасиз, ҳар бир сафар саҳифага сайқал бераман». (VI, 376).

А.Қаххорнинг бу сўзлари 1960 йилда айтилган. Ўзининг дастлабки асарлари биланоқ ёзувчилар орасида «бой ва чиройли тил эгаси» (Ҳамил Олимжон) бўлиб танилган А.Қаххордек сўз заргарининг ҳар бир саҳифани бунчалар кўп ва қайта-қайта кўчиришга, ҳар гал уларга сайқал беришга қандай зарурат бор экан? Ҳақиқий сўз санъаткоригагина хос бўлган бу хусусиятни, эҳтимол, жуда кўп сабаблар билан тушунтириш мумкинdir. Бироқ мен бу характерли фактни ёзувчининг ўз сўзлари билан изоҳлашни истардим.

1944 йили А.Қаххор ёшлар семинарида сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Ҳис, ички дард кишининг қалбини тошириб юборади. Ўзининг дардига бошқаларни шерик қилиш, юрагини бўшатиш кишига азоб бериш даражасига етади. Шу вактда қўл қаламга боради. Кишининг кўзига ҳеч нарса кўринмайди. Ёзиш учун ҳеч нарса халал бермайди. Фикр тўкила боради. Ёзib улгуриб бўлмайди. Кишидаги мана шундай ҳолатни, одатда, илҳом дейишади...» (VI, 361)

Бу сўзларда ёзувчи ижодий лабораториясининг энг ҳаяжонли ва масъулиятли бир боскичи-“юлдуз онлари” акс этаётганлигини унутмаганимиз ҳолда, асосий диккат-эътиборимизни “Фикр тўкила боради. Ёзib улгуриб бўлмайди” деган жумлаларга каратайлик. Модомики, ёзувчи илҳом билан, қалби тўла ҳис-ҳаяжон билан ёзар экан, унинг қўлёзмаларида айрим фикр ва жумлаларнинг тартибсиз бўлиши, тасвирда баъзан ортиқча сўзлар, ёки такрор ўринлар бўлиш табиий ҳолдир. Бундай ҳолат кўплаб йирик ёзувчиларнинг ижод жараёни учун характерлидир. Масалан, Л.Н.Толстой бадий ижод жараёнидаги кўтаринки бу ҳолатни шундай эътироф этади: “Кўшикни икки хил куйлаш мумкин: томокдан чиқариб ва юракдан... Адабиётда ҳам шундай: хаёлан тўкиб ёзиш ҳам, қалб хоҳиши билан ёзиш ҳам мумкин. Агар миянгдан тўкиб ёзадиган бўлсанг, сўзларинг қоғозга итоаткор ва силлик бўлиб тўшади. Юрак амри билан ва қалб тўла ҳис-ҳаяжон билан ёзаётганингда эса фикрлар шу қадар кўп, образлар бехисоб, ёрқин ва кучли хотиралар

шу қадар зич бўладики, уларнинг қоғоздаги ифодаси нотўлиқ, ғализ бўлиб чикади”<sup>1</sup>.

Шундай экан, ёзувчи илҳом ва эҳтирос билан ёзилган асарининг тилини ҳам қайта-қайта кўздан кечириши, унинг ҳар бир саҳифасига сайкал бериши қанчалик зарурӣ шарт эканлиги ўз-ўзидан равшан бўлиб олади. Аслида, бадий адабиётнинг сўз санъати эканлиги ҳам ёзувчи меҳнатининг, айниқса, мана шу боскичидаги яққол намоён бўлади.

А.Қаҳхорнинг бадий асар тилига бу қадар жиддий эътибор беришига яна бир асосий сабаб бор. Бу ёзувчининг китобхон олдидаги юксак масъулият ҳиссисидир. Китобхон, А.Қаҳхор фикрича, каттакон билимдон, юксак дид эгаси. А.Қаҳхорнинг бу холосаси кўпгина таникли ёзувчиларнинг фикрлари билан ҳамоҳанг. Бинобарин, машхур шоир С.Маршак бугунги китобхоннинг эстетик диди ва чукур ҳаётий билимини тъкидлаб, уни “санъаткор ўқувчи” деб таърифлаган эди. Бундай китобхон учун асар ёзиш ёзувчидан қанчалар масъулият ва иқтидор талаб қилиши ўтсиз аёндир. А.Қаҳхор бу масъулиятни жуда чукур ҳис этади. Бошқа юниблаҳарни ҳам ана шу бурҷ ва масъулиятни унутмасликка ва асар тағтанданда ўзини “денишманд бир кишига имтиҳон топшираётгандек” ўзишга даъват этади. А.Қаҳхорнинг ён дафтарларидан бирига “Сергап-эзма одами суҳбатда изза қилиш, сергап-эзма нотиқка “Қисқарок бўлсин!” деб сўз ташлаш кифоя, лекин сергап-эзма ёзувчини, албатта будга бериш керак” деб қайд килинган. Бу сўзларни факат ёзувчининг куюниб айтган шахсий норозилиги дебгина эмас, балки юксак дидли ўқувчилар оммасининг манфаатини ифодаловчи жиддий ва ҳақли бир талаб деб ҳам тушуниш мумкин.

А.Қаҳхор бадий асар тилининг мусикийлиги, оҳангдорлигига ҳам алоҳида эътибор беради. Чунки тилнинг оҳангдорлиги ҳақиқий санъат асарининг муҳим жиҳати бўлиб ҳисобланади. Бу ҳақда таникли рус ёзувчиси А.С.Макаренко шундай дейди: “Муайян нарса-ҳодисани тасвирлашда ўшанга мос тон (оҳанг) топиш ва уни асар сўнгигача ёки ҳеч бўлмаганда маълум жойгача саклаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Оҳангдорлик нима? Бу юмор, киноя, заҳархандалик, тантанаворлик, сонгулик, ғам-алам, қувонч, пессимизм ва оптимизм кабиларнинг маълум мидоридир”<sup>2</sup>.

Асар мазмунига мос оҳанг топиш ва уни асарнинг ҳар бир сатрига ва бутун руҳига сингдириб юбориш ёзувчидан юксак санъаткорлик талаб килади. Жаҳон адабиётининг машхур новеллисти А.П.Чеховнинг кўйидаги сўзлари бунга яхши гувоҳ бўла олади: “Кеча мен кун бўйи Сахалин иклимини ўрганиш билан овора бўлдим. Бундай нарсалар ҳакида ўзини кийин, лекин ҳар қалай, охири шайтонни қўлга илинтиридим. Мен

асарда табиатнинг шундай бир тасвирини бердимки, китобхон ун ўқиётганда, гўё совуқ бўлаётгандек туюлади”<sup>1</sup>.

Бадий асар тилидаги бундай оҳангдорлик А.Қаххор учун ҳам мазмун ва шакл мутаносиблигига эришишнинг муҳим бир восита бадиийликнинг жиддий бир шарти эди. Далил тариқасида ёзувчинин “Даҳшат” номли ҳикоясидан олинган ушбу парчани кўздан кечирайли “Яқин икки ҳафтадан бери кўз очирмаёттган кузак шамоли яйдо дарахтлар шохида чийиллайди, гувиллайди, томларда вишиллайди, ёни эшик ва дарчаларга бош уриб, уф тортади... Шамол gox оч бўрида увиллар, gox ўлим чангалига тушган мушукдай пихиллар, вағиллар, ҳенарса-ҳеч нарса қўринмас эди...” (I, 41)

Ҳикояда содир бўладиган даҳшатли ҳодисанинг ilk даракчи бўлган бу тасвир бутун асарга совуқ бир оҳанг бағишлайдики, бу оҳанг ҳикоядаги кескин драматизм ва фожиани янада кучайтиради қаҳрамоннинг рухияти ва ички кечинмаларига тўла мос келади. Агар ҳикоя мазмунини мунгли бир кўшиққа қиёс этсак, ундағи тасвир оҳангдорликни ана шу ғамгин қўшиқ мазмунини ифода этувчи оғир ҳазин бир куй деб аташ мумкин. Бундай мисоллар А.Қаххорнинг моҳи сўз санъаткори эканлигини кўрсатиши билан бирга, айни пайта ёзувчининг адабий-эстетик қарашлари билан унинг бадий ижод ажралмас, яхлит бир маънавий олам эканлигидан ҳам далолат беради.

А.Қаххорнинг тилга муносабатидаги яна бир ибратли йўналии сифатида унинг ҳалқ тилини ўрганишни ҳамиша ёзувчининг асоси вазифаси деб қараганлигини кўрсатиш лозим. Бинобарин, бу жихатда ҳам А.Қаххор ҳозирги ижодкор ёшлар олдида эъзозли бир устоз бўли гавдаланади. Негаки у умрининг охирига қадар ижод килишда тўхтамаганидек, тилни ўрганишни ҳам ҳамиша ёзувчилик меҳнатини ажралмас бир кисми деб билди. Чунончи, 1967 йили А.Қаххор «Вопрос литературы» журналининг саволларига жавоб берар экан, жумлада куйидагиларни айтган эди: «Агар ёзувчи тоза виждонли бўлса, унинг учун асар ёзиш йил сайин қийинлашиб боради... Ёзувчи ҳеч қачон «Мен ёзишни яхши ўрганиб олдим» деб, ўзини хотиржам килмаслиг керак...» Бу сўзлар ёш ижодкорларни ўзларига нисбатан талабчанликни оширишга ва чинакам бадий тил яратиш йўлида доимий изланиш ундовчи эзгу бир чакирик бўлиб хизмат қила олади.

А.Қаххор ҳалқ тилини ўрганиш ёзувчи учун нечоглик аҳамиятли эканлигини қайта-қайта таъкидлар ва уни ёркин далиллар билан исботла беришдан эринмас эди. Зотан, А.Қаххор асарлари ҳалқ тил бойликларидан ижодий фойдаланишнинг ҳам ўзига хос бир намунас бўла оладики, бу ҳақиқат бир қатор тадқиқотчилар томонидан ҳакли

<sup>1</sup> А.П.Чехов О.Литературе. М., 1955, с.150

равишида кўрсатиб ўтилган. Шу муносабат билан мен икки адабиётшунос олимнинг А.Қахҳор прозасида халқ оғзаки ижодининг ролини кўрсатишга багишланган бир мақоласини эслатиб ўтишни ва дикқатингизни ундаги бир фикрга жалб этишни лозим топаман.

Мақола муаллифлари профессор С.Мирзаев ва филология фанлари номзоди А.Файзиевлар А.Қахҳорнинг халқ оғзаки ижодиёти бойликларидан, шу жумладан, халқ мақолларидан кенг фойдаланганлигини қизиқарли мисоллар билан намойиш этиб, кўпгина кимматли мулоҳазаларни баён этишади. Бирок бу фактни изоҳлашда, менинг назаримда, биртомонлиликка йўл кўйилган кўринади, яъни мақол ва ҳикматли ибораларнинг кўп кўлланиши фақат халқ оғзаки ижодидан муваффакиятли фойдаланишининг бир натижаси сифатидагина баҳоланади. Муаллифлар ўзларининг бу хулосаларини «санъаткорлик билан кўллаш», «усталик билан ишлатиш» каби сўзлар билан шу қадар зўр бериб тикрорлайдиларки, оқибатда А.Қахҳор асарларидаги айrim оддий ҳумлалар, чунончи, «Ўлимдан кўркан киши қаҳрамон бўлолмайди» ёки «Одам одамдан баҳра олади» сингари фикрлар ҳам халқ оғзаки ижоди намуналарига асосланган ҳолда яратилган, тамоман янги, оригинал ва халқ афоризмлари даражасидаги характерли иборалар деб таърифланади<sup>1</sup>. Ўз албатта, ҳакиқатга унчалик тўғри келмайди.

Бизнингча, халқ мақоллари ва ибораларини кўп кўллаш (улар мақола муаллифларининг гувоҳлик беришича, биргина «Кўшчинор чироклари» да юзга яқин», «Синчалак» қиссасида эса элликка яқин экан) энг аввало ёзувчининг ноёб бир фазилатидан, яъни мазкур мақол ва иборалар мансуб бўлган халқ ҳаётини, унинг нозик табиати ва характерини чукур билганлигидан ёрқин далолат берувчи мухим жиҳат сифатида эътиборга лойик эмасмикин? Иккинчидан, эса, халқ мақоллари ва ибораларига хос бўлган қисқалик ва мазмундорлик каби фазилатлар А.Қахҳор услубининг, фикрлаш қобилиятининг, умуман, ёзувчи истеъдодининг характерли бир ҳусусияти, бошқача айтганда, бу фазилат А.Қахҳорга хос бўлган образли тафаккурнинг табиий бир кўриниши сифатида ардокланиши лозим. Фикримизни ойдинлаштириш ва далиллаш мақсадида бир-икки мисол келтирайлик.

«Абдула Қахҳорнинг бадиий тилида тасвирнинг меъёрини билишлик, классиклардагина учрайдиган гўзал соддалик ва ҳассослик кўзга ташланиб турди, -деб ёзади таникли ёзувчи ва адабиётшунос П.Кодиров. У халқ мақолларидан кенг фойдаланиш билан бирга, мақолдай кучли иборалар, образлар яратади. Масалан, романда («Кўшчинор чироклари») Сафаров бир сўз айтади: «Камбағал нон деб бош кўтарса, бой-муштумзўр кон деб, тош кўтаради. «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат»

<sup>1</sup> С.Мирзаев, А.Файзиев. Абдула Қахҳор прозасида халқ мақолларининг кўлланилиши. «Ўзбек тили ва адабиёти» 1967, № 3.

китобида В.Виткович бу иборани халқ мақоли деб келтиради. Бу ҳақиқатан ҳам халқ мақолига ўхшайди, лекин аслида «Қўшчинор чироклари» дан чикқан.<sup>1</sup>

Бошқа бир мисол: Филология фанлари доктори, профессор У.Норматовнинг гувохлик беришича, «Уфқ» романининг ТошДУ талабалари ва олимлари даврасида ўтказилган муҳокамасида А.Қаххор жумладан, шундай дейди: «Саид Аҳмад баъзан китобхон кулавермаса, китиклаб кулдиради, йиглайвермаса, кўзига пиёз суртиб йиглатади». Бу сўзлар ҳам ўзининг соддалиги, образлилиги ва умумлашма характеристи билан халқ ибораларидан қолишмайди. Лекин бундай фактларни ҳам юкоридагидек бутунлай фольклорларнинг таъсирига боғлаб кўйиш ёзувчининг шахсий услубини жўнлаштиришга, ижодкор тафаккурининг имконият ва қудратини камситишига олиб келади, деб ўйлайман.

Фикримизни янада ойдинлаштириш мақсадида бу ўринда истеъодли навоийшунос Ёқубjon Исҳоқовнинг А.Навоий ижодидаги фольклор намуналарига ўхшаҳ ҳикоят ва ривоятлар хусусида билдирган қўйидаги бир холосасини келтириб ўтиш ортиқча бўлмаса керак: «Фольклор услубидаги ҳар қандай ҳикоят ва ривоятларга традицион ёки фольклор мулки сифатида қараш тўғри бўлмайди. Е.Э.Бертельс «Лисон-ут-тайр» асаридаги ҳикоялар муносабати билан тўғри таъкидлаганидек, кўпгина эпизодларнинг (яъни ҳикоя, ривоят) пайдо бўлиши Навоийнинг бой хаётий тажрибаси билан бевосита алоқадордир<sup>2</sup>. Шоир факат фольклор услубидан фойдаланган. Масалан, «Саббаи сайёр» даги эпизодик ҳикоялар, шунингдек, бошқа достонлардаги баъзи тамсилларни ҳам Навоий бадиий фантазиясининг маҳсули дейиш мумкин.

Худди шунингдек, А.Қаххор асарлари ва унинг нуткида кўплаб учрайдиган халқ маколлари даражасидаги ихчам ва маънодор иборалар ҳам энг аввало адабнинг образли тафаккури маҳсули сифатида қаралиши тўғри бўлади. Зотан, А.Қаххор асарларининг ўзига хос тили ва ёзувчи замондошларининг яқдиллик билан битилган зариф хотиралари ҳам шундан гувохлик беради. «Абдулла Қаххор оғзидан чикқан ҳар бир ибора чукур мантикий, тагдор, образли бўлар эди»<sup>3</sup>, -дея ҳайрат билан эслайди Эркин Вохидов. Бу фикрни О.Шарафиддинов шундай давом эттиради: «Абдулла Қаххордаги образли тафаккур туғма эди... Абдулла аканинг ана шу ўзига хос тафаккури туфайли юзлаб иборалар, таърифлар туғилганки, адаб уларни бениҳоя сахийлик билан ҳаммага улашаверади. Бу иборалар ҳозир ҳам кўпгина одамлар ўртасида илиқ табассум билан эслаб юрилади. Лекин энг муҳими шундаки, бу образли тафаккур туфайли унинг ҳикоялари ҳам, киссалари ҳам, романлари ҳам, пьесалари ҳам, ҳатто

<sup>1</sup> Абдулла Қаххор. Асарлар. I жилд. 1957. 14-бет

<sup>2</sup> Бертельс Е.Э. Навоий и Джами. М., 1965., с.184

<sup>3</sup> Эркин Вохидов. Карздорлик. Абдулла Қаххор замондошлари хотирасида. Т., 1987. 115-бет.

николалари ҳам вақт ўтган сари яшаб, ярқираётган асл жавохир билан бойиган эди.»<sup>1</sup>

Бундай хотираларни кўплаб келтириш мумкин. Айниқса А.Қаххорнинг бу ноёб фазилати, яъни адабнинг деярли ҳар бир фикри кишини лол колдирувчи охори тўкилмаган сўз ва иборалар билан бойитилиши мохир шржимон ва адабиётшунос Кибриё Қаххоровнинг «Чорак аср ҳамнафас» шаридаги багоят қизикарли мисоллар асосила самимият билан баён тилган.<sup>2</sup> Улардан яна бир бор аён бўладики, А.Қаххор асарларидаги никматли иборалар ёзувчининг ўзига хос образли тили ва тафаккурининг беносита бир ифодаси ўларок вужудга келган.

Маълумки, бадий асарда образлилик ва эмоционалликнинг юзага келишида сифатлаш (эпетит), ўхшатиш, метафора ва муболага сингари тилнинг бадий тасвир воситалари ҳам муҳим ўрин тутади. Биз бу ўринда А.Қаххорнинг сифатлаш ва ўхшатиш ҳақидаги қарашларига имконият берасида тўхталиб ўтамиш.

А.Қаххор фикрича, сифатлаш тасвирланаётган предмет ёки инсоннинг энг характерли, энг муҳим ва асосий белгисини кўрсатгандагина ва шу билан бирга ғоят содда ва оригинал бўлгандагина бадийлик учун хизмат қилиши мумкин. Бунинг учун эса ёзувчи шитетлардан фойдаланишда жуда эҳтиёткорлик ва усталик билан иш кўриши зарур. Бинобарин, А.Қаххор асарларидаги эпитетлар яна шундай маҳорат ва талабчанлик билан яратилганки, улардан айримлари билан танишиб ўтайлик.

Чунончи, ёзувчи «Минг бир жон» ҳикоясининг қаҳрамони Мастиуранинг кўзларига нисбатан қўйидаги эпитетларни кўллайди: «Унинг ўлим пардаси коплаган юзида чакнаб турган кўзлари», «Мастиуранинг юзидан ўлим пардаси кўтарилганда хаёт тўла кўзлари ўлик юзига жон киргизгандай бўлди», «Танидим! Фақат кўзидан танидим! Кулимсираб, оламга табассум сочиб турган бу жувон ўша мастиура эди...» (I, 305 бет). Бу эпитетлар Мастиурадек иродали ва бардошли инсоннинг кўзларига никадар мувофик келади. Ҳакиқатан ҳам, ўн йилдан бери ўлим билан мурдона олишган ва ҳаётга бўлган фавқулодда катта муҳаббати билан ўлимни ҳам енгтан Мастиуранинг кўзлари фақат ана шундай – ҳаётдан ширак бериб турувчи кўзлар бўлиши қанчалар табиий ва ишонарли. Бу сифатлашлар ёзувчининг қаҳрамонга бўлган хайриҳоҳлигини акс эттириш билан бирга, айни вактда, улар ўкувчи қалбida ҳам илик муносабат тугдирishга сабаб бўлади. Адабнинг асосий мақсадларидан бири ҳам мана шундан иборат эди.

Бошқа бир мисолни кўздан кечирайлик. Ёзувчи «Бемор» ҳикоясидаги Сотиболдининг гарибона хонадонини тасвирлаб, bemor

Ўна асар. 299-300-бетлар

Кибриё Қаххорова. Чорак аср ҳамнафас. «Ёш гвардия», 1987, 57-60-бетлар

атрофидаги пашшаларни «карахт, нимжон, хира» деб таъриф этади. Бу эпитетлар асар тилидаги образлилики кучайтириши билан бирга, айни пайтда, Сотибоди қўлбасидаги қашшоқликни, bemornинг чорасиз ва оғир дарди туфайли унда хукм суроётган совуқ ва кўнгилсиз вазиятни янада жонли ва тасвирили килиб кўрсатиш учун хизмат қилади.

Яни бир характерли мисол. А.Қахҳорнинг «Қайғулар» номли хикояси шундай эпитетлар билан бошланади: «Гўзал бир йигит эшикни кокди. Сочига битта-иккита оқ оралаган хотин чиқиб очди» (I, 152-б.) Асарда аёл ҳақида, унинг ёши ва ташқи кўриниши ҳақида бошқа тавсиф келтирилмаган. Лекин воқеа давомида биз бу аёлнинг фарзанди ва келини ҳам бор бўлган кекса ва бамаъни бир киши эканлигини билиб оламиз (Аёлнинг йигитга таскин бериш максадида айтган сўзларини эслайлик «Хотинингиз бугун эрталаб соат олтида Самарқандга учди-ку. Менини келиним билан бирга кетди...»)

Худди мана шу «келинин борлиги» ҳақидаги муҳтасар маълумот аёлга нисбатан янги ва характерли бир эпитет ҳам була олади. Чунки бу штрих-тавсиф «соchlарига битта-иккита оқ оралаган» деган дастлабки эпитетнинг тавсифий маъносини янада тўлдиради ва ўкувчинини тасаввурини ҳам анча кенгайтиради. Натижада, бизга равshan бўладики, аёл гўзал йигитдан анча катта ёшда, аникроғи, унинг онаси тенги бир соғдил инсон. Бу ҳолат эса ёзувчига «гўзал» йигитнинг нақадар бадаҳлок бемаъни ва шилқим бир кимса эканлигини яна ҳам бўрттириб ва қабартириб кўрсатиш имконини беради. Келтирилган мисоллар шуни кўрсатадики, А.Қахҳор эпитетлардан фойдаланишда ҳам доимо ихчамликка, ифодалиликка ва оригиналликка интилади. Шунинг учун ҳам у яратган эпитетлар асарда ҳамиша салмокли ўрин тутади ва ўкувчи хотирасида ҳам ўзоқ вақт сакланиб колади.

А.Қахҳор ўхшатишига ҳам катта эътибор беради. Чунки ўхшатиши «ўкувчига жуда оз маълум бўлган ёки мутлақо маълум бўлмаган нарсанни ойдинлаштиришда ва ёзувчининг фикрни китобхонга тез англатишида» алоҳида аҳамият касб этади. Бу муҳим воситанинг моҳиятини Англатиши уни кўллашда ҳам А.Қахҳор энг аввало классик ёзувчиларнинг тажрибасига суюнади. У шундай ёзади: «»Горький қомати хунук, семиз бир кизни бир қоп тарвузга ўхшатади. Китобхон қопга тарвуз солиб кўрмаган тақдирда ҳам дарров кўз олдига келтиради. Гоголь бирорвонни юзини куракка, яна бирорвонни юзини бодрингга ўхшатади. Бодринг билан куракни китобхон жуда яхши билади. Булардан кўринадики, ўкувчига оз маълум бўлган ёки мутлақо маълум бўлмаган нарса унга жуда яхши маълум бўлган нарсага ўхшатилиши керак».<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Абдулла Қахҳор. Ёшлар билан сухбат. Т., 1968, 47-48-бетлар.

А.Қаххор бадий тасвирнинг бу муҳим қоидасига тўла ва изчил амал қилганлигининг гувохи бўламиз. Жумладан, у бир қатор маколаларида йирим ёш ёзувчиларнинг ўхшатиш санъатига нисбатан эътиборсизлик билан ёндашганлигини айтиб, уларнинг асарларидаги ўхшатишларнинг мавхум манаси мавхум ва мураккаблигини кўрсатиб ўтади. Масалан, мана бу ўхшатишни олайлик: «У кайгули бир тусда бўйинни кисиб, ўлиқдан кўркиб кочиб, каерга кочишни билмай қолган кишидай кўз ёшларини мўлтиллатиб туар, кўз ёшлари эса икки чаккасидан пастга окиб тушар эди...» (Маъруф Ҳакимнинг «Назир» хикоясидан). Ҳакикатдан ҳам, бу мураккаб ва ноаник ўхшатиш ўқувчига қоронгу бўлган нарса, ҳолатни ойдинлаштириш у ёқда турсин, ҳатто ёзувчи айтмоқчи бўлган фикрни ҳам киралаштириб, чигаллаштириб турибди. Табиийки, бунака ўхшатишлар асар тилини оғирлаштириши билан бирга, унинг таъсир кучини ҳам сусайтиради.

Ўхшатишдан фойдаланишда ҳам А.Қаххор устоз сифатида танилди десак, янглишмаган бўламиз. Мисолларга мурожаат қиласайлик.

Ёзувчининг «Ўтмишдан эртаклар» қиссасида «Зингер»ли бой деган бир боб бор. Унда хориждан келтирилган тикув машинаси кора қўнғизга қиёс қилинади. Дарҳақиқат, бу содда ва ихчам ўхшатиш ўқувчига оз маълум бўлган предметни янада ойдинлаштириб келиши билан бирга, шайни пайтда, тикув машинасини илк бор кўраётган ёш Абдулла ҳамда унга «ҳайрат ва шубҳа», «хавотирлик ва мароқ» билан тикилаётган содда одамларнинг ҳам тушунча-тасаввурига, онг-савиясига жуда мос келади.

Ёки яна «Даҳшат» хикоясини эсга олайлик. Ёзувчи Унсиннинг қабристонга боришини тасвирлар экан, шундай ўхшатишдан фойдаланади: «Унсин худди дадасидан катта ҳайитлик олиб, бозор бошига кетаётган ёш боладай чопқиллаб, қаршидан эсаётган шамолга сўз бермай, баъзан иргишилаб борар эди...» (I, 43). Асар сюжетидан маълумки, Унсин даҳшатли қабристонга бормокда. У тирик инсон, қабристон ваҳимаси ва кўркувдан холи эмас. Лекин ундаги кўркув-ваҳимани бир қадар енгиллатувчи ва озурда кўнглига озгина бўлсада хотиржамлик багишловчи бир куч бор. Бу Додҳо зулмидан тезрок озод бўлиш, “эртагаёқ Ганжировонга жўнаш, ота-онасини, дугоналарини кўриш умиди” (Унсиннинг энг оғир дамларда ота-онаси ва яқин қишиларни эслалини ҳам қанчалик табиий) Шу умид Унсинга кувонч ва куч багишлайди ва уни эзгу максади йўлида дадил ҳаракат қилишга ундейди. Унсиннинг ўлим хавфи олдидаги бу ҳолати ва ички ўй-кечинмаларини мана шу ўхшатиш оркали ёрқин ифодалашга эришилган.

А.Қаххорнинг ўхшатишлардан фойдаланишдаги яна бир жиҳатини алоҳида кайд этиш керак. А.Қаххор яратган ўхшатишлар асар тилининг ифодалилиги ва таъсирчанлигини ошириши, фикрни содда ва ихчам шаклда баён этишдан ташқари, улар ёзувчининг муайян позициясини-

қаҳрамонларга муносабатини якқол кўрсатиб туриши билан ҳам характерлидир. Чунончи, “Хўроздандга ўхшамай ўл!” (“Тўйда аза”); “Ҳаммадан унинг қоматини айтинг: афсуски, минг афсуски, қўли иккита да, йўқса, энг чиройли наша чилимига ўхшар эди” (“Қизлар”), “Хўроздан “мен кичкирмасам тонг отмайди” деб ўйлар экан” (“Синчалак”), “Калин деб жун чиқсан қовокни кўтариб юрган эканман...” (“Оғриқ тишлар”); каби ўхшатишлиар мазкур асарларнинг ғоявий-бадиий мақсадига тўла мөн эканлигидан ташқари, улар ёзувчининг киёсланаётган қаҳрамонларга бўлган муносабатини ҳам ёркин акс эттира олади. Агар А.Қаҳҳор ижодини улкан бир денгиз деб тасаввур этсак, келтирилган мисоллар шу маънавият денгизидан бир-икки томчи, холос. Лекин шуларда ҳам А.Қаҳҳорнинг моҳир сўз санъаткорлиги ва унинг муҳим адабий-эстетик қарашлари ёркин намоён.

Дарҳақиқат, А.Қаҳҳор асарларининг тили ўзининг образлилиги ва эмоционаллиги билан ҳам ўкувчиларни мафтун этади. Ёзувчи тилининг бу фазилати, юқорида таъкидланганидек, унинг содда ва табиии тасвирилашидан, қиска ва ихчам жумлаларда чуқур маъно ифодалай олишидан ва умуман, адабиётда ҳам, ҳаётда ҳам образли фикрлашидан туғилади. Ёзувчининг биронта асари йўқки, у қаҳҳорона чиройли ва ўтқир образлар, кутилмаган чақмок сифат иборалар ва бетакрор ҳазил-мутойибалар билан бойитилмаган бўлсин. Бунга икрор бўлиш учун биргина мисолни кўздан кечириш кифоя. Бу гал мисолни баъзи танқидчиларимизга унча маъкул бўлмаган “Синчалак” повестидан келтирамиз: “Иккинчи қаторнинг бир чеккасида ўтирган озғин коп-кора бир хотин қўлини кўтарганича ўрнидан турди.

-Менинг саволим бор.

Саида ғоят хурсанд бўлиб: -Марҳамат!-деди.

-Менинг битта саволим шуки, -деди хотин, - тенгчилик масаласида. Сўзга чиқсан иним “илгариги вактда хотин-қизларларнинг гўри эркакларнинг гўридан ярим газ паст бўлар эди”, дедилар. Шундок бўлса, бордир, тириги тенг бўлмагандан кейин ўлиги тенг бўлмаса нима қипти? Мен тириклар тўғрисида сўрамокчиман... Нима учун бизнинг колхозда ҳали ҳам хотин-халажга бир кўз билан қаралади-ю, эркакларга бошқа кўз билан қаралади?

Лектор ўрнидан иргиб турди.

-Кечирасиз, бу савол менинг мавзуимга кирмайди, бу саволга колхоз раҳбарлари жавоб беришлари керак...

Хотин унинг сўзини бўлди.

-Шошманг, саволим ҳали тамом бўлгани йўқ... Менинг жияним Кундузой жинқарчадай жони билан кетмон чопади, унинг эри жувоз кундага ўхшаб йилтирамай ўлгур, Ислам-почтачи велосипедда хат, газета ташийди. Пиёда ташиса ҳам гўрга эди, бир оз озар эди. Почтачи

бўлганидан бери иккита велосипедни синдириди. Исмат далага чиқса-ю почтани Кундузой ташиса бўлмайдими? Раисга шундок десам, “Кундузойингиз велосипед минишни билмайди” деб, гапимга қулоқ олмади. Нима, Исмат онасининг корнидан велосипед миниб тушибдими!.. Кун бўй ташиган газетасию хати беш кило келмайди. Кундузой бечора қечкурун даладан келиб овқат пиширади, болаларига курайди, кир-чир.

Қаердандир чиққан баланд овоз унинг товушини босиб кетди:

-Сув бошидан лой, ха эгачи, идорани кўрмайсизми, қиличдай-киличдай йигитлар роҳати бадан кўйлак кийиб чўт қоқиб ўтиришибди!.. (11, 221)

Хурматли ўкувчи, буни таҳлил этиш ўзингизга ҳавола.

Бизнинг назаримизда, тил дегани ҳам – шу ерда, ўхшатиш дегани ҳам, ўзига хос сўзлаш ҳам, ва ҳ. ҳам.

Қолаверса, долзарб муаммо, бадиий-эстетик нияту, табиийлик ва миллийлик ҳам ёрқин ифодаланган бу лавҳада.

Абдулла Қаҳҳорнинг тил ҳакидаги карашлари юқоридаги фикрлар билангина чекланмайди. Адаб тил ва нутқ ҳакида асоарлар ҳам бўди. Уларда муаллиф тилга эътиборсизликни маънавий ҳаётимиздаги қавфли бир иллат сифатида коралайди ва китобхонни бу ижтимоий иллатга қарши курашга ундаиди: “Куюшқон”, “Бизнинг муроҳазаларимиз”, “Нутқ” каби асоарлари шулар жумласидандир.

Ниҳоят, ёзувчининг “Радио ходимлари билан сұхбат”ида қуйидаги ётиросли сатрларни ўқиймиз: “Жуда бой, чиройли тилимиз бор. Бу тилда инфода этиб бўлмайдиган фикр, туйғу, холат йўқ! Афсуски, радиомиз кўпинча ҳалқ билан мана шу бой, чиройли, пуркудрат тилда гаплашмайди.

Одамларки бор, бисотидаги бир ҳовуч сўзни айлантириб, ойлигини олаверади, ўқиши-ўрганиш билан ўзбек тилининг имкониятидан тўлароқ фойдаланиши истамайди ёки бунга фаросати етмайди. Мана шунақа одамларнинг дангасалиги ёки фаросатсизлиги, чаламулла олимларнинг “илмий фаолияти” оқибатида шундай бир тил вужудга келганки, на муомалада, на оиласда, на сұхбатда хеч ким бу тилда гапирмайди, на ошик миъшуқасига, на ота боласига, на бола отасига бу тилда хат ёзади. Радио ходимларининг ўzlари ҳам ўзаро бу тилда гаплашмайди. Бу тилни фақат микрофон кўтаради. Бунга фақат микрофон токат қилади...” (5, 211-бет)

Ҳалқнинг тили ва дили бўла олган ҳакгўй ёзувчининг бу қалб исёни тилимизга Давлат тили мақоми берилган ва маънавиятимиз юксаклиги ва соғлиги учун курашиш барчамизнинг мукаддас бурчимизга айланган ушбу кунларимизда, айникса, қадрлидир!

Жаҳон маданияти тарихига назар ташласак, шундай бир ҳодисанинг гувоҳи бўламиз: улуг адаб ва мутафаккирлар ҳамиша ўз миллий тилининг равнақи ва истиқболи учун фаол курашиб келганлар. Буюк итальян шоири

Д.Алигъери, ҳазрат Алишер Навоий, француз шоири Дю Белле, машхур рус адиблари Н.М.Карамзин ва М.Горький, озарбайжон ёзувчиси Ж.Маматқулизодалар шулар жумласидан. Улар кўплаб етук бадиий ижод намуналарини яратиш билан бирга, она тилларининг софлигини ҳимоя қилишни ўзларининг ватанпарварлик бурчи, деб билганлар. Атокли адибимиз Абдулла Қаҳҳор ҳам она тилимизнинг ана шундай матонатли жонкуярларидан бири эди.

Абдулла Қаҳҳорнинг она тилимиз бойлиги ва ривожи йўлидаги кураши изчил бўлиб, у турли йўналиш ва шаклларда намоён бўлган эди. У ўзбек тилининг миллийлиги, халқчиллиги ва софлигини асраш ҳамда уни ардоклаш йўлида бекиёс фаоллик кўрсатди. Адибнинг бир катор ҳикоя ва очерклари, ўнлаб адабий-танқидий асарлари ана шу эзгу максад йўлида яратилганини ҳам юкоридаги мақолада имкон қадар кўриб чикишга уриндик.

Табиийки, бирор миллий тил ва унинг равнаки йўлида ғамхўрлик қилиш – бу бир гурӯҳ мутахассислар ёки ижодкорларгагина тегишли бўлган илмий ёки амалий тадбир эмас. Аксинча, бу вазифа ғоят эзгу ва умуминсоний максадларни кўзда тутади; яъни неча авлодлардан авлодга ўтиб, бойиб ва сайқаллашиб келаётган халқ тилининг софлиги ва истиқболи ҳакида астойдил қайғуриш ўша тилнинг тўлаконли яшаш хуқуки учун кураш бўлиши билан бирга, бутун бир халқ маънавияти учун кураш, унинг маданияти ва маърифати учун курашнинг ҳам узвий бир қисми ҳисобланади.

Шу ўринда мен бир гурӯҳ адиб ва олимларимиз томонидан ҳакли суратда эътироф этилаётган муҳим бир нуқтага, яъни ўзбек тилимизнинг ривожи ва ҳозирги ҳолати хусусидаги баҳсли бир масалага диккатингизни жалб этмокчиман. Ўзбек тили таракқиёти муаммолари ҳакида гап боргандা, баъзан «тилимиз кўнгилдагидек ривожланмади» кабилида мулоҳазалар ҳам баён этилаётир. (Албатта, беғараз айтилаётган бу хил қарашлар она тилимиз тақдири ва унинг истиқболи тўғрисида қайғуришдан ва куюнчакликдан туғилади). Лекин жиддийрок ўйлаб кўрилса, бундай хulosага кўшилиш қийин. Чунки тилни халқ яратади ва унинг тақдирини ҳам бирор расмий қонун ёки зўравонлик билан эмас, балки халқнинг ўзи ҳал этади. Модомики, халқ мавжуд экан, унинг тили ҳам ўша халқ хаёти, турмуш тарзига мос равища яшashi, ривожланиши табиийдир. Чунончи, Октябр тўнтаришидан кейинги қиска бир давр ичida, ўзбек адабий тилимизда юз берган сифат ўзгаришлари, айникса, адабий тилимизнинг халқ хаёти ва рухига тобора яқинлашуви ва жонли сўзлашув нуткига кўпроқ мослашуви натижасида тилимиз янада соддарок ва равонрок бўлиб борганилиги ҳеч кимга сир эмас. Бу тарихий ҳакикат

таникли ёзувчимиз П.Қодировнинг яқинда нашр этилган «Тил ва эл» асарида ҳам анча кенг ёритилган.<sup>1</sup>

Ўзбек тилининг соғлиги ва халқчиллиги йўлида тинимсиз курашган атоқли сўз санъаткори Абдулла Қаҳхор бундан қарийб ўттиз йиллар мукаддам турли йилларда яратилган асарлар тилидаги кескин тафовут мисолида тилимизда юз берган бундай жиддий ўзгаришларни зўр коникиш билан қайд этган эди: «Ҳозирги адабиётимизнинг даражаси ва маҳорати кучини шу кунги ва яқин ўтмишдаги адабий тилимиз орасидаги тафовутдан ҳам қиёс килса бўлади: «Фурқатнинг 1891 йилда ёзган мактубидан: ... хосса ул сиёдатпаноҳи карим табъ Муҳиддин хўжа қозийким, ҳоло номлари қазо девонининг дебочасига тугрорур, табиатлари фазилат аҳлиға мойил эрмиш бир дўст воситаси бирла шиносолиғ мұяссар бўлди...» («Ёшлар билан сұхбат», 84-бет)

Бугунги адабий тил ва услубимиздан тамоман фарқ қилувчи бундай жумлалар мураккаблигидан ташқари араб-форс тилларидан бехабар бўлган ўқувчилар учун деярли тушунарсиздир.

Абдулла Қаҳхор ва бошқа классикларимизнинг буюк бир хизматлари ҳам шунда бўлди, улар ўзларининг етук бадиий асарлари билан ўзбек адабиётимизни янги бир поғонага кўтариш баробарида миллий тилимизнинг бойиши ва ривожига ҳам бекиёс ҳисса қўшдилар. Жумладан, Абдулла Қаҳхорнинг адабиётимизнинг олтин хазинасидан ўрин олган асарлари нафақат ҳаётий мазмуни ва ёркин характерлари билан, балки ўзининг бетакрор тили ва услуби билан ҳам ўқувчилар меҳрини қозонди. Улар ўзбек тилимизнинг бутун нафосати ва бойлигини ўзида мужассамлаштирганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Адид замондошлари томонидан яқдиллик билан эътироф этилганидек, А.Қаҳхор асарларининг тили – чукур тадқиқотларга муносиб бўлган нодир ҳодиса ва бу жиҳатдан Абдулла Қаҳхор ўзига хос маҳорат мактаби яратган устоз бўлиб гавдаланади.

Абдулла Қаҳхорнинг тилимиз жонкуяри сифатидаги серқирра фаолияти, айникса, бугунги кунларда – ўзбек тили мустакил жумхуриятимизнинг Давлат тили бўлган ва миллий тилимизнинг равнақи йўлида жонбозлик килиш ҳар бир зиёли ва ижодкорнинг юксак ватанпарварлик бурчига айланган пайтда алоҳида аҳамият касб этади.

Донишманлар томонидан тез-тез айтиладиган кўхна бир ҳақиқат бор: тог чўққиларининг юксаклиги уларга олисдан қаралганда, янада яққолроқ кўзга ташланади. Бу ташбехни ўзбек тилимизга Давлат тили мақоми берилганлиги тўғрисидаги конунга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Зероки, бу қонуннинг халқимиз маданияти ва ёш авлоднинг маънавий

<sup>1</sup> Михли Сафаров. Тил-миллат тарихи кўзгуси. «Халқ сўзи», 2006, 29 март

камолоти учун нечоғлиқ катта ижтимоий-сиёсий ва тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги йиллар ўтган сайн тобора равшанрок кўриниб боради.

Бу қонуннинг амалга оширилиши натижасида ўзбек тилининг миллий ўзига хослиги ва унинг тарихий илдизлари чукур эканлиги янада якқол намоён бўлмоқда. Лекин бу борада бир қатор муаммоларга ҳам дуч келинмоқда. Шулардан бирига дикқатингизни жалб этмоқчимиз. Бу муаммо шундаки, кейинги пайтда айрим зиёлиларимиз ўртасида тилимизни бой киламиз, деган мақсадда барча учун тушунарли бўлган қатор байналмилал сўз-ибораларни ҳам ўзбекчалаштиришга ортиқча уриниш ҳоллари кучайди. Масалан, «самолёт» деган сўзниг ўрнига «тайёра», «аэропорт» ўрнига «тайёрагоҳ», «институт» ўрнига «олийгоҳ» деган сўзни қўллаш каби ҳодисалар кенг тус олмоқда. Ҳолбуки «самолёт», «аэропорт», «институт» ва «факультет» каби сўзларни бу тарзда ўзбекчалаштиришга зарурат йўқ эди.

Модомики, ўзгартириш зарур экан, албатта араб-форс сўзларини киритиш шартмикин?

Бу ўринда беихтиёр, Абдулла Қаххорнинг бир ўгитини ёдга олгимиз келади: гугурт тургани ҳолда чақмоқ тош билан ўт ёқишига уринишга не ҳожат? Менимча, бундай сунъий «иҳтиrolар» яратишга уринмасдан, тилимизнинг асл бойликларини кўпроқ қидиришимиз, қадрлашимиз ва уларни ўз ўрнида окилона қўллашга интилишимиз фойдалироқ бўлади. Айниқса А.Навоий, З.М.Бобур, Машраб каби улут мутафаккирларимизнинг, А.Қодирий, Чўлпон, F.Ғулом, Ойбек, А.Қаххор ва Миртемир сингари машҳур адиларимизнинг тилини пухта ўрганишимиз ва улардан кўпроқ сабоқ олишимиз маънавиятимизни бойитади, ҳолос. Ҳайратланарли бир жойи шундаки, улар на ўз асарлари ва нутқларида, на ёзишмаларида бўлсин, тилнинг қонун-коидалари ва услугуб меъёрларини хеч қачон бузмаганилар.

Биргина мисол келтираман. А.Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романида бир ўринда Кумушнинг вафоти билан боғлик тарзда «мактўла» деган арабча сўз қўлланилади. Бу бежиз эмас. Чунки Кумуш ўз ажали билан эмас, балки кундоши Зайнаб томонидан заҳарланиб ўлдирилди. Шу сабабли бу сўзниг танланиши ҳар жиҳатдан мақбулдир.

Ёки Чўлпоннинг «Ўзбегим» (1919 й.) шеърида шундай сатрлар учрайди.:

*Қишлоқда фақирлар кутадир  
кечада, кундузда, саҳарда...<sup>1</sup>*

Тилимизда «саҳар» сўзининг маъноси билан боғлик тарзди «саҳарлик», «тонг саҳарлаб» ва «саҳарда» шакллари ҳам кенг қўлланилиб келинади. Лекин Чўлпоннинг ўзбек тилимизнинг фасоҳат ва табиатини ва

<sup>1</sup> Чўлпон. Яна оддим созимни. Т., 1991, 380-бет

унинг ички бойиш имкониятларини чукур билганлиги ва юксак бадий маҳорати туфайли «кечада», «кундўзда» сўzlари ҳам худди аввалдан ишлатилиб келинган туб сўз ва иборалар сингари табиий ва эркин қабул қилинади.

Чўлпон ва бошка адиларимиз изходидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин ва улар А.Қаҳҳор фахр билан таъкидлаганидек, тилимизнинг олмос янглиғ сержилолигини, унда энг мураккаб, энг нозик фикр ва туйгуларни ҳам яққол ифодалаш имконияти кенг эканлигини кўрсатиб туради.

## Характер яратишининг муҳим омили (Адабий қаҳрамонларнинг исмлари ҳақида)

Исларнинг тарихи ўзок,  
Исларда асрлик қисмат.  
Э.Вохидов

Тўлақонли бадий образнинг юзага келишида қаҳрамоннинг ички ва ташқи портрети (сийрат-киёфаси) нутки, монолог ва диалоглари билан бир қаторда, унинг исми ҳам муҳим бир восита бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун бўлса керак, жаҳон адабиётининг кўплаб машхур сўз усталари асар қаҳрамонларининг исмига ҳам жиддий эътибор беришган ва қаҳрамонга ҳар жихатдан муносиб ном топишни ўзига хос бир санъаткорлик сифатида баҳолашган. Чунончи, ҳазрат Алишер Навоий «Ҳамса»сидаги асосий қаҳрамонларнинг бири Фарҳоднинг исмida қанчалар теранлик, инсоний комиллик ва шу билан бирга чукур рамзийлик ва башорат белгилари ифодаланганлигини ёдга олайлик:

-Жамолидин кўрингач фарри шоҳи,  
Бу фардин ёруди маҳ то бамоҳи,  
Кўюб юз ҳиммату иқболу давлат,  
Ҳам ул фар соясидин топди зинат.  
Бу жавҳарларга чун иснод топди...  
Мураккаб айлагач Фарҳод топти...  
Анга фарзона Фарҳод исм кўйди,  
Хуруфи маъхазин беш қисм қўйди.  
Фироқу рашку ҳажру оҳ ила дард,  
Бирор ҳарф ибтидоисидин айлабон фард<sup>1</sup>.

Дарҳакикат, навоийшунос олимларимиз тўғри таъкидлаганидек, бу исм ғоят чукур маъно ва мазмунни ўзида мужассамлаштиргандир<sup>2</sup>. Яъни

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Ҳамса. Т., 1960, 174-бет

<sup>2</sup> Н.М.Мадлаев. Ўзбек адабиети тарихи. Т., 1965, 507. Бегали Қосимов, Нусратулла Жумахўжа. Ўзбек адабиёти. X-синф дарслити, Т., 2000, 119-бет

Фарҳод сўзи «фарри шоҳи» («шоҳлик нури»)дан «фар», «ҳиммат», «икбон» ва «давлат» сўзларининг арабча имлосидаги биринчи ҳарфларнинг кўшилишидан ҳосил бўлганлиги эътиборга олинса, иккинчи жиҳатдан эса, Фарҳод сўзи «фироқ», «рашқ», «ҳажр», «оҳ», «дард» сўзларининг биринчи ҳарфлари бирикувидан таркиб топганки, буларни барчаси шоирнинг юксак гоявий-бадиий нияти ва достоннинг ҳаётбахш мазмунини ўзига хос тарзда ифодалашда муҳим аҳамият касб этади.

Бундай ёрқин мисоллар шуни кўрсатадики, кўп асрлик мумтоғ адабиётимиз ва бутун ҳалқ оғзаки бадиий ижодиётида ҳам қаҳрамонлар исми тасодифий бўлмасдан, балки улар адабий асаддаги мазмун ва шакл мутаносиблигини таъминлашда муайян қийматга эга бўлади.

Чунончи, улуғ рус адиби А.П.Чехов қаҳрамон исмининг бадиий асад учун муҳим аҳамиятта эга эканлигини шундай таъкидлайди: «Фақат асад қаҳрамонларининг нуткларида гина эмас, балки уларнинг исмлари ва фамилияларида чукур соддалик ва хаётийлик бўлиши керак». Бинобарин, қаҳрамоннинг номи асарнинг гоявий-бадиий мазмунини чукурлаштириб, унинг миллий руҳини, ҳалқчиллигини кучайтиришда, асаддаги образлар ва воқеаларни типиклаштиришда муайян роль ўйнайди. Бу жиҳатдан атоқли ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор асадларидаги қаҳрамонларнинг номлари алоҳида ўрганишга лойик.

Абдулла Қаҳҳор асадларининг мавзуси, мақсад-мазмuni ва жанри каби қаҳрамонларининг исмлари ҳам характери, маъноси ва асаддаги функциясига кўра хилма-хилдир. Бирок уларнинг деярли барчасига хос бўлган муштарак хусусиятлар ҳам бор. Абдулла Қаҳҳор қаҳрамонларининг исмлари уларнинг характер мантиқига, ички (ботиний) оламига, шахс сифатидаги моҳиятига, яъни ҳаракат ва фаолиятига, кенгроқ қилиб айтганда, асарнинг умумий руҳи ва мазмунига мувоғик тарзда яратилгандир.

«Ёзувчининг, -деган эди Абдулла Қаҳҳор, -халққа айтадиган гапи нақадар муҳим, нақадар зарур бўлса, буни китобхоннинг ҳаётига олиб кирадиган образ шу қадар кучли бўлиши керак» Бу сўзларда адиб ижодига пойдевор бўлган етакчи эстетик принципларидан бири ифодаланган. Қаҳрамонга исм топишда ҳам у, дастлаб, ана шу ижодий принципга асосланади. Масалан, Абдулла Қаҳҳорнинг ўтмиш мавзусига бағишиланган «Ўғри», «Анор» ва «Бемор» номли ҳикояларининг асосий қаҳрамонлари - Кобил бобо, Турабжон ва Сотиболди деб номланган. «Ўғри» ҳикоясидаги Кобил бобо - ғоят содда, қобил ва оми одам. Унинг бошига оғир фожиа тушиб, амин ва элликбошилардан ёрдам умидвор бўлади. Лекин фикр ёди таъмагирлик бўлган амалдорлар бу мусибатдийда чолга ачиниш, унга кўмаклашиш у ёқда турсин, ҳатто уни инсон қаторида ҳам кўрмайдилар,

бор-йўгини шилиб олиб, яна масҳаралаб, таҳқирлашади. Қобил бобо эса уларни тушуниб етмайди. Ёзувчи бу муштипар, факир чолни Қобил бобо деб аташ билан унинг ана шундай ўта содда ва гўллигини таъкидлашга, бу оркали ўқувчининг мазкур образнинг ҳаётийлигига, асар воқеаларининг иккенийлигига бўлган ишончини янада оширишга муваффақ бўлади.

Ёки Сотиболди исмини олинг. У ҳам асарда маълум ғоявий мақсадга бўйсиндирилган- у ўзбек халқининг фарзадларга исм қўйишдаги миллий одатлари ва диний эътиоди билан боғлик. Сотиболди- бир вактлар унга исм қўйган ота-оналари каби динга ишонувчи киши. Шунинг учун ҳам у бемор ётган хотинининг диний «муолажа»лардан соғайиб кетишига умид боғлайди. Докторхона тўғрисида эса «Сотиболдининг билгани шу: салқин, тинч паркда, дараҳтлар ичига кўмилган баланд ва чиройли оқ иморат; шиша қабзали кулранг эшигида қўнғироқ тугмаси бор...» (I, 58). Буларнинг барчаси Сотиболди образининг характеристига зид эмас, балки унинг исми ва жисмiga тўла мувофиқ келади. Чунки ўтмишда Сотиболди деб ном олган кишиларнинг онги, фикрлаш даражаси бундан ортиқ бўлиши мумкин эмас эди. Қобил бобо ва Сотиболди исмларининг асар мазмунига, ёзувчи мақсадига қанчалик мос эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун уларнинг ўрнига бир зум бошқа номларни (масалан, Анвар имакими ёки Зокир дебми) қўйиб кўрайлиқ. Бу ўзгартириш ҳикояларнинг мазмун руҳига, воқеаларнинг табиийлигига салбий таъсир килади, қаҳрамонлар характеристери билан уларнинг исмлари ўртасидаги аввалги мувофиқлик ва мутаносибликка путур етади, натижада асарларнинг таъсир кучи пасаяди.

Туробжон исми ҳам асарнинг ғоявий мазмuni билан чамбарчас боғлиқлиги ва яхлитлиги жихатидан характеристидир. Ҳикояда айтилишича, Туробжон йўқчилик туфайли жуда қашшоқ кун кечиради. Унинг камбағалиги шу даражадаки, бошқоронги бўлган севимли хотинига иккитагина анор олиб беришга ҳам курби етмайди. Чунки «сахари мардондан сув ташиб, ўтин ёриб, ўт ёқиб бир ойда оладигани ўн саккиз танга» (I, 51). Акаси бўлмаса, укаси бўлмаса... Ёзувчи қаҳрамоннинг ана шундай хоксорлиги, меҳнаткашлиги ва факирлигига нисбат бериб, уни Туробжон деб атайди (туроб-тупроқ деган маънони англатади). Бу исмнинг яна бир томони бор. Ҳикоядаги воқеалар Абдулла Қаҳхор яшаган ва яхши билган Фарғона водийси одамларининг ҳаётидан олинган. Туробжон-водийда кенг тарқалган исмлардан. Бу мувофиқлик Туробжон исми факт мазкур қаҳрамоннинггина эмас, айни пайтда, ҳикоядаги воқеаларнинг типиклигини таъминлашда ҳам муҳим бир омил бўлиб хизмат қилаётганини кўрсатади.

Юкорида тилга олинган исмлар мисолида ёзувчи яратган бошқа юзлаб қаҳрамонларнинг номларига ҳам хос бўлган яна бир характеристи хусусиятни кўрсатиб ўтиш мумкин. Улар асар воқеалари замиридаги

мазмун ва ғояни тўлароқ ифодалашга ёрдам бериши билан бирга, унла тасвиirlанаётган давр ва замоннинг асосий хусусиятлари тўғрисида муайян тасаввур ҳосил килиш имконини ҳам беради. Чунончи, Муллажон қози («Анор»), Миржаббор миршаб («Большевиклар»), Саидахор эшон, Аскар понсон, Абдуваккос ҳожи («Кўшчинор чироклари»), Нодирмоҳбегим («Даҳшат»), Ҳожимирсирож («Йиллар»), Тавҳидий («Миллатчилар»), Сайд Жалолхон, мулла Шамсиддин («Башорат»), Тўпанисо («Сароб») кабилар тарихий ўтмишимизнинг мўъжаз, лекин маънодор нишоналаридир. Ва аксинча, Эҳсон («Сароб»), Малоҳатхон («Жонфиғон»), Латофатхон («Кўк конверт»), Дехқонбой, Ҳафиза, Омон («Шоҳи сўзана»), Акрамжон, Мастура («Минг бир жон»), Саида, Козимбек, Аъзамжон, Каримжон («Синчалак»), Анвар, Муаттар, Мухайё («Муҳаббат»), Венера («Нурли чўккилар») каби замонавий исмлар эса ўз эгаларининг хислатлари билан бирга шу куннинг – ҳозирги давримизнинг ўзига хос бир шаҳодатномаси бўла олиши мумкин. Ёзувчи қаҳрамонларининг исмларидаги бундай ўзгариш ва ўзига хос тадрижийлик нафакат тафаккур ва дунёкарашимиздаги янгиланиш билан, айни вақтда, ҳалқ ҳаёти ва жамият таракқиётининг муҳим воқеаларини рамзий бир формада акс эттириб туриши билан ҳам қимматлидир.

Абдулла Қаххорнинг ўз персонажлари исмларига кўядиган асосий талабларидан бири – улар ёзувчининг асар қаҳрамонларига бўлган муносабатини (яъни сипатияси ёки антипатиясини) ҳам равshan акс эттириб туришида намоён бўлади. Бунга эришишда ёзувчи ўзининг ижодий принциплари билан бир каторда, миллий урф-одатларга, ҳалқ тили хусусиятлари ва тажрибаларига ҳам асосланади. Яъни яхши хулқ ва характерли кишиларни, кўпинча, илиқ, самимий ва ижобий маъноли исмлар билан атайди, аксарият ўринларда, адабий ва жонли ҳалқ тилидаги эркалаш-кичрайтириш ҳамда яқинлик маъноларини англатувчи «жон», «хон» каби кўшимчалардан ҳам кенг фойдаланадики, улар ҳам қаҳрамонлар исмининг ҳаётийлиги ва миллийлигини бўрттириб кўрсатишга хизмат қиласи. Бунга ёзувчининг деярли ҳар бир асаридан қийналмай мисол топиш мумкин.

Абдулла Қаххор асарларидаги салбий характерли, феъл-атвори ва қилмиши ёмон одамларнинг образларини китобхон биринчи учрапувдаёк билиб олади. Бизнингча, бунга асосий сабаб, ёзувчининг уларга бўлган нафратини пинҳон тутмай, очик изхор этишида бўлса керак. Щу мақсадда адиб уларга атайлаб кесатик ва киноявий маъноларни ифодаловчи, ўкувчида аччик қўлги, нафрат уйғотувчи ёқимсиз совук ва фош этувчи исмлар беради. Бу ўринда ёзувчининг таланти ва ижодкорлиги билан боғлиқ бўлган муҳим бир жиҳатни қайд этиб ўтиш лозим.

Жаҳон классик адабиётининг Н.В.Гоголь, А.А.Островский, П.П.Чехов, Садриддин Айний каби машхур намояндлари сингари

Қаххор ҳам ёмон одамлар учун кўп ҳолларда ўзи маҳсус исем ва никаблар ўйлаб топадики, уларни шартли равишда «гапиравчи исмлар» деб аташ мумкин. Бундай исмлар асарда қаҳрамоннинг нодонлиги ва бемаънилигини, жирканч қиёфаси ва иллатли характерини равшан акс эттириб турувчи ўзига хос бир кўзгу вазифасини бажаради. Бугунги кунда кар бир нарсадан фиғони фалакка чикиб, жони дарров ҳалқумига беладиган, бирпасда жазаваси тутиб қоладиган нодон, жиззаки одамларни «Жонғифон» га қиёс қилиш, факат жонининг хузурини-ю, айш-фарогатини ўйловчи, айёр ва фирибгар одамларни «Хузуржонов» деб, хотин-кизларга бой-феодалларча муносабатда бўладиган, сирти ялтироқ, ичи калтироқ, маънавий курук мансабнастларни «Заргаров» ёки шияпали «Худоёрхон» деб аташ ҳалқимиз орасида одат тусига кириб кетган. Аслида, бу номлар Абдулла Қаххорнинг кашфиётлари бўлиб, улар бамисоли «балиқнинг балиқ эканлигини билдириб турувчи ялтироқ тангалардек» (М.Горький) ўша қаҳрамонларга хос бўлган асосий иллатларни ўзида жуда аниқ ва тўла акс эттира олгани учун ҳам аллақачон «китоб саҳифаларидан» чикиб, хаётга сингиб кетди, турдош номларга йиланди.

Бундай мисоллар шуни кўрсатадики, муайян қаҳрамон характерига тўла мувофиқ бўлган ва ёзувчининг чуқур ғоя-фикрлари билан йўғрилган хаётй исмлар ўзида умумлашма характер касб этиб, ўша қаҳрамон образининг ижтимоий тип даражасига кўтарилишида бамисоли бир кўприк бўлиб хизмат қилиш мумкин.

Ҳалқ орасида кенг тарқалган миллий исмлардан ижодкорона фойдаланиши ва уларга янгича мазмун бағишлиб, замон рухини сингдириб юбориш жиҳатидан адабнинг «Йиллар» хикоясидаги Ўлмас ва «Ўжар» хикоясидаги Суръ исмлари алоҳида дикқатга сазовордир.

Ҳалқимизда шундай бир одат бор: узок йиллар ўғил кўрмаган ёки бир неча фарзандидан эрта жудо бўлган ота-оналар кейинги болаларининг барҳаёт қолишларини орзу қилиб, уларга кўпинча Ўлмас деб ном кўйишади. Ҳикоядаги Ўлмас ҳам ана шундай удумга асосан ном олган: у ота-онасининг ёлғиз ўғли, бунинг устига оиласда бирдан-бир набира ҳам. Бундай болалар ота-онасининг эътиборсизлиги ва бўш кўйишлари оқибатида кўпинча, эрка, тантик, баъзан жуда шўх бўлиб ўсиши одатий бир ҳолга айланиб кетган. Бироқ ҳикоядаги Ўлмас тез-тез учраб турадиган ин феъл-атвори оиласда ёлғизлиги билан изоҳланадиган ва окланадиган бебош ва инжик отдошларидан бутунлай фарқ килади.

У - гоят одоб-тавозели ва зийрак бола. Шунинг учун ҳам автобусда ўш болали аёлга жой бермаган кекса одам, яъни Ҳожимирисрожнинг шоҳаклигини дадил айта олади. Ўлмас кўп исмдошлари ва умуман, тенгкур болалардан яна шу жиҳати билан фарқ киладики, у бирорни ўкишга, ҳақорат қилишга ўрганган эмас. Ҳожимирисрож унга қаттиқ

азоб бергандада (унинг қулогини узиб олгудек даражада қийнайди), оғрик аламидан чолни «тарбиясиз» дейишга мажбур бўлади. Бу Ўлмасни «бисотидаги энг оғир, энг даҳшатли ҳақорат сўзи» эди...

Суяр ҳам ўз характери билан Ўлмасга ўхшаб кетади. Ўлмас бехуда Хожимирсирождан азоб тортганидай, Суярни ҳам отаси ноҳак равиш ўжарликда айблаб, бекордан-бекорга уради. Лекин Суяр ўзининг яхши ўқиши, хулқи ва одоби билан айрим катталардан, хусусан, лақма отаси унинг улфати бўлган Кутбиддиновлардан устун туради. Бу хислатлар билан у китобхонларнинг илик меҳрини қозонади. Абдулла Қахҳо ўқишда ҳам, одоб ва интизомда ҳам тенгкурларига намуна бўла оладига бу икки ўқувчини Ўлмас ва Суяр деган анъанавий номлар билан аташ бежиз эмас. Бу исмлар орқали ёзувчи чуқур бир ҳакиқатни, яъни Ўлмас Суяр исмли ёш болалар образида ифодаланаётган фазилатлар энг аввал давр билан, кишилар онги ва тафаккуридаги жиддий ўзгаришлар билан боғлиқ эканлигини таъкидлаётгандек гўё.

Адабий қаҳрамонларнинг исмлари асарда яна бир муҳим эстетика функцияни бажариши билан ҳам диққатни жалб этади. Қаҳрамон исм унга таъриф-тавсиф беришда, унинг фаолиятини баҳолашда муҳим биасос, ўзига хос бир паспорт (агар шундай деб аташ ўринли бўлса) ролини ўтайди. Зероки, ёзувчи муайян қаҳрамоннинг ижтимоий келиб чикиши биографияси ҳакидаги дастлабки маълумотларни, кўпинча, унинг исм орқали ифода этади. Бу эса, ўз навбатида, мазкур қаҳрамоннинг кейинги фаолияти учун маълум даражада замин ҳозирлайди, ўкувчини шунга тайёрлайди.

Абдулла Қахҳорнинг бир қатор асарларида ўтмиш давр вакиллари зўраки, сохта шоир ва зиёлилар, ҳалққа зулм ўтказиб, унинг меҳнати эвазига роҳат-фароғатда яшаган собиқ бой-амалдорлар ва айрим дини ахлларининг ҳам образлари берилган. Ёзувчи бундай кимсаларни оғир дабдабали, лекин характерли, исмлар жумладан, Тавҳидий, Зуннунхўжа Мирҳомидхўжа, Жавдот Наим, Саидабор юзбоши, Олимбек доддо Саидаҳмадхон эшон каби номлар билан атар экан, бу орқали гуё уларни нафақат ҳаёти, максади ва феъл атвори билан, балки ўзларининг муракка маъноли ва болохонадор исмлари билан ҳам оддий меҳнаткаш ҳали вакилларидан кескин фарқ килиб туришини таъкидлагандек бўлади. Энди муҳими, бу исмлар асарда мазкур шахслар табиати ва психологиясини уларнинг совук инсоний қиёфаси ва бадниятли ҳатти-харакатлари билан «қоришиб», уйгуналашиб кетганилигига ва асар мазмунини билан яхлитлигидадир.

Абдулла Қахҳор яратган адабий қаҳрамонлар галереясида Ҳикмат бува, уста Турдиали, Асрор бобо, Карим ота, Орзиқул, Тўхта бува, Курбон ота ва Хадича ҳола каби исмли образлар ҳам катта ўрин тутади. Бу хисматларнинг вазифаси факат мазкур қаҳрамонларнинг кексалиги

шуронийлиги ва уларнинг катта ҳаёт тажрибаларидан дарак бериб турувчи илк нишоналар бўлишидангина иборат эмас. Айни пайтда, улар ўзининг солдалиги, ихчамлиги ва миллийлиги билан (гарчанд, айримлари арабча бўлса-да, ўзбек тилининг асл сўзлари сингари кенг кўлланилади) ёзувчи асарлари тилининг янада тежамли ва сикик бўлишига хизмат қилади, нихоят, улар ўкувчи хотирасига тез ўрнашиб қолиши билан ҳам мақсадга мувофиқ исмлардир. Келтирилган мисоллар шундан далолат берадики, ёзувчи ўз қаҳрамонларига исм топишда ҳам бадиий ижоднинг энг асосий ва азалий конуниятларидан бўлган шакл ва мазмун бирлиги принципига иҷтиҳад амал қилган.

Абдулла Қаҳҳор асарларида бир гурух персонажлар борки, уларга маҳсус ном берилмаган. Бунинг муайян сабаблари бор. Таниқли адабиётшунос олим О.Шарафиддинов ўзининг «Ўзбек аёлининг тақдири» номли мақоласида адебнинг баъзи қаҳрамонларига ном берилмаганлигининг муҳим бир сабабини қайд этиб, «...ёзувчи «Бемор»да ҳам «Анор» да ҳам аёлларнинг номини атамайди. Уларнинг бири Сотиболдининг, иккинчиси – Туробжоннинг хотини, ҳолос. Ёзувчи гўёки бу билан уларнинг пассивлиги, ўша тузумнинг қурбони эканлигини, ўша дунёда ҳатто бирор номга муносиб кўрилмаганларини таъкидламоқчи бўлади», деган эди<sup>1</sup>.

Бу фикрнинг тўғрилигини ёзувчининг кўпгина бошқа персонажлари, хусусан; «Кўшчинор чироклари» романидаги асли исми Ҳанифа бўлган, бирок ўтмишдаги аянчли қисмати туфайли Канизак, яъни «чўри», «кул» деб номланган қизнинг тақдири ҳам тўла тасдиклайди.

А.Қаҳҳорнинг айрим қаҳрамонларига исм бермаслигини яна куйидаги сабаблар билан ҳам изоҳлаш мумкин: чунончи, номланмаган образлар, кўпинча, асарнинг асосий етакчи ғоявий-бадиий мазмунига нисбатан иккинчи ёки учинчи даражали персонажлар бўлади (бундай шахсларни номи билан кўрсатиш шарт эмаслиги бадиий ижоднинг ўзига хос конуниятларидан бири эканлиги адабиёт тарихидан маълум), шу боисдан, уларга ном бериб, ўкувчи хотирасини яна банд килиш ортиқчадек туюлади ёзувчига. Бундан ташқари, ёзувчи баъзи бир фикрни ва ғоясини қаҳрамоннинг исмини атамасдан ҳам аник ва тўла ифода этиши мумкин бўлади. Бундай ҳолларда қаҳрамонларга исм бериш, бамисоли «шўрвасининг шўрваси» дейишдек, китобхон диккат-эътиборини сусайтириши, фикрни тарқоқлаштириши мумкин.

Адабий қаҳрамон исмини атамасликнинг яна бир изоҳи – бу ёзувчининг мазкур қаҳрамонга ўхшаш одамларнинг ҳаётда кўплаб учрашига, уларнинг типиклигига ва ўкувчининг бу қаҳрамон ҳатти-харакати ва сўзларига шубҳа кильмаслигига тўла ишонганлигига, шу

<sup>1</sup> Озод Шарафиддинов. Ўзбек аёлининг тақдири. –Абдулла Қаҳҳор. Танланган асарлар. Т., 1962, 211-бет

туфайли бундай образларни маҳсус индивидуаллаштиришга эхтиёс сезмаслигига кўринади. Адибнинг эзма ва нўноқ лекторларни танкил қилувчи «Куюшкон» фельетонидан олинган қуйидаги мисол шу нуткаи назардан жуда аҳамиятлидир: «Дунёда қалб ҳарорати билан жон киргизилмаган нутқ - ўлик нутқдан совукроқ нарса бормикин!.. Кундалик ҳаётимизда шунака ўлик нутклардан озми эши тамиз! Одамларки бор ҳалол меҳнат билан ўзини кўрсатгани эринади-ю, оламда борлигини маълум килиб туриш учун кўпроқ гапиришга ҳаракат қиласи: мажлис пажлисда сўз тегиб колса, фойдали бирон фикр айтиш учун эмас, гапириш, факат гапириш учун гапиради.

Жамиятда ўзи кўринмай, фақат товуши чиқадиган бу хилдаги одамлар, теки кулок топилса, битта эски дўппи тўғрисида саккиз соат суиичмасдан гапиради. Одамлар эснайди, мудрайди, мажлис раисига хўмрайиб қарайди... Бу ўлик нуткнинг бир хили».

Дарҳакиқат, ёзувчи мазкур фельетондаги район марказидан келган нотиқни конкрет бирор исм билан аташи ҳам мумкин эди. Лекин у ҳолда ҳаётимизда ҳали ҳам учраб турадиган – «гапни чайнаб, ўзига инсофи, эши тувчига раҳми келмаган нутқбозлар» (М.Шайхзода) олами асаддагидан анча торрок бўлиб кўринар эди. Ҳолбуки, ёзувчининг асосий мақсади «ўлик нутқ» эгаларидан бирортасини айнан кўрсатиш эмас, балки ундан кўра кенгроқ, яъни «Куюшкон» деб аталган бемаъни «касаллик»ни маънавий ҳаётимиздаги катта бир ижтимоий иллат сифатида қоралаш ва шу йўл билан китобхонларни бу иллатни тезроқ улоқтириб ташлашга чақириш эди. Бу жиҳатдан А.Қахҳорнинг ён дафтаридағи қуйидаги муҳтасар қайди ҳам эътиборга молик: «Мен муттаҳамнинг номини айтмайман, чунки булар битта эмас, яна туғилиши мумкин. Мен мисол учун биттасини айтсан, ўнтаси эркин нафас олади» (V, 267).

Бироқ қаҳрамоннинг номланмаслиги – бу исмиз образ мутлако номаълум шахс, мавхум персонаж деган маънони билдирилмайди. Чунки ёзувчи асадра, албатта, шу персонажнинг бирор характерли хусусиятини, кўпинча касбини айтиб ўтадики, бу мазкур шахснинг ўқувчи хотирасида жонли образ сифатида аниқ сакланиб қолиши учун кифоя қиласи. Фикримизнинг далили сифатида Абдулла Қахҳор асадларида «коровул чол», «тракторист», «хизматкор», «ҳамшира», «номи чиқкан ашулачи-санъаткор» каби изоҳловчи номлар билан таништирилган ўнлаб персонажларни эслаш мумкин.

Демак, Абдулла Қахҳор асадларидаги қаҳрамонларнинг номлари тасодифий бўлмасдан, улар ёзувчининг конкрет мақсади ва эстетик принципи асосида яратилиб, муайян асарнинг ғоявий-бадиий мазмуни ва руҳини, унинг ҳалқчиллиги ва миллийлигини ифодаловчи муҳим воситалардан бири сифатида яшайди. Персонажлар исмининг канчалик сермаъно, оригинал ва қаҳрамон феъл-авторига мувоғик бўлиши хамда

асарда қанчалик ғоявий-эстетик «нагрузка» - вазифа бажариши, энг аввало, ёзувчининг қаҳрамон исмига қай даражада эътибор беришига ва ундан қанчалик санъаткорлик билан фойдалана олишига боғлиқ. Бунда ёзувчининг истеъдод характери, индивидуал услуби, ижодкор сифатидаги ўнга хослиги, колаверса, муайян адабий традицияларга садоқати ва мойиллиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Жаҳон адабиётининг бу каби илҳомбахш анъаналари турли давр санъаткорлари томонидан муваффакиятли давом эттирилаётганлиги ҳам бадиий-эстетик тафаккур ривожининг ворисийлиги ва бардавомлигидан ёрқин далолат бериб туради. Мисол тарикасида асримиз бошларида ғоят фаол ва сермаҳсул ижодкорлар сифатида танилган Фитрат, Абдулла Қодирий ёки Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийларнинг кўплаб қаҳрамонларининг исмларини эслаш мумкин. Ёхуд ҳозирги давр ўзбек адабиётининг машхур ишмояндалари бўлмиш – Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Уткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Неммат Аминов, Эркин Аъзам ва Тогай Мурод каби адилларимиз томонидан яратилган адабий қаҳрамонларнинг нафакат ўзига хос инсоний характери билан, балки бетакрор ва маънодор исмлари билан ҳам ажралиб туришини алоҳида тъкидлаш ўринли бўлади, деб ўйлаймиз.

## ЁЗУВЧИ ЁН ДАФТАРЛАРИ

Бадиий ижод жараёнини ўрганишда ёзувчининг ён дафтарлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айникса, ёзувчининг ижод жараёнини кўзатиш, ширим асаларининг яратилиш тарихини ўрганишда ён дафтар асл манбалардан бири бўлиб хизмат килиши мумкин. Шу нуқтаи назардан қаралганда, Абдулла Қаҳҳорнинг кўйин дафтарлари алоҳида дикқатга изовордир.

Кўпгина ёзувчилар каби А.Қаҳҳор ҳам ижодининг дастлабки шайтларидан бошлабок ён дафтар тутган. Унинг ён дафтар тутиш ва ундан фойдаланиш усуллари кўп жиҳатдан А.П.Чехов иш услубини эслатади. Баҳархол, А.Қаҳҳорнинг ўзи ҳам ён дафтар ҳақида сўз борганда, кўпинча «А.П.Чехов кўйин дафтар тутган. Мен ҳам қўйин дафтар тутаман», деб камтарлик билан гап бошлар эди.

Ёзувчи ижодий биографиясига тааллукли бир неча нуқталар борки, улар А.Қаҳҳорнинг А.П.Чехов ижоди билан чукур танишмасдан олдинроқ, шуни 1936 йилдан аввал ҳам бундай дафтар тутганлигидан дарак беради. Мана, шундай далиллардан биттаси: «Мен «Анор» деган ҳикояни ғанимда бошкоронғи хотиннинг ҳолатини шу кунларда мушоҳада қилганим йўқ. Бошкоронғи хотиннинг ҳолати менинг хотира дафтаримда бор эди. Буни мен бир вақтлар дафтарга шундай қайд қилиб қўйган жаман: «Эр хотинига жаннатнинг таъриfinи қилади. Хотиннинг кўзига

ҳавзи кавсар ва унда сўзиб юрган балиқдан бошка ҳеч нарса кўринмайди. Хотин балиқقا бошқоронги» (У1, 365-бет).

Маълумки, «Анор» 1936 йили ёзилган. Келтирилган қайднинг ёзувчи ён дафтарига анча илгари туширилганлиги юкоридаги фикримизни асослайди.

Ён дафтарни, одатда хотира дафтари деб ҳам юритишади. Чунки хотира дафтар дейиш орқали, менимча, ён дафтарнинг характерли бир хусусияти – унинг ёзувчи меҳнати ва ижодий лабораториясининг ўзвий бир қисми эканлиги таъкидланади. Бу жихатдан А.Қаххор 1944 йили ёшлар семинарида сўзлаган нутқида муҳим бир фикр айтган эди.

«Одатда мушоҳада фақат керак бўлганда, бирон асар ёзиш учун зарур бўлиб қолгандагина қилинмайди. Масалан, бироннинг оёғини трамвай босди. Эҳтимол, менинг қаҳрамонларимдан, персонажларимдан ҳеч кимнинг оёғини трамвай босмас. Лекин оёғини трамвай босган одамнинг ўша дамдаги ҳолати, ҳаракати, киёфаси эсимда қолиши керак» (VI, 364-бет)

Хўш, бундай муракқаб ва оний ҳолатларни ёзувчи қандай қилиб эсда саклай олади? Табиийки, инсон ҳофизаси канчалик кучли ва мустаҳкам бўлмасин, у турмушда учрайдиган барча муҳим ва номухим воқеа-ҳодисаларни, кўплаб факт ва рақамларни ўзида айнан саклаб қолиши мумкин эмас. Шундай бўлгач, ёзувчи хотирасидан ташқари яна қандайdir ёрдамчи бир воситага эҳтиёж сезади.

Ижодкор учун ён дафтар тутиш заруратини келтириб чиқарувчи яна бир муҳим сабаб бор. Одатда, ёзувчи атрофидаги воқеа-ҳодисаларга ҳеч качон бефарқ қарамайди, аксинча, у кўп ҳолларда ҳаётга алоҳида бир қизиқиш ва синчковлик билан, яъни ёзмокчи бўлиб юрган конкрет асари нуктаи назаридан ҳам муносабатда бўлади. Ҳаётга мана шудай манфаатдорлик билан қараш натижасида ёзувчи мўлжаллаб юрган асари учун керак бўладиган кўпгина «ашъёлар»га дуч келиши мумкинки, бундай кезларда ҳам аксарият адилар у ёки бу тарзда уларни ён дафтарларига туширишади. Чунончи, А.Қаххорнинг ён дафтарлари ҳақидаги мана бу сўзлари ҳам бизни ана шундай холосага олиб келади: «Мен иккита ён дафтар тутаман: бири умумий дафтар – бунга айрим сўзлар, иборалар тасвиirlар, сюжетлар, фактлар, турли-туман воқеа ва ҳодисаларни ёзиб бораман, асар ёзган вақтимда шулардан фойдаланаман... Иккинчи дафтар – айрим асарга доир бўлиб, бунга шу асарга тегишли нима нарса эслекелса, шуни ёзиб бораман: деталлар, қаҳрамон ва персонажларни сўзлари, характерларга оид гаплар...<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Абдулла Қаххор билан учрашув. –«Ўзбекистон», 1961, №4, 21-бет

Шу тариқа ёзувчининг хотира дафтари, Абдулла Қаххор таъбири билан айтганда, мушоҳадалар хазинаси – ўзига хос турмуш қомуси вужудга келади.

Ҳақиқатан ҳам, А.Қаххорнинг ён дафтарлари билан танишар эканмиз, биз энг аввало уларнинг ранг-баранг ҳаётий мушоҳадаларга, ажойиб фикр ва лавҳаларга, ихчам ибора ҳамда қайдларга бой эканлигига шоҳид бўламиз.

А.Қаххор ён дафтарнинг ана шу жиҳатини кўзда тутиб, бир сухбатда уни ёзувчининг «давлат йигар» қутичаси деб атайди. У яна шуни ҳам уқтирадики, йигилган «давлат»ни тезроқ ишлатишга шошилиш керак эмас. Бу бойликни ишлатиш учун асар ёзишдан кўра, ўрни келиб қолганда ишлатиш яхшиrok. Бунда ғоят кичкина бир нарсадан ўйлаш билан топиб бўлмайдиган деталь, кичкина бир деталдан ёрқин образ пайдо бўлиши мумкин.

Кўп йиллик ижодий меҳнат ва тажрибанинг натижаси бўлган бу хулоса оддий бир маслаҳат тариқасида айтилаётган бўлса-да, унинг замирида катта бир ҳақиқат – ёзувчининг чукур адабий-эстетик принципи ҳам ётади. А.Қаххор шундай ёзувчилардан эди, у касбдошларидан нимани талаб қиласа, энг аввало ўзи ўшанга амал қиласа, нимани тарғиб этса, энг аввало ўзи ўша нарсага эришар эди. Ён дафтардаги бойликлардан фойдаланишда ҳам А.Қаххор ана шу муҳим ақидасига амал қиласи.

Мана, ёзувчининг машхур «Ўғри» номли ҳикоясидаги бир иборанинг ижодий такдири: «Кунлардан бир куни ён дафтаримга ҳалқнинг ҳазил-мутойибаларидан «Йўқолмасдан илгари бормиди?» деган иборани ёзиб қўйган эдим. Беғараз ҳазил тарзида айтиладиган бу иборани амин ҳўқизи йўқолиб, арзга келган мўйсафид дехконга айтганда, ҳеч кутилмаган даражада ўткир ва чукур маъно касб этди, менинг ихтиёrimдан ташқари ижтимоий кучга эга бўлди, айни чокда, шахс характерини очиб юборди», - деб хотирлайди А.Қаххор (VI, 326-бет)

Бу фактни, албатта, тўғри тушуниш керак. Шубҳасиз, ҳеч қандай сўз ёки ибора – у ҳар қандай гўзал ёки қимматли бўлмасин – ўз-ўзидан янги маъно касб этмайди. Шундай экан, бу ерда энг аввало ёзувчининг маҳорати, ҳар бир сўзни ўз ўрнида ишлата олиш қобилияти ҳамда мазкур жумла ишлатилган ҳолат мазмuni ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам шунчаки беғараз ҳазил-мутойиба тарзида айтилган оддий ибора асарда салмоқли кучга эга бўлган. Бунинг «сири» яна шундаки, А.Қаххор ҳалқдан олган ҳар бир ибора ва сўзни ҳамиша бадий асарнинг гоявий мазмuni, ундаги қаҳрамон характери ва ниҳоят, тилнинг нозик талабларига мувофик ишлатади. Шу сабабли ҳам улар асарда шунчаки чиройли бир курокка ўхшаб қолмай, асар мазмuni ва руҳига бутунлай сингиб кетади. А.Қаххорнинг бундай санъаткорлигини уста боғбоннинг пайванд қилиш усулига ўхшатса бўлади.

Иккинчи бир мисол. 1936 йили А.Қаххорнинг ён дафтарига гайритабиий равишда юз берган бир тобут воқеаси ёзиб кўйилган. Орадан кўп йиллар ўтгач, бу воқеа ёзувчининг «Минг бир жон» ҳикоясига киритилиб, ундаги энг ёрқин ва таъсири лавҳалардан бирига, асар қаҳрамонининг ички дунёсини очувчи бадиий бир кашфиётга айланганини кўрамиз.

А.Қаххорнинг ён дафтарлари ҳакида фикр юритилар экан, албатта, унинг «Даҳшат» номли ҳикоясининг ижодий тарихига тўхталиб ўтиш зарур.

Ҳикоянинг, агар шундай деб айтиш мумкин бўлса, дастлабки «суруғи» ёзувчининг хотира дафтарига қадалган эди. Бу ҳакда О.Шарафиддинов шундай гувоҳлик беради: «Ҳикоя ҳакида Абдулла Қаххор биринчи марта ён дафтарига 1952 йилда қайд килган. Ўша йили Абдулла Қаххор Фарғонага саёҳат қиласи ва ҳар хил сұхбатларда турли ҳикоялар эшигади... У ривоятлардан бирида «Хоннинг эрмаги» деган сарлавҳа остига шундай қайд қилган: «Шамол. Гўристон. Маймун. Арвоҳ. (Шамол. Кечаси колхоз меҳмонхонасида 102 яшар чол билан сұхбат. Чолнинг ўғли Совет Иттифоқи Қаҳрамони) – бўлган довюрак-чолнинг акаси...» Афтидан, чол бу ривоятни бўлган воқеа тарикасида айтиб берган. Унинг ривоят ёки бўлган воқеалигидан катъий назар, - деб давом эттиради тадқиқотчи – эшигтан одам қизиқлигига бир ажабланади-ю, хотирасида сакланаётган юзлаб бошқа ривоятлар ёнига тиркаб кўяди. Абдулла Қаххор эса ана шу анчайин ривоят ёхуд хаёт ходисасидан ҳакиқат нуқрасини чиқариш учун, уни йиллар давомида ўйлайди, пишитади...» (1, 30-бет) Нихоят, орадан ўн йил ўтгач, ёзувчининг «Даҳшат» номли ҳикояси – ҳамма танқидчилар томонидан ўтмиш ҳакидаги асарларнинг гултожи, деб якдиллик билан тан олинган етук бир асари вужудга келади.

Кўринадики, ён дафтарга ёзилган дастлабки бир неча жумла бутун бир бадиий асарнинг яратилишида муҳим асослардан бири бўлиб хизмат қилган ва маълум даражада ҳикоя учун туртки, балки эскиз ролини ўйнаган. Факат шугина эмас. Ён дафтардаги қайд қанчалик қисқа бўлмасин (у факт сарлавҳа ва тўрт сўздангина иборат), биз уни асарнинг дастлабки куртаги, дея оламиз. Чунки унда ёзувчининг асосий мақсади – ҳикояда кучли мазмун ва фожиона рух ифодаланишига ишора борлиги аниқ сезилиб турибди. Бу факт ҳам юқоридаги мисоллар билан биргаликда бир томондан ён дафтарнинг бадиий ижодда муҳим восита бўлиб хизмат қилишини кўрсатса, иккинчидан эса, А.Қаххорнинг ён дафтардан фойдаланиш маҳоратини, унинг бамисоли оддий бир учқундан аланга пайдо қила олишдек сехрли кудратини ҳам намойиш этади.

А.Қаххорнинг ён дафтарларига хос жиҳатлардан яна бири шундаки, улардаги қайд ва ёзувлар кўпинча асарга у ёки бу даражада ўзгартирилган ҳолда киритилади. Яна ёзувчининг «Анор» ҳикоясига қайтайлик. Гарчанд,

жарыда күрганимиздек, адібнинг ён дафтарига аёлнинг баликқа бўлган  
ибий эҳтиёжи билан боғлиқ ҳолат қайд этилган бўлса-да, ҳикояда  
нишкур деталь анор билан алмаштирилади. Бу ўзгариш шу билан  
шюхланадики, анорнинг бошқа мевалар ичиде танқис эканлиги ва  
қимматлиги асарнинг ғоявий мазмунига жуда мос келар эди. Кейин эса,  
анор орқали ҳикоянинг миллый рухи, ундаги воеа ва вазиятнинг истисно  
наслиги ҳам янада чукурлаштирилган. Санъаткор ижодида юз берувчи  
бундай ҳолатлар ён дафтарнинг ёзувчи меҳнатига дастлабки босқич-  
ниллапоя бўла олишини ёққол кўрсатиб туради.

Абдулла Қахҳор ён дафтарларининг яна бир қимматли томони бор:  
улар ёзувчининг адабий-танқидий маколалари билан биргаликда  
адабиётшунос-лигимиз ривожида ҳам салмокли ўрин тутади. Адібнинг ён  
дафтарларини вараклар эканмиз, улардаги бевосита адабиёт ва санъат,  
ибий ижод ва адабий танқидга доир фикрларнинг ғоят чукур ва  
оригиналлигига таҳсин ўқимай иложимиз йўқ. Мана, шулардан бир-икки  
имуна: «Кишининг бир ғояга садокати танлаган касб-хунари билан шу  
ғояга кай даражада яхши ва кўпроқ хизмат килгани, килаётгани билан  
шунчанди» (VI, 473-бет) «Танқид борки, томоғингдан иликдай ўтади,  
инкид борки, бир боғ янтоқ ютгандай бўласан»...

А. Қахҳорнинг адабий-эстетик дастурини белгилайдиган – «Адабиёт  
номдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарф қилиш керак эмас»,  
шган машҳур сўзларини кўпчилик китобхон ёд билади. Аслида, жаҳон  
адабий-эстетик тафаккурида ҳам муносаб ўрин тутувчи бундай қимматли  
фикрлар учун ҳам биз, аввало, ёзувчининг ёндафтаридан миннатдор  
булишимиз керак. Шунингдек, ён дафтарларда А. Қахҳорнинг бадий  
асардаги зиддият, тил ва арўз вазни каби катор муҳим масалаларга  
муносабати ҳам маълум даражада ўз ифодасини топганки, бу ён  
дафтарларни маълум маънода умумий адабий жараённинг ҳам таркибий  
бир кисми, деб қарашга имкон беради.

Ўзининг бетакрор кундаликлари билан жаҳон адабиёти тарихида янги  
бир сахифа очган таникли рус адаби Михаил Пришвин уларнинг ғоявий-  
бадий мазмуни ва услуби ҳакида фикр юритиб, жумладан, бир ўринда  
шундай дейди: «Кундаликларимдаги ёзувларнинг яхши ва мазмундор  
булишига эришиш – менинг учун мукаддас бир бурч эди»<sup>1</sup>. А. Қахҳор ҳам  
дафтарларидаги қайдларга ана шундай юксак талабчанлик билан  
бидашган, дея оламиз.

А. Қахҳорнинг ён дафтарларидаги қайд ва фикрлар мавзуи ва мазмуни  
жихатидан ғоят ранг-баранг. Лекин уларнинг деярли барчаси учун умумий  
бўлган бир хусусият ҳам бор. Бу хусусият шуки, улар ёзувчининг бадий  
асарлари каби ниҳоятда қиска, содда ва тагдор. Шу билан бирга уларда

Қаххорнинг ҳазилга мойил услуби, унинг ўзига хос ҳажвий оҳанги ҳам мана мен, деб туради. Мисол учун мана бу сатрларни ўқийлик: «Қизни ўшанга бергандан кўра, келига солиб туйган яхшироқ!» (VI, 472-бет). Ёки «Адабиёт-хунар, уни касбга айлантириб олган ёзувчи олмага тушган куртдан фарқ қилмайди». (VI, 473-бет).

А.Қаххорнинг бу фикри буюк рус ёзувчиси Л.Н.Толстойнин шаммамизга таниш бўлган: «Ёзувчиликни касб қилиб олиш керак эмас. Бунинг ўрнига дехқончилик ёки этикдўзлик қилиш, ёки бўлмаса бошка бирор меҳнат биланми кун кўриш лозим, лекин асарни фақат ёзмаса чида туролмайдиган пайтдагина ёзиш керак», деган қалб сўзларини эслатади.<sup>1</sup>

Одатда, ҳалк донишмандлиги билан йўғрилган қувнок латифа ва ҳазил-мутойибаларни кўпинча "«митти ҳақиқатлар» деб ҳам юритишиди Бизнингча, Абдулла Қаххорнинг ён дафтарларидағи ихчам ва маънодор қайдларга нисбатан ана шу таърифни қўллаш ўринли бўлса керак.

Ён дафтарда булар билан бир каторда бошқа ажойиб қайдлар ҳам бор чунончи: «Деразадан тўшаётган ойдин қизнинг сочини, яланғоч елкасини ёритиб турар, ой бу окшом факат шунинг учун чиққанга ўхшар эди». Ёзувчининг кўзатувчанлигидан гўзал бир нишона бўлган бу манзарани истеъдодли рассомнинг яхши бир лавҳаси билан ёнма-ён қўйиш мумкин.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, А.Қаххор факат бадиий асарларидағина эмас, балки ён дафтарларидағи фикрларнинг ҳам ихчам ва образли бўлишига жиддий эътибор берган.

Биргина мисол: 1967 йили «Гулистан» журнали саҳифасида А.Қаххорнинг ён дафтаридан куйидаги бир парча эълон килинган эди. «Ёзувчининг раккосадан фарки шуки, раккоса қариган сари сүяклари шиқиллаб рақсга ярамай колади, ёзувчи эса қариган сайин маҳорати тўлишиши». Парчадаги «раккоса» ва «қариган сайин» сўзларининг такрорланиб келишидан қатъий назар, ҳеч кимда эътиroz уйғотмайдиган бу қайд нима учундир А.Қаххорни кониқтирумайди. Ёзувчи бу фикри давом эттиради ва натижада, янада умумлашган ва образлашган намунаси бунёдга келади: «кўргина хунармандлар қариганда суйган хунаридан маҳрум бўлади: улокчи от чополмайди, сурнайчи яхши пуфлолмайди, ўйинчи оёғини кўтаролмай колади. Ёзувчи дутор ёки винога ўхшайди эскирган сайин очилади, куввати ошади» (VI том, 461-бет).

Бундай мисоллар шуни кўрсатадики, ён дафтар ёзувчига бамисоли рассомнинг эскиз варакларидек "машқ қилиш" имкониятини ҳам яратиб беради. Шу билан бирга бутун ижоди давомида юритилган ён дафтарлар ёзувчи фикри ва қарашларининг тадрижий ўсувини ҳам маълум даражада ўзида акс эттира олиши мумкин экан.

<sup>1</sup> Л.Н.Толстой. О литературе. М., 1925, с.21

Ижодкор учун ён дафтарнинг моҳияти шулар билангина чегараланмайди. Шубҳасиз, ён дафтар ёзувчининг кузатувчанлик фаолиятини оширади, қизикиш оламини кенгайтиради, энг муҳими, унинг ижодкор сифатида шаклланишида ёрдам беради.

А.Қаҳхорнинг ён дафтарлари ўзининг тақрорланмас жиҳатлари га кўра ёшлар учун ажойиб намуна бўлиб хизмат қилиш билан бирга, улар адабнинг мумтоз ёзувчилар анъаналарини муваффақиятли давом эттирганлигига ҳам ёрқин далилдир. Бинобарин, адабиёт тарихига назар ташласак, жуда кўп буюк ёзувчиларнинг, жумладан, Н.В.Гоголь, Ф.М.Достоевский, О.Бальзак, Л.Н.Толстой, А.Блок ва В.Маяковский каби машҳур сўз санъаткорларининг ҳам ён дафтар тутганлигига гувоҳ бўламиз. Ёки М.Горькийнинг А.М.Макаренкога “Ён дафтар тутиб, унга доимий равишда характерли фикр ва фактларни, сўз ўйини, афоризм ва қизик жумла-сўзларни ёзиб бориш”ни маслаҳат берганлиги ҳам ён дафтарнинг ёзувчи учун, унинг адабий-эстетик тафаккури ривожи учун ҳам зарур ва фойдали эканлигини тасдиқловчи бир фактдир.

Бирок айрим ижодкорлар, чунончи, таникли ёзувчи К.Паустовский ён дафтар ҳакида бошқача фикрда эди. “Ён дафтарлар деярли фойда бермайди... Мен қачон ён дафтардан бирон қизиқарлироқ нарсани олиб, повесть ёки ҳикоямга киритсам, албатта, ўша парча хира, нурсиз бўлиб чикарди,”<sup>1</sup> - деб ёзган эди.

Албатта, бу факт асосан К.Паустовскийнинг иш услуби, шахсий ҳаёт тажрибаси ва ижодий услуби билан изохланиши лозим.

Буларга кўшимча килиб, ён дафтарларнинг ижодкор учун кўп жиҳатдан фойдали ва зарур эканлигини кўрсатувчи яна бир далил келтириш мумкин. Яъни ён дафтар юритиш факат ўтмишдаги бир гурӯҳ устоз санъаткорларгагина хос бўлиб колмасдан, балки ҳозирги давримизнинг кўплаб таникли ёзувчилари учун ҳам бадиий ижод жараёнининг синалган шакл ва йўлларидан хисобланади. Жумладан, Расул Ҳамзатов, Сергей Залигин, Федор Абрамов каби атоқли шоир ва ёзувчиларнинг, шунингдек, адабиётимизнинг Аскад Мухтор, Примкул Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва Ўткир Ҳошимов сингари таникли намояндадарининг ҳам ён дафтарлари ва улардаги ранг-баранг фикр-мушоҳадалар минглаб ўқувчиларга манзур бўлганлигини таъкидлаш мумкин. Хусусан, таникли адиларимизнинг теран фикр-мулоҳазалар ва нозик кузатишларга бой бўлган ён дафтарлари ҳозирги адабий-тарихий жараённинг ажралмас бир кисми бўлиши билан бирга, уларда А.Қаҳхор каби йирик сўз санъаткорларининг анъаналари ҳам ижодий давом эттирилаётганлигини эътироф этсак, ҳакикатдан йироклашмаган бўламиз.

<sup>1</sup> К.Паустовский. Рассказы. Очерки, Статьи. М., «Худож. лит.», 1972. Стр.388

Кўринадики, ён дафтар ижодий жараёнда муносиб ўрин тутади Ёзувчининг мураккаб ижодий лабораториясини, унинг айрим асарларининг яратилиш тарихини ён дафтарларсиз мукаммал ўрганиш мумкин эмас. Чунки ён дафтар ёзувчи ўй ва мушоҳадаларининг ўзига хос бир хазинаси, бадиий ижоднинг муҳим бир бўғинидир.

## Ёзувчи шахси

Мустакиллик шарофати билан жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида бошланган қайта қуриш ва ошкоралик адабиёт ва санъат учун ҳам маъқул ижодий муҳитни юзага келтирмоқдаки, бу ҳол танқидчилик ва адабиётшуносликда ҳам дастлабки самараларини бера бошлади. Чунончи, адабий рўзнома ва журналларимиз саҳифаларида эълон қилинаётган ҳаётий ва тарихий ҳақиқатга асосланганлиги билан ўқувчиларга манзур бўлаётган кўплаб адабий-танқидий мақолалар, нуфузли нашриётларда чоп этилаётган танқид ва адабиётшуносликка доир қатор асарлар фикримизга далил бўла олади.

Ана шундай асарлар орасида «Абдулла Қахҳор замондошлари хотирасида» номли тўплам мазмундорлиги, ижод ва санъаткорнинг шахси ҳақидаги теран кузатишларга бойлиги билан ажралиб туради.

Бу тўплам ҳақида мулоҳаза юритишдан олдин шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бутун жумхуриятимизда-Ёзувчилар уюшмаси, санъат ва маданият муассасалари, олий ўқув юртлари ва барча билим даргоҳларида севимли адабимиз таваллудининг 80 йиллиги маънавиятимизнинг катта бир шодиёнаси сифатида нишонланди.

Шу муносабат билан санъаткорнинг кўп жилдлик асарлар тўплами нашр этилди ва турли сабабларга кўра ҳанузгача чоп этилмай келинган «Қотилнинг туғилиши», «Зилзила» киссалари, «Тил ҳақида нутқ» каби асарлари ҳам дунё юзини кўрди. Айни чоғда қаҳҳоршунослигимизнинг жилдий бир ютуғи сифатида яна шуни қайд этиш лозимки, нафақат ёзувчи ижодида, балки янги давр адабиётимиз тараққиётида муҳим ўрин тутган, лекин ўз даврида кораланиб, ноҳак танқидга учраган «Сароб», «Қўшчинор» ва «Қўшчинор чироклари» романлари ҳамда «Сўнгги нусхалар» («Тобутдан товуш») комедияси ўзининг ҳолисона баҳосини олди: шу тариқа адаб ижоди ва шахси ғубордан тозаланиб, асл қадрини топмокда.

Ана шундай эзгу ният ва ҳаракат натижаси ўлароқ, яратилган «Абдулла Қахҳор замондошлари хотирасида» тўпламидан жой олган самимият тўла хотиралар ҳам танқид ва адабиётшунослигимизда муҳим аҳамият касб этади.

Хотидалар-А.Қаҳхорнинг кўп қиррали ижоди ва ёрқин сиймоси ҳакидаги ранг-баранг мушоҳадалар ва шахсий таассуротлар бўлиши билан бирга, улар бир катор муштарак жиҳатларга ҳам эга. Бу ҳол, аввало, шунда кўринади: хотидалар-адибнинг таникли замондошлари, қаламкаш дўстлари томонидан ёзилган ва миннатдор шогирдларнинг «муҳаббат рамзи» (Иброҳим Faфуров) бўлиб, уларнинг деярли барчасида чукур бир ҳакиқат, яъни А.Қаҳхорнинг адабиётимиз ривожидаги хизматлари бекиёс эканлиги, «ижодда қанчалар улуг бўлган адибнинг ҳаётда ҳам шунчалар маънавий юксакликка кўтарилигани» теран акс этиб туради.

«Ёзувчининг кулоги ҳамиша ҳалкнинг кўксида бўлиши, унинг қалбидаги ҳаяжонни дарҳол сезиши, илғаб олиши, шундан илҳомланиши, исарини мана шу илҳом, кучли эҳтирос билан ёзиши керак, -деган эди. А.Қаҳхор. Ўшанда ёзувчи ҳалкнинг тили учидан турган гапни айтади, ҳалк дилининг таржимони бўлади» (V., 162). Бу қаламкаш дўстлар ёки умидли ёш истеъдодларга карата беғараз айтилган қимматли маслаҳат, олийжаноб бир тилаккина эмас, балки А.Қаҳхорнинг ўзига ва ижодига нисбатан ҳам айтилган мұносиб бир таъриф ҳамdir.

Нафсиlamрини айтганда, ҳаётда ҳам, ижодда ҳам эзгулик ва ҳакиқат учун мардона курашиш А.Қаҳхорнинг буюк маслак-эътиқоди эди. Бу ҳакда атоқли рус адеби К.Симонов “Абдулла Қаҳхор ҳақида сўз” деган хотира-мақоласида шундай ёзади: “У одамларни севарди, бироқ табиатида ёзувчилик ҳаётини чигаллаштириб юборган бир жиҳат ҳам бор эди: У яхшилик сари бораркан, йўлида ёмонни сезмасдан, уни даф этмасдан, масҳара килмасдан, унга ҳажвнинг ўтқир тифини санчмасдан қолмасди. У ёвузлик, жаҳолат, разиллик ёнидан хотиржам ўтиб кетадиган одам эмасди, афтидан бу ҳол уни қайғуга соларди, худди мана шу қайғу унинг ақлли кўзларида ҳамиша сезилиб турарди. Бироқ, ҳаёт номукаммал экан, бундан ўзгача мұносабатда бўлишга интилмасди ҳам!<sup>1</sup>”

Аслида, “ҳак”гўйлик ҳамма даврларда ҳам чинакам истеъдоднинг энг юксак мезони (Г.Бакланов) бўлиб келган. Бироқ ҳакиқатни ифодалашда қаҳхорона событлик, ҳакиқатга онгли садоқат камдан-кам ёзувчиларнинг ижодий тақдирига айланади. “Оловнинг асосий хусусияти ёруғлик ва иссиқлик бўлганидек”, ҳакгўйлик А.Қаҳхор таланти ва шахси билан қанчалик уйғун эканлигини чукурроқ англаш учун рус мутафаккири Н.Г.Чернишевскийнинг Н.В.Гоголь ҳақида айтган ушбу сўзларини эслаш ўринлидир: “Ҳаммани ва ҳамма нарсани силаб-сийпалайдиган одам ўзидан бошқа ҳеч кимни ва ҳеч нарсани яхши кўрмайди, - деган эди у. Ҳаммага яхши кўринаман деган одам ҳеч қандай эзгу иш қила олмайди, чунки ёмонликни ҳакорат килмасдан, унга қарши курашмасдан туриб,

<sup>1</sup> Константик Симонов Абдулла Қаҳхор ҳақида сўз.- Абдулла Қаҳхор замондошлари хотирасида. Тошкент, Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987 й., 48-бет. Бундан кейинги ўринларда ушбу манбадан олинган кўчирмалар матн ичидаги курсатилади.

яхшилик ва эзгуликни юзага чиқариш мумкин эмас. Ҳимояга мухтож бўлганлар Гоголь олдида бурчлидир, у тубанлик ва иллатларга қарши курашганларга раҳнамолик қилди, шунинг учун ҳам у кўпларда ўзига нисбатан ғазаб ва нафрат уйғотишга мушарраф бўлди”<sup>1</sup>.

Бу сўзлар ўтган асрнинг ўрталарида айтилган, бироқ уларни турли даврларда яшаб ижод қилган (А.Қаххор ибораси билан айтганда “гражданлик шиҷоати талант кучидан кам бўлмаган”) барча ҳақиқатгўй адиларга нисбатан айтиш мумкин. Бинобарин, таникли адабиётшунос М.Қўшжонов таъкидлаганидек, А.Қаххор ана шундай буюк сўнсанъяткорларидан бири эди. Унинг ҳакгўйлиги бутун умри давомидаadolat ва ҳақиқат учун курашган ва ана шу эътиоди йўлида “Вазирлик либосини ечиб ташлаб, “кора халқ” кучогига отилган” улуғ Навоий, “бошига қилич келганда ҳам рост сўзлаган” Машраб, “ёлғончилар уяси бўлмиш бойларнинг юзига “туф” деб шеър ёзган Фурқат, “ҳаққониятсизликка қарши норозилик юзасидан академик унвонидан воқеичган” Чехов ва Короленко, шахсга сигиниш даврининг энг даҳшатли кунларида халқ душмани унвони тақилган кишиларни ҳимоя қилган, уларни куткариш учун аждаҳонинг домига кўл урган Шолохов каби машҳур адилар билан ёнма-ён туради.

Тўпламдаги хотираларда А.Қаххорнинг бу хислати маънавий ҳаётимизда нечоғлик катта ижтимоий-эстетик салмоқ касб этганлиги адабиётимизнинг турли намояндлари, ҳатто оддий касб эгалари томонидан ҳам яқдиллик билан эътироф этилади. Чунончи, адаб ижоди ва шахсини яхши билган О.Ёкубов “ёзувчиларимиз орасида алдамчилик, таниш-билишчилик ва порахўрлик устидан ҳеч ким А.Қаххорчалик кула олмаганини, нафрат қила билмаганини ва шу каби иллатларни фош этар экан, унинг тили ҳеч бир муболағасиз заҳарга айланишини” таъкидласа, (5-бет), устоз адилнинг “ҳар бир асари, ҳар бир маколаси дунёда лофтайтиб умр кўраётганлар учун кескин зарба бўлар эди, -дея ёзди А.Орипов. Биргина “Тобутдан товуш” пьесасини эсланг. Порахўрликни каттиқ қоралаган бу асар ўз вақтида айрим одамлар томонидан сал бўлмаса жамиятга тухматдай қабул килинди. Орадан йиллар ўтиб, А.Қаххорнинг мутлақ ҳақлиги аён бўлди. Демокчиманки, А.Қаххор доимо ҳақиқатга, ҳаётга таянар, бошқалардан ҳам шуни талааб қилас ҳудуди” (200-бет).

Дарҳақиқат, А.Қаххор буюклигининг асосий “сири” ҳам, адилнинг “қаҳрига учраган, даккисини еган истеъдодсиз одамлар унинг “душманларига айланиши”нинг асл сабаблари ҳам мана шунда; бу ҳол Шухратнинг “Устознинг сўнгги кунлари”, “С.Ахмаднинг “Устоз чироғи”, О.Шарафиддиновнинг “Устоз ўғитлари” ва Ш.Холмирзаевнинг

<sup>1</sup> Чернишевский Н.Г. Избранные эстетические произведения. Москва, 1978, 428-стр.

"А Қаххорни эслаб" каби эзгу хотираларида яхши очиб берилган. Жумладан, Ш.Холмирзаевнинг оғир жудолик кунларидаги ўйларистоздан айри тушган шогирднинг дардли кечинмаларигина эмас, балки инсон умрининг мазмуни ҳакидаги ибратомуз мулоҳазалардир: "Чигатой" кабристонидан қайтишда ҳар ким ўз йўли билан кетди. Мен бир таксига ўтирдим. Ёшгина, мурти бор бола: "Абдулла Қаххор жуда... честний ёзувчи эди-я?" деб қолди. Мен унга ялт этиб қарадим. Юрагим унишиб кетди: "Честний ёзувчи... Ана бериладиган баҳо!" деб ўйладим" (257-бет).

Тўпламдаги бундай таъсирчан хотиралар-бутун ижоди давомида ҳакиқатни муқаддас деб билган ва уни ўзининг яшаш тарзига айлантирган улуг адибимизга нисбатан эл-юрт меҳрининг нечоғлик юксак бўлганлигидан чукур далолат бериши билан бирга, адабиёт ва санъатнинг моҳияти ҳамда ижодкор тақдирни ҳакида яна бир муҳим холоса чиқаришга исос беради: дарҳақиқат, ёзувчи сўзининг қадри, ижодининг киммати, энг аввало, унинг "халқ дилидаги, тилининг учидаги гап"ларини чукур ва ҳаққоний ифода эта олиши билан белгиланар экан. Шу маънода А.Қаххор ҳаёти ва ижоди кўплаб замондошларимизга ҳам, ёш ижодкорларга ҳам ҳақгўйлик ва жасоратнинг, ҳакикатга садоқатнинг буюк бир намунаси бўлиб хизмат қила олади.

Биз юқорида тўпламдаги хотиралар А.Қаххорнинг адабиётимиз ривожидаги хизматлари бекиёс эканлигидан ёрқин гувоҳлик бериб туришини қайд этган эдик. Бу ҳакиқатнинг кўламини бир қадар кенгрок тасаввур этиш учун А.Қаххорнинг адабиётимиз тараққиёти билан боғлик кўплаб долзарб масалаларга муносабатини ва уларни ҳал этишда намоён бўлган бениҳоя чукур билимини, заковати ва журъатини ҳам кўз олдимизга келтирайлик. Хотираларга суюнган ҳолда ишонч билан айтиш мумкинки, адабиёт ва маънавий ҳаётимизнинг бирорта долзарб муаммоси йўқ эдики, у ҳақда А.Қаххор ўз сўзини айтмаган бўлсин. Чунончи, адабиётимиз келажаги ва уни яратувчи талантли ёшлар ҳакида ғамхўрлик, адабиётимиз тараққиётининг муҳим омили бўлган мумтоз ёзувчиларнинг асарларини меҳр билан ўрганиш ва уларнинг гўззалик "сир"ларини кашф этиш, миллийлик ва байналмилаллик, бадиий тил муаммолари, ижод жараёни, ижодкор шахси ва маънавий қиёфаси, танқид ва адабиётшунослигимизда маҳорат масалалари... Кўриналини, адабийтарихий жараённинг асосий йўналишларини белгиловчи ва Қаххор учун гоят аҳамиятли бўлган муаммоларини лоақал санаб кўрсатиш учун ҳам бутун бир саҳифа етмайди. Шунинг учун биз бу ўринда ана шу муҳим мавзулардан биттаси ҳакида – тўпламдаги хотираларда ҳам анча кенг ёритилган муаммо – А.Қаххорнинг ижодкор ёшларга муносабати хусусида имкон қадар фикр юритишни лозим топамиз.

А.Қаххор ижоди ва шахсини озми-кўпми ўрганган ва хусусан, адаб шогирдлари ва замондошларининг ёрқин хотиралари билан яқиндан

танишган киши шундай бир холосага келиши табиий: ҳозирги замон ўзбек адабиётимизда истеъоддли ёшлар тарбиясига А.Қаххорчалик меҳнати кўп сингган, ёшлар ижоди ва маънавий-интеллектуал даражасини А.Қаххорчалик чукур билган ва уларга бу қадар кучли таъсир ўтказа олган йирик санъаткор ўтмаган десак муболага бўлмайди. Адабиёт майдонига кириб келаётган ва “қаламни шухрат ёки бошка нарса таъма қилиб эмас, қалбидаги муҳаббат ва нафрат оловини оламга сочиш” учун олган ҳеч бир ёш ижодкор А.Қаххорнинг ўткир нигоҳидан четда қолмас эди. Дастребки асарлари биланоқ А.Қаххорнинг назарига тушган, ундан руҳий мадад олган ва эндиликда ўзлари ижодий камолот даражасига кўтарилиб, адабиётимизнинг залворли юкини ўз зиммаларига олган таникли ижодкорларимиз озмунча эмас. А.Қаххорнинг устоз сифатидаги ибратли фаолияти адабиётимиз ривожи учун накадар катта аҳамиятга эга бўлганлиги ва адаб ўзининг бутун ижодиу мазмунли умри билан ёшларга қандай муносабатда бўлиш сабогини колдирганлиги, айниқса, Э.Воҳидовнинг “Қарздорлик” номли хотирасида ажиб бир теранлик билан ифодаланган.

“Абдулла Қаххор биз энди адабиётга кадам кўйган давр муҳитининг марказида турган шахс эди... ёшларга алоҳида эътиборли, истеъоддни илғаш қобилияти бениҳоя кучли устоз эди. С.Аҳмад, М.Кўшжонов, О.Шарафиддинов, О.Ёкубов, П.Қодиров, Ў.Умарбеков, А.Орипов, Ў.Хошимов, Ш.Холмирзаев, У.Назаров сингари ёзувчиларнинг ижодий тақдирида А.Қаххорнинг устозлик ўрни бор... Устознинг менга, сўнгра А.Ориповга кўрсатган хайриҳоҳлиги биз учун ўзига хос яшин кайтаргичдай бўлгани сир эмас” (114-117-бетлар). Ҳам меҳрибон, ҳам талабчан устозга нисбатан чукур эҳтиром ва миннатдорлик туйғулари акс этган бундай самимий эътирофни А.Қаххор билан бир неча бор мулоқотда бўлган Ҳ.Назир, А.Абдураззок, Л.Файзиев, У.Норматов, С.Мамажонов, Н.Худойберганов, Г.Нуриллаева, М.Мансуров каби ўшлаб ижодкорларимизнинг хотираларидан ҳам келтириш мумкин...

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ёшларга нисбатан доимий эътибор ва ғамхўрлик А.Қаххорнинг табиатига хос бўлган фазилатлардан эди. Бу ҳакда адабнинг ўзи ён дафтарида шундай дейди: “Ёзувчи адабиётга икки хил киради: биринчи асари билан тутаб, биринчи асари билан яшнаб киради... Мен адабиёт муҳибиман, шунинг учун адабиётга яшнаб кирган ёшларни кўриб қувониб кетаман, қувончлигини ўша ёшнинг ўзига изҳор қилиб айтаман. Бу яшнаган чўғни елпиш демақдир”<sup>1</sup>.

“Адабиёт муҳиби”-қаххорона камтарилил билан айтилган оддийгина ибора. Лекин шу оддий сўзлар замирида қанчалар масъулият ва жўмардлик (Т.Адашбоев) ётади. А.Қаххорнинг истеъоддли ёшларга

<sup>1</sup> Абдулла Қаххор. Асарлар. Беш жилдлик. V жилд. 265-бет

күрсатган эъзоз-эътибори ҳакида ўйлаганда, беихтиёр улуғ адиб М.Горький ёдга келади. К.Фединнинг гувоҳлик беришича, ҳар бир ёш истеъоддинг адабиёт майдонига кириб келиши М.Горькийни шу қадар қувонтирас эканки, у ўша “ёш ижодкорнинг йўлига бамисоли поёндоз бўлиб тўшалгиси келар, токи у ортиқча машаққат ва тўсиқларга бехуда куч сарф килмай ижоднинг юксак чўққилари томон тезрок кўтарила олсин”, деган эди<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, Қаҳхорнинг истеъоддли ёшларга ғамхўрлик ва ҳомийлиги ҳайратингиз эди.

Зотан, унинг бутун бир адабий авлодга мураббийлиги энг аввало бу улкан ижодкор қалбининг олийҳимматлилиги ва олийжаноблиги билан, адабиётимиз ва маънавиятимиз равнақи йўлидаги чексиз ғамхўрлиги ва масъулияти билан изоҳланади.

А.Қаҳхорнинг ёшларга муносабати, унинг ҳакикий мураббийларга хос юксак ҳислати ҳакида ёзувчи ижоди ва шахсини чукур ўргангандан М.Кўшжонов шундай ёзади: “А.Қаҳхор адабиётимизнинг жонкуяри сифатида тасодифан қўлига тушиб қолган асарларнингина олиб ўқиб, баъзан-баъзангина улар ҳакида фикр айтиб юрадиган ёзувчилардан эмас. У адабиётни кузатади, яхши асар билан ярқ этиб кўринган ёш авторнинг манманликка берилиб, тўғри издан чикиб кетмаслиги тўғрисида кайгуради. Мабодо бирор ёш автор ўзининг меҳнати билан тўғри йўлни топиб олган бўлса, чин юракдан қувонади, катта санъаткор сифатида уни тақдирлади”.

Дарҳақиқат адабиёт майдонига кириб келган деярли ҳар бир ёш ижодкор А.Қаҳхорнинг диккат-назаридан четда қолмас эди. Чунки у истеъодни ҳалқимизнинг мулки, бебаҳо маънавий бойлиги деб билар ва ёшларни адабиётимизнинг нурли келажаги деб ҳисоблар эди. А.Қаҳхор ёш ёзувчилар ижодини кўзатиш билангина чекланмасди, уларнинг кўлёзмаларини эринмай ўқиб чиқарди, асарларини кунт билан таҳрир киларди, ғамхўр ва талабчан бир устоз сифатида ёшларга қимматли маслаҳатлар бериб, уларни ҳамиша ижодий муваффакиятлар сари стакларди.

Адабиётимизда бевосита А.Қаҳхор сабокларидан баҳраманд бўлган ва индиликда ўзлари ҳам камолот даражасига кўтарилиган ёзувчиларимиз тадайгина.

А.Қаҳхорнинг ёшлар ҳакидаги мақола ва нутклари даставвал шуниси билан диккатни жалб этадики, уларда кўплаб ёш шоир ва ёзувчилар ижодига хос бўлган энг муҳим фазилатлар топқирлик билан айтилгани колда асарларидаги нуқсонлар ва уларнинг ўсишига халақит бераётган муаммолар ҳам аниқ кўрсатиб берилади. Шу жиҳати билан улар танқид ва

адабиётшунослигимизда ёш истеъдодлар ижоди ҳакида яратилажа тадкиқотларнинг ёрқин саҳифалари бўлиб қолиши шубҳасиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ёшларга нисбатан доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишни А.Қаххор ўзининг асосий бурч-вазифаларидан деб билар эди. Унинг қуидаги сўzlари ҳам буни тасдиқлайди: “Хозирги адабий ёшларимиз, шубҳасиз ўзига ҳам, адабиётга ҳам ғубор кўндирамайдиган ҳакиқий замон ёшларидир. Биз бир-бири мизга катта меҳр кўйишимиз, бир-бири мизни ҳар томонлама бойтишимиз, бир-бири мизни бало-қазодан, ёмон кўздан саклашимиз зарур, эртаги буюк адабиёт биносининг ҳакиқий меъморлари бўлишимиз керак” (VI, 424).

Ёзувчиликнинг таркибий бир кисми бўлган бу хайрли ишга А.Қаххор катта масъулият билан қарап эди. Бу масъулият ҳакида озгина бўлсади, тасаввур ҳосил қилиш учун А.Қаххорнинг ёш ёзувчиларга йўллагани мактубларидан бир-иккитасинигина кўздан кечирайлик. Мана адабнинг Ў.Ҳошимовнинг ilk қиссаси муносабати билан айтган сўzlари: «Ўткир! «Чўл ҳавоси»ни ўқиб суюниб кетдим. Бирдан лов этиб аланга билан бошланган ижоднинг келажаги порлок бўлади, қисса жуда соф, самими илик табиий, роҳат қилиб ўқилади.

Киссанинг хат шаклида бўлиши кўп жойларда ритмни бўзади, сизни чеклаб қўяди. Ҳикоя биринчи шахс тилидан олиб борилса ҳам шундан бўлар эди. Буни ўйланг, ҳисобга олинг. Бу аланга ҳеч қачон пасаймасин ижодингиз ҳеч қачон тутамасин!»<sup>1</sup>.

Ёки ёш қаламкаш А.Мукимов «Ўзбекистон маданияти» саҳифасидан бир ҳикояси эълон қилингач, орадан бир ҳафта ҳам ўтмай, Абдулла Қаххордан қуидаги мактубни олганлигини ҳайрат билан эслайди: «Бизнинг ташаббус»ни ўқиб кувониб кетдим. Сизда сатирик ёзувчининг ўткир кўзи, кувлиги бор. Бу соҳада муваффақият қозонишингизга аминман...»<sup>2</sup> Улкан ёзувчининг бундай илиқ ва самимий сўzlари ёш қаламкашнинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлаши ва унга маънавий рух-далда бағишлиши шубҳасизdir. Муҳими яна шундаки, бу ёш ижодкорларнинг кейинги асарлари ҳам Абдулла Қаххорнинг ҳолисони нигоҳидан ўтади, улар ҳакида ҳам устоз ёш муаллифга яна бир неча хат йўллайди. Шулардан бирида унинг уринчиларидаги муваффақиятсизликларнинг асосий сабабларини кўрсатиб, жумладан шундай ёзади: «Ҳеч қачон бир нарса ёзиш учун ёзманг. Айтадиган гапингиз жуда зарур бўлганда, мени айт, деб тиш оғриғидай азоб берганидагина ёзинг. Ёмон кўрган одамингизга муҳаббат изхор қилиб ҳат ёзолмайсиз-ку, нима учун йўқ туйғудан адабий асар тўкиш мумкин, деб ўйлайсиз!».

<sup>1</sup> А.Қаххор. Ёшлар билан сұхбат. 5-бет.

<sup>2</sup> «Гулистон» журнали, 1972 йил, № 9, 13-бет

Келтирилган хатлардан кўриниб турибдики, Абдулла Қаххор чинакам адабиёт муҳиби сифатида ёшлар ижодига ҳамиша жиддий масъулият ва талабчанлик билан муносабатда бўларди, уларнинг ютуғидан фаҳрланар, камчиликларидан ташвишга тушарди. Шунинг учун ҳам Абдулла Қаххорнинг мактубларини ёш талантларни тарбиялаш ва уларга нисбатан ҳакиқий ғамхўрликнинг ажойиб намунаси деб аташ мумкин.

Абдулла Қаххор адабий ёшларнинг асарларини ўзига хос ғамхўрлик ва талабчанлик билан муттасил кўзатиб ва таҳлил этиб борар экан, уларнинг ижодий имкониятлари ва интеллектуал салоҳиятларини ҳамиша юксак қадрлар эди. Айниқса, талантли ёшларнинг ана шундай фазилатлари билан келажакда адабиётимиз янада юксалишига астойдил ишонар эди. Хусусан, устоз адабимизнинг 1965 йили ёш ижодкорлар билан ўтказган сухбати адабиётимиз ва танқидчилигимиз тарихида ҳам унутилмас учрашувлардан бири бўлиб колишини ўшанда ҳамма ҳам тасаввур этолган бўлмаса керак. «Ҳозирги адабиётимиз, – деган эди Абдулла Қаххор ўша сухбатида, – нақадар яхши, нақадар катта бўлмасин, келажакда яратиладиган буюк ўзбек адабиётининг пойдевори, фақат пойдевори бўлиб қолади. Мен нима учун эртага буюк адабиёт яратилишига, бу адабиётни ҳозирги ёшлар яратишига аминман? Мен ҳозирги ёшларни ўзимнинг ёшлигимга, буларнинг дастлабки асарларини ўзимнинг дастлабки асарларимга қиёс қилиб, шундай ишонч пайдо килдим» (VI, 414).

Ҳаёт Абдулла Қаххорнинг башоратини рўёбга чикарди–буғунги кунда энг аввало Истиқлол шарофати билан ўзбек адабиёти ва танқидчилиги ҳам ғоявий, ҳам бадиий-эстетик савияси жихатидан янги бир камолот босқичига кўтарилди.

Шу муносабат билан Абдулла Қаххорнинг уй-музейида ўтказилган анъанавий хотирлаш кечаларидан бирида севимли шоиrimiz Эркин Воҳидов томонидан билдирилган ажойиб бир фикрни эслашни лозим топамиз. Дарҳақиқат, ўша кечада Эркин Воҳидов мамнуният билан таъкидлаганидек, Истиқлол даврида адабиётга муносабат тубдан ўзгарди, санъат ахлига ишонч-эътибор ҳар қачонгидан ортди. Бунинг ёрқин бир далили ўлароқ, бир неча йирик ижодкорларимиз мустакил Ватанимизнинг юксак мукофоти –Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан шарафланди. Ана шундай юксак унвон билан тақдирланган атоқли ижодкорларимиз – Абдулла Орипов ҳам, Сайд Аҳмад ҳам, Озод Шарафиддинов ва мён ҳам улуғ адабимиз Абдулла Қаххорнинг меҳр-شاфоатидан ва унутилмас сабокларидан баҳраманд бўлганимиз. Шу боисдан ҳам биз бугун устозимиз Абдулла Қаххорни тўртинчи марта адабиётимиз Қаҳрамони бўлди, дея эъзозлагимиз келади.

Накадар самимий ва адолатли эътироф!

А.Қаххорнинг устоз сифатидаги ёрқин фаолияти шу қадар самарали ва истиқболлики, бу баҳрамандлик таникли ёзувчимиз П.Қодиров таъкидлаганидек, «кейинги авлодлар қалбидан янада равнак топмокда» (346-бет). Зотан, А.Қаххор замондошларининг нурли хотиралари мазмунидан келиб чиқувчи асосий бир хулоса ҳам, адабнинг энг улуғ васияти ҳам – шу.

Хотираларнинг яна бир аҳамиятли томони бор: уларда А.Қаххорнинг ҳаётимиздаги муҳим маънавий-ахлоқий муаммолар ҳақидаги қарашлари билан бирга, А.Қодирий, Ф.Ғулом, Ойбек, М.Шайхзода, Миртемир каби атоқли адиллар, шунингдек, ижод йўли бир қадар мураккаб бўлган Чўлпон, Фитрат ва Боту каби йирик сўз санъаткорлари ҳақида айтган қимматли фикрлари ҳам баён этилганки, улар хотирамизда абадий ўрнашиб қолади ва бу санъаткорлар ҳақида жиддийроқ ўйлашга, улар ижодига янгича бир назар билан қарашга даъват этади: «Ғ.Ғулом мислсиз истеъдод эгаси эди. Афсуски, ўзидағи шу улкан истеъдоднинг ҳаммасини тўла ишга сололмай, тўқсон фойизини ўзи билан олиб кетди. Аммо шу ишга солинган истеъдод маҳсули билан ҳам у адабиётимизда классик бўлиб қолаверади...» (180-бет)

«Мақсаднинг шоирлиги-ю драматурглигини бир ёққа қўйиб турганда ҳам адабиётшунос-танқидчи сифатида ўзбек адабиётшунослигининг ярмини ташкил этади» (180 бет).

Албатта, тўпламга киритилган хотираларнинг қиммати шулар билангина чекланмайди. Улар А.Қаххор ижодий биографиясини янада кенгроқ ёритишида, айrim асарларнинг яратилиши тарихини атрофлича ўрганишида, қолаверса, адабнинг етук мунаққид ва адабиётшунос сифатидаги ўзига хослиги ва эстетик қарашларини равшанроқ англаб олишимизда ҳам ишончли бир манба бўлиб хизмат қиласди.

Ниҳоят, тўпламнинг Қаххор ижоди ва такрорланмас сиймосини ёрқинроқ тасаввур этишимизда муҳим аҳамиятга эга эканлигини ва уни адабиёт мутахассисларидан тортиб, оддий китобхонларгача мароқ билан ўқишига умид боғлаган ҳолда, мазкур асарни янада мукаммал ва бенуқсон кўриш орзусида баъзи истак ва мулоҳазаларни айтиш зарур. Энг аввало шуки, тўпламга Қаххор билан узок йиллар давомида бир сафда ижод қилиб келган Ҳамид Олимжон, Зулфия ва Асқад Мухтор каби таникли замондошларимизнинг ҳам адаб ҳақидаги хотира ва таассуротларини киритиш билан (баъзи умумий фикр ва маколаларни қисқартириш эвазига бўлса-да) асар мазмунининг салмоғини яна ҳам ошириш мумкин эди. Шунингдек, қаххорнинг талантли издошлари бўлган ва бугунги прозамиз тараққиётiga муносиб ҳисса кўшган Неъмат Аминов ва Хайриндин Султон каби ўзига хос ёзувчиларимизнинг ҳам устоз ҳақидаги нуктадонлик билан бойитилган таассуротлари тўпламдан жой олганда,

улар ҳам, шубҳасиз, Қаҳхор сиймоси ва унинг юксак бадиий маҳоратини ёритишга кўпроқ хизмат қилган бўлар эди.

Тўпламда баъзи баҳсли фикрлар ва ноаникликлар ҳам учрайди. Масалан, «Минбар» (О.Мухтор) номли маколада бир қатор мароқли кузатишлар билан бирга бир ўринда шундай ғалати бир жумлани ўқиймиз. «А.Қаҳхор портлаган мушакнинг гўзаллиги совуқ, юлдузнинг гўзаллиги илик бўлади» деган нозикликкача етиб борди...» (165) Бизнингча, Қаҳхордек нозиктаъб санъаткорнинг фикрларини бу тарзда ўзгартираверишга эҳтиёж йўқ эди. Қолаверса, бу жумладаги маъно бир қадар дудмалроқ кўринади. Ёхуд Н.Худойберганов томонидан ёзилган «Хурмат ўз ўрнида» номли маколада ҳам шунга ўхшаш мунозарали фикрга дуч келамиз: «А.Қаҳхор ўз салобатига кўра ғуурланиш туйғусини... бутун танасига сингдирганини укканман» (268-бет). Очигини айтганда, дафъатан бу сўзларнинг маъносига тушунишга ҳам қийналасан киши. Лекин бу жумлага алоҳида тўхталаётганимизнинг боиси ундаги маънонинг мавхум эканлигидагина эмас, агар шундай бўлганда, бу каби жуъзий нуқсонни муаллиф ё мухаррирнинг таҳrir савияси бир оз бўш эканлигига йўйиб қўя колган бўлардик. Бизнинг эътиroz билдираётганимизнинг жиддийрок сабаблари бор.

Агар янглиш масак, бу ўринда Н.Худойберганов А.Қаҳхор ўз салобати, яъни ўз таланти ва ижоди билан ғуурланиш ва фахрланишни жойига кўярди, деган маънони ифодалаётган бўлса, бу фикр тўпламдаги деярли барча хотираларнинг асосий мазмунига ва умуман, А.Қаҳхор шахси ҳақидаги реал ҳақиқатга мутлақо зид келади.

Холбуки, Қаҳхорни яқиндан билган замондошлари адабининг ғоят камтаринлигини ва ўз таланти ёки машҳур асарлари билан заррача бўлсин мағурланиш ёки кибрланиш ҳисси унинг табиатига бутунлай ёт эканлигини қайта-қайта ҳавас ва ҳайрат билан эътироф этишган. «Мен адабиётимиздаги улкан ижодкорлар орасида А.Қаҳхордек камтар ва камсукум ижодкорни билмайман», – дейди қардош ҳалқлар адабиётининг таникли вакилларидан бири Ғабит Мусрепов. Бу ҳақиқатни адабининг К.Симонов, К.Қаҳхорова, П.Қодиров, М.Қўшжонов, Ш.Холмирзаев, У.Норматов каби юзлаб замондошларининг утутилмас таассуротлари ҳам тўла тасдиқлайди. Чунончи, атокли адабиётшунос Озод Шарафиддиновнинг куйидаги гувоҳлиги ҳам фикримизга далил бўла олади: «У умуман шаҳратпарастлик касалидан ҳоли эди. Шунча йил ҳамсухбат бўлиб, мен бирон марта у кишидан «менинг хизматларим ундоқ, мен фалончилардан юкори тураман, Абдулла Қодирийдан кейин ўзимман, Гоголга етиб олдим»га ўхшаш бачкана гапларни, майда мақтанишшарни эшитган эмасман. (303-бет)

Кези келиб қолди, шахсий бир мулоҳазамни ҳам айтайн. Камина ҳам А.Қаҳхорнинг барҳаёт сиймосини кўрган, пурмаъно сўзларини тинглаш

бахтига мұяссар бўлган ва адиб асарларини анча йиллардан буён баҳоли кудрат мутолаа қилиб келаётганларданман. Номзодлик диссертациям учун мавзуни ҳам устозим Озод аканинг маслаҳатлари ва рағбати билан Абдулла Қаҳхор ижодидан танлагандик.

70-йилларда А.Қаҳхорга нисбатан юкори ташкилотларнинг, айниқса ком фирмәнинг расмий идоралари муносабати асосан салбий эди. Шу боисми қолаверса, мени аябми, профессор Лазиз Қаюмов каби олимлар менга «Бу мавзуни қўйинг, қийналиб кетасиз», деб маслаҳат беришганди. Лекин талабалик йилларимдан Қаҳхорга бўлган меҳр-эътиқодим туфайли, айниқса Озод академик зукко устозимнинг ҳар жиҳатдан қўллаб-кувватлаши билан «Қаҳхорнинг адабий-танқидий меросини ўрганишни асосий мақсад қилиб олгандим. Ўша кунлари бахтли бир тасодиф туфайли машҳур адиб Чингиз Айтматов билан Москвада сухбатлашиш имкони туғилганди. У киши ҳам «Диссертациянг учун улкан ёзувчини танлабсан, энди жаксилаб жаз», деган сўзлари билан руҳий мадад берганлигини ҳамиша миннатдорлик билан эслайман.

Юқоридаги баҳсга қайтиб, шуни айтишим керакки, Қаҳхорнинг на бирор нутки, на бирор мақола ёки сұхбатида ўзи ҳақида озгина бўлсин ошириброк гапириш у ёқда турсин, ҳатто бирон марта нокамтаринлик ёки носамимийлик билан фикр юритганини, лоакал шунга яқин оҳанг ёхуд бирор ишорани сезган эмасман.

Бир жиҳатдан Абдулла Қаҳхорнинг куйидаги самимий эътирофи ҳам ибратлидир. «Ёзувчи, –деган эди. А.Қаҳхор, –уз ижодий ишидан ҳеч қачон каноат ҳосил қилмайди, қаноат ҳосил қилған куни, менимча, ёмон қариган лакма чолга айланади» (6.308). Дарҳақиқат, ўз ижодидан қониқиш ёки ёзувчилик шуҳрати билан ғуурланиш эмас, балки ўз ёзғанларидан каноатланмаслик унинг бутун онги ва шуурини нурлантириб турган мүкаддас туйғу эди. Атоқли шоирларимиз Р.Ҳамзатов ва Қ.Кулиевлар ўзларининг А.Фадеев, А.Твардовский каби XX аср адабиётининг буюк намояндадари ҳақидаги хотираларида уларга хос юксак маданият, табиатан камтарлик ва ўзгалар ҳақида доимий қайғуриш каби тенгсиз фазилатларни алоҳида меҳр билан тилга олишади. Назаримда, А.Қаҳхор ҳам ана шундай улуғ санъаткорлар сафига туради. Шунинг учун ҳам Н.Худойбергановнинг «А.Қаҳхор ўз салобати билан ғуурланарди» тарзida айтган ғализ фикри ўқувчидаги ҳакли эътиroz уйғотади.

Шунингдек, тўпламда таҳrir маданияти ва масъулиятининг етарли даражада бўлмаганлиги оқибатида айрим ноаникликлар ва фикрий чалкашликларга ҳам йўл қийилган. Чунончи, А.Қаҳхорнинг Э.Воҳидов хотирасида келтирилган куйидаги характерли фикри ҳам негадир ўзгартириб юборилган: «Маълумки, амалдорни мактаган одам бориб уни қулоғига мақтамайди...» дейиш ўрнига «мактайди» сўзи қўлланилган

(115-бет). Ҳолбуки, фикр мантики бу сўзни инкор этади. Э.Воҳидовнинг «Шоиру шеъру шуур» асарида бу ибора тўғри берилган. (Қаранг: 63-бет).

Булардан ташқари, тўпламда А.Қахҳор ижоди ва биографиясига доир айрим фактлар ва ракамлар ёхуд ўкувчиларга адаб ҳақидаги асарлар орқали аввалдан маълум бўлган баъзи воқеа ва тафсилотлар ҳам (ёзувчининг хасталиги, боғ тасвири, Кибриё опанинг меҳмоннавозлиги ва х.к.) бир неча бор қайтаришганки, бу ҳолни ҳам муҳаррирлар эътиборсизлиги билан изоҳлашга тўғри келади. Ёки айрим эсадаликларда «Тешик дастурхон» ва «Қуюшқон» фельетонларининг ҳам «ҳикоя» деб аталиши ўкувчини чалғитади. Бир ўринда А.Қахҳор 1953 йилда Ёзувчилар союзига раҳбарлик килар эди, дейилса, бошқа хотиради бу сана 50-йилларнинг 2-ярмида деб кўрсатилади, (335, 71-бетлар) шунингдек, асар тилида баъзи стилистик ғализликлар ҳам мавжуд. Шуни ҳам таассуф билан айтишга мажбурмизки, бу хил қайтариқ ва чалкашликлар фақатгина «Абдулла Қахҳор замондошлари хотирасида» тўпламида учраётгани йўқ. Балки улар Миртемир, М.Шайхзода ҳақидаги хотираларда ҳам кўплаб топилади. Масалан, «М.Шайхзода замондошлари хотирасида» тўпламида шоирнинг машҳур «Ўзларидан сўрасак» ибораси қарийиб ўн жойда тақрорланган. Беихтиёр ўйлаб коласан, ахир Шайхзодадек буюк санъаткорнинг топган-тутгани ёки муҳлислари ёдида қолгани биргина шу ибора бўлмагандир. Бинобарин, А.Орипов: «А.Қахҳорнинг қоғозга тушмаган қанотли қочиримларини йиғса ҳам бир китоб бўлар,» –деганда жуда хақ. Зотан, бу каби хайрли ишлар ношир ва адабиётшуносларимизнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиши керак.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, юкорида кўрсатилган нуқсонлар тўпламнинг умумий кимматини пасайтиrmайди. А.Қахҳорнинг ёрқин хотираси замондошлари қалбида ардокли бўлиб яшар экан, унинг асарлари қайта-қайта ўқилар экан, севимли адабимиз ҳақида яна янги янги асарлар ва салмоқли тадқикотлар яратилаверади. Истеъодли адабиётшунос Иброҳим Ҳаккуловнинг яқинда «Тафаккур» журналида чоп этилган бадиаси ҳам ана шундай асарлардан бири сифатида ўкувчиларда илик таассурот қолдирди.

## Муқаммал нашр йўлида

Ҳозирги замон ўзбек адабиётининг атоқли намояндадаридан бири Абдулла Қахҳор асарларининг беш жилдлик мажмуаси нашр этилиши машҳур адабимиз хотирасига чукур эҳтијом ифодаси бўлиши билан бирга, айни вақтда, бу жумҳуриятимиз маънавий ва адабий ҳаётидаги муҳим бир воқеа сифатида баҳоланиши лозим.

Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан нисбатан қиска бир вақт ичида (1987-1989 йиллар) чоп этилган бу нашр адибнинг 1957-1958 йиллардаги уч жилдлик ва 1967-1971 йилларда чикарилган олти жилдлик асарлар тўпламидан анча фарқ қиласди ҳамда ўзининг катор жиҳатлари билан китобхонларни ҳушнуд этади. Жумладан, ёзувчи асарларининг олдинги нашрларида бирмунча қисқартириб босилган ёхуд бутунлай киритилмай қолган катор асарлари ҳам бу тўпламни нашрга тайёрловчилар ва таҳририят ходимлари томонидан эътиборга олинган. Натижада адибнинг кўп йиллар давомида ўқувчиларга маълум бўлмай келган «Қизил конверт», «Сеп» сингари хикоялари ва ўндан ортик фельетонларининг, чоп этилиши шунингдек, «Ҳаёт кўшиги» ва «Абдулла Қодирий» каби адабий-танқидий асарларининг сезиларли даражада тўлдирилганлиги ҳам, шубҳасиз, мазкур нашр мундарижасини бойитишга хизмат қилган.<sup>1</sup>

Бироқ, асосий гап янги нашрда адаб асарларининг сон ва ҳажм жиҳатдан анъанавий суратда кенгайтирилганлигидагина эмас, балки турли даврларда яратилган ва ушбу тўпламда деярли тўла камраб олинган мазкур асарлар ёзувчи ижодий эволюциясини ва унинг гоявий-бадиий оламини янада тўлиқроқ тасаввур этиш имконини беришидан ташқари, улар ўзбек адабиёти ва танқидчилигининг мукаммал тарихини яратишида ҳам муҳим ахамият касб этиши ўз-ўзидан равшан.

Шу ўринда Абдулла Қаҳҳорнинг адабиётимиз тарихидаги мураккаб бир даврни ўрганиш борасида сўзлаган ва илк бор ушбу тўпламнинг бешинчи жилдида нисбатан тўла эълон қилинган нуткидан куйидаги бир парчани диккатингизга ҳавола этишини истардик: «Бизнинг 20-йиллар адабиётимиз тарихи ҳозирги туришида камбағал кўринади. Ўз вақтида факат Абдулла Қодирийгина эмас, каттакон олим ёзувчи Фитрат, зўр талант згаси Чўлпон, жўшқин комсомол шоир Боту, сатира ва юморда тенги, тимсоли йўқ ва ўзига хос шоир Сўфизода, 20-йиллар поэзиясини безаган шоирлардан Рафик Мўмин, Ғулом Зафарий, уста сатирик шоир Абдуҳамид Мажидий сингари кўп арбобларимизнинг ҳам номи ўчган эди. Кейинги вақтларда адолат юз кўрсатиб, буларнинг ҳаммаси бош кўтараётиби, адабиётимиз тарихига қайтаётиби. Бунга ҳар бир виждонли киши, ҳар бир зиёли бениҳоя хурсанд бўлиши керак. Афсуски, орамизда бу муҳтарам зотларнинг тирилиб, 20-йиллар адабиётимиз тарихини обод килишига ғашлик қилаётган, ҳатто тўскинлик килмоқчи бўлган одамлар ҳам бор ... Ҳолбуки, айтилган адаб ва шоирлар сафига қайтса, ҳеч кимни ўрнидан турғизмайди, ўзининг бўш турган ўрнига ўтиради, чунки адабиётда ҳеч качон бирор бирор ғизматни ололмайди, ҳар ким қобилияти, қилган хизмати, кай ларажада китобхоннинг

<sup>1</sup> Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Беш жилдлик. Тошкент. F. Ғулом номли Адабиёт ва санъат нашриёти. 1987-1989 йй. Бундан кейин ушбу жонса саҳифалари матн ичида кўрсатилади.

кўнглини олганига қараб ўз муносиб ўрнини ишғол қилади. (У, 194-195 бетлар).

Бундан 45 йиллар мұқаддам Абдулла Қодирий таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан ЎзФА Тил ва Адабиёт институтида сўзланган бу нутқ, таассуфки, шу вактгача жуда озчиликка маълум эди.<sup>1</sup> Муболагасиз айтиш мүмкінки, хийла мураккаб бир вазиятда қаххорона шијоат ва қатъият билан ирод этилган бу нутқ адабий жараён ва миллий тафаккуримизда бошланаётган инқилобий янгиланишининг дастлабки намуналаридан бири сифатида тингловчиларда нечоғлик катта таассурот қолдирғанлигини О.Ёкубов, П.Қодиров, О.Шарағиддинов, М.Кўшжонов сингари таникли ёзувчи ва адабиётшуносларимиз ҳанузгача тотли орзиқиши билан эслашади. Дарҳақиқат, Э.Вохидов ибораси билан айтганда, 60-йиллар адабий мухитининг марказида турган сиймолардан бири А.Қаххорнинг мантиқан бой, самимият тўла бу нутки ноҳақ кораланган ва сталинча машъум сиёсатнинг курбони бўлган қатор адиларимиз ҳаёти ва ижодиётини ўрганиш ва улар меросини ҳалққа қайтаришдек долзарб ва хайрли ишга кўл уришга ўша кезлари ботинолмай, хадиксираб турган кўплаб диёнатли олим ва тадқикотчиларимиз учун жиддий бир туртки, асосли маънавий бир далда бўлиб хизмат қилган бўлса ажаб эмас.<sup>2</sup>

Янги куллиётнинг яққол кўзга ташланадиган ана шундай фазилатларидан яна бири шундаки, унда А.Қаххорнинг қарийиб кирқ беш йиллик ижодий фаолияти давомида яратилган деярли барча асарлари тўпланиб, улар изчил хронологик принцип асосида ўкувчиларга тақдим этилади. Чунончи, ёзувчи ҳикоя ва очеркларининг ёхуд кисса ва комедияларнинг алоҳида жилдларга мутаносиб бир тарзда жам қилиниши ноширларнинг мазкур асарларнинг яратилган даври ва жанр хусусиятларини ҳам назарда тутганликларидалат берадики, бу хол китобхонлар учун ҳам, адаб ижодининг тадқиқотчилари учун ҳам кулайлик туғдириши аёндир. Мажмуалар тартибидаги бундай изчилликнинг ўзига хос бир афзаллиги шундаки, улар Қаххор ижодининг шаклланиши ва ривожланиш жараёни ҳамда ғоявий-тематик кўламини кўз олдимиизда яхлит тарзда намоён этиши билан бирга, айни вақтда, янги давр ўзбек адабиёти ва унинг муайян жанрлари тадрижий тараққиёт йўлларини ҳам акс эттириб туриши билан ўтиборга лойикдир. Хусусан, таникли адабиётшунос Умарали Норматов тўгри таъкидлаганидек, Қаххорнинг биргина ҳикоячиликдаги ижодий эволюциясига назар ташлаш орқали ўзбек ҳикоячилиги ривожидаги муваффакиятларни ҳам, қусурларни ҳам, ҳикоячилик ривожининг турли этапларига хос асосий тенденцияларни ҳам яққол кўриш мумкин.<sup>3</sup>

Шу маънода мазкур тўпламни ҳеч иккиланмай XX аср ўзбек адабиёти тарихининг ҳам ёрқин сахифалари сирасига киритишими мумкин.

<sup>1</sup> Қаранг Шерали Турдиев. Абдулла Қодирий кечасида сўзланган нутқ. УзАС. 2004.15.Х.

<sup>2</sup> Эркин Вохидов. Қарздорлик. А.Қаххор замондошлари хотирасида. Т., 1987, 114-бет.

<sup>3</sup> Умарали Норматов.- Маҳорат сирлари. 5-б.

Нихоят, бу тўпламда А.Қаххорнинг ҳанузгача кенг ўқувчилар оммасига яхши маълум бўлмаган ва вакъти матбуот саҳифаларида ҳам эълон қилинмаган «Гап арузда эмас», «Радио ходимлари билан сұхбат» ва «Они тилимиз» сингари ғоят долзарб муаммоларга бағишлиланган адабий-танқидий ва публицистик асарлари билан бирга, адебнинг ҳаёт ва бадиий ижод соҳасидаги кўплаб теран мулоҳаза ва қайдлари билан ҳам илк бор тўлиқ танишишга мұяссар бўламиз. Чунончи, «Ён дафтардан қайдлар» сарлавҳаси остида берилган кўплаб фикр-мулоҳазалар ҳам ёзувчининг изтиробли ўй-мушоҳадаларининг самараси, ижодий-эстетик тафаккурининг мўъжаз бир намуналари дейиш мумкин. Зероки, қаххорона образлилик, чукур ҳаётийлик, тагдорлик ва хиёл кескин оҳанг-уларнинг ҳам хос хусусиятлари. Далил тариқасида улардан айримларини келтириб ўтайлик:

1. «Юк кўтар десанг, «кушман» дейди, «уч» десанг, «туяман» дейди.
2. «Мен муттаҳамнинг исмини айтмайман, чунки булар битта эмас, яна туғилиши мумкин. Мен мисол учун биттасини айтсан, ўнтаси эркин нафас олади».
3. «Агар сен ҳақиқатни айтгани амалингдан кўрксанд, ёш жоним бор, десанг, кўй мен гапирай, менинг амалим йўқ, ёшим ҳам бир жойга бориб колган! Сен тескари қараб тур, мен айтай...» (У жилд, 262-267-бетлар).

Асосан, таникли таржимон ва зукко адабиётшунос Кибриқ Қаххорованинг саъй-харакати натижасида тўпланган ва юксак дид билан сараланган бундай фикрлар ҳакида нима дея оламиз? Аввало шуки, бу мулоҳаза ва қайдлар ёзувчининг муайян ўткинчи бир кайфияти остида туғилган шунчаки тор шахсий таассуротлари ёхуд бирор салмоқли ғоя-фикрнинг дастлабки кораламаси эмас. Балки улар адаб асарлари сингари чукур ижтимоий дард ва мушоҳада ифодаси уларок, қаламга олинган ва ўзининг ҳаққонийлиги, замиридаги маънонинг кенглиги, шунингдек, шаклан ихчамлиги билан ҳам мақол ва хикматли сўзлар қаторида тура олади. Шу каби фазилатлари билан улар талабчан адабиётшуносларни ҳам, касб-кори турли хил бўлган оддий ўқувчиларни ҳам баб-баравар ўйга толдиради, атрофга, ҳаётга хушёррок назар солишга ундейди. Санъаткор сўзининг қадри ҳам аввало ана шунда-китобхонни бефарқ колдирмаслигига, унинг қалби ва тафаккурини жунбушга келтиришида эмасми?!

Афсуски, Абдулла Қаххорнинг кўплаб бадиий асарлари каби унинг маънавий-эстетик тафаккуrimиз ва ижтимоий ҳаётимизда ҳам муҳим воеа бўлган бундай ўзига хос нутқ ва фикрларининг ҳам қадрига етолганимиз йўқ. Аксинча, Қаххорнинг ҳалк ҳаёти ва адабиётимиз келажаги ҳакидаги чукур донишмандлик ва изтироб билан йўғрилган теран фикрлари ҳам кўпинча адаб ижоди ва шахсини камситиш ва уни ноҳақ коралаш учун «дастак» бўлиб хизмат қилиб келди. Чунончи, 1968 йили чоп этилган, адабиётимиз ва танқидчилигимиз ривожида, айниқса, ёш ижодкорлар тарбиясида бекиёс аҳамият касб этган. «Ёшлар билан сұхбат» номли асари адаб вафотидан сал ўтмасданок бутунлай тақиқланди. Сабаби асосан, битта-

«Ёзувчи ён дафтаридан» рукнида берилган қаҳхорона кескин ифодаланган бир фикр эди: «Мен партиянинг солдати эмас, балки онгли фуқаросиман». Бу ўринда ортиқча изоҳга ҳожат бўлмаса керак. Факат шуни таъкидлаш лозимки, хаёт ҳам, олий ҳакам бўлган вақт ҳам Абдулла Қаҳхорнинг ҳақлигини кўрсатди.<sup>1</sup>

Тўғри, Истиклол шарофати билан сўз ва ижод эркинлиги берилган ва ҳакиқатни баралла айтиш имкони туғилган ҳозирги кунларимизда айrim зиёлилар, хусусан, ижодкор ёшлар учун бу воеа фавқулодда бир ҳодиса бўлиб туюлмаслиги мумкин. Лекин бундан салкам 40 йиллар муқаддам юксак бир минбардан туриб айтилган бу сўзлар мустабид тузум ва унинг ҳукмрон коммунистик мафкураси илдизларига урилган нечоғлик кескин зарба бўлганлигини тасаввур этиш учун энг аввало ўша даврни кўз олдимизга келтиришимиз керак бўлади.

Энг муҳими, атоқли адабиётшунос Озод Шарафиддинов тўғри таъкидлаганидек, Қаҳхор сингари жасоратли адиларимизнинг бундай ёркин нутқ ва маколаларининг аҳамияти нафақат бадий-эстетик тафаккуримиз ривожида, балки бутун ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётимиз тараккиётида ҳам муҳим бир омил бўла олганлигидадир.<sup>2</sup>

Кези келганда, шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, Абдулла Қаҳхор сингари адиларимизнинг ибратомиз ҳақгўйлиги адабиётимизнинг кейинги авлоди вакиллари бўлмиш-Асқад Мухтор, Одил Ёкубов, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва Ўтқир Ҳошимов каби йирик санъаткорларимиз томонидан ҳаётбахш бир тамойил сифатида муваффакиятли давом эттирилаётганлигини мамнуният билан тилга олишимиз мумкин. Биз бу ўринда мазкур адиларимизнинг жаҳон адабиёти дурдоналари билан беллаша оладиган гўзал бадий асарларинигина эмас, балки уларнинг кундалиқ ва тундаликларини ҳам, фикрлари ва дафтар ҳошиясидаги битикларини ҳам, бир сўз билан айтганда, уларнинг ҳаёт, адабиёт ва бадий ижод муаммолари ҳақидаги теран ўй-мушоҳадалари ва муҳтасар қайдларини ҳам назарда тутяпмиз. Бинобарин, бу ижодий анъана ҳам адиларимизнинг кундаликлари ва ён дафтарларидағи қайд ва фикрларнинг ҳаётий зарурати ва ижтимоий-эстетик аҳамиятидан ёркин гувоҳлик бериб туради.

Абдулла Қаҳхорнинг кўп йиллик ҳаётий кузатишлари асосида вужудга келган ва маънодор ифода ва кочиримларга бой бўлган бундай фикр ва қайдларни мароқ билан ўқир эканмиз, беихтиёр А.П.Чехов ва Л.Толстой, М.Горький ва Ф.Кафка каби машҳур адиларнинг тўла асарлари мажмуаси ёдимизга келади. Дархақиқат, бу тўпламларга улугғ адибларнинг етук бадий асарлари билан бир қаторда кундаликлари ва ён дафтарларидағи характерли фикр-мулоҳазалар ҳам алоҳида китоб ёки боб сифатида киритилиши анъанавий тус олган ва боз устига, улар адабиётшуносликда

<sup>1</sup> Одил Ёкубов. Адабиётимиз фахри. А. Қаҳхор замондошлари хотирасида. Т., 1987, 5-бет.

<sup>2</sup> Озод Шарафиддинов. Ижодни англаш бахти. Т. 2004, 411-бет

ҳам маҳсус ўрганилган. Бинобарин, бу конуний ва ибратли бир ҳодиса-кундалик ва ён дафтарлар ҳам улуғ адиблар ижодий лабораториясининг ўзига хос нозик бир соҳаси, таъбир жоиз бўлса, санъаткор ўй-кечинмаларининг ва адабий-эстетик тафаккурининг ҳам инжа бир гўшаси дейиш мумкин. Қолаверса, ёзувчининг маънавий-эстетик қарашларининг узвий бир қисми бўлган шаклан ихчам, мазмунан теран бу қайд ва фикрлар мураккаб адабий-танқидий жараённинг маълум нуқталарини ёритишга ёрдам бериши билан ҳам диққатни жалб этади.

Тўпламлардаги хилма-хил асарлар билан яқиндан танишган китобхонларнинг Қаххор шахси ва ижоди ҳакидаги тушунча-тасаввури беҳад бойиши шубҳасизdir. Бутун таланти ва қалам ёлқинини халқка баҳшида этган ҳассос адиб асарлари замондошларимиз маънавий ҳаётида нақадар салмоқли ўрин тутишини ҳакли бир ифтихор билан эътироф этган ҳолда, мазкур тўпламнинг мундарижаси ва матни билан боғлиқ баъзи мулоҳазаларимизни ҳам айтиб ўтишга ўзимизда эҳтиёж сезамиз.

Дастлаб шуни таъкидлаш жоизки, Қаххор ижодида ҳам, адабий ҳаётизда ҳам муҳим из колдирган «Ҳамқишлоқлар», «Ҳуснбузар» ёки «Замона ва адабиёт» сингари асарлар ноширлар эътиборидан четда қолган кўринади. Албатта, битта-иккита хикоя ёки мақоланинг киритилиш-киритилмаслиги муайян тўпламнинг мазмуни ва гоявий йўналишини тубдан ўзгартириб юбормайди. Бирок бу асарларнинг ижодий тарихи ва тақдири кўп жиҳатдан характерлидир. Чунончи, ёзувчининг бундан 50 йиллар илгари ёзилган, лекин ҳанузгача бирор тўпламига киритилмаган ва адабиётшуносларимиз томонидан ҳам ўрганилмаган «Ҳамқишлоқлар» хикоясида ўз даврининг муҳри, аникроғи, нуқси аниқ сезилиб туради. Яъни урушдан кейинги даврда ҳукм сурган «конфликтсизлик назарияси» ва мадхиябозлик каби иллатлар адабиётимиз ривожига, жумладан, Қаххор асарларига қанчалар салбий таъсир ўтказганлигини мана шу биргина хикоя мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Хикояда «Социализм» колхозининг урушдан кейинги оғир йиллардаги ҳаёти акс эттирилади. Лекин хикояни ўқиган ўқувчи кўз олдида эллигинчи йиллардаги оғир қишлоқ ҳаёти эмас, балки қандайдир замонавий бир шаҳар манзаралари гавдаланиши турган гап. Масалаи, колхоз ҳаётининг кечқурунги манзараси бир ўринда шундай тасвирланади: «Биз бокқа кирганда хиёбонларда одам кезар, кизил чойхона ва кироатхона гавжум, гулзорда икки одам бўйи отилиб, ранг-баранг чироклар ёғдусида юз товланиб тўшаётган фонтан атрофида болалар у ёқдан-бу ёққа югуришар эди». (Хикоя ва очерклар. Тош. Ўздавнашр, 1955, 10-бет).

Ҳаёт ҳакиқатидан узок бўлган бундай «гўзал лавҳа» ларни ўқир эканмиз, беихтиёр бошқа адиблар ижоди учун ҳам муштарақ бўлган нохуш бир ҳолат ҳаёлимиздан ўтади. Яъни Қаххордек ҳақгўй ёзувчининг ҳам баъзи асарларида санъатнинг муқаддас реалистик принципларидан бир қадар чекинишга мажбур бўлганлигига асосий сабаб ўша даврдаги ҳукмрон

мафкуранинг ҳамда унинг дастёрига айланган танқидчиликнинг асоссиз талабларига ноилож ён берганлигида ва оқибатда шундай бўяб-бежашлар кўпайиб кетганлигини сезиш қийин эмас.<sup>1</sup> Шунингдек, бу хикояда машхур «Синчалақ» қиссасидаги кўплаб воқеа ва характерларнинг дастлабки чизгиларини ҳам учратиш мумкинки, булар ҳам мазкур асарнинг ўқувчилар учун ва айниқса, тадқиқотчи-адабиётшунослар учун муайян адабий-тариҳий қимматга эга эканлигидан гувоҳлик беради.

Бу каби асарлар ҳақида сўз борар экан, истак тариқасида яна бир мулоҳазани айтиб қтиш ортиқчалик қилмас. Яъни А.Қаххорнинг илгари нашр қилинган олти жилдлик асарлари сўнгида адибнинг деярли барча хикоя, қисса ва мақолаларига оид зарур изоҳлар ҳам берилганди. Янги нашрда ҳам шу анъана давом эттирилса, нур устига нур бўлар эди.

Шу муносабат билан тўпламдаги баъзи асарларнинг муайян жанрга мансублиги борасида ҳам бироз аниқлик киритилиши лозим. Чунончи, адибнинг «Нутқ» номли асари хусусида йирик адабиётшунос М.Қўшжонов, жумладан, шундай ёзади: «Абдулла Қаххор тўпламларида «Нутқ» ни фельетон рубрикаси остида нашр қилган. Биз эса бу асарга ҳикоя деб қарашга мойилмиз. Чунки асарда тасвирланган материал конкретликдан кўра бадиий умумлашмага яқин».<sup>2</sup> Бизнингча ҳам, бу холосага қўшилиш керак, чунки асардаги характерларнинг бадиийлиги ва ҳаётйлиги, шунингдек, тилининг тасвирий воситалари ҳам уни ҳикоя жанрига киритишга етарли асос бўлади.

Мулоҳазаларимиз сўнгида тўпламдаги асарларнинг матнида баъзи нуқсонлар мавжудлигини ҳам кайд этишга тўғри келади. Яъни техник эътиборсизлик натижасида бўлса керак, айрим саҳифалар матни ва сўз-ибораларда кўпол чалкашликларга йўл кўйилган. Жумладан, «аруз» (вазн)-орзу деб, «бутун» –буғун деб, «сўз чўкиб» ўрнига «сўз чақиб», ёки «обод қилиши» ўрнига «одоб қилиши» тарзida босилган. Оқибатда, жумлалар гализ, маъно чалкаш ёки бутунлай ўзгариб кетган. Ҳолбуки, Қаххордек сўз заргарининг ҳар бир жумла ва ибораси алоҳида масъулият билан ёндашибни тақозо этади.

Ниҳоят, олдинги нашрларда бўлгани сингари бу нашрда ҳам такрорланган яна бир ноаниқликка эътиборингизни қаратмоқчиман. Маълумки, адибнинг «Ўтмишдан эртаклар» қиссасининг дастлабки бир боби «Туракул воғуруш» деб аталади. Унда Абдулланинг отаси уста Абдуқаҳорга ҳам, унинг таниши Додархўжага ҳам кўп ситамлар ўтказган, «ўликнинг ёгинию тирикнинг тирноғини» ҳам ейишдан тап тортмайдиган Туракул воғуруш деган ўта ноинсоф ва мунофиқ бир кимсаннинг килмишлари ҳақида ҳикоя килинади. (З-жилд, 221-228-бетлар). Бирок, таажжуланарли жойи шундаки, бу персонажнинг исми асар сўнгида Розик

<sup>1</sup> Раҳмон Кўчкоров. Истъодод кадри. Т., 1989, 66-67-бетлар.

<sup>2</sup> Матеқуб Қўшжонов. Абдулла Қаххор маҳорати. Т., 1988, 160-бет.

вофуруш деб бутунлай ўзгариб кетган. (280-бет) Албатта, бу ҳол ўкувчиларни ҳам, тадқиқотчиларни ҳам чалғитиши табиий.

Умид қиласизки, бу хил жузъий нуқсонлар Қаххор асарларининг кейинги тўплам-жилдликларида бартараф этилади ва улар адаб асарларининг ҳар жиҳатдан мукаммал нашри бўлиб майдонга келади.

# III. ЭРТА СҮНГАН ЮЛДУЗЛАР

## ТОҒАЙ МУРОД (1948 -2003) (поретретга чизгилар)

Тоғай Мурод адабиётга тутаб эмас, ёниб кирди. Қиссалари-соф миллий ўзбек киссалари. Бундай асарлар яратиш учун адаб рассомдек рангларни бир-биридан фарқ қиласиган, бастакордек товушларни тиник эшиладиган бўлиши керак... Назаримда, Тоғай Мурод кисса битмайди, назаримда, бор овози билан кўшиқ айтади. Бу кўшикда авж пардалар бор, нолишлар бор, савт бор.

Саид Аҳмад

70-йиллар адабиётимиз майдонига Мурод Мухаммад Дўст, Хайриддин Султон, Шавкат Раҳмон, Эркин Аъзам, Азим Суюн, Усмон Азим, Хуршид Даврон каби бир гурух талантли ёшлар кириб келди. Улар адабиётимизда катта бир маънавий-рухий тўлкин яратиб, эндиликда ўз ўрни ва овозига эга бўлган ижодкорларга айланди. Истиклол шарофати билан янги бир босқичга кўтарилаётган бугунги адабиётимиз ва маънавиятимиз ривожида ҳам, шубҳасиз, уларнинг муносаб хиссаси бор. Ана шундай истеъдодли ёзувчиларимиздан бири Тоғай Муроддир.

Илк ижодини ҳикоялардан бошлаган Тогай Муроднинг 1976-йили ёзилган ва кўп жиҳатдан ёзувчининг шахсий ҳаётий кечинмалари ва болалик таассуротларига асосланган «Юлдузлар мангу ёнади» номли дастлабки қиссаси ўзининг қизиқарли мавзуси, миллий характерлари ва ширали тили билан ўкувчилар эътиборини тортди. Дастлаб «Давра» номи билан нашр этилган бу асар Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси томонидан йилнинг энг яхши қиссаси деб топилди.

Қиссада халқимизнинг қадими мусобақаларидан бўлган «олиш» - миллий кураш орқали Сурхон воҳасидаги кўплаб полvonларнинг мард ва ўқтамлиги таъсирчан лавҳаларда акс эттирилади, уларнинг асл ўзбекона табиатига хос беғубор соддалик, тўғрилик ва бағрикенглик сингари безавол инсоний фазилатлар улуғланади.

Ота-боболаримизнинг удумларини эъзозлаб, эл-юрт ташвиши билан яшаб келаётган Бўри полvonлар учун меҳр-окибат, номус ва диёнат ҳамма нарсадан устун. Ҳаётда ҳам, маърака-давраларда ҳам мудом ҳалол ва субутли, имон-эътиқодли бўлиш – Бўри полvonнинг юксак аъмоли, яшаш тарзига айланган. У баковуллик қилган давралардаги беллашувларда

заррача бўлсин хиёнат ёки пасткашликка йўл кўйилмайди – ҳамиша адолат ва ҳалоллик, мардлик ва маҳорат голиб келади.

Бўри полвоннинг ёлғиз ўғли Тиловберди ҳам аслига тортади – ёшлигидан пирларни ёд этиб, ерни тавоф қилишни ўрганади ва отаси сингари полвонликни санъат даражасига кўтариб, эл олқишига сазовор бўлади. Унинг орқасидан ҳадемай неваралари эргашади, Бўри полвоннинг кўкдаги юлдузи ҳеч қачон сўнмайди – мангу ёнади. Кўхна юртимиздаги полвонлар сулоласининг пойидорлигидан, авлодлар бардавомлигидан, ҳалқ ва миллатимизнинг мангу барҳаётлигидан ёрқин бир далолат бу! Истиклол шарофати билан бекиёс даражада ривожланаётган миллий кураш ҳалқимизни жаҳонга танимокда.

Бинобарин, кўпни кўрган Бўри полвон куйиниб айтганидек, ҳалқ энг аввало ўзининг ана шундай миллий удумлари ва азалий урф-одатлари билан ҳалқ! Ота-боболаримиздан бизга маънавий мерос бўлиб колган ва юртимиз шаънини улуғлайдиган қутлуғ анъаналари билан ҳалқ! Турли хил тазийк ва чеклашларга қарамасдан, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бу хайрли анъаналаримиз – кўнглидарё ҳалқимизнинг бебаҳо бир бойлиги: бугун ҳам улар инсонийлик, чин эътиқод ва эл-юртга меҳрасадоқатнинг ўзига хос бир ифодаси, теран бир маънавий-руҳий илдизи бўлиб хизмат кила олади. Қиссанинг ўқувчилар онги ва қалбини жунбушга келтириб, уларни ҳам ўзлигимизни англашга ва маънавиятимиз, миллий ғуур ва қадриятларимиз хақида жиддий ўйлашга ундовчи ҳаётий бир сабоги, умуминсоний бир ғояси ҳам ана шу.

Тоғай Муроднинг илк қиссасидаёқ бўртиб кўринган ва унинг ижодий такомилида қудратли бир қанот бўлиб хизмат килган бу миллийлик ва ҳаётийлик ёш адибнинг кейинги асарларида янада чукурлаша боради. Ёзувчининг 80-йилларда нашр этилган «Ойдинда юрган одамлар» ва «Момо ер кўшифи» («Кўшиқ») қиссалари ҳам бугунги насримизни ва маънавиятимизни бойитган асарлар қаторида баҳоланишга арзиди. Хусусан, адабий танқидчиликнинг хайриҳоҳлик билан билдиран фикрлари асосида жиддий қайта ишланган «Ойдинда юрган одамлар» қиссасидаги Қоплон ва Оймомодек бокира ва тамизли инсонларнинг сахий қалби, покиза туйғулари, фарзанд илинжида умр бўйи қилган орзу-илтижолари, айни чоқда, уларнинг дард-ҳасратли ва изтиробли ўй-кечинмалари етук санъаткорларга хос маҳорат билан тасвиранади. Ёзувчининг меҳр ва самимият тўла тиник тасвири туфайли юртимизнинг олис кишлоғидаги бу мушфик, кўнгли ярим ва бахти кемтик инсонлар ўқувчиларнинг ҳам азиз бобоси ва табаррук момосига айланади. Уларнинг ўзаро иболи меҳр-муҳаббати, шикаста сўзлари ва сокин дарёмисол вазмин «туриш-турмуши ҳам ойнинг кумуш нурларига йўғрилиб кетгандек» унутилмас таассурот колдиради.

Кисса тили табиий ва равон, оҳангдор ва таъсирчан. Уни ўкиётгандай ўзингизни гўё нурли бир олам оғушида сезасиз. Қахрамонлар тақдири сизни бутунлай чулғаб олади, қалбингизда ёруғ бир ҳамдардлик ҳислари уйғониб, уларнинг ўксик дилларига малҳам бўлгингиз келади; гўё юракларни ўртовчи латиф ва ҳазин бир куй тинглагандек бўласиз, кўнглингиз аллақандай ғубордан фориғ бўлгандек равшан тортади. Чунончи, қиссадаги ҳаётий лавҳалардан бири – куёв-қайликлар тонги тавсифини ёдга олайлик. Ортиқча ҳиссиёт ва чучмал сентименталликдан ҳоли бўлган бу тасвир энг аввало ўзининг шарқона назокати ва бетакрор фасоҳати билан, хусусан, аёл зотини илохий бир маъбуда даражасидай эъзозлай олган Қоплоннинг қалб нигоҳи қанчалар тийрак ва некбии эканлигини чукур акс эттирганлиги билан қиссага алоҳида бир жозиба бағишлиған: «Куёв кўнгли тонгдай ёришди... куёв кўзларига жамики олам оппоқ бўлиб кўринди. Пойидаги йўл оппоқ, чойшабдай оппоқ. Уйлар, деворлар, дараҳтлар-да оппоқ, кушлар-да оппоқ. Кўча ёқалаб оқмиш сувда оппоқ. Сув жилдираши-да оппоқ, чойшабдайин оппоқ. Тонг етилди. Юлдузлар сўнди-сўнди. Зухра юлдуз ёлғиз қолди.

Куёв қучоқ очди-тонгни бағрига босди. Тонг бепоён осмони, қорға беланмиш тоғлари билан, паришон адирлари, сарвқомат тераклари билан куёв қўйнига кирди.

Рўпарасидан одам келди. Куёв одамзотни илк бор кўрмишдай тикилди. Бу одам итидан-да ёмон кўрмиш Исмат овчи бўлди. Ушбу дамда Исмат овчи-да бинойидай одам бўлди.

Оlamda ёмон йўқ, барча-барча яхши бўлди»...

Бизнингча, шу биргина сахифа ҳам ижодкорнинг хаёлот уфқи кенглигидан ва унинг талантли мусавириларга хос ёрқин тасвирлаш маҳоратидан гувоҳлик бера олади. Бу – икки беғубор қалбнинг кўпдан бери интиқлик билан кута-кута етишган энг баҳтли ва масъуд дамларидаги ҳаё ва иффат пардасига чулганган ҳаяжонли бир ҳолатнинг ўзига хос нафис тасвири. Бу – ўз суюклиси Оймомо висолидан чексиз масрур бўлган ва риндана кўнгли ёник орзу-хаёллар билан тўлиб-тошган Қоплоннинг оппоқ тонг мисол тоза нигоҳи ва юксак инсоний ҳистайғуларининг шоирона бир ифодасидир, дейиш мумкин.

Ўқувчиларнинг руҳий-эстетик оламини бойитувчи, уларни илохий бир поклик ва маънавий баркамоллик сари бошловчи бундай поэтик кўтаринкилиқ, кўшиқ каби жозибадор тасвир ва хуш талқинлар Тоғай Мурод тафаккури, тили ва услубининг, ёзувчи бадииятининг асосий хусусиятларини ташкил этади. Ёзувчи услуби ва ижодий мушоҳадасининг бундай ўзига хос жиҳатлари унинг бошка асарларида, айниқса, улардаги қахрамонлар киёфаси ва руҳияти тасвирида кўзга яққол ташланаб туради. Чунончи, адабнинг «Момо ер қўшиғи» қиссаси ҳам ўзининг ҳаётий мазмуни ва айниқса, сержант Орзиқулов ва Паҳлавон Даҳо сингари

образларининг бадиий пухталиги ва чукур индивидуаллашганлиги билан адабиётимизда сезиларли из қолдирди. Асарда, бир томондан, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган камтарин ва оқилона турмуш тарзи, кишлок табиати, кенгфеъл одамларининг ўзаро самимий муносабатлари ҳам ички бир ғуур, ҳам тотли бир орзикиш билан қаламга олинади. Иккинчи томондан эса, аждодларимизнинг муқаддас ақида ва удумларига, ҳатто она тилимиз ва шарқона одоб-маданиятимизга ҳам бенисандлик билан қараган, ўз қишлоғи ва миллый заминидан ўзилиб қолган Паҳлавон Даҳо сингари ҳою ҳавасга муккасидан кетган айrim ношуд ва такаббур ёшларнинг маънавий-руҳий таназзули ишонарли тарзда кўрсатиб берилади.

Ўз муштипар онасининг оддийлигидан ва андишли отасининг қадоқ кўлларию одми кийимларидан ҳам ижирғанадиган ва ҳатто ор қиласиган Паҳлавон Даҳо ва унинг гумашталари учун қишлоқ ахли ҳам, халқ ва миллат ҳам – бу бир оломон, пода ва қўйлар тўдаси, холос. Ота-онаси ва донишманд кексалар яхши ният билан кўйган Турсун исмидан ҳам тонган Паҳлавон Даҳоларнинг бутун ақл-хуши, ишонч-эътиқоди гарб санъати ва унга мутеларча таклиддан иборат. Ўзларини гоҳ асл адабиёт яратувчисию, гоҳ фазога интилган ва номи тарихда қоладиган инсонлар деб юрган, аслида маънавияти қашшоқ бу шуҳратпаст ва мўрт кимсалар ўзлари мансуб бўлган ўзбек халқ қўшиқлари ёхуд Фурқатдек улуғ шоиримизнинг эл орасида машҳур бўлиб кетган ўлмас ғазалларини лоқал қишлоқ болалари даражасида қадрлаш уёқда турсин, ҳатто уларни тўзук-курук билмасликларидан ҳам заррача хижолат тортмайди.

Бугина эмас, ҳар қадамда «жайдари ҳалқ»дан ажralиб туришни истаган Паҳлавон Даҳоларнинг тубанлик ва густоҳлиги шу даражадаки, улар бутун қишлоқ ахли эъзозлаб, қишин-ёзин сув ичадиган ва минглаб зиёратчилар учун муқаддас бир қадамжо саналмиш шифобахш булок сувларига тупуриб, уни ҳайвонларча булғашдан ҳам ўзларини тиёлмайдилар ва бу куфона қилмишлари гуноҳи азим эканлигини ҳатто хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Мана ўзларини зўр бериб «табиат куйчиси ва табиат посбони, оташин граждан ва ҳалқ манфаатини кўзловчи фидойи-ватанпарвар шоир», деб кўрсатишга уринган Даҳоларнинг онатбиатга «онгли» муносабати-ю, уларнинг бор-йўқ маънавий қиёфаси! (Майли, буларни адабий асар қаҳрамонлари деб билайлик-да, ўзимизни бир зум хотиржам килайлик ҳам. Лекин ҳаётимизда, ён атрофимизда ҳам табиатимизни ўзининг тубан мақсадлари йўлида сунистеъмол килувчи шундай жохил ва муртад кимсалар йўқ эканлигига ким кафолат бера олади? Бу жихатлари билан ҳам асар ўқувчини лоқайд колдирмайдисанъаткор сўзининг кадри ҳам аввало мана шунда.)

Таъкидлаш лозимки, маънодор истеҳзо ва ўткир киноявий оҳанг билан битилган асар сюжетининг бу йўналиши орқали Тоғай Муроднинг

адабиёт ва санъатнинг ижтимоий-эстетик моҳияти ва миллий хусусиятлари тўғрисидаги салмоқли мушоҳадалари, адабий муҳит ва ижодкор истеъдоди ҳамда шахси ҳақидаги муайян ўй-қарашлари ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, киссада Даҳога ўхшаш тақлидгўй, худбин қаламкашлар фожиаси ва маънавий мажруҳлигининг асл сабаларидан бири энг аввало уларнинг «баданида, кўнглида табиий истеъдоднинг йўқ» эканлиги аччиқ бир ҳақиқат тарзида нозик талкин этилганки, булар ҳам асар ғоявий мундарижасининг серқатламлигидан ва образлар замиридаги ижтимоий-эстетик маънонинг кенг эканлигидан далолат беради.

Ҳар бир йирик адиб ижодида шундай асарлар яратилади, уларда ўша санъаткор истеъдодининг энг ёркин кирралари бутун жамоли билан намоён бўлади. Тоғай Муроднинг 1979 йили яратилган «От кишинаған оқшом» киссаси, назаримизда, адиб учун ҳам, адабиётимиз учун ҳам ана шундай омадли асарлар сирасига киради. Қисса ўзининг чукур ғоявий-бадиий муаммолари ва жозибали образлари билан адибнинг бошқа асарларидан жиддий фарқ қиласи. Бу киссанинг асосий қаҳрамонлари – от ва чавандозлар.

Асарда худди жонли бир одамдек изчил ва муфассал тасвир этилган бўз отнинг шоиртабиат Зиёдулла чавандознинг чексиз меҳр ва кечаю кундўз қилган парваришу тарбияси билан сара отга айланиши ва учқур Тарлон бўлиб етилиши бамисоли норасида гўдакнинг ота-она ардоғида дуркун фарзанд бўлиб улғайишидек ўкувчида катта қизиқиш ва ҳавас ўйғотади. Ҳайвонлар ҳаёти ва уларнинг ранго-ранг ички дунёсини ғоят қизиқарли ва ишонарли тарзда акс эттирувчи «Ёввойи йўрга»дек ажойиб асарлари билан шуҳрат козонган буюк канадалик ёзувчи Эрнест Сетон-Томпсон сингари Тоғай Мурод ҳам табиатнинг қўркам жонзоти бўлмиш отларни улар аслида қандай бўлса – шундайлигича, ҳаққоний тасвир эта олган. Бу тасодифий эмас.

Тоғай Мурод отларнинг девкор табиатини ва уларнинг турфа оламини шунчаки бир қизиқиш – ҳавасга бўла четдан кўзатиб ёхуд илмий адабиётлар орқали ўрганган хонанишин олим ва ижодкорлар тоифасидан эмас. Балки «болалигидан боболаридек давраларда курашиб катта бўлган Тоғай Мурод учун полвонлик хунари қанчалар ардокли ва шукуҳли бўлса, унинг мураккаб ҳаёт йўли ва ижодий тақдирида от ва кўпкарининг ҳам шу қадар бекиёс ўрни ва аҳамияти бор. Зотан, Тоғай Мурод шахси ва ижодидаги мана шу жиҳатлар ҳам уни кўпгина бошқа тенгкур адиблардан ажратиб турса, эҳтимол.

Табиийки, бундай ўзига ҳосликлар осонликча, яъни ижодкор биографиясини бойитиш ёки уни ранг-баранг қилиш истаги билангина юзага келавермайди. Бунинг учун Тоғай Мурод ёшлигидан ҳаёт ва ижоднинг кўпдан-кўп тўсик ва кийинчиликларини қатъият билан енгиб ўтишига тўғри келди. Ҳаётнинг оғир синовлари ва тирикчилик

машақкатларидан ташқари зимдан қилинган шахсий адовату хусуматлар ҳам Тоғай Мурод деб аталмиш истеъдодли адаб ва йирик шахс эрки ва иродасини буқолмайди, унинг ҳақиқат ва эзгулик йўлидаги юксак маслак-эътиқодини ўзгартириб юборолмайди. Лекин баҳиллик ва маҳдудликни ўзларига касб қилиб олган ғанимлар ғанимлигини қилишади, оқибат, умидли бир ёш ёзувчи ва салоҳиятли журналист Тошкентдай шахри азимда ишсиз, бошпанасиз қолади.

Ўша давр мағкураси раҳнамолик килган адабий муҳитдаги ноҳақлик ва моддий муҳтоҷлик Тоғай Муродни Тошкентдан тағин ўз она қишлоғига қайтишга мажбур қиласди. «Билгилким, ҳаётинг, томириңг, ўзбегим, камбағал қишлоқда...», деб бежиз айтилмаганидек, Тоғай Мурод ҳам яна ўша олис Сурхондаги қишлоқдан, ҳалқдан химоят ва тасалли топади, энг муҳими, ижоди учун туганмас маънавий-рухий озиқ олади. Хусусан, от ва чавандозлар унинг учун ҳали қашф этилмаган янги бир дунё, ҳалқ ҳаёти ва миллий руҳиятини чуқурроқ англаш йўлидаги мафтункор бир тилсим бўлиб туюлади. Бу ҳакда Тоғай Мурод ўз таржимаи ҳолида шундай гувоҳлик беради: «Кеч кўзда юртимизга йўл олдим. Саттор чавандоз дегич билан топишдим. У менга бир от топиб берди. Мен отландим!

Кундузлари турли юртлардан келмиш чавандозлар билан кўпкари чопдим. Неча бор отлардан йиқилдим. Кечалари тўйхоналарда чавандозлар билан гурунг қилдим. Чавандозлар дўмбира ҷалиб, кўпкарилардан сўйлади, отлардан сўйлади, чавандозлардан сўйлади.

Узун қиши кўпкарихона – иш жойим бўлди, чавандозлар – ҳамхонам бўлди, отлар – биродарларим бўлди...»

Бинобарин, Тоғай Муроднинг турмуш такозоси билан кўп йиллар суворий бўлғанлиги ва улокчи-чавандозликнинг ҳам бутун ташвиш-кувончларини ўз бошидан кечирганлиги киссанинг накадар ҳаётий бўлиб чиқишида қўл келган. Ёзувчининг қалам кучи ва бадиий тафаккури сехри билан бизнинг кўз олдимизда сир-синоатга тўла ажиб бир олам – Тарлон намоён бўлади.

Тарлон – кўхна табиатнинг юзлаб турдош жониворларига ўхшаган, тўрт оёқли шунчаки оддий бир аргумок эмас, балки у Зиёдулла чавандознинг ақл-заковатидан, қалб қўридан бино бўлган, кўнгли аёл кўнглидай нозик, беозор ва фидойи бир жонзот. Тарлон, асар тили билан айтганда, Зиёдулла чавандознинг дилдан жўшиб айтган, «Алпомиш» ва «Кунтуғмуш»дай гўзал достони, минг ҳафсаю бор иштиёки билан чизган ардокли сурати. Тарлон – бу Зиёдулла чавандознинг гўё илҳом билан битган ва сайқал топган мукаммал шеърий бир китоби! Қиссанинг бутун ҳаётий мазмуни ва бахшиёна руҳига сингдириб юборилган бу етакчи ғоя ва эҳтиросли фикрлар асардаги бетакрор тимсоллар ёлқини билан биргаликда бизнинг онг-шууримизни ёритиб, тафаккур-

идрокимизни бойитибгина қолмай, табиат билан кондошлик туйғуларимизни ҳам кучайтиради.

Асар бошида от билан кўпкарига астайдил ишқибоз оддий бир қишлоқ йигити бўлиб гавдаланган Зиёдулла табиатан содда, очиккўнгил, ўта ориятчан ва меҳр-оқибатли инсон эканлиги, инсофу адолат борасида бениҳоя событлиги билан бизнинг меҳримизни қозонади. Зиёдулла каби чапдаст чавандозлар ва Тарлондек тулпорлар ўртасида бўлган улоқ пойгаси тасвирланган лавҳаларни ҳаяжон билан ўкир эканмиз, кўпкари дегани, баъзилар ўйлаганидек, қандайдир ёввойилар тўдаси ҳам ёки фақат антика экзотик ўйинлару хатарли тортишувлардангина иборат шунчаки кўнгилочар бир томошагоҳ ҳам эмаслигига яна бир карра амин бўламиз. Аксинча, бу энг аввало ҳалқимизнинг азалий хислатларидан бўлган ҳалоллик ва тантилик, ҳиммат ва жўмардлик намойиш этиладиган, хусусан, асл отларнинг нечоғлик учқур-диловарлиги, инсонга фидойилиги ва зийраклиги синаладиган бир марди майдон эканлиги аён бўлади.

Фикримизнинг исботи тариқасида кўпкарининг асосий шартлари замиридаги инсоний маъно ва ахлокий мезонларга разм солайлик: «Баковул... қамчи сопини боши ўзра кўтарди. Жарангдор овозда айтди: «Чавандозлар-ов? Гапимни ўнг кулоғинг билан-да, чап кулоғинг билан-да эшитиб ол! Чилвир солмайсан-бир! Бир-бировингни ёмон гап билан сўкма – икки! Қамчи солма – уч! Йиқилган чавандоз устига от солма – тўрт! От кочганда ушлашга ёрдам бер – беш!..»

Кўпкарининг ўзига хос ёзилмаган қонунларида катъий ва оқилона бўлган бу шарт-қоидалар ҳам отларни ўзининг қаноти деб билган ва ҳамиша эл-юрт номуси учун курашиб келган довюрак чавандозларнинг ҳаётий тажрибалари билан, синчи ота-боболаримизнинг ҳикматли ўгитлари ҳамда инсоний оқибатга бошловчи юксак ахлокий таомиллари билан ўзвий боғлиқлиги қанчалар юксак тақдирланиши ва аксинча, кўпкарида ноҳаклик қилган пасткаш баковул ва қитмир улоқчиларнинг эл карғиши-нафратига дучор бўлиши китобхон қалбидаги пок инсоний туйғуларни ҳам жўш урдириб, унинг ҳақиқат ва эзгуликка бўлган умид-ишенчини орттириши табиийдир.

Шу муносабат билан қиссадаги яна бир лавҳага алоҳида тўхталиш лозим. Асар гоявий мазмуни ва сюжет-таркибида ҳам муҳим ўрин тутувчи бу лавҳа бир неча жиҳатдан эътиборга лойик. Энг аввало, Зиёдулла чавандоз характери, айниқса, унинг табиатан ҳақгўй ва адолатпеша бир инсон эканлиги ана шу лавҳада янада тўлароқ намоён бўлади. Иккинчидан эса, гарчанд бу лавҳада кўпроқ улоқ пойгаси ва кўпкари воқеалари акс эттирилган бўлса-да, лекин улар билан боғлиқ тарзда ифодаланган фикр-мушоҳадалар бевосита ҳар биримизнинг ўй-карашларимиз ва рухиятимизга, колаверса, жамиятимиз маънавий ҳаётининг истикболига ҳам дахлдорлиги билан киши дикқатини ўзига жалб этади. Зоро, қиссада

ифодаланган кенг маънодаги ижтимоий адолат учун кураш муаммоси ва унинг қаҳрамонлар фаолияти орқали мантиқан далилланган, таъсирчан бадиий талқинлари ҳам чукур ҳаётгий ва фалсафий асосга эга. Аслида, бу муқаддас ғоя кўплаб етук санъаткорлар каби Тоғай Мурод ижоди ва дунёқарашининг ҳам ботиний бир максад йўналиши – бошқача айтганда, адиб асарларини ичдан бирлаштириб турувчи таянч нукта бўлиб саналади.

Чунончи, киссада тасвирланишича, кўпкарилардан бирида бўлаётган ноҳақлик ва баҳилликлардан азият чеккан кўп катта чавандозлар бир тўда пасткашларга зарда қилиб, тўйни ҳам, улокни ҳам ташлаб кетишади. Зиёдулла чавандоз эса бундай осон йўлни танламайди – ёлғиз ўзи ўша кўпкаридаги ноҳақлик ва адолатсизликка карши курашади. Зиёдулла чавандоздаги инсоф ва диёнат, атрофидаги одамларга меҳр-оқибат ва кўз ўнгида содир бўлаётган воеа-ҳодисаларга бетаъма ва беғараз муносабат уни ҳамиша эзгулик ва адолатни химоя килишга ундайди.

Табиийки; бундай оғир, лекин ҳак ва диёнат йўли барчага ҳам кисмат бўлавермайди. Ҳаётда мудом «Ўзингни бил, ўзгани кўй» қабилида фикр юритадиган ва факат ўзининггина тинчини кўзлаб, бир умр фарогатда яшаб юрадиган «юмуқкўз» одамлар оз эмас. Афсуски, сиртдан қаралганда, беозордек бўлиб туюладиган бу номақбул ақида жамиятимизнинг соғлом маънавий илдизларига болта урувчи хавфли бир иллатга айланиши мумкинлигини ҳамиша ҳам пайқайвермаймиз. «Нима ишим бор!» ёки «Нима ишинг бор? конуни билан яшаш, -деб ёзади изтироб билан севимли шоиримиз Эркин Вохидов, - жамиятимизнинг офати... Адолатли жамият эса инсоннинг инсонга бўлган меҳру оқибати асосига курилади».

Қисса қаҳрамони Зиёдулла чавандоз учун бундай локайдлик ва худбинлик фалсафаси мутлақо ёт. Аксинча, ўзгаларга ҳамдардлик ва одамийлик, ҳатто ҳаётини хавф остига солиб бўлса-да, ҳақиқат ва эзгулик учун курашиш китобхон кўз олдида Зиёдуллани ИНСОН деб аталмиш улуғ номга муносаб етук бир ШАҲС даражасига кўтаради. Шу жиҳатлари билан Зиёдулла атокли адибимиз Чингиз Айтматовнинг «Алвидо, Гулсари» ва «Қиёмат» асарларидаги Танабой ва Бўстон ҳамда Валентин Распутиннинг «Ёнгин» қиссасидаги Иван Петрович Егоров каби оддий, лекин имон-эътиқодли ва қатъиятли – иродали қаҳрамонларга маслакдош биродар бўлиб гавдаланади. Зотан, Тоғай Мурод яратган асар қаҳрамонларининг маънавий ҳаётимиздаги ижтимоий-эстетик мавқеи ҳам энг аввало улардаги ана шундай умуминсоний кадриятлар ва эзгу ақидалар билан боғлиқ.

Чунончи, Зиёдулла чавандоз қалbidаги қудратли ишонч-эътиқоднинг ғоявий-рухий бир ифодаси бўлган куйидаги сўзлар орқали ёзувчи гўё бизни ҳам ўзимизга ва ҳаётимизга хушёррок назар солишга, эл-юрт ва виждан олдидаги бурч-масъулиятимизни унутмасликка давъят

этайтгандек, назаримизда: «Биродарлар, биз ҳамиша адолат, адолат деймиз. Тилдан кўймаймиз. Адолатсизликни кўриб, жигибийрон бўламиз. Ҳаётдан, тақдирдан нолиймиз. Адолат йўқ, адолат осмонда деймиз. Йўқ биродарлар, адолат ерда! Оёкларимиз остида! Адолат тупрокка коришиб ётиби! Адолатни ким бундай хор қилаяпти? Биз ўзимиз!.. Адолат жафо чекаётганда қочамиз! Адолатдан юз ўгирамиз! Кўриб кўрмасликка оламиз!»

Бир имонсиз адолатни бўғса, йўлимизни чап соламиз. Ёмондан қочда кутул ё тон-да кутул, деймиз. Ёмон билан тенг бўлмайин деймиз. Ўзимизни билмаганга олиб ўтирамиз. Тилимизни тишлаймиз. Обрўйимиз кетиб колишидан ё амалимиздан айрилиб қолишдан кўрқамиз. Ўзимизга ғаним орттиришдан кўрқамиз. Кўй-кўя бер, тўғри гап тукқанингга ёкмайди, дея қўл силтаймиз...»

Булар – халқнинг дилидаги айни ҳақиқатни ифодаловчи ва кўнгил кўзи очик бўлган ўқувчиларни сергаклантирувчи оғрикли сўзлар. Шу тарика ёзувчи бугунги ҳаётимиздаги жиддий бир муаммодан, яъни таникли адибимиз Асқад Мухтор ибораси билан айтганда, «нокомил ё чаларок» бўлган маънавиятимиз ва рухиятимиздаги катта бир ижтимоий, дард-иллатдан бизни огоҳ этади ва инсонийлик, эзгуликнинг равшан бир йўлини кўрсатади. Лекин бу аччиқ ҳаётий ҳақиқатни қай даражада тан олиш ва уни рўёбга чиқариш учун қанчалик шижаот кўрсатиш эса, албатта, ҳар бир китобхоннинг маънавиятига, унинг инсоф-диёнатига ва маслак-эътиқодига боғлиқ

Одатда етук санъат асарларини халқ ҳаёти ва рухиятининг кўзгуси деб аташади. Бинобарин, танқид ва адабиётшуносликда урф бўлган бу анъанавий таърифни мазкур асарга нисбатан ҳам бемалол кўллаш мумкин.

Қиссани ўқувчилар қалбига бу қадар яқин килган ва уни завқ билан ўқилишини таъминлаган ўзига хос фазилатлардан яна бири унинг халқ оғзаки бадиий ижодиёти сарчашмаларидан тўйинган мазмундор ва охорли тилидир. Мумтоз адабиётмизнинг етук намуналарида учрайдиган табиийлик ва баркамол соддалик, асар мазмун-руҳига уйғун оҳангдорлик, қаҳрамонлар рухияти, сийрат ва ҳолатига монанд сўз-ифода топа билиш, шунингдек, жонли сўзлашув нутки ҳамда шева унсурларидан меъёрида ва ижодкорона фойдалана билиш – булар Тоғай Мурод услубининг ёркин жихатларидир.

Қисса тили қанчалик чуқур миллий рух билан йўғрилган бўлса, халқ хикматлари ва пурмъино ҳазил-мутойибалари ҳамда нозик қочириклари билан ҳам шу даражада омухта бўлиб кетган. Тоғай Муроднинг бошқа асарлари сингари мазкур қисса тилида ҳам кўплаб сўз – ифодалар баҳшиёна бир маҳорат билан такрор ва жуфт ҳолда кўлланадики, булар адабнинг катор янги сўз – иборалари билан биргаликда ҳозирги насримиз ва умуман, адабий тилимизни бойитувчи ва жилоллантирувчи кимматли

бир манба – ўзига хос халқчил бир услугб намунаси сифатида алоҳида ўрганишни тақозо этади.

Қаҳрамон рухияти ва феъл атворини чизишда муҳим восита бўлган ва бошқа адиллар тилида деярли учрамайдиган бу сержило тақрорлар (факат бир-икки ўриндаги жўзъий номувофиқликни истисно килганд) ёзувчи гоявий-бадиий ниятини чукурроқ англатиши ва воқеалар замиридаги асосий маъно-мақсадни кучайтириши билан бирга, рўй бераетган муайян ҳаракат-холат тарзи ёхуд давомийлигини бевосита акс эттира олиши билан ҳам дикқатни жалб этади. Айни вактда, улар асардаги баён ва тасвиirlарнинг ифодалилигини, тилнинг мусиқийлги ва таъсирчанлигини оширувчи самарали бадиий эстетик бир омил бўлиб хизмат қиласди. Қисса тилидаги моҳирона ишлатилган бундай ихчам миллий тасвирий воситалар туфайли баъзан биргина сўз-ибора орқали ҳам чукур ҳаётийлик ва теран образлиликка эришилган. Шу билан бирга асарда ҳикоя-килинаётган воқелик, инсон ёхуд предметга нисбатан муаллифнинг муайян муносабати ҳам равshan акс эттирилганки, буларнинг барчаси, шубҳасиз, тасвир-ифодаларнинг ҳакконийлиги ва эмоционаллигини кучайтиради. Даилил тариқасида битта мисол келтирийлик

Қиссанинг бир бобида ҳикоя этилишича, айрим таъмагир ва нопок мансабпастлар қишлоқдаги кўплаб яхши отларни эгаларидан зўравонлик билан тортиб олиб, уларни мажбуран гўштга топширтириб юборишади. Бу бедодлик суюкли отларидан айрилиб, кўнгли чўкиб колган чавандозлар учун қанчалар оғир кўргулик бўлганлигини ёзувчи ҳалқ оғзаки ижодиётининг юксак намуналарига хос образли йўсинда, муҳтасар ва миллий бир шаклда таъсирчан қилиб акс эттиришга муваффак бўлади: «Катталар уйма-уй юриб от олди. Эл бермайин деса-катталар! Эл ёқалашайин деса-ёнида шапкалар! Эл остонаяча отларига эргашиб борди. Эл кон-кора какшади. Эл дарди ичиди бўлди.

Неч-неча корабайирлар кетига қараб-қараб кетди. Неч-неча жийронлар кишинаб-кишинаб кетди. Неч-неча саманлар гўшт бўлиб кетди. Чавандозлар эмчакдоши урушдан қайтмаган бўзбола мисол мунгайиб колди».

Келтирилган парчадаги бирор жумла, ҳатто бирор сўзни тушириб қолдириш ёхуд уларнинг ўрнини алмаштириш мумкин эмас; акс ҳолда, тасвирдаги ички ритмик мутаносиблик бўзилади ва маъно яхлитлигига путур етади. Чунки матнадаги жуфт ва тақрор ишлатилган ва ўзаро ўзвий боғланган ҳар бир сўз-иборанинг ўзига яраша гоявий-бадиий салмоғи ва муайян эстетик киммати бор. Бинобарин, ногаҳоний ноҳаклик олдида ожиз колиб, ҳар дарди ичиди бўлган эл чавандозларининг унсиз-чорасизлиги ва сўнгги дамларигача қадрдон эгаларидан нажот – имдод кутиб, чор-ночор ёт кимсалар амрига бўйсуниб кетаётган ва ҳадемай

бошларига тушажак мудҳиши қисматни сезган зийрак отларнинг умидвор мунгли кўз қарашларини айни шу сўзлар асар рухи ва ёзувчи бадиий ниятига мос бир тарзда чукур ифодалай олган. Бундай мисолларни осонлик билан кўпайтириш мумкин.

Тоғай Муроднинг адабиётимизга бамисоли янги бир эпкин олиб кирган ва кўп жиҳатдан халқ достон-термалари, мақол ва нақлларини эслатувчи, шаклан ихчам, мазмунан теран, тагдор сўз-ибораларга бой бўлган оҳангдор тили ва туркона услуби адабий жамоатчиликнинг диққатини ўзига ром этганлиги эндиликда исбот талаб қилмайдиган бир ҳакиқатдир. Жумладан, адабиётшунослигимизда Саид Аҳмад, Пиримкул Қодиров, Озод Шарафиддинов, Ўткир Ҳошимов, Умарали Норматов, Иброҳим Фофуров, Раҳмон Кўчкоров ва Йўлдош Солижонов каби таникли адиб ва ҳассос мунаққидларимиз ёзувчининг ёркин миллий қаҳрамонлари ва баҳшиёна тасвиrlаш маҳорати хусусида илиқ фикрлар билдиришган «Тоғай Мурод тасвири, -деб ёзган эди Иброҳим Фофуров бундан йигирма йиллар муқаддам, - халқ оғзаки санъатининг энг яхши анъаналарига уланиб кетади, уларни янгича йўлдан ривожлантиради. Сал эркинрок фикрлаб, уни прозанинг баҳшиси десак, хато бўлмайди. Бу адиб халқнинг қадимдан шаклланган урф-одатлари, расм-руsumлари поэзиясини чизишга уста. У асосий эътиборини, кучи ва эҳтиросини шунга қаратади ва шунда маҳорат кўрсатади».

Самимият ва нуктадонлик билан айтилган бу фикрларни давом эттириб, бугун яна шуни таъкидлаш жоизки, Тоғай Мурод нафакат муқаддас миллий урф-одатларимиз ва унутилаёзган расм-руsumларимизни шоирона бир илҳом ва маҳорат билан куйлай олди. Балки у она табиатимиз, саҳоватли далаларимиз ва ана шу улуғвор табиатимизнинг ноёб бисоти бўлмиш гавҳардек бебахо отларимиз тасвирининг ҳам етук, халқчил намуналарини яратиб бердики, улар беистисно тарзда адабиётимиз тарихига янги бир саҳифа бўлиб кўшилди.

Тоғай Муроднинг ҳаёт каби жонли ва миллий бўёкларга бой тасвиrlарини ўқиб, биз биргина номининг ўзиёқ кўнгилларда аллақандай шавқ ва ғалаён қўзғатувчи бу эркин жонзотнинг оддий кўзлар илғаши кийин бўлган улуғвор сир-салтанати, ғаройиб табиати ва зарофатли кечинмалари билан яқиндан ошно бўламиз. Одамзотга бир умр йўлдош ва киёматли биродар бўлган бу тил-забонсиз, лекин накадар зийрак ва вафодор жониворнинг инсон бошига мусибат тушган қайғули дамларда мадад излаб, тоғларга қараб зорланиб-зорланиб кишнашида, қишлоқка қараб ёлвориб-ёлвориб, зор-зор кишнашида қанчалар инсоний жонкуярлик ва дарддошлик туйғулари борлигидан ҳайратга тўшамиз. Одам боласининг унсиз чеккан ох-фарёдини эслатувчи ва қоп-қора тун «оқшомидан-да мунгли ва аянчли бўлган бу кишнаш инсон кўнглини ўйиб

юбора олишини» ҳам кўпчилик китобхонлар, эҳтимолки, илк бора мана шу қиссадан туйган бўлса ажабмас.

«Ёзувчининг ёзувчилигини, - деган эди Абдулла Қаххор, - у яратган янги образларига, адабиёт «домовой»га ёздирган янги одамларига қараб баҳолаш керак». Бинобарин, ўзининг ҳаққонийлиги ва бетакрор жозибаси билан минглаб нозиктаъб китобхонларнинг ардокли қаҳрамонларига айланиб колган Тарлон билан Зиёдулла чавандозларни кўп асрлик ёзма ва оғзаки адабиётимизнинг ўлмас анъаналари заминида моҳирона яратилган ва адабиётимиз хазинасидан мустаҳкам ўрин олган янги тимсоллар деб таърифласак, кенг ўкувчилар оммасининг ҳам яқдил фикрини ифодалаган бўламиз. Ёзувчи истеъдодининг кучи ҳам, асарларининг умрбокийлиги ҳам аввало мана шунда бўлса керак.

Дарҳакикат, Тоғай Мурод қиссалари халқимизнинг маънавий бир мулкига айланди. Бу қиссалари учун ёзувчимиз Ойбек номидаги юксак мукофот совриндори бўлди. Миллий академик драма театrimиз ва жумхурият телевидениеси адибнинг «От кишинаган оқшом» ва «Ойдинда юрган одамлар» қиссалари асосида янги бир саҳна асари тайёрлаб, миллионлаб томошабинлар ҳукмига ҳавола этди. Бундай маънавий-рухий баҳрамандлик адиб асарларининг умрбокийлигидан далолат беради.

Тоғай Муроднинг адабиётимиз ва маданиятимиз равнаки йўлидаги хизматлари булар билан чекланмайди. Ёзувчининг чукур миллий тафаккури бизни табаррук заминимиз ва қадимий далаларимизнинг сулув келинчакдек кўҳли жамолидан баҳра олишга ва уларни ардоклашга, шу билан бирга уларнинг бамисоли тўлғоқ дардини кечирган мунис онадек оғрикли инганишларини ҳам сергак ва ғамхўр бир фарзанддек ҳис этишга даъват этади. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, она заминимиз, дала ва пахтазорларимизнинг бундай жонли ва рангин манзараларида – бир сўз билан айтганда, уларнинг инсонийлашган тасвиirlарида заковатли адиб маҳорати билан етук табиатшунос мутафаккир ва юксак дидли рассомнинг меҳрли нигоҳи ажиб бир тарзда бирлашиб ва уйғунлашиб кетиши адабиёт ва санъатда камдан-кам учрайдиган ҳодисадир. Бунга чукуррок ишонч ҳосил қилиш мақсадида ёзувчининг 1994 йилда нашр этилган «Отамдан қолган далалар»номли романига мурожаат қилайлик.

Мустақиллик туфайли БМТ га аъзо бўлган озод Ўзбекистонимизга багишланган бу роман бугунги кун адабиётимизда бир воеа бўлди, десак муболаға бўлмайди. Бинобарин, Истиқлол маънавияти ва мафкурасини яратишдек эзгу ишимизга салмоқли улуш бўлиб кўшилган бу роман республикамиз Президентининг таникли адибларимиз билан бўлган ижодий учрашуvida ҳам алоҳида тилга олинганлиги бежиз эмас. Таникли адабиётшунос Озод Шарафиддинов тўғри таъкидлаганидек, адибнинг бу асарида Туркистон ўлкаси чор Россияси томонидан ваҳшийларча босиб олингандан кейинги мустамлака йилларида халқимиз бошидан кечган

конли фожиалар ва айникса, бутун умри «дўзахмакон пахтазор»да ўтиб пешонаси ёруғ кун кўрмаган заҳматкаш ва хоксор ўзбек дехқонининг нурсиз ва аянчли қисмати кенг ва теран тасвири этилади.

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, романда ҳалқимиз ҳаёти ва тарихий ўтмишининг «ҳасрат-ла аламга тўлган» (Чўлпон) ва ноҳак унудилиб, хира тортган саҳифалари мазмуни ёзувчининг бадиий-эстетик тафаккури нури билан санъаткорона ёритиб берилганлиги нафақат муаллифнинг, балки Истиқлолга эш бўлган ҳозирги адабиётимизнинг ҳам жиддий бир ижодий ютуғидир. Чунончи, имон-эътиқодли аждодларимиз учун мудом муқаддас саждагоҳ саналган масжидларимиз ҳам кунпаякун бўлиши ёхуд ҳалол ва беминнат меҳнати билан умргўзаронлик қилиб келган Жамолиддин кетмон каби диёнатли бободеҳқонларимизнинг ўз қишлоғи ва файзли далаларидан бадарға қилиниши воқеалари асарда бугунги маънавиятимиз ва миллий тафаккуримиз юксаклигидан туриб ҳаққоний акс эттирилганки, шуларнинг ўзиёқ рус босқинчиларининг ҳалқимиз ва юртимиз бошига солган асрий зулм-ситамларини бутун фожиалари билан яккол тасаввур этишга имкон беради. Асадаги бундай даҳшатли манзаралар ва қонли тўқнашувлар, жумладан, неча минглаб юртдошларимизнинг ваҳшийларча катл қилиниши ва ҳатто Ибодин соқовдек бегуноҳ, ёш болаларнинг ҳам Ёвузларча отиб ўлдирилиши орқали ёрқин бадиий ифодаланган тарихий ҳақиқат лавҳалари ўзининг фожиавий мазмундорлиги ва таъсирчанлиги билан ўкувчилар хотирасида муҳрланиб қолади ва уларни ҳалқимиз ўтмишини тийрак бир назар билан чуқурроқ идрок этишга ундаиди. Ёзувчининг асосий ғоявий мақсадларидан бири ҳам, бизнингча, ана шундан иборат дейиш мумкин.

Дарҳақиқат, романнинг мавзуу ва мазмун кўлами кенг, характер ва образлар олами ранг-баранг. Лекин унинг марказида энг аввало қишлоқ ҳаёти ва ўзбек дехқонининг турмуш-такдири туради.

Адабиётимизда қишлоқ ҳаётига бағишлиланган ва пахтакор-дехқонларимизнинг фидокорона меҳнати ва ночор турмушини у ёки бу даражада ҳаққоний акс эттирган бакувват бадиий ва публицистик асарлар бундан илгари ҳам кўплаб яратилган. Бироқ, афсуски, хукмрон коммунистик мафкура тазики остида битилган бу асарларимизда кўпинча «партиянинг қишлоқ хўжалигидаги хато сиёсати фаол ҳимоя қилинди, дехқоннинг қашшоқ ҳаёти яшириб келинди, қишлоқ фожиаси тўғрисидаги бор гапни айтиш» (Салоҳиддин Мамажонов) имкони бўлмади. Шу боисдан ҳам уларнинг аксариятида Тоғай Муроднинг мазкур романидаги Дехқонкул типидаги пахтакорларимизнинг тўлақонли ва ёрқин миллий характерини деярли учратмаймиз. Худди шунингдек, ушбу мавзуда ёзилган юзлаб шеърий ва насрий асарларимиздан фарқли ўлароқ, бу роман сабр-бардоши тоғдай ўзбек дехқонининг машақатли меҳнати, мураккаб пинҳоний кечинмалари ва айникса, унинг қалбидағи қадрдон

даласи ва муқаддас она заминига бўлган ҳамдардлик туйғулари бағоят чуқур ва изчил акс эттирилганлиги билан ҳам ажралиб туради.

Асар бош қаҳрамони Дехқонқул – дала билан меҳнатни гўё азалий тақдир деб билган муnis ва заҳматкаш халқимизнинг умумлашган ва ўзига хос рамзий бир тимсоли. Неча-неча авлодлар ризқу насибаси манбаи бўлган она заминга ва пахта далаларимизга нисбатан оқилона эгалик ва масъулият ҳисси ҳамда фарзандларга хос сидкидил муносабат Дехқонқул юрагидан мустаҳкам имон-эътиқод сингари унинг қон-қонида, қалбида ва бутун вужудида яшайди. Шу муқаддас ва сўнмас туйғу Дехқонқулнинг кундалик табиий бир юмуши ва руҳий эҳтиёжига айланиб, унинг қашшоқ ва беҳаловат турмушига сийрат ва мазмун беради, маҳзун кўнглига осуда бир нур ва таскин бағишлади. Балиқнинг тириклиги сув билан бўлганидек, Дехқонқул ҳам бобоси Жамолиддин кетмон ва отаси Ақраблар каби ўз ҳаёти ва тақдирини она-юртимизсиз ва қадрдон далаларисиз тасаввур этолмайди. Далалар – унинг учун бамисоли бир суянич тоги, садоқатли ҳамроҳи. Бошига синокли кунлар тушиб, даҳшатли тухмат ва оғир кийноклар азобини тортиб келган жабрдийда Дехқонқулнинг сўник кўнгли тубидаги куюқ дардларини ҳам энг аввало ана шу бардошли далалари кўтаради.

Шу ўринда ҳар биримиз ўз-ўзимизга ҳолисанлилло бир савол бериб кўрайлик: мана шундай хосияти улуғ далаларимиз бағрига жо бўлган ҳаётий маъно ва ҳикматларни бир юрт фарзандидек тушунишга ва уларни баҳоли қудрат эъзозлашга ҳаммамиз ҳам кодирмизми? Афсуски, аксарият ёшларимиз ва ўқимишли тенгқурларимиз у ёқда турсин, ҳатто қўша-қўша диплом эгаси бўлиб, яна зиёли деган ном олиб юрган тажрибали олиму мутахассисларимиз ҳам ерга ота-боболаримиздек кучли меҳр кўйганлиги ва ернинг дардини тушуна олганлиги билан ифтихор қила олмаймиз. Шу боис ҳам биз «еру замин, дала» дейилганда, кўпинча бошдан-оёқ чангтўзон босиб, зилдай сукунат коплаб ётган ўйдим-кирлардан иборат қандайдир файзсиз бир ялангликни тушунишга ёхуд жуғрофия ҳаритасидаги шартли нуқта-чизиқлар билан ҳошияланган жонсиз, хира ранг-тасвиirlарнигина кўз олдимизга келтиришга одатланиб қолганмиз. Аслида, қалб ва тафаккуrimиздаги бу караҳтиликни фақатгина еру замин ёхуд дашту далаларимизга нисбатан шунчаки оддий бир бепарволик натижаси деб эмас, балки она-юртимиз ва ватанимиз тупроғига нисбатан ҳам кечириб бўлмас бегоналик ва бемеҳрлик деб қараш керак. Ҳолбуки, кўп асрлик мумтоз адабиётимиз намояндалари ижодини ёхуд замондошларимизнинг етук асарларини кўздан кечирсан, муҳим бир ҳакиқатнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Яъни уларда табиат ва инсон мавзуси ҳамиша асосий муаммолардан бири бўлиб келганлигига чуқур ишонч ҳосил қиласиз. Чунончи, ҳазрат Алишер Навоий ёхуд Захириддин Муҳаммад Бобурнинг машҳур асарларини эслайлик – уларда қаҳрамон

ҳаёти, рухияти ва қалб кечинмалари ҳамиша табиат тасвири билан уйғун ва яхлит ҳолда акс эттирилади. Бошқача айтганда, асар қаҳрамонларининг шодлик-кувончлари ҳам, дард – изтироблари ҳам ҳамиша табиат манзаралари билан ўзаро мутаносиб бир тарзда акс эттириладики, булар мазкур асарларнинг жозибадорлиги ва таъсир кучини бенихоя оширади.

Ёхуд асар қаҳрамонлари ҳаётининг турли даврлари тасвирига эътибор қаратайлик. Аксарият ҳолларда қаҳрамон ёшлиги табиатнинг жўшқин баҳор фасли билан муқояса қилинган ҳолда ифода этилса, унинг умри ниҳояси кўпинча хазонрезги кўз фасли манзаралари билан уйғун бир ҳолда акс эттирилишида ҳам ажиг бир ҳикмат борлиги шубҳасиздир. Худди шунингдек қаҳрамонлар ҳаётидаги ўзгаришлар, яъни унинг такдиридаги кескин бурилиш ёхуд баҳт-фожиалар ҳам энг аввало табиат билан ўзвий боғлиқ тарзда ифодаланиши жаҳон адабиётининг устувор бир йўналишига айланганлигини эътироф этиш лозим. Аслида, улуг мутафаккир Аристотелнинг адабиёт ва санъатнинг вужудга келишини бевосита табиатга тақлид билан боғлаб тушунтириши замирида ҳам ана шу хақикат ётади, бизнингча.

Бадиий ижоднинг муқаддас қонуниятiga айланган бу анъана замондош адиларимиз, жумладан, Тоғай Мурод ижодида ҳам муваффакиятли давом эттирилмоқда.

Тўғри, бизлар учун ҳам Ватан ва табиат муқаддас эканлигини ботбот тақрорлаймиз. Бироқ таникли адаб Сайдулла Сиёев эътироф этганидек, биз атрофимиздаги сехрли «хилқатга ўрганиб қолганмиз, унга одатий, табиий нарса деб лоқайд қараймиз. Оёғимиз остидаги тупрок, тепамиздаги зангори осмон, шовуллаган дов-дарахтлар, шаркираган ариклар, одамлар, тоғу тошлар, ҳайвоноту наботот – бари бизлар учун яратилгандек, ўзимизники, гўё уларнинг қизиги йўқ, асли шундок бўлиши керакдек. Ана шунинг учун ҳам, очиғини айтсан, баъзан биз эл-юрт қадрига ҳам етавермаймиз. Негаки, биз мусофирик азобини тортмаганмиз».

Деҳқонкул учун эса бу замин ва далалар энг аввало ҳалкимиз ва юртимиз тарихининг ажралмас бир бўлаги, ота-боболаримиз ва аждодларимиз бошидан кечган қонли ва шонли кунларнинг мангу йўлдоши, дардкаш сирдоши ва тонмас гувоҳи бўлганлиги билан ҳам азиз ва мукаррам: «Далаларим боболарим аччик кўз ёшларидан дала бўлди. Далаларим оталарим шўрпешона терларидан дала бўлди. Далаларим аёлларим гулдай хазон умридан дала бўлди...»

Деҳқонкулнинг дард-армон тўла бу сўзларида муаллифнинг асосий ғоявий-бадиий нияти ва асар мазмунининг ҳаётий пафоси ўзининг чукур фалсафий бир хотимасини топган, десак янглишмаган бўламиз. Бинобарин, Деҳқонкулнинг шаҳид кетган ота-боболаримиз кони томган табарруқ заминга ва қадрдон далаларга бўлган бекиёс меҳри ва чексиз

фидоийлиги асарда халқимизга хос чинакам ватанпарварлик ва миллатпарварлик ва юртпарварликнинг юксак бир тимсоли даражасида бадий инкишоф этилганки, бу ҳеч муболағасиз бугунги Истиқлол адабиётимиз ва миллий тафаккуrimiz ривожига қўшилган муносиб бир маънавий-руҳий бойлик сифатида таҳsinga лойикдир.

Роман гоявий мазмунининг ана шундай ички мантикий яхлитлиги ва ижтимоий- тарихий салмоғи ҳамда ундан асосий образларнинг ёрқин миллий ўзига хослиги ва муҳим бадий-эстетик киммати туфайли бўлса керак, асар сюжетидаги бир оз ишонарсиз чиқсан баъзи нуқталар ҳам ўқувчилар наздида айтарли нуқсон бўлиб туюлмайди. (Жумладан, отаси Акраб босмачиликда айбланиб, отиб ташланган 20-йилларда бармоқлари билан кун санаши ўрганган уч-тўрт ёшли Дехконқулнинг 60-йиллар бошига келиб ҳам бешинчи синф ўқувчиси бўлиши, шунингдек, қизилларнинг бошлиғи Чанишевнинг Акрабга карата: «Ҳали каллаи сахарлаб «Ассалом, катта акам», дея ашула айтиб, салом берасан» деб СССР даври мадҳияси сатрига ишора килиши ёхуд бешикдаги битикларнинг меъёридан бир оз ошиб кетганлиги кабилар назарда тутилмокда.)

Асадаги ҳар бир воқеа тафсилоти ва қаҳрамонлар қиёфаси, нутқи ва ички ўй-кечинмалари талқинида қишлоқ ҳаёти ва пахтакорлар турмушини ич-ичидан билган ва ўша жафокаш одамлар қалбига қалбини пайванд қилиб, уларга астойдил ҳамдард бўла олган ҳақгўй бир адабнинг ўткир нигоҳи, чукур ижодий мушоҳадакорлиги ва эзгу ниятлари баралла сезилиб туради. Роман мана шу жиҳатлари билан ҳам бизни муҳим бир хulosага олиб келади.

Яъни, чинакам бадий ижод намунасини яратиш учун ҳар қанча кучли бўлмасин, биргина истеъоддининг ўзи ёхуд олийжаноб ният ва маҳоратнинг ўзи кифоя эмас, балки ҳақиқий санъат асари вужудга келиши учун энг аввало ҳаётни ва «минг бир қиёфа»даги инсонларнинг хулқатворини пухта билиш, бевосита ўша жўшқин ҳаёт ичida, феъл-сажияси турфа хил бўлган ўша инсонлар билан ёнма-ён, ҳамнафас бўлиб яшаш зарур экан. Бу кўхна ҳақиқатни ҳаётни ўзлари учун энг буюк дорилфунун деб билган ва ундан бир умр тенгсиз сабок ва илҳом олиб яшаган юзлаб машхур адилларимизнинг мазмундор ижодий йўли ва мумтоз асарлари сўзсиз тасдиклай олади. Зотан, адабиёт ва санъатнинг бу муқаддас қонуни ҳалқ ҳаёти ва юксак маънавиятидан беҳад баҳраманд бўлиб, камол топган Тоғай Мурод учун ҳам ҳамиша энг асосий бир ижодий дастур бўлиб келганлигидан, ниҳоят, энди тўларок воқиф бўлаётирмиз. Ёзувчининг «Мен» деб аталган ва роман сўнгига илова килинган ибраторумуз таржимаи холи ана шу жаҳатдан ғоят кимматли ва ишончли бир манба бўлиб хизмат килиши мумкин.

«Мен бешинчи синфдан бошлаб пахта тердим, -деб эслайди ёзувчи ўз таржимаи холида. –Дорулғунун даврида, иш даврида пахта тердим. Бўйим пахтада ўсди. Аклим пахтада кирди. Саводим пахтада чиқди. Аммо романни бошлаб пахта нима эканини билмаслигимни англаб қолдим.

Мен неча ўнлаб пахтачилик дарсликларини ўқидим. Неча ўнлаб қишлоқ хўжалик китобларини ўқидим. Мен пахта билан юзма-юз бўлиб, ҳали ўзбек дехқонини билмаслигимни англадим. Мен ҳали пахтакор ким эканини билмаслигимни англадим.

Мен дала шийпонини макон этдим. Мен бўлажак... Дехқонкул билан юзма-юз бўлдим. Дехқонкул далаларини иш жойим этдим. Дехқонкул ўтиrsa-ўтиридим, турса-турдим. Мен дехкон бўлиб чигит экдим! Fўза яганаладим. Fўза чопиқ қилдим. Fўза ўтоқ қилдим. Fўзага гўнг бердим. Fўзага сув тарадим. Fўза чилпидим. Мен fўзаларга сув тарай-тарай неча-неча тонгларни окладим. Мен шийпонларда ухлаб қолдим. Ўқариқ бўйларида ухлаб қолдим. Эгатларда ухлаб қолдим.

Мен Сурхон далаларини олти ой кездим. Сурхон офтобида олти ой куйдим. Сурхон чангларини олти ой ютдим...»

Ҳар қандай сохта камтаринликдан бутунлай холи бўлган бу сўзларни биз факат романнинг ижодий тарихига бевосита тааллукли бўлганлиги учунгина ёхуд ёзувчи адабий-эстетик қарашларининг ижтимоий-фалсафий илдизларига алоҳида бир аҳамият бериш мақсадидагина келтираётганимиз йўқ. Балки Тогай Мурод қиссалари каби мазкур романдаги воқе-ходисалар ва характерларнинг фавқулодда реал-ҳаётийлиги, ифода-тасвирларнинг табиийлиги ва халқчиллиги сирларини энг аввало ёзувчининг ана шу самимий изҳор-эътирофидан, унинг серқирра ижтимоий фаолияти ва ибратли турмуш тажрибаларидан, қисқа қилиб айтганда, ижодкорнинг бой ва такрорланмас шахсиятидан қидириш тўғри бўлади деб ўйлаймиз. Зоро, В.Г.Белинский уктирганидек, «шоир ижодий фаолиятининг манбай унинг шахсида ифодаланган руҳидадир. Бинобарин, шоир руҳини ва унинг асарлари характерининг дастлабки изоҳини унинг шахсидан қидирмоқ керак».

Дарҳакикат, ою йиллар пахтакорлар билан бирга яшаб, бирга турган ва уларнинг бутун азоб-укубатларию ғам-андухларини бирга тотган шиҷоатли ёзувчигини заҳматкаш ўзбек дехқонининг туганмас ранжу меҳнатларини шу қадар кучли эҳтирос ва ички тўлкин билан жўшиб тасвирлай олади. Бинобарин, фидойи халқимизга, муnis оналаримизга ўз жигарбандидек жонкуяр бўлган ва қанчалик оғир бўлмасин, ҳаёт ва тарих ҳакиқатидан чекинмаган жасоратли адигина «жони тошдан, тани темирдан яралган» (Муҳаммад Юсуф), гулдай умри пахта эгатларида бевакт ҳазон бўлган ўзбек аёлининг ўқинч-армон тўла ҳаёти ва аянчли тақдирини жамики мудҳиш фожиалари билан шу даражада мардона кўрсата олиши мумкин.

Ана шундай ҳаққоний ва эхтиросли тасвир орқали ўқувчи нафакат Дехқонқулга ўхшаб қишин-ёзин ўзини аямасдан ишлаб, умрида бирор рўшнолик кўрмаган юзлаб соғдил ва диёнатли ИНСОНларнинг аччик кисматига қалбан шерик бўлади; балки ота-боболаримиздан бизга мерос қолган ва неча бор топталган табаррук далаларимизнинг ҳам одаммисол бир тирик вужуд эканлигини англай бошлайди ва уларнинг ҳам озурда танлари табиий оғат-балолар ва заҳарли дорилар заҳмидан дардманд бўлиб колиши ва унсиз нола чекиши мумкинлигини ҳам яққол кўз олдига келтиради.

Натижада, халқимиз бошидан кечган залворли тарихий ўтмишимиз, «бахтиёр ва фаровон социалистик турмуш» деб мадҳ этиб келинган кечаги кунларимиз ҳақидаги бирёклама, ҳавои фикрларимиз, пахта ва пахтакорлар ҳақидаги мубҳам тушунча-тасаввурларимиз бутунлай ўзгаради. Бинобарин, ўзбек дехқонлари ва қишлоқ аёлларининг дардситамли кечинмалари, кул каби итоаткор ва фидойи пахтакорларимизнинг бекадр меҳнати, афтодаҳол туриш-турмуши ҳақидаги тасаввурларимиз ўта юзаки эканлигига ва улар романдаги донгдор ёзувчилар билан москвалик сайёр режиссёрларнинг баландпарвоз сўзларию ҳакоратомўз ҳамду санолари сингари ҳаёт ҳақиқатидан жуда йироқ бўлган бир сохта мақтовлар эканлигига икрор бўламиз. Шу жиҳатларига кўра мазкур асарни халқимиз ва она юртимиз бошидан кечган фожиаларига тўла бўлган бутун бир даврнинг муҳтасар бадиий солномаси деб аташ ҳам мумкин. Балки романнинг асосий ғоявий-бадиий ва ижтимоий-эстетик қиммати ҳам мана шунда – мудроқ босган тарихий онг-тафаккуримизни, миллий ғурур ва руҳиятимизни уйғотишда, уларни губорлардан тозартиришида, десак ҳақиқатга хилоф бўлмас.

Асарни руҳий бир безовталик билан ўқиб тугатар эканмиз, ҳаёлимиздан илик бир фикр ўтади ва у кўнглимида чукур қоникиш ва мамнунлик ҳисларини уйғотади. Хушнудлигимизнинг боиси шундаки, сўнгги йилларда, хусусан, Истиқлол шарофати билан адабиёт ва санъат соҳасида ҳам умидбахш ижодий изланишлар ва самарали ижобий ўзаришлар жараёни кечмокда. Чунончи, халқимиз тарихи, бугуни ва унинг ижтимоий-маънавий ҳаёти, бой ва назокатли руҳияти ҳакида яратилаётган аксарият асарларимизда шахс ва воқеликни илгаригидек бирёклама, яъни нуқул оқ ёки қора бўёкларда юзаки, кўпиртириб тасвирлаш йўлидан борилмасдан, балки турмушимиздаги бор муаммолар, ҳаётий зиддият ва кийинчиликлар тўғрисида ҳам рўйирост ва куюнчаклик билан фикр юритишга мойиллик буғунги адабий жараённинг ва уйғонаётган миллий тафаккуримизнинг устувор бир йўналишига айланиб бормокда.

Шу нұқтаи назардан каралганда, Тоғай Муроднинг мазкур романни таникли адибларимиз – Одил Ёқубовнинг «Адолат манзили», Ўткир

Хошимовнинг «Тушда кечган умрлар» романлари, Абдулла Орипов ва Эркин Вохидовнинг янги шеърий туркумлари ёхуд Шукур Холмирзаев ва Учкун Назаров ёхуд Назар Эшонқулов, Шойим Бўтаев, Улугбек Ҳамдамовларнинг қатор насрый асарлари каби ана шу ҳаётбахш тамойилнинг – Мустақиллик туфайли санъаткорларимизга берилган чинакам ижод ва рух эканлигининг жиддий бир самараси сифатида ҳам эътиборга моликдир. Мавзу ва образлар хилма-хил, гоявий-бадиий савияси ҳам турлича бўлган мазкур асарларга хос муҳим бир муштаракликни таникли адибимиз Ўткир Ҳошимов тўғри қайд этди: «Мустақиллик бўлмаса, бу асарлар ёзилмас, ёзилган тақдирда ҳам чоп этилиши амримаҳол эди».

Бежиз эмаски, «Отамдан қолган далалар» романни танқидчилик ва кенг адабий жамоатчилик томонидан ҳам гоявий, ҳам бадиий жиҳатдан етук бир санъат асари сифатида тан олиниб, республика Давлат мукофоти билан тақдирланди. Бу биргина истеъодли ёзувчимизга берилган юксак мукофот бўлиб қолмасдан, балки у ҳамиша ҳак сўз билан маънавиятга ташна бўлган халқимиз ва хукуматимизнинг адабиётимизга нисбатан кўрсатаётган катта ғамхўрлиги ва эъзоз-эҳтиромининг ёрқин бир рамзи сифатида ҳам барча ижодкорларимиз учун қадрлидир.

Ниҳоят, истак тариқасида мазкур асар тили ва ёзувчи услуби билан боғлиқ яна бир мулоҳазани айтиб ўтмокчимиз. Маълумки, ҳеч бир адибнинг тили ва услуби бирданига бадиий етук ва мукаммал бўлиб колмайди. Балки улар ўша санъаткорнинг гоявий-бадиий тафаккури чуқурлашуви билан, адабий тажриба ва маҳорати ортиши ҳамда ҳалқ тили бойликлари ва мумтоз адабиётимиз гўзалликларини ижодий ўзлаштириши билан тўла шаклланиб, сайқал топиб боради. Зеро, аллома Фитрат айтганидек, «шоир-ёзувчи санъаткорликда кўтарила борган сари ўзига маҳсус бир услуг яратса бошлайди. Шоирнинг хаёл, ўй, тушуниш шакллари тугал, комил бўлгач, ўзига яраша бир услуг ҳам борлиқча чиккан бўладир».

Дарҳақиқат, Тогай Мурод ҳам ўз оригинал услубига эга бўлган бетакрор бир ижодкор бўлганлиги эндиликда ҳеч кимда шубҳа туғдирмаса керак. Ёзувчи ижодини мутассил кузатиб борган йирик санъаткорлар, малакали танқидчи ва адабиётшуносларгина эмас, балки бугунги адабий жараёндан озми-кўпми хабардор бўлган ҳар бир сезгир китобхон ҳам адиб асарларини энг аввало унинг насрый шеърларни эслатувчи ўзига хос мусикий ва рангдор тили ва шоирона услубидан ҳеч қийналмай билиб олади. Адибнинг «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» номли янги романни услуби ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бу, албатта, ёзувчининг ёрқин истеъодди, образли тафаккури, воқеликни ҳиссий – эмоционал қабул қилиши ва тасвирлашидаги миллий ўзига хосликлар билан ва хусусан, унинг ҳалқчил тили ва сўз танлашидаги бахшиёна бир санъаткорлиги билан чамбарчас

боғлиқдир. Лекин адабимизнинг сўз қўллашидаги битта жиҳат устида озрок ўйлаб кўриш лозимга ўхшайди.

Ёзувчининг айрим киссалари, айниқса романни тилида баъзан адабий тилимиз мезонларидан жиндек чекиниш ҳоллари учрайдики, бизнингча, бу усул тилимиз ва нуткимиз табиатига чукур сингишиб, ўзлашиб кетиши кийин кўринади, колаверса, оддий ўқувчиларнинг ҳам унга тезда кўнишиб кетиши енгил кечмайди. Чунончи, роман матнидаги айрим сўз ва иборалар негадир – балки техник эътиборсизлик оқибатида ёки таҳрирнинг етарли бўлмаганлиги туфайлими – зарур кўмакчи ва келишик кўшимчаларисиз берилган: «Қизиллар апил-тапил буғдойзор милтиқ (?) буради», «Мен эшак (?) толга қантараман», «Зиёдни онасини ёток (?) эргаштираман», «Пичоқни қайроқтош (?) чархлаб олдим» ва х.к.

Булар мазкур сўз бирикмалари ва жумлаларида бир оз бўлса-да ноаниклик тугдириб, китобхонларнинг асарда акс эттирилаётган у ёки бу ҳолатни тез ва осон тасаввур этишини бир қадар кийинлаштириши мумкин. Шунингдек, асар тилида учрайдиган «Узумбош чумчук чўқилаб ташламишдай - чумчук чўқилаб ташламишдай бўлиб қолди...» каби тор мақсадда кўлланган айрим чўзиқ тақрор ва тафсилотлар ҳам, назаримизда, ортиқчадек, ёзувчининг равон тили ва ҳалқчил услубини бир оз оғирлаштираётгандек туюлади. Бу мулоҳазалар, эҳтимол, романнинг кейинги нашрларида талабчан муҳаррирлар томонидан инобатга олинар.

Биз юкорида ўз мавзу ва қаҳрамонлари ҳамда тароватли услуби билан адабиётимиз оламида янги бир саҳифа очган истеъодли ёзувчимиз Тогай Мурод асарлари ва уларнинг тили хусусидаги дастлабки кўзатишларимиз билан ўртоклашдик. Ҳар бир асари билан ижодий камолот сари дадил кўтарила олган талантли адабимизнинг ўзига хос роман ва киссалари ҳали кўплаб қизғин адабий баҳс ва жонли мулокотларга сабаб бўлиши табиийдир.

## Ҳассос олим ва мураббий

Яратганинг тақдир битигими ёхуд табиат қонуними Инсон умрининг барқ уриб гуллаган даври, яъни авжи баҳори бўлганидек, унинг поёни ҳам мукаррар. Лекин, кани эди, шоир айтганидек, «Яшаб бўлмай умрини зинҳор, бу дунёдан кетмаса одам». Зеро, мутафаккирларнинг таъкидлашича, ҳар бир инсон ҳаётдан кўз юмиши билан гўё дунёни кемтик килиб кетар экан. Чиндан ҳам бу оғрикли бир хақиқат. Ажойиб инсон, ҳассос адабиётшунос олим ва нуктадон мураббий Акрам Каттабековнинг орамиздан бевакт кетганлигини эсга оларканмиз, унинг вафоти нафакат биз каби дўсту шогирдлари учун, балки адабиётимиз ва маънавий ҳаётимиз учун ҳам кутилмаган оғир йўқотиш бўлганлигини

янада кўпроқ англай бошлаймиз. Бу йўкотишнинг дилни ўртайдиган аламли томони яна шундаки, Акрам ака айни ижодий камолот даврида, яъни ўзининг истеъоди ва ўткир қалами билан адабиётимиз, илму маърифатимиз равнакига катта ҳисса кўшиб келаётган етуклик бир палласида ҳасталикдан вафот этди.

Айни пишиқчилик даврида кўзларимизни яшнатиб турган серхосил бир дарахтнинг шифил мевалари бехосдан турган бехосият совук бир шамолдан бир пасда дув этиб тўкилса, қанчалар ичимиз ачишади. Ҳолбуки, бу ҳар йил баҳорда гуллайдиган ва мева тугадиган оддий бир дарахтнинг bemavrid заволи.

Акрам аканинг ҳаёт йўли мазмунли ва кўп жиҳатдан ибратли деб ўйлайман. Жиззах вилоятининг Фаллаорол туманидаги чекка бир кишлок мактабини «Олтин медаль» билан тугатганлиги, болалик ва ёшлик йиллари жуда қийин кечганлигини онда-сонда шунчаки бир хотира сифатида тилга оларди. Айникса, оналари билан темир йўл станциясидаги вагонлардан кўмири ташиб, нон ёпиб,, аранг тирикчилик ўтказганликларини эсга олган пайтларида ҳам у кишида заррача зорланиш ёки кимларгадир писандা килиб қўйиш одати мутлако йўқ эди. Юксак орзулари ушалиб, Ўзбекистон Миллий Унверситети (Тош ДУ) талабаси бўлиш кейинроқ эса Москва Давлат Университети аспирантурасида таҳсил олиши Акрам Каттабековнинг зукко адабиётшунос ва талабчан мураббий бўлиб етишишида мухим омил бўлиб хизмат килганлиги шубҳасизdir.

60-70-йиллар адабиётимиз ва танқидчилигимизда ҳам маълум бир кўтарилиш жараёни юз берди. Худди шу йиллар Ўткир Ҳошимов, Рауф Парфи, Муҳаммад Али, Омон Мухтор, Омон Матжон, Тоҳир Малик, Бахтиёр Назаров, Бегали Қосимов, Нуъмон Раҳимжонов, Ортиқбой Абдуллаев, Турсуной Содикова каби ижоднинг турли соҳаларида муваффакиятли қалам тебратган кўплаб ёш истеъододларнинг сўз санъати оламига дадил кириб келиши адабиётимизда ҳам, танқидчилигимизда ҳам янги бир тўлқин яратди, дейиш мумкин. Мана шундай истеъододли ижодкорлар қаторида Акрам Каттабековнинг ҳам муносаб ўрни бор. Акрам ака баъзи «ижод аҳли» каби нукул кора меҳнатнинг кули бўлиб, ёхуд зўрма-зўракилик билан тиришиб-нетиб, алҳол, бир амаллаб «олим» бўлиб олганлар тоифасидан эмасди. Аксинча, у кишининг зуваласида, феъл-сажиясида зукколик, истеъод ва адабиётга ёниқ меҳр, бадииятга ошуфталик мавжуд эди. Кўп йиллик дўстона муносабатларимиз ҳамда салмокли асарларидан келиб чиқиб, ишонч билан айта оламанки, Акрам ака кўплаб унвонли адабиётшунослардан, энг аввало, ўзининг ҳақтўйлиги, нуктадонлиги ва мустаҳкам эътиқоди билан ажralиб турарди. Унинг энг кичик тақризи ёки йирик асарларини эътибор билан ўқиган, ёхуд адабий анжуманлардаги нутқи ва сухбатларини жиндек эшитган ҳар бир зийрак ўқувчи бунга амин бўлиши мумкин эди.

Акрам Каттабековнинг илмий –ижодий изланишлари энг аввало танқидчилик ва адабиётшунослигимизнинг нисбатан кам ёритилган ва айни пайтда, жуда мураккаб муаммоларидан бири бўлган тарихийлик ва бадиийлик масалаларига бағишланганлиги билан дикқатни тортади. Таникли адабиётшуносларимиз эътироф этишганидек, унинг «Тарихий ҳакикат ва бадиий маҳорат»и, «Олис юлдуз жилоси» ва «Тарих сабоқлари» асарлари XX аср тарихий прозасини илмий-назарий жиҳатдан чукур ёритиб бера олган баркамол тадқикотлар сирасига киради<sup>1</sup>. Гап шундаки, айрим адиларимиз тарихга, «мозийга кайтиб иш кўриш»нинг накадар мураккаб ва маъсулиятли эканлигини, жанрнинг ўзига хос юксак талаб – мезонлари мавжудлигини чукур ҳис этмаган ҳолда қалам суришади. Шу боисдан ҳам, гарчанд адабиётимизда тарихий мавзуларда яратилган ёстиқдай-ёстиқдай роман, қисса ва достонларнинг сон –санофи йўқ бўлса-да, лекин уларнинг аксарияти адабий жамоатчилик хотирасидан аллақачонлар унутилиб кетган.

Акрам Каттабеков, энг аввало, ўзбек адабиётимизда яратилган кўплаб нодир асарлар, жумладан, Абдулла Қодирий, С.Айний, Ойбек, Ҳ.Олимжон, Шайхзода, Абдулла Қаххор, Одил Ёкубов ва Пиримкул Қодиров сингари таникли адиларимиз қаламига мансуб бўлган ва адабиётимиз ривожида муносиб ўрин тутувчи етук тарихий роман, драма ва қиссаларни санъатнинг юксак талблари асосида ва жаҳон адабиёти андозалари мисолида тадқиқ этди. Бинобарин, у мазкур асарларнинг энг муҳим жиҳатлари – уларда тарихийлик ва бадиийлик меъёрлари сакланганлигини, тарихнинг санъаткорона бадиий таҳлили берилганинги чукур асослаб бера олади. Айни вактда, таланти, маҳорат ва савияси етмагани ҳолда, ўтмишнинг катта тарихий мавзуларига кўл уриб, лекин бадиий заиф асарлар яратган баъзи адиларимизнинг муваффақиятсизликлари адабиётимиз учун қанчалар қимматга тушишини аник далиллар асосида исботлаб берганлиги Акрам Каттабековнинг етук адабиётшунос сифатидаги тафаккури ва ҳакгўйлигини яккол кўрсатиб туради. Чунончи, «Наврўз», «Момоқалдирок», «Ота», «Хоразм» ва «Чирок» сингари асарларнинг кўп жиҳатдан санъат намунаси даражасига кўтарила олмаганлигини, айримлари, масалан, «Хоразм» романи бадиий асардан кўра кўпроқ «хужжатлар папкаси»ни эслатишини ҳам чукур илмий-эстетик таҳлил асосида ёритганлиги ҳам Акрам Каттабековнинг адабиётимиз ва танқидчилигимиз ривожи йўлида астойдил жонкуярлик килганлигидан ёрқин гувоҳлик беради. Бу жиҳатдан Акрам ака адабиётни мукалдас деб билган ва ана шу эътиқоди йўлида собит турган улуғ ижодкорларимизнинг, машхур олим ва адиларимизнинг ибратли

<sup>1</sup> Нуъмонжон Рахимжонов. Тарихий романлар тадқикотчиси. «Ўзбек тили ва адабиёти», №6, 2004, 16-18.

анъаналарининг муносиб бир давомчиси бўлиб гавдаланади, десак муболаға бўлмайди.

Акрам Каттабековдаги ҳақпаратлик ва адолатли қатъият, диёнат ва камтарлик унинг бутун ҳаёти ва фаолиятини эзгу мақсадлар сари йўналтирувчи устувор жиҳатларга айланган эди. Ана шундай фазилатлар туфайли, у ўзининг фаол маслакдошлари билан биргаликда вилоятда яхшигина бир илмий-адабий мухит яратишга мутасадди бўлди. Айниқса, олий ўкув юрти талабалари ва мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган катор дарслеклар мана шу илмий -адабий ҳамкорликнинг жиддий бир самараси бўлиб майдонга келганлигини мамнуният билан қайд этиш лозим.

Кувончли томони яна шундаки, бевосита Акрам Каттабековнинг ҳаммуаллифлигига яратилган 8-синф «Ўзбек адабиёти» дарслиги республикамиз зиёлилари томонидан миллий истиқлол ғоялари руҳида битилган мақбул дарслеклардан бири сифатида тан олиниши ва қайта – қайта нашр қилиниши ҳам унинг илмий-ижодий имконияти ва салоҳияти юксак эканлигини намоён этади.

Акрам Каттабековдаги диёнат, ҳалоллик, илм ва ижодга эътиқод каби ҳислатлар ҳакида сўз кетганда, кўплаб ибратомуз воеа-ходисалар ҳаёлимда жонланади. 1992-1993 йиллар Акрам акани Жиззах Давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факултетига Давлат имтихон комиссияси раиси сифатида таклиф этдик. Унгача ва ундан сўнг ҳам ўнлаб ДИК раислари келиб кетишган. Табиийки, улар орасида анчайин бир рисоласини ноёб матоҳдай реклама қилиб юрган, аслида, савияси факультет ўқитувчилари даражасидан ҳам пастрок бўлганлари учраганидек, ўзининг раислик лавозимини сусистеъмол қилиб, таъмагирлик ва гаразгўйлик билан танилиб кетганлари ҳам бор. Лекин институтимиз мураббийлари ва софдил талабалари Акрам Каттабековни етук олим, талабчан мураббий, диёнатли ва пок бир инсон сифатида ҳамиша чукур хурмат билан тилга олади. Ана шу кунларнинг бирида Акрам аканинг битирувчи талабаларимизга қарата айтган жиддий бир ўгити ҳеч ёдимдан чиқмайди. Давлат имтихони якунида айрим бўш талабаларимизга «кониқарсиз» баҳо қўйилар экан, у киши «Сизлар зинҳор мактабга бориб, ўқувчиларни майиб-мажруҳ қилиб юрманглар; адабиётга бутунлай бегона бунака «дипломли мутахассислар»ни ўқитувчи қилиб жўнатиш, бамисоли ҳалқнинг ичига секин портрайдиган бомбани қўйиш билан баравар», - дея қаттиқ танбеҳ берган эди. Қани эди, ҳаммамиз ҳам мана шундай аччик, лекин тўғри сўзни вактида айта олсак, кип-яланғоч киролга «вой, либосингиз мунча чиройли, жуда ярашибди», деб ялтолкламасак. Нихоят, Акрам акадаги ҳозиржавоблик, фикрлашдаги ўзига хос лутф ва тагдорлик унинг ноёб фазилатларидан бири эканлигини

ҳам ҳавас билан эслашга арзиди. Ўзларингиз мулоҳаза қилиб кўришларингиз учун бир-иккита мисол келтирай.

Одатда, номзодлик ва докторлик диссертациялари ёки авторефератларига ёзиладиган такризлар кўпинча кўлланавериб сийкаси чиқиб кетган бир хил шаблон сўзлардан, яъни бир-бирига ўхшаш расмий жумла ва хуносалардан иборат бўларди. Шу боисданми уларни Акрам aka «носковокдай силлиқ жумлалар» деб атарди. Москвада бир ресторонда тамадди килмоқчи бўлиб егулик нарсалар буюар эканмиз, «нондан кўпроқ айтайлик. Бу ердагилар нонни ҳам пиёзни пўстлоғидай юпқа кесишади», дея ҳазиллашганди. Ёки Гулистон университетида факултет декани бўлиб ишлаб турган етук адабиётшунос дўстимиз Қозоқбой Йўлдошевни докторлик ишини тезроқ якунлаб келишга ундаланини айтиб, «эмизики болачани онасининг кўкрагидан зўрлик билан тортиб олгандай килиб Тошкентга жўнатдик» деганида ҳам анчагина маъно ифодаланган. Буларнинг барчаси Акрам аканинг нигохи ўткир, ҳаётий мушоҳадалари бой ва нозиктаъб мунаққид, фикри теран бир инсон бўлганлигидан далолат беради. Акрам aka ўзининг ана шундай ёркин фазилати, салмоқли ижоди ва инсонларга самимий меҳр-мухаббати билан қалбимизда унутилмас таассурот қолдириб кетди.

## Адабиёт дарсликлари ҳақида (Сўнгсўз ўрнида)

Мустакил жумхуриятимизнинг келажаги, шубҳасиз, ҳозирги ёш авлод қанчалик баркамол ва маънавий етук шахслар бўлиб улғайишига боғлик. Бу эзгу максадларимизга эса таълим-тарбия тизими ва мазмунини тубдан ислоҳ қиласдан туриб эришиб бўлмаслиги аён. Хусусан, «Таълим тўғрисидаги конун» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида янги дарслик ва мажмуалар яратишни ҳаётнинг ўзи такозо этмоқда. Шу муносабат билан мен ўрта мактаб ўкувчилари учун мўлжалланган «адабиёт» дарсликларимиз юзасидан баъзи кузатишларимни баён этмоқчиман.

Эътироф этиш лозимки, сўнгги йилларда бир гуруҳ адабиётшунос олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан умумтаълим мактаблари учун тайёрланган «Ўзбек адабиёти» дарслик-мажмуалари собиқ шўро давридаги дарслик-хрестоматиялардан кескин фарқ қиласди. Истиклол шарофати туфайли юзага келган ва мустабид тузум мафкураси тазиқидан батамом қутулган бу дарслик-мажмуаларимиз бир қатор ижобий фазилатларга эга. Жумладан, бадиий адабиёт намуналарига илгаригидек синфиийлик ва партиявийлик нұктаи-назаридан эмас, балки уларга энг аввало санъат асари сифатида ёндашиш ва бадиийлик мезонлари асосида ўрганиш бу дарслик-мажмуаларимизнинг асосий хусусиятидир. Аммо

олий ҳакам бўлган вакт, жўшкин ҳаёт ва амалиёт уларни ҳам жиддий синовдан ўтказмокда.

Бинобарин, Истиклол эпкини билан бутун ҳаётимиз ва қалб-шууримизда кечеётган чуқур ижобий ўзгариш ва янгилинишлар боисми ёхуд ўкувчиларимизга муносиб адабий асарлар танлаш борасидаги талаб-мезонларимизнинг ҳар хиллиги сабаблими, ҳар қалай, аксарият дарслик-мажмуаларимиздан ҳозирча қўнглимиз тўлаётгани йўқ. Таассуфланарли жойи шундаки, «Адабиёт» бўйича дастур ёки кўлланмалар яратишдан олдин бугунги мактаб, коллеж ва академик лицейларимиз ўкувчиларининг руҳияти ва маънавий-эстетик эҳтиёжларини, салоҳияти ва дид-савиясини етарли даражада ўрганаялмиз, деб айта олмаймиз. Албатта, «Адабиёт» дарслик-мажмуаларимизнинг ҳар жиҳатдан такомиллашуви бир катор сабабомилларга бевосита боғлиқдир. Мен уларнинг айримларига эътиборингизни жалб этмоқчиман.

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, мавжуд дарслик-мажмуаларнинг айримлари жиддий тузилиши ва мазмун-мундарижаси яхлит тарзда пухта ўйланмаган ва умумий таҳрирдан ўтказилмаган кўринади. Эҳтимол, шунинг окибати бўлса керак, ўзгарилиши ва қисқартирилиши зарур бўлган ортиқча ўринлар, баҳсли мавзу ва матнлар кўплаб учрайди. Улар нафакат мазкур дарсликларнинг умумий даврий-савиясига, балки «Адабиёт» фанининг ўқитилиш жараёнига ҳам салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Чунончи, 5-11 синфлар учун чиқарилган «Ўзбек адабиёти» дарслик-мажмуаларида кўпгина мавзу ва адабий асарлар ёки улардан олинган матн парчалари негадир тақрорланмокда. Масалан, қадими ёзма ёдгорликларимиздан бири – Махмуд Қошғарийнинг «Девону луготит турк» асаридан олинган катор намуналар 5,7 ва 9-синфларнинг «Адабиёт» дарслик-мажмуаларига деярли ўзгаришсиз қайта-қайта киритилган. Ёхуд Юсуф Ҳос Ҳожиб, Ахмад Юғнакий, Яссавий ва Рабғузий каби мумтоз адабиётимиз вакиллари асарларидан олинган аксарият парчалар ҳам синфдан-синфга деярли бир хил йўсин-қолипда тақрорланиб келади. Табиийки, бу ҳол дарсликларнинг ғоявий-бадиий мундарижасини бойитиш ва уларнинг илмий-эстетик қимматини оширишга хизмат қилмайди. Бундан ташқари мазкур ҳолат таълим изчиллигига мос эмаслиги билан ҳам ўкувчи ва мураббийларда норозичилик туғдиради.

Шундай асоссиз қайтарикларни XX аср адабиётимиз намояндалари ҳаёти ва ижоди мисолида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, Ҳ.Ҳ.Ниёзийнинг баъзи ноаникликлардан ҳоли бўлмаган таржимаи ҳоли ва «Йиғла, Туркистан», «Дардига дармон истамас» каби шеърлари ҳам бир неча синф дарслик-мажмуаларидан ўрин олган. Бу эса ўкувчида хақли эътиroz уйғотади. Шу муносабат билан мантикий бир савол беришга тўғри келади: Қошғарий, Рабғузий ёки Ҳамзанинг айни бир асарини қуи синфда ўтганда, улар юзакирок ва қисқарок таҳлил этилиши керагу юкори синфга борганда эса яна

шу асарларни бошқатдан кенгроқ ўрганиш кўзда тутилганмикин? Бизнингча, дарслик-мажмуаларимизни мукаммаллаштириш ва ўкувчиларимизнинг инсоншунослик деб аталмиш инжа бир оламга бўлган меҳр ва иштиёқини кучайтириш учун энг аввало мана шундай ўринсиз такрор ва қайтариқларни бартараф этиш жоиз кўринади.

Иккинчидан, «Тўмарис» ва «Широк» каби эпосларимизнинг муҳим тарихий ва тарбиявий аҳамиятини ҳеч ким рад этмайди. Лекин уларни ҳам маълум бир синфда ўтишни режалаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Акс ҳолда, яна бемаврид қайтариқларга йўл қўйилади ва энг ташвишлиси, «Адабиёт» дарслари ўкувчиларни зериктирувчи бир машгулотга айланиб қолиш хавфи туғилади. Шунингдек, энг қадимги нодир Тошибитиклар ва «Ирқ битиг» (Таъбирнома) каби тарихий-адабий матнлар тўғрисида ҳам ўкувчиларимизга муайян тасаввур-тушунчалар берилиши фойдали, аммо бу каби илк ёзма манбалар «Тарих» дарсларида ҳам ўрганилишини эътибордан сокит килмаслик зарур.

Дарслик-мажмуаларимизнинг гоявий-бадиий мундарижасида йўл қўйилаётган номутаносибликтининг яна бир кўриниши мавжуд: 9-синф учун чиқарилган «Ўзбек адабиёти» (1997) мажмуасида Лутфий ва Атойиларнинг анъанавий мавзудаги, яъни асосан, ёр тавсифию хижрон мотивларини куйловчи 20-30 талаб ғазаллари берилиши ҳам, назаримизда, бир хилликка олиб келишидан ташқари, ўкувчиларнинг мумтоз адабиётимизга, айникса, ғазалиётга бўлган ҳавас ва қизикишларини орттирумайди. Бизнингча, Атойининг уч-тўртта нафис шеърини келтириш кифоя эди. (Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида Атойи истеъдоди ва маҳоратини юкори баҳолаган ҳолда шоирнинг қофияга етарли аҳамият бермаслигини таъкидлаб, биргина мисол келтириш билан кифояланганлигини эслайлик.)

Дарслик-мажмуаларнинг мазмун-савияси кўп жиҳатдан улардаги адабий асарлар ва матнларнинг қанчалик тўғри танланиши, чукур ва мантиқли таҳлили ва қолаверса, уларнинг ҳажмига ҳам боғлиқ эканлиги маълум. Шу жиҳатдан қаралганда ҳам, дарслик-мажмуаларда баъзи номувофиқлар кўзга ташланади. Чунончи, 5-синф учун чиқарилган «Ўзбек адабиёти» (Т., 1997) дарслик-мажмуада кўпгина атоқли адибларимиз ҳаёти ва ижоди беш-ён саҳифада тақдим этилган ҳолда, Аскад Мухторнинг «Бухоронинг жин кўчалари» қиссасига 30 саҳифа, Худойберди Тўхтабоевнинг «Сарик девни миниб» романидан олинган парчага эса бутун дарсликнинг катта бир қисми – 50 бети ажратилганлигини кандай изоҳлаш мумкин? Албатта, биз бу икки таникли адибнинг ўзига хос ижоди ва уларнинг адабиётимиз ривожидаги салмокли ҳиссаларини, жумладан, мазкур асарларининг муайян гоявий-бадиий қимматини асло инкор этмаймиз, лекин дарсликлар ҳажман чекланганлигини ва уларда ички бир меъёр сакланиши - илмий

педагогиканинг ҳам муҳим бир талаби эканлигини ёдда тутмоғимиз лозим. Қолаверса, ўзбек адабиётида ёхуд жаҳон адабиёти хазинасида шу синф ўқувчиларининг ёши ва савиясига мос бўлган ва булардан кўра ҳам етукроқ ва аҳамиятлироқ бадий дурдоналар оз эмас-ку.

Янги яратилаётган дарслик-мажмуаларда «Жаҳон адабиёти намуналари» берилиши ҳар жиҳатдан таҳсинга лойиқдир. Зоро, миллӣ махдудликдан кутулишнинг ва адабий-эстетик тафаккуримизни бойитишнинг ҳам асосий бир омили ҳам шу. Лекин юқоридаги каби ўринсиз такрор ва мантиқсиз қайтарикларни бартараф этиш ва дарслик-мажмуалар тузилишининг устивор йўналиши ва меъёрларига мувоғик келмаган адабий парчаларни оқилона қискартириш эвазига ҳам ўқувчиларимиз миллӣ ва жаҳон адабиётининг бадий етук намуналаридан кўпроқ баҳраманд бўлгани маъқул. Жумладан, Аветик Исаакян, Мухтор Аvezov, Мусо Жалил, Қайсин Кулиев ва Василь Биков каби машҳур адилар ижоди билан кенгроқ таништириб борилса – ёшларимиз тафаккури янада чукурлашиб ҳамда уларнинг бадий ижод оламининг рангнлиги ва теранлиги тўғрисидаги тасаввур-мушоҳадалари бағоят кенгаяр эди. Мен бу ўринда улкан ижодкорлар категорида таникли белорус ёзувчиси В.Биковнинг уруш мавзусидаги бетакрор асарларини, хусусан, унинг «Ёдгорлик» повестиини факт қизикарли сюжети ва қаҳрамонларининг кўпчилиги мактаб болалари бўлганлиги учунгина эслаетганим йўқ. Балки бундай асарлар энг аввало умуминсоний ғоялар билан йўғрилганлигини ва образларининг чукур ҳаётйлиги, ҳаққонийлиги билан ўқувчиларга инсон умрининг мақсад-моҳиятини теранроқ англаб етишлари учун ибратли сабоқ бўла олиши мумкинлигини таъкидламоқчиман.

Яратилажак дарслик-мажмуалар билан боғлик яна бир истак-орзуйимиз: мактаб, коллеж ва академик лицей ўқувчилари учун мўлжалланган ёки олий ўқув юртлари талабалари учун чиқариладиган дарслик-мажмуаларда алоҳида бир боб «Истиқлол ва ўзбек адабиёти» га бағишлисанса ва бу давр адабиётининг ҳаётбахш тамойиллари мухтасар бир шаклда ёрқин акс этиб турса, айни муддао бўларди. Бу ҳол дарсликларнинг замонавий руҳини чукурлаштириши ва Истиқлол ғояларининг давомийлигини таъкидлаши билан бирга, айни вактда, Миллӣ дастур талабларига ҳам амалий бир жавоб бўлар эди. Ниҳоят, яна бир мулоҳаза. Таълим ислоҳати талаблари билан янги ташкил этилаётган академик йўналишдаги айrim лицейларда «Ўзбек адабиёти» ҳафтасига икки соат, чет тиллари эса беш-олти соатдан ўрганилади. Бу билан мен чет тиллари ва айникса, инглиз тилининг муҳим ролини асло камситмоқчи эмасман. Аммо Президентимиз қайта-қайта уқтираётганидек, нурли келажагимиз равнақини таъминлайдиган маънавий баркамол авлодни вояга етказишида ва уларни Истиқлол ғояларига садоқат руҳида

тарбиялашда энг аввало миллий ва умуминсоний қадриятлар, хусусан, она тили ва адабиётнинг ўрни бекиёс эканлигини унутмаслигимиз зарур.

Албатта, дарсликларнинг савияси, ғоявий-бадий мазмуни ҳақида қайғуришимиз, жиддий баҳслашишимиз самараисиз қолмаслигига умид боғлаш мумкин. Бироқ асосий гап-ўқитувчиларимизнинг касб маҳоратида, уларнинг ижодий изланувчанинига, адабиётни нечоғлик чукур билиши ва эъзозлашидадир. Энг муҳими, шу юксак билим, эъзоз ва меҳри ўқувчиларга «юқтира олиш» да. Токи улкан адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов таъкидлаганидек, ўқувчининг қалби адабий асар берадиган барча маънавий бойлик ва гўзалликларни ардоклай оладиган кучга эга бўлсин. У ҳақиқат, адолат, виждан, тўғрилик деган муқаддас тушунчаларни аклангина эмас, қалбан ҳис қилсин. Хуллас, адабиёт унинг ҳаётида шундай ўрин олиб қолсинки, мактаб кучоғидан чиқиб кетганидан кейин ҳам у бирор кунини бадий асарсиз тасаввур қиломасин. Китоб унинг учун сув ва ҳаводек зарур, нондек азиз бўлиб қолсин.

#### ИЧЛАДИЛАЙ НИЗОМИЗАДА

001 ... яшадиган сардорлар  
010 ... ташимо майдонини шароидар  
101 ... искористади ташарр  
201 ... цепад қоидажи ва тоххади мажлис  
211 ... адабий оиласи каммиён

#### ЧАРГЧЛОНГИ НАТУРАГЧС

001 ... ташиме кечирбади майдони ўзиг  
101 ... искористади йасрар. иншадарни сабаблар  
111 ... салади ишланишни сабаблар

Мазмуниси  
Вақидой  
Ҳаводеси

чишқасен иминг

мозакк

жониён

000.80.70 ... иштаги ташкади ташимой  
0008 ... иншади ташкад  
10.70 ... искористади ташкад  
008 ... майдон  
11.70 ... иншади  
0000 ... ишланишни ташкад

ишиб келишади майдони ташкади. АДАСИ СОЗИДОР

ишиб келишади иншади майдони ташкади. АДАСИ СОЗИДОР  
ишиб келишади иншади майдони ташкади. АДАСИ СОЗИДОР

9 №. 303.

## МУНДАРИЖА

Муаллифдан

### I. ИСТИҚЛОЛ ВА АДАБИЙ-ЭСТЕТИК ТАФАККУР

1. Буюк эстетик таълимот. А.Навоийнинг адабий-эстетик қарашларига доир.....	5
2. Теран илдизлар. Саъдий ва Навоий ижодидаги муштараклик.....	9
3. Тарихий ҳақиқат ва бадиий талқин.....	14
4. Абдулла Қодирийнинг бадиий кашфиётлари.....	22
5. Ҳалқчиллик ва бадиият намуналари. Ғафур Ғулом.....	26
6. Адабиётимизнинг ёркин юлдози. Ҳамид Олимжон.....	30
7. Олмос янглиғ истеъдод. Ойбек-адабиётшунос.....	34
8. Мехр ва самимиятга йўғрилган ижод. Озод Шарафиддинов.....	36
9. Адабий таъсир масалалари.....	45

### II. ИЖОД САБОҚЛАРИ. АБДУЛЛА ҚАҲХОРНИНГ АДАБИЙ-ТАНҚИДИЙ ҚАРАШЛАРИ

1. Серкирра истеъдод .....	60
2. Характер яратишнинг муҳим омили.....	93
3. Ёзувчи ён дафтарлари.....	101
4. Ёзувчи шахси. Қаххор ва ижодкор ёшлар.....	108
5. Муқаммал нашр йўлида.....	119

### III. ЭРТА СЎНГАН ЮЛДУЗЛАР

1. Тоғай Мурод. Портретга чизгилар.....	128
2. Ҳассос олим ва мураббий. Акрам Каттабеков.....	147
3. Адабиёт дарслклари ҳакида.....	151

Техник мухаррир  
Рассом  
Мусаххих

Жўраев М  
Бозоров Б  
Бозорова Х

Босишига руҳсат этилди	07.08.2006
Қоғоз бичими	30x42
Ҳисоб-нашр табоғи	9.7 б.т.
Адади	500
Буюртма	№ 41
Бахоси келишилган нархда	

“IQTISOD-MOLIYA” нашриёти, 700084, Тошкент, Ҳ.Асомов кўчаси, 7-уй

Тошкент Молия институти босмахонасида ризография усулида чоп этилди.  
700084, Тошкент, Ҳ. Асомов кўчаси, 7-уй

31



## МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Филология фанлари номзоди, доцент Усмонжон Қосимов – атоқли адабиётшунос Озод Шарафиддиновнинг истеъдодли ва садоқатли шогирдларидан. У 1970 йили Наманган ДУ Ўзбек тили ва адабиёти факультетини имтиёзли диплом билан тугатган. 1974-1977 йиллар Ломоносов номли Москва Давлат Университети аспирантурасида ўқиган. 1978 йили “Абдулла Қаҳхорнинг адабий-танқидий мероси ва бадиий маҳорат масалалари” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

“Ёзувчининг сирлари. Абдулла Қаҳхор сабоқлари” (1995) монографияси, “Тоғай Мурод” (1997), “Теран илдизлар” (2002) номли рисолалари ва ўнлаб мақолалари адабий жамоатчиликка яхши таниш. Нобел мукофоти лауреатларидан Эрнест Хемингуей ва Уильям Фолкнернинг нутқлари У. Қосимов таржимасида “Жаҳон адабиёти” журналида чоп этилган.

Айни пайтда, Абдулла Қодирий номли Жиззах ДПИ Илмий ишлар проректори бўлиб ишлайди.